

Муҳаммад Салим ибн Муҳаммад Раҳим Бухорий

**ДУРРАТУЛ-ВАЪИЗИЙН**  
[ВОЪИЗЛАР СОЧГАН  
ДУРДОНА НАСИҲАТЛАР]

Тўлдирилган нашр

“Тошкент ислом университети”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2013

**МАЖБУРИЙ НУСХА**

УЎК: 297.18

КБК: 86.38 - *Ислоҳ*

Қ. 83

Дурратул-ваъизийн (Воизлар сочган дурдона насиҳатлар)  
Тўлдирилган нашр / Рисола Муаллиф: Муҳаммад Салим ибн  
Муҳаммад Раҳим Бухорий; Тақризчи: И.Узоқов – Т.: "Тошкент  
ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2012. – 160 б.

Таржимон – Нормуҳаммад Мирзо

Тақризчи: Иброҳимжон Узоқов


Ушбу диний-маърифий услубда битилган рисолада турли манбалардан танлаб олинган қизиқарли ривоят, ҳикоят ва нақллар мароқли ва равон тарзда баён этилган. Шу маънода айтиш мумкинки, рисоладан ўрин олган ҳар бир мавзу ибратли жиҳатлари ва панд-насиҳатлари кўпчилик ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2013 йил 18 апрель № 1014-рақамли тавсияси билан чоп этилди.

*N1 31781  
291*

ISBN 978-9943-390-31-7

© "Тошкент ислом университети"  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013





## СЎЗ БОШИ ЎРНИДА

Ўн саккиз минг олам Парвардигорига беҳисоб ҳамду санолар ва унинг Ҳабиби ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу ʻалайҳи ва олиҳи васалламга, аҳли байтларига ва саҳобаи киромларга туганмас дуруду саломлар бўлсин. Аммо баъд: ушбу “Дурратул-ваъизийн» (“Воъизлар сочган дурдона насиҳатлар”) номли мўъжаз китоб Муҳаммад Раҳим ўғли Муҳаммад Салим Бухорий (Аллоҳ уларнинг руҳини шод этсин) чеккан заҳматлари баробарига дунёга келган бўлиб, ҳижрий 1326 (1907 милодий) йилда ёзилган.

Кўпчилик китобхонларга “Дуррат-ул ваъизийн” (“Дурдона насиҳатлар” ёки “Воъизлар сочган дурлар”) рисоласи орқали таниш бўлган Муҳаммад Салим ибн Муҳаммад Раҳим Бухорий – Мирзо Салимбек 1850 йилда илм-фан, маданият равнақ топган Бухорои шарифда зиёли оилада дунёга келди. Унинг аждодлари Бухоро амирлигининг турли юқори лавозимларида хизмат қилган маърифатли инсонлар бўлган.

Мирзо Салимбек Бухоро амирлигининг идораларида кўп йиллар хизмат қилганлиги сабабли давлат идора услубини яхши билган амалдор сифатида амирликнинг Тошкентдаги вакили бўлиб ўн икки йил хизмат қилди ва Чор Россиясининг асл мақсади Туркистон ўлкасини бутунлай забт этиб, мамлакат учун текин хомашё етказиб берадиган вассалига айлантириш эканлигини англаб етиш билан бирга, амирликнинг давлатдорларини огоҳлантирди. Мирзо Салимбек Яккабоғ, Нурота, Бойсун,



Шеробод, Шаҳрисабз, Чоржўй вилоятлари ҳокими вазифасини бир неча йиллар бажариб келган соҳибқитдор амалдор бўлиб, Бухоро амирлари амир Абдулаҳад ва амир Олимхон ҳузурида катта обрў-эътиборга эга бўлган. Амирликнинг элчилари таркибида Петербургга борди. Амир Олимхон Мирзо Салимбекни инглизлар ва Колесов билан музокара олиб борадиган ҳайъатга раҳбар қилиб юборган эди. 1920 йилда Бухоро қизил аскарлар томонидан босиб олинганидан кейин Мирзо Салимбек амирликнинг бошқа амалдорлари билан бирга Сибирга сургун қилинди.

Мирзо Салимбек ёзган асарларини Мирзо Салимий, Муҳаммад Салим Бухорий, Муҳаммад Салим ибн Муҳаммад Раҳим Бухорий таҳаллуслари билан имзолаган. Унинг “Кашкули Салимий” (Салимийнинг дарвешлик халтаси), “Жомеи гулзор” (“Гулзор мажмуи”), “Мухбирул ҳикоёт” (“Хабар берувчининг ҳикоялари”), “Дурратул ваъизийн” (“Воъизлар сочган дурлар”) ва бошқа асарларини халқимиз қўлидан қўймай ўқиганини, қўлда кўчириб ва тошбосмаларда чоп этилганидан билса бўлади.

«Дурратул-ваъизийн» (“Воъизлар сочган дурлар”) номли мўъжаз рисола Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва саҳобаи киромларнинг ҳаётларига оид ҳадис лавҳаларини ўз ичига олган. Шунингдек, Қуръони карим оятлари билан ҳам безалгандир. Муаллиф асар бошида таъкидлаганидек, ривоят ва ҳикоятларни араб тилидаги бир қанча мўътабар китоблардан жамлаб, араб тилини билмайдиган мўмин-мусулмонларни баҳраманд этиш ниятида тасниф этган. Ривоят ва ҳикоятлар сўнгида фойдаланилган арабча манба номи келтирилган.

Китоб мутолааси асносида фасоҳатли ўқувчилар шариати набавиянинг талаб ва қоидаларидан огоҳ бўлгайлар, ислонинг аркону масоилидан, муаззам ойлар хосияти, закотни адо этиш, таровеҳ намози, жамоат намози, қурбонлик қилиш, ёрдам бериш,






ота-онани қадрлаш, меҳмоннавозлик шарофати, саломлашиш одоби, хайру саховат каби пурсавоб ва эзгу ишлардан хабардор бўладилар.

«Дурратул-ваъизийн» фазлу ҳикматга, дурдона панду насиҳатларга кон, тўғрилиқ, поклик, инсонийлик, ҳусни хулқ, худони таниш каби ислоний хислатлар зикр этилган дурдона асардир.

Истиқлол туфайли аждодларимиз маънавияти чашмасининг зилол қатраси бўлмиш «Дурратул-ваъизийн» рисоласидан баҳраманд бўлиш шарафига муяссар бўлган ўқувчилар Ўзбекистонимизнинг янада равнақ топишига, муслмонлар сафининг янада кенгайишида муносиб ҳисса қўшадиган, исми жисмига монанд баркамол авлод бўлиб етишадилар, деган умиддамиз.

«Дурратул-ваъизийн» рисоласи кенг китобхонлар оммасига, ислом маърифатини тарқатувчи исломшунос мутахассисларга мўлжалланган.

**Нормуҳаммад Мирзо**



Бисмиллаҳир Раҳманир Раҳийм

## РАСУЛИ АКРАМ САЛЛАЛЛОҲУ ЁАЛАЙҲИ ВА ОЛИҲИ ВАСАЛЛАМГА ДУРУД АЙТИШ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Ривоят қиладиларки, Расулуллоҳ саллаллоҳу ёалайҳи ва олиҳи васаллам (с.а.в.) ҳазратлари марҳамат қилиб дедилар: «Меърож кечаси Жаброил, Микоил, Исрофил ва Азроил алайҳиссаломлар олдимга келдилар. Жаброил алайҳиссалом (а.с.) дедилар: «Ё Расулаллоҳ, Сизга ўн мартаба салавот юборган умматингизнинг қўлидан ушлаб, Сирот кўпригидан ўтказурман». Микоил (а.с.) дедилар: «Ё Расулаллоҳ, мен у салавот айтгувчини Кавсар ҳовузидан сероб қилиб, чанқогини қондирурман». Исрофил (а.с.) дедилар: «Ё Расулаллоҳ, мен бошимни саждага қўйиб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло у бандани мағфират қилмагунча бошимни саждадан кўтармасман». Азроил (а.с.) дедилар: «Ё Расулаллоҳ, мен салавот айтгувчининг жонини пайғамбарлар жонини қабз этган каби осонлик билан қабз этурман» («Минтафсирал-лубоб»).

Расулуллоҳ (с.а.в.): «Умматларимдан кимки жума куни менга юз мартаба салавот айтса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло қиёмат куни у бандага барчанинг нуридан зиёдроқ нур ато этади», – деган эканлар.

Анас ибни Молик розийаллоҳу анҳу (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.) дан ривоят қиладилар: «Умматларимдан кимки менга салавот айтмай дуо қилса, у дуо ер билан осмон орасида муаллақ қолур ва у айтган салавот осмон пардаларини пора-пора қилур ва дуо ижобат маконига етади», – дедилар.

Ҳикоят. Солиҳ бир киши ташаҳхуддан кейин салавот айтишни унутди. Тушида Расулуллоҳ (с.а.в.)ни кўрди. Расули Акрам (с.а.в.)

ҳазратлари унга дедилар: «Нега менга салавот айтмадинг?» Солиҳ деди: «Ё Расулаллоҳ, Аллоҳга сано айтиш билан машғул бўлиб, салавот айтишни унутибман». Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Эй фалончи, сўзимни эшит, менга салавот айтмагунингча, сенинг барча амалларинг маъқул ва дуоларинг ижобат бўлмагай. Агар дунёдаги барча тоатларни жамласанг-у, лекин менга салавот айтмасанг, ибодатинг рад этилиб, унинг бирор зарраси мақбули илоҳий бўлмас».

Ривоят қилурларки, Расули Акрам (с.а.в.) марҳамат қилиб: «Менинг назаримда менга кўпроқ салавот айтувчи энг яхши одамдир», – деб айтган эканлар.

Зайд ибни Ҳорис (р.а.) ривоят қилурларки, Расули Акрам (с.а.в.) дан эшитдим. «Агар кимки, «Аллоҳумма салли ʔало Муҳаммадин ва анзилҳу манзилал муқарраби ʔиндака явмал қиёматих (Ё бор Худоё, Муҳаммадга дуруд етказ ва қиёмат куни унга Ўзингга яқинроқ жой бер) деса, у одамга менинг шафоатим вожиб бўлади», – дедилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинади: «Кимки таъзим билан менга салавот айтса, Аллоҳ таоло ушбу салавотдан бир фаришта пайдо қилур. У фариштанинг икки қаноти бўлиб, бир қаноти Машриқда ва бир қаноти Мағрибда, оёғи ернинг еттинчи қаватида, боши эса, мудом Аршда туради. Бу банда менинг ҳабибим – Муҳаммад (с.а.в.)га салавот юборгани учун унга салавот айт, деб Аллоҳ таборак ва таоло бу фариштага фармон беради», – деган эканлар («Зубдатул-ваъизийн»).

Абдураҳмон ибни Авф (р.а.) Расули Акрам (с.а.в.)дан ривоят қилурлар: «Жаброил (а.с.) ҳузуримга келиб дедилар: «Ё Муҳаммад, сизга битта салавот айтган умматингизга Аллоҳ субҳонаху ва таоло етмиш минг фариштага салавот айтишни буюради ва у бандани аҳли Жаннатдан қилғусидир».

Омир бинни Робиъа (р.а.) ҳазрати Расули Акрам (с.а.в.)дан эшитганман деб ривоят қиладилар. «Менга салавот юборганларга, хоҳ мукаммал бўлса, хоҳ касир, фаришталар унга ҳам салавот айтадилар», – дедилар («Шифон шариф»дан).

Расули Акрам (с.а.в.)дан ривоят қилурларки, «Агар, умматимдан кимки менга эрталаб ва кечқурун ўн маротаба дуруд айтса, Аллоҳ таоло уни қиёмат куни хавф-хатарлардан асрайди ва набийлар ҳамда сиддиқлар сафига қўшади» («Зубдатул-ваъизийн»).

Саъид(р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Мажлисда ўтириб, мажлис охирида менга салавот айтмаганлар Жаннатга борганда, савобнинг баландроқ даражасига эришмаганликларидан афсус қиладилар» («Шифон шариф»дан).

Ривоят қилурларки, Расули Акрам (с.а.в.): «Менинг дурудимни китобат қилганларни, менинг исмим бу китобда бор бўлган вақт ичида фаришталар унинг кечирилишини даргоҳи Илоҳийдан тилайдилар», – деб айтган эканлар.

Ривоят қилурларки, Расули Акрам (с.а.в.) дебдурлар: «Жаброил (а.с.) ҳузуримга келиб дедилар: «Ё Муҳаммад, Аллоҳ таоло Кўҳи Қоф ортида бир дарё яратгандир. У дарё тўла балиқ бўлиб, у балиқлар кеча-кундуз Сизга салавот айтурлар. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло, Сизга салавот айтган, беш вақт намозни жамоат билан ўқиган умматларингиз номаи аъмолларига балиқлар айтган салавотлар савобини ёзишни ва Забонияи Дўзах қўлидан озод ва охират азобидан халос этишни буюради» («Минат-тиббиён»).

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоятида. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мўмин банда менга ҳар қачон дуруд айтса, Аллоҳ таоло амри билан бир фаришта ушбу салавотни менинг қабримга элтади. Фаришта

айтур: "Ё Муҳаммад, умматингиздан фалончи бинни фалончи Сизга салавот айтди. Мен фариштага: Мендан ўша умматимга ўн марта салавот етказ, унга менинг шафоатим вожиб бўлгай", – дейман. Шундан кейин бу фаришта Аршга бориб, Илоҳо, фалончи бинни фалончи ҳабибинг Муҳаммад Мустафога бир марта салавот айтди. Аллоҳ таборак ва таоло айтур: «Эй фаришта, ўша бандага мендан ўн марта салавот етказгин». Шундан кейин Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло салавотнинг ҳар бир ҳарфидан битта фаришта халқ қилур. Ҳар бир фариштанинг бошида уч юз олтмишта юзи бўлиб, ҳар бир юзида уч юз олтмиш оғзи, ҳар бир оғзида уч юз олтмиш тил ва ҳар бирида уч юз олтмиш лугатда сано айтур». Аллоҳ таоло салавотнинг ҳосил бўлган барча савобини салавот айтгувчининг номаи аъмолига қиёмат кунигача ёзиб, ҳазрати Расули Акрам (с.а.в.)га етказди». («Ҳаётул-қулуб»).

Абдурахмон ибн Авф (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар: «Жаброил (а.с.) ҳузуримга келиб, Ё Муҳаммад, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло башорат берди: «Сизга салом айтган умматингизга салом юборурман, салавот айтганларига салавот юборурман» деган хабарни келтирдилар», – деб айтган эканлар.

Ривоят қиладиларки, Ҳасан Басрий (р.а.) Абу Исмаил (р.а.)ни вафотидан кейин тушида кўриб сўради:

- Аллоҳ таборак ва таоло сенга нима қилди?
- Мени мағфират этди, – деб жавоб берди Абу Исмаил.
- Қайси хислатинг учун? – сўради Ҳасан Басрий (р.а.)
- Нимаики сўз айтсам, охирида Расулуллоҳ (с.а.в.)га салавот юборардим, – деб жавоб берди Абу Исмаил («Зубдагул-ваизин»).

Анас ибни Молик (р.а.) Расули Акрам (с.а.в.)дан ривоят қилурларки, «Агар умматим менга бир марта салавот айтса, Аллоҳ таоло унга ўн марта салавот айтур. Агар у менга юз марта

салавот айтса, Аллоҳ таоло унга иккита барот ато қилур, бир барот нифоқдан ва бир барот Дўзах оташидан халос этади ҳамда уни қиёмат куни шаҳидлар сафига қўшади», – дедилар Расулulloҳ (с.а.в.) («Ҳаётул-қулуб»).

Расулulloҳ (с.а.в.) деган эканларки, Жаброил (а.с.) олдимга келиб: «Ё Муҳаммад, кимки раҳмат ва мағфират талабида бўлса, Сизга салавот айтсин деди Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло. Кимки сизга салавот айтишни тарк этса, хайрдан маҳрумдир. Исмिंगизни айтгандан кейин: «Аллоҳумма салли аъло Муҳаммадин ва аъло жамийил анбиёи вал Мурсалин ва аъло оли Муҳаммад ва саҳбихи ва аҳли байтиҳи (Ё бор Худоё, Муҳаммад (с.а.в.)га ва юборилган барча мурсал пайгамбарларга, Муҳаммаднинг аҳли оиласига ва саҳобаларига дуруд етказ) деб салавот айтсин дедилар», – («Зубдатул-ваъизийн»).

Ривоят қиладиларки, Расулulloҳ (с.а.в.): «Менинг исмимни эшитиб, менга салавот айтмаган одам энг бахил одам ҳисобланади», – деган эканлар («Жомеъус-сағир»).

Ривоят қиладиларки, Жаннат аҳли учта белгиси билан ажралади: биринчидан – фақирларга яхшилик қилувчилар, иккинчидан, раҳмдил ва қалбдан дўстлик қилувчилар, учинчидан, пок, солиҳ кишилар.

Ваҳҳоб ибни Мунаббах (р.а.) Расули Акрам (с.а.в.) дан ривоят қилурлар: «Менга ўн марта салом айтган, умматим гўёки ўз тиллосини сарф қилиб, бир қулни озод этгандек бўлур» («Шифои шариф»).

Анас ибни Молик (р.а.) Расули Акрам (с.а.в.) ривоят қилурлар: «Агар икки мусулмон мулоқот вақтида менга салавот айтсалар, улар бир-биридан ажралмай туриб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўз лутфу карами билан уларнинг ўтмишдаги ва келгусидаги гуноҳларини мағфират этади» («Равоҳул-муслимийн»).



Ривоят қиладиларки, Расулulloҳ (с.а.в.) бир куни масжидда ўлтирган эдилар, бир йигит кириб келди. Пайгамбар (с.а.в.) уни тавозе билан кутиб олдилар ва Абубакр Сиддиқдан (р.а.) юқорига, ўз ёнларига ўтказдилар ва Абубакр Сиддиққа (р.а.) дедилар: «Бу йигитни сиздан юқорига ўтказишимнинг сабаби шундаки, ҳар куни саҳарда ва кечқурун менга Ҳамса салавотини кўп айтур. Ҳамса салавоти будур:

«Аллоҳумма салли ʻало Муҳаммадин би ʻадади ман салла ʻалайҳи ва салли аъло Муҳаммадин би ʻадади ман лам юсалли ʻалайҳи ва салли аъло Муҳаммадин камо туҳиббу ва тарзо ан тусалли ʻалайҳи ва салли ʻало Муҳаммадин камо амартано биссалоти ʻалайҳи ва салли ʻало Муҳаммадин камо танбағис салоту ʻалайҳи минал азали илал абад би раҳматика ё арҳамарроҳимин» (Ё бор Худоё, дуруд айтувчилар миқдорича Муҳаммадга дуруд етказ ва дуруд айтмовчилар миқдорича Муҳаммадга дуруд етказ. Ўзинг севганинг миқдорича Муҳаммадга дуруд етказ ва дуруд айтувчилардан ўзинг рози бўлиб, бизни дуруд айтишга буюрганинг каби Муҳаммадга дуруд етказ. У азалдан абадга қадар меҳрибонларнинг меҳрибони бўлганлиги учун сенинг раҳматингга сазавордир) («Зубдатул-ваъизийн»).

Расули Акрам (с.а.в.) марҳамат қилиб дедиларки, «Агар умматимдан ҳар ким «Аллоҳумма салли аъло Муҳаммадин аътимо аътайтаҳу миншарафи ва кароматиҳи аъло Муҳаммад саллаллоҳу ʻалайҳи васаллам» (Ё бор Худоё, Муҳаммадга шарафи ва каромати миқдорича дуруд етказ) деб айтса, Аллоҳ таоло у бандага ўнта раҳмат берур ва ўнта гуноҳини кечиб, унинг даражасини Жаннатда улут этади, деб ривоят қилганлар Анас ибн Молик (р.а.).

Абу Ҳурайра (р.а.) ва Амор ибни Ёсар (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.) дан ривоят қилурлар. «Аллоҳ таоло ўзининг комил қудрати билан Мағрибдан Машриққача барча халойиқ нимаики деса, эшитадиган бир фаришта яратгандир. Умнатларимдан бирор шахс салавот айтса, бу фаришта эшитади ва қабримга келиб, Ё Расулаллоҳ (с.а.в.), умнатларингиздан фалончи бинни фалончи Сизга салавот айтди, деб хабар беради» дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.) («Абумасъуд»).

Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар: «Илгари ўтган пайғамбарларнинг умнатлари уларни алқаганидек ва сизлар мени алқагандек менга дуруд айтинг» дедилар.

Ривоят қилурларки, Аллоҳ таоло Мусо (а.с.)га: «Агар менга яқин бўлишни истасанг, ҳабибим Муҳаммад (с.а.в.)га кўпроқ салавот айт, шунда сени кўпроқ севиб, ўзимга яқинроқ тутай», – деди.

**Масала.** «Шифо» соҳиби уламолар қавли бордур, дейди. Набийдан бошқаларга салавот айтиш жоиздур. Ибн Аббос (р.а.) набийдан бошқага салавот айтиш жоиз эмас ва жамиъи анбиёга салавот айтишнинг ҳам боиси йўқдир, деган эканлар.

Ибн Умар (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладиларки, «Менга, олу асҳобимга, азвожу зурриётимга: «Аллоҳумма салли ғало Муҳаммадин ва асҳобиҳи ва азвожиҳи ва зурриётихи васаллам, деб салавот айтишлар», – деб марҳамат қилдилар.

«Шифои Қози» китобида «Ол»дан мақсад тобеъинлардур, баъзилар айтурки, умнат демақдир, дейилган.

Анас ибни Молик (р.а.) ривоят қилурлар: Расул (с.а.в.)га «Ол»дан мурод недур? – деб савол бердим. «Мазҳаб жиҳатидан яхшилари ва фарқ этувчилар», – деб жавоб бердилар («Шифои шариф»).



Авс (р.а.) шундай деб ривоят қиладилар: «Жума кунлари салавотни кўпроқ айтинг, салавотингизни менга ўша куннинг ўзида етказадилар», – деган эканлар Расулуллоҳ (с.а.в.) («Зубдатул-ваъизийн»).

Абу Бакр Сиддик (р.а.) ривоят қилган эканларки, Пайғамбар (с.а.в.)га салавот айтиш хосияти шуки, сув оловни қандай ўчирса, салавот ҳам гуноҳни шундай ювади ва Пайғамбарга (с.а.в.) салавот айтиш қулни озод этгандан ҳам афзалроқдир («Шифои шариф»).

Абдуллоҳ ибни Жобир (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар: «Агар умматларим бир жойга йигилиб, мажлис охирида менга салавот айтмай туриб кетсалар, гуёки атрофга қўланса ҳид тарқатиб кетгандек бўладилар» («Шифои шариф»).

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: Салавот айтишни унутганлар гуё Жаннат йўлини йўқотгандек бўладилар («Шифои Шариф»).

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: Агар менинг исмим бирон бир йигилишда зикр қилингандан кейин менга салавот айтилмаса, улар Дўзах аҳлидан бўладилар». Билгилки, Пайғамбарга салавот айтиш вожибдур.

Имом Таховий (р.а.) айтурлар, Пайғамбарнинг исмлари ҳар бир айтилганда «Саллаллоҳи ʔалайҳи васаллам» деб айтишлик вожибдур. Баъзи уламолар эса, бир мажлисда бир марта «Саллаллоҳи ʔалайҳи васаллам» дейилса кифоядир, деб айтган эканлар («Шифои Шариф»).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) ривоят қилурлар «Аллоҳ таоло қиёмат куни бир қавмга Жаннатга киринг, деб буюради. Улар қиёмат Арасоти саҳросида ҳайрон бўлиб туришганида, «Ё Расулаллоҳ, бу қавм Сизнинг умматларингиздан эмасми ва нима учун Жаннатга кирмаяптилар?» – деб сўрашди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бу қавм хато



ва камчилик қилиб, менинг исмимни эшитганда салавот айтишмаган. Шу боисдан Жаннат йўлини топа олмай ҳайрондирлар», – деб жавоб бердилар («Равнақул-мажолис»).

Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинади: «Агар умматларимдан кимки, ҳар куни менга беш юз марта салавот айтса, умри бўйича ҳеч қачон фақирлик ва муҳтожликни кўрмайди» («Зубдатул-ваъизийн»).

Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло иккита фаришта халқ этгандир. Менинг исмимни ҳар бир мусулмон ҳузурида ёд этса ва эшитувчи саллаллоҳу ғалайҳи васаллам деб айтса, бир фаришта, сени Аллоҳ таоло мағфират этсун деса, иккинчиси омин дейди. Агар менинг исмимни эшитиб, салавот айтмаса, бир фаришта, Аллоҳ таоло сени мағфират этмасун деса, иккинчиси, омин дейди», – деб марҳамат қилган эканлар («Абумасъуд»).

**Ҳикоят.** Бир зоҳид Расулulloҳ (с.а.в.)ни туш кўрди. Расулulloҳ (с.а.в.) муборак юзларини у зоҳиддан бошқа томонга бурдилар. «Ё Расулаллоҳ, мен фалон зоҳидман», – деди. Пайгамбар (с.а.в.): «Менга салавот айтган умматларимни ўз ота-онамдан ҳам яхшироқ танийман», – дедилар («Зухратур-риёз»).

**Ҳикоят.** Бир аёл Имом Ҳасан Басрий (р.а.) ҳузурларига келиб, йиглаб-йиглаб: «Эй имом, қизим яқинда вафот этган эди. Тушимда уни қоп-қора кийимда, бўйни ва оёқларини оташ занжирлари билан боғланган ҳолда кўрдим». Имом Ҳасан Басрий ва асҳоблари бунини эшитиб йиглаб юбордилар. Бир қанча вақтдан кейин имом Ҳасан Басрий ўша қизни тушларида кўрсалар, эгнида ҳарир кийимлар, бошида зар-зеварли тож, Жаннатда, тахт устида ўлтирган эди. «Эй имом мени танимадингизми?» – деди. Имом: «Йўқ», – дедилар. Қиз: «Онам ҳузурингизга бориб, менинг азоб-уқубатларим ҳақида йиглаб гапирган эдилар», – деди. Имом: «Бу мартабага қандай

етишдинг?» – деб сўрадилар. Қиз деди: «Бир одам қабристон олдидан ўтаётиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)га салавот айтди ва салавотнинг савобини аҳли қубурга бағишлади. Ўша қабристонда эркак ва аёлдан беш юз эллик киши азобга дучор бўлган эди. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг салавотлари баракотидан бу қавм азобдан озод қилинди ва Жаннатга киритилди» («Зубдатул-ваъизийн»).

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, султоннинг яқин ходимларидан бўлган бир фосиқ киши бўлиб, у ҳар куни фисқ-фужур билан машғул эди. Вафот этгандан кейин Аллоҳнинг авлиёларидан бир шахс тушларида уни кўрсалар, Расулуллоҳ (с.а.в.) билан қўл ушлашиб юрган экан. Авлиё:

– Ё Расулаллоҳ (с.а.в.), бу фалончи фосиқ-ку, қайси хислатлари учун унинг қўлини Сизнинг қўлингизда кўряпман? – деб сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.):

– Аллоҳ таборак ва таоло уни мағфират этди, – деб жавоб бердилар.

– Қайси ишлари учун бу даражага етишди?

– Бу киши ухлашдан олдин минг мартаба менга салавот айтар эди, – дедилар («Тухфатул-мулк»).

Убай ибн Каъб (р.а.) ривоят қилурлар: Қиёмат куни Одам (а.с.) Муҳаммад (с.а.в.)нинг умматларидан бир кишини Дўзахда кўриб: «Ё Муҳаммад (с.а.в.), Дўзахдаги бу умматингизни қутқаринг», – дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) келиб, Забониядан сўрадилар: «Менинг бу умматим қайси гуноҳлари учун Дўзахга гирифтор бўлди?» Забония деди: «Мезонда унинг гуноҳлари ортиқ келганлиги сабабли». Расулуллоҳ (с.а.в.) бир хат ёзиб мезонга қўйган эдилар, савоби гуноҳларини босиб кетди ва Дўзахдан халос бўлди. У Пайгамбар (с.а.в.)дан сўради: «Ё Расулаллоҳ (с.а.в.), мени халос қилган бу қандай хат эди?» Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «У дунёда менга айтган салавотингни сақлаган эдим». У

мискин андуҳ билан: «Нега энди бутун умрим бўйи Сизга салавот айтиш билан машғул бўлмадим», – деб афсус-надоматлар чекди («Канзул-ахбар»).

Расулуллоҳдан (с.а.в.) ривоят қиладилар: Аллоҳ таборак ва таоло бир фаришта яратган бўлиб, у қўлида олтин қалам ва кумушдан қоғоз ушлаб, қиёмат кунигача Расулуллоҳга (с.а.в.) салавот айтганларнинг салавотини ёзиб боради ва маҳшар куни бу салавотларни Расулуллоҳга (с.а.в.) топширади («Зубдатул-ваъизийн»).

**Ҳикоят.** Мадина шаҳридаги бир гайридин мусулмонга тухмат қилиб, туясини тортиб олмоқчи эди. Бир нечта мунофиқни гувоҳ қилиб, Пайгамбар (с.а.в.) ҳузурларига келди: «Абулқосим, бу мусулмон менинг туямни ўгирлади», – деди. Гувоҳлар ёлгон гувоҳлик бериб, Пайгамбар (с.а.в.) туяни гайридинга топшириб, мусулмоннинг қўлини кесишга фармон берди. У бечора деди: «Ё Расулаллоҳ(с.а.в.), Сизнинг ҳар бир ҳикматингиз ҳақдир, лекин туядан унинг эгаси кимлигини сўранг?» – деб илтимос қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эй туя, сенинг эганг ким?» – деб сўрадилар. Туя фасоҳат тили билан салом бериб деди: «Ё Расулаллоҳ, бу мусулмон менинг соҳибимдур. Гувоҳлар ёлгончи ва мунофиқдурлар». Пайгамбар (с.а.в.) мусулмондан сўрадилар: «Туяни сўзлатиш мартабасига қандай қилиб эришдинг?» Мусулмон деди: «Ё Расулаллоҳ, ҳар куни ухлашдан олдин Сизга ўн мартаба салавот айтаман». Пайгамбар (с.а.в.) дедилар: «Қўлингнинг кесилиши азобидан, дунё офатидан, уқбо ғазабидан қутулдинг» («Зубдатул-ваъизийн»).

**Ҳикоят.** Фузайли Аёз ва Суфёни Саврий раҳимаҳуллоҳ ҳаж ибодатини адо этиш учун Каъбага келганларида, Байтуллоҳга қараб, Арафотда ҳам, Минода ҳам, Муздалифада ҳам салавот айтишдан бошқа нарса билан шуғулланмайдиган бир одамни учратдилар.




– Бу муборак мақомларда намоз ўқиш, дуо қилиш лозим, сен нимага салавот айтишдан бошқа амал қилмайсан? – деб сўрадилар.

– Менинг қиссам жуда узун, – деди.

– Айтиб бер, – деб илтимос қилдилар. У шундай деб ҳикоя қилди: «Ҳаж ниятида отам билан бирга Хуросон вилоятидан йўлга чиқиб, Куфа шаҳрига келдик. Отам Куфада хасталаниб вафот этди. Отамнинг жони узилгандан кейин боши эшакнинг бошига айланди. Одамлардан хижолат бўлиб, дод-вой қилиб кўп йиғладим. Уйқу ғолиблик қилди. Ухлаб тушимда кўрсам, бир очиқ чехрали одам келиб, отамнинг юзини ўз муборак қўллари билан силадилар. Отам олдинги ҳолига қайтди ва юзи ўн тўрт кунлик ойдек нур соча бошлади. Мени бундай гурбатдан халос этган эй саодатли инсон кимсиз?» – деб сўрадим. «Сенинг Пайғамбаринг Муҳаммад Мустафодурман. Отанг судхўрлик қиларди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло судхўрларни қиёматда эшак шаклида тирилтиради ва улар қабрдан эшак сингари ҳанграб турадилар. Аммо сенинг отанг ҳар куни уйқудан олдин менга ўн марта салавот айтар эди. Отанг вафотидан кейин салавот муаккили бўлган фаришта менга хабар етказди. Шу сабабдан келиб, уни шафоат қилдим», – дедилар» («Канзул-ахбор»).

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинур: Аллоҳ таборак ва таоло ҳар куни ўн марта менга салавот айтган умматимнинг юзта ҳожатини раво қилгусидур, ўттизтаси бу дунёда ва қолган етмиштаси охиратда, – деган эканлар («Абумасъуд»).

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: Уч тоифа одамлар менинг юзимни кўрмайди: биринчи – ота-онасига оқ бўлганлар, иккинчи – менинг суннатимни тарк этганлар ва учинчи – менинг исмимни эшитиб, салавот айтмаганлар.



Анас ибн Молик (р.а.) Расули Акрам (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар: «Ўз мажлисларингизни менинг салавотим билан зийнатланг. Ушбу салавот қиёматда сизнинг нурингизга айланади». («Соҳибул-фирдавс»).

Расулуллоҳ (с.а.в.) деган эканларки: «Менга кўп салавот айтинг, бундан сизнинг Беҳиштда азвожингиз кўпаяди».

Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилурларки, «Агар ҳар ким менга жума куни саксон марта салавот айтса, Аллоҳ таборак ва таоло унинг саксон йиллик гуноҳларини кечади», – деб айтган эканлар («Зубдатул-ваъизийн»).

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қилинур. «Агар бирор кишининг иши боғланса, ҳожати раво бўлмаса, менга кўп салавот айтишни одат қилсин. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унинг ҳожатини раво айлаб, ғам-андухдан халос этади ҳамда ризқини фаровон қилади», – деб айтган эканлар («Далоилул-хайрот»).

## ИЛМ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Абу Зарр Гифорий (р.а.) ривоятида Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Ё Абу Зарр, агар бир боб илм ўргансанг, минг рақат нафл намозидан афзалроқдир».

Набий (с.а.в.) дедилар: «Ҳар ким олим олдида икки соат ўтирса ёки иккита масала эшитса ёки бирга икки луқма таом еса ёки икки қадам бирга юрса, Аллоҳ таоло унга Жаннатда иккита бўстон ато қилур. Ҳар бир бўстоннинг катталиги бу дунёга икки баравар келади («Мушкотул-анвор»).

Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳу (р.а.) ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (с.а.в.): «Жаброил (а.с.)дан олимнинг мартабасини сўрадим.

«Олим Сизнинг умматларингизнинг бу дунёдаги ва охиратдаги чироғидир. Олимни эъзозлаган одам хушҳол, бахтиёрдир ва олимлардан тониб, уларга душманлик қилган одамнинг ҳолига вой», – деб жавоб бердилар.

Пайғамбар (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар: «Кимки беш вақт номозни жамоат билан ўқиса, олимлар мажлисида ҳозир бўлиб, илм аҳлининг сўзини эшитса ва унга амал қилса, Аллоҳ субҳонаху ва таоло унга олти нарсани ато қилур: биринчи – ҳалол ризқ, иккинчи – қабр азобидан озод этади, учинчи – номаи аъмолини ўнг қўлидан беради, тўртинчи – Сирот кўпригидан уни яшин тезлигида ўтказди, бешинчи – уни қиёматда пайғамбарлар сафига қўяди, олтинчи – Беҳиштда унга атаб эшиклари ёқутдан ясалган, қирқ эшикли қаср бино қилади» («Ҳаётул-қулуб»).

Ибн Аббос (р.а.) ривоят қиладилар. «Олимлар мартабаси оддий мўмин мартабасидан етти юз марта ортиқроқдир. Шунинг учун Пайғамбар (с.а.в.): «Менинг умматларим олимларининг мартабаси бани Исроил пайғамбарлари мартабасига тенгдур» деб айтган эканлар. («Тафсири Носир»).

**Ҳикоят.** Бир куни Пайғамбар (с.а.в.) бир масжиднинг олдига келсалар, шайтон ғалайҳиллаъна масжид эшиги олдида турган экан.

– Нимага бу ерда турибсан? – деб сўрадилар Пайғамбар (с.а.в.). Шайтон деди: «Бир авом шу масжидда намоз ўқияпти, унинг намозини бузмоқчиман, лекин бу масжидда бир олим ухлаб ётибди, ундан кўрқиб кирмаяпман».

Пайғамбар (с.а.в.) дедилар:

– Нима учун ибодат ва муножот қилаётган намозхондан кўрқмай, гафлат уйқусида ётган олимдан кўрқасан?

Шайтон деди: «Бу авомнинг намозини бузсам, олим уйғониб, унга бу намоздан ҳам кўпроқ савоб топадиган бошқа амал

ўргатишидан ва меҳнатим зое кетишидан қўрқаман», – деди. Шунинг учун Пайгамбар (с.а.в.): «Олимнинг уйқуси, жоҳилнинг ибодатидан афзалроқдир», – деб айтган эканлар («Минҳожул-мутаъаллимийн»).

Ривоят қилингандурки, Пайгамбар (с.а.в.) дедилар: «Дунё ва охират эзгуликлари илм биландир ҳамда дунё ва охират шарафи ҳам илм биландир». Ҳадисда айтилгандирки, илмига амал қилган киши олимдир. Илмига амал қиладиган олим Аллоҳ таоло назарида мингта шаҳиддан аълодир. Пайгамбар (с.а.в.): Уламони зиёрат қилиш анбиёларни зиёрат қилган билан баробардир, – дедилар.

Ривоят қилурлар. Пайгамбар (с.а.в.) дедилар: Аллоҳ таоло Арш остида бу дунёдан ўн марта каттароқ шаҳар яратгандир ва шаҳарда дур, ёқут, марварид, лаъл ва маржонлардан ясалган мингта дарахт бор. Қиёмат куни бу дарахтлар баргларини ёзади, шунда жарчилар: «Жамоат билан намоз ўқиганлар ва илм мажлисида ҳозир бўлганлар борми, бу дарахтлар остига келиб ором олишсин» деб нидо қиладилар. Аллоҳ таоло фармони билан улар келиб дарахтлар соясида ором оладилар («Мукошифатул-асрор»).

Ривоят қилинурки, Пайгамбар (с.а.в.) дебдурлар: Олимнинг вафотидан гамгин бўлган ҳар бир одамнинг номаи аъмолига Аллоҳ таоло фармони билан мингта олим ва мингта шаҳид савоби ёзилади («Мукошифатул-асрор»).

Пайгамбар (с.а.в.) дедилар: Тўрт гуруҳ одамлар қиёмат куни ҳисоб бермасдан, азоб кўрмасдан Жаннат эшиги олдида тўпланадилар: биринчи гуруҳ – илмига амал қилган олим, иккинчи гуруҳ – риё ва фасодга йўл қўймасдан ҳаж ибодатини адо этган ҳожи, учинчи гуруҳ – кофирларга қарши курашда фисабиллаллоҳ жон фидо этган шаҳид, тўртинчи гуруҳ – ҳалол молини Худои



таоло йўлида саховат билан сарфлаган бой. Улар Жаннатга биринчи бўлиб кириш учун баҳслашаётганларида, Аллоҳ таоло Жаброил(а.с.)ни ажрим қилишга юборди. Энг аввал шаҳиддан, сен дунёда қайси қилган ишинг учун биринчи бўлиб Жаннатга киришга интиляпсан, деб сўрайдилар. «Аллоҳ таоло ризоси учун бўлган жангу жадалда шаҳид бўлганман», – деб жавоб беради. Ундан кейин олимдан сўрайдилар. Олим: «Дунёда риёзат чекиб, илм орттирдим ва унга амал қилдим», – дейди. Сўнгра ҳожидан сўрайдилар. Ҳожи ҳам топган савобининг сабабини айтади. Шунда олим овоз чиқариб дейди: «Илоҳо, ҳосил қилган илмим сахий бойнинг бериё саховати натижаёсида топилган эди». Шунда Аллоҳ таоло: «Тўғри айтдинг эй олим. Ё Ризвон, Жаннат эшигини очиб, аввал сахий бойни, кейин қолганларини киргиз», – деб амр қилар экан («Мушкотул-анвор»).

**Ҳикоят.** Имом Ҳасан Басрий (р.а.): «Қиёмат кунида олимлар сиёҳи шаҳидлар қонидан афзалроқ саналади», – деган эканлар.

Ривоят қилурларки, Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: Аллоҳ таоло Одам фарзандларига саккиз хил хислатни ато этгандур. Тўрт хислат аҳли Жаннатдадир: биринчи – очиқ юз, иккинчи – ширин тил, учинчи – юмшоқ кўнгил, туртинчи – саховатли кўл. Тўрт хислат эгаси аҳли Дўзахдандир: биринчи – тўнг қиёфали одам, иккинчи – фаҳш тил эгаси, учинчи – тошбагирлар, тўртинчи – бахил кўл.

Бир ривоятда Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Уч гуруҳ кишилардан ҳазар қилинг: биринчи – гофил уламодан, иккинчи – маддоҳлик қилувчи фуқаролардан (лаганбардорлар), учинчиси – жоҳил шайхлардан («Зубдатул-вағизийн»).

Ривоят қилинурки, Расулulloҳ (с.а.в.) дебдурлар: Дунёнинг барқарорлиги тўрт нарсадандир: биринчиси – олимлар илмидан,

иккинчиси – подшолар адолатидан, учинчиси – бойларнинг саховатидан, тўртинчиси – фуқаролар дуосидан. Агар олимлар илми бўлмаганда инсонлар қирилиб кетарди, агар ғанийлар бўлмаганда фуқаролар муҳтожликдан қириларди, фуқаролар дуоסי бўлмаганда ғанийлар ҳам ҳалок бўлишарди ва яна подшолар адолати бўлмаганда одамлар бир-бирларини бўрилар сингари ейишган бўларди («Роҳатул-қулуб»).

Яна бундай ривоят қилинади, Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Агар бирорта одам толибул-илмга бир дирҳам эҳсон қилса, Аллоҳ таоло йўлида Уҳуд тоғидек ахмар тиллосини сарф қилганнинг савобини топади» («Зубдатул-ваъизийн»).

## ЖАМОАТ НАМОЗИ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинади: «Бомдод намозини ўқигандан кейин қуёш чиққунча Аллоҳ таоло зикри билан машгул бўлган банда учун Аллоҳ таоло Жаннатда олтин ва қумушдан ясалган етмишта қаср бунёд этади» («Роҳатул-қулуб»).

Ва яна Расули Акрам (с.а.в.) дедилар: «Агар ҳар ким қирқ кун қанда қилмай, намозни жамоат билан бирга адо этса, Аллоҳ таоло уни тўғри йўлдан адаштирмайди ва унга Барот (ҳимоялаш ёрлиғи) ато қилур» («Зубдатул-ваъизийн»).

Ривоят қилинурки, Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Намоз, намозхон уйи олдидан оқадиган анҳор сувидек бўлиб, унда ҳар куни беш марта ювиниб, бутун вужудини тозалаганидек беш вақт намоз унинг барча гуноҳларини ювади» («Зубдатул-ваъизийн»).

Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилинурки, Расулуллоҳ (с.а.в.) дебдурлар: «Ҳар ким беш вақт намозни масжидга бориб жамоат билан имом орқасидан туриб ўқиса, Аллоҳ таоло у бандага

беш хил неъмат ато қилур. Биринчиси, фақирликни унга раво кўрмайди, иккинчиси, қабр азобидан халос этади, учинчиси, номаи аъмолини ўнг томонидан беради, тўртинчиси, Сирот кўпригидан яшиндек ўтказади, бешинчиси, ҳисоб олмай Жаннатга дохил этади («Масобиҳ»).

Пайгамбар (с.а.в.)дан қилинган яна бир ривоятда жамоат билан ўқилган бир ракаат намоз, қирқ йил уйда ёлғиз ўқилган намоздан афзалдир ва жамоат билан ўқилган намоз даражаси уйда ўқилган намоздан йигирма етти марта ортиқроқдир, дейилган экан («Зубдатул-ваъизийн»).

Пайгамбар (с.а.в.)дан ривоят қилинур. Улар дебдурлар: «Қиёмат куни юзлари юлдуз каби товланадиган бир гуруҳ одамлар келади. Фаришталар улардан: «Дунёдаги қайси амалларингиз учун юзингиз юлдузлар каби нур сочадиган бўлди», – деб сўрашади. «Бизлар азон овозини эшитгач, дунё ишларини ташлаб, таҳорат ҳаракатини қилар эдик», – деб жавоб берадилар. Улардан кейин юзлари тўлин ойдек нур сочаётганлар келади. Фаришталар улардан сўрашади: «Сизлар нима амал қилгансиз?» Улар: «Биз азондан олдин таҳорат қилиб, намозни кутган эдик», – дейдилар. Улар орқасидан келаётган гуруҳнинг юзи офтобдек товланиб нур сочади. «Сизлар нима амал қилгансиз?» – деб сўрашади фаришталар. «Бизлар азондан олдин таҳорат қилиб, масжидга борардик», – дейдилар» («Зубдатул-ваъизийн»).

Пайгамбар (с.а.в.) дедилар: Бомдод намози икки ракаат фарзининг қадри дунё ва ундаги барча нарсалардан баландроқдир.

Баҳс қилиндик, нима учун икки ракаат намознинг савобини бунча кўп деб айтдилар? Уламолар бунга шундай деб жавоб берган эканлар: Имом Шофеъий (р.а.) отда кетаётганларида қамчи қўлларидан тушиб кетди ва бир одам уни олиб берди. Имом Шофеъий (р.а.) у кишига минг дирҳам совға қилдилар. «Менинг

арзимаган хизматимга нима учун бундай катта ҳақ беряпсиз?» – деди у. Имом Шофеъий айтдилар: «Сенинг хизматинг гарчи кичик бўлса-да, мен шунча ҳиммат қилдим». Эй мўмин банда, Имом Шофеъий (р.а.) иши шундай бўлса, ўн саккиз минг олам Парвардигорининг муомаласини шунга қараб қиёс эт.

Пайгамбар (с.а.в.)дан ривоят қилинур. Ул ҳазрат дедилар: Банда ҳар қачон намозга турганда Аллоҳ таоло: «Эй фаришталар бу банданинг гуноҳларини бўйнидан олинг, пок бўлиб, менга ибодат қилсин», – деб буюради. Фаришталар, Аллоҳ таоло амри билан у банданинг барча гуноҳларини бўйнидан оладилар, намозни тугатганидан кейин фаришталар айтурки: «Илоҳо, бу банда намозни ўқиб бўлди. Гуноҳларини нима қилайлик?» Худои таоло марҳамат қилур: «Эй фаришталар, ўз марҳаматим билан унинг гуноҳларини яна қайтариб бўйнига осишни лойиқ кўрмайман. Шунинг учун уни кечирдим ва гуноҳларини мағфират этдим», – дейди («*Мушкотул-анвор*»).

**Ривоят.** Пайгамбар (с.а.в.) марҳамат қилиб айтган эканларки, қиёмат қойим бўлган кунда дунё масжидларини маҳшаргоҳга келтириб қўядилар. Уларнинг поялари анбардан, томлари хушбўй заъфарондан, кунгуралари забаржаддан ясалган бўлар экан. Жамоат билан намоз ўқиганлар масжид томида ўтириб, маҳшаргоҳда сайр қилиб юришади. Маҳшаргоҳда ҳозир бўлганлар уларни кўриб: «Булар Аллоҳ субҳонаҳу таолога энг яқин фаришталармикин ёки мурсал анбиёларданмикин?» – деб айтишар экан. Шунда Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан, «Булар Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг ҳаётий дунёда намозни ҳар доим жамоат билан ўқиган умматларидирлар», – деган нидо келар экан. («*Зубдатул-ваъизийн*»).

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: Кимки оқар сув билан таҳорат қилса, қори имом орқасида туриб жамоат билан намоз ўқиса,

борлиқни яратган халлоқ мағфиратига эришади («Зубдатул-ваъизийн»).

Пайғамбар (с.а.в.) деган эканларки: «Намоздан аввал айтиладиган такбир дунё ва ундаги барча нарсалардан ортиқроқдир».

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: Аллоҳ таоло Жаброил алайҳиссаломни чиройли суратда халқ этиб, олти юзта қанот берди. Ҳар бир қанот узунлиги Машриқ билан Мағриб ўртасига баробар эди. Жаброил (а.с.) ўзларига назар солиб: «Эй бор Худоё, мenden ҳам хушсуратроқ бирорта махлуқ яратганмисан?» деб сўрадилар. Аллоҳ таоло айтди: «Яратган эмасман». Шундан кейин Жаброил алайҳиссалом туриб, икки ракаат шукрона намозини ўқидилар. Ҳар бир ракаатда йигирма минг йил турдилар: Қирқ минг йилда икки ракаат шукрона намозини адо қилдилар. Намозни тугатганларидан кейин Аллоҳ таоло деди: «Эй Жаброил, рост ибодат қилдинг, менга ҳеч ким сендек ибодат қилган эмас, лекин охир замонда Набийи карим, ҳабибим, суюкли дўстим, Муҳаммад келгай ва унинг гуноҳкор, заиф умматлари бўлгай. Озгина вақтда икки ракаат намозни кўп саҳву хатолар ва ҳар хил хаёллар билан ўқийдилар. Ўзимнинг иззатим ва жалолимга қасамки, сенинг қирқ минг йилда ўқиган икки ракаат намозингдан уларнинг намозлари менга яхшироқдир, чунки уларнинг ўқиган намозлари менинг амрим биландир, сенинг намозинг эса, ўз ихтиёринг билан эди, менинг амрим билан эмас» Жаброил (а.с.) дедилар: «Уларнинг ибодатига қандай ажр-мукофот берасан?» Аллоҳ таоло деди: «Уларга Жаннатул маъвони бераман» («Мушкотул-анвор»).

Яна ривоят қилурлар. Расули Акрам (с.а.в.) дедилар: Аллоҳ таоло қуйидаги кишиларнинг намозини қабул этмайди: биринчи – қироат қилмай ёлғиз ўқиганникини, иккинчи – закот

бермаганникини, учинчи – эриниб намоз ўқувчиларникини, тўртинчи – шароб ичувчиларникини, бешинчи – эри норози бўлган хотинларникини, олтинчи – пулни ижарага бериб, устига фоиз қўшиб оладиган судхўрникини (рибохўр), еттинчи – фахш ва инкор қилувчиларникини («Табаиул-маҳорим»).

Пайғамбар (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар: «Қиёмат куни бўйининг узунлиги ердан осмонгача, эни эса, Мағрибдан Машриққача бўлган Ҳариш исмли бир махлуқ Дўзахдан чиқиб келади. Жаброил (а.с.): «Эй Ҳариш, қаерга бормоқчисан?» – деб сўрайдилар. Ҳариш: «Арасотга», – деб жавоб беради. Жаброил (а.с.): «Арасотда нима қиласан?» Ҳариш: «У ердан қуйидаги беш гуруҳ инсонларни олиб, азоб бермоқчиман: Биринчи – чала намоз ўқувчиларни, иккинчи – закот бермаганларни, учинчи – ота-онасига оқ бўлганларни, тўртинчи – шароб ичувчиларни, бешинчи – масжидда дунё ишларидан сўзлаганларни».

Ривоят қилурларки, Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: Умнатларимга шундай замон келадики, амирлар зулм билан, олимлар тама билан, савдогарлар судхўрлик билан, хотинлар дунё безаклари билан машғул бўладилар. Наъзузу биллаҳ у замондан, у замон аҳлининг ҳолига вой («Дақаиқул-ахбор»).

Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар. Ул ҳазрат дедилар: Намозни жамоат билан ўқинг, чунки жамоат намози Аллоҳ таоло розилигидур, пайғамбарлар суннатидур, фаришталар севган нарсадур, имон аслидур, маърифат нуридур, дуо вожиботидур, амаллар қабулидур, мол ва душманга қарши силоҳ баракотидур, қабр чирогидур, шайтонни рад қилингучисидур ва Пайғамбар шафоатидур («Мушкотул-анвор»).

Расули Акрам (с.а.в.) марҳамат қилиб айтгандурларки, мўмин бандалардан агар ҳар ким жамоат намозини имом билан ўқиганда,

такбирнинг бошланишига етишса, унинг савоби мингта ҳаж ва умрадан кўпроқ бўлиб, Уҳуд тоғи оғирлиги миқдорида савоб топади. Мискинларга қизил тилладан садақа берганнинг савобини номаи аъмолига ёзилади, ўша намознинг ҳар бир ракаати учун у бандага бир йиллик ибодат савоби берилади ва Дўзах оташидан ва мусулмонлар нифоқидан халос бўлади. У банда жаннатда ўз жойини кўрмагунча бу дунёдан кетмайди ва ҳисоб бермасдан Жаннатга боради («Мажолисул-анвор»).

Расулуллоҳ (с.а.в.) дебдурлар: «Аллоҳ таоло бандаларга яхшилиқни насиб этса, уларни дунё билан машғул қилмайди ва охират ишига рағбатларини орттиради ҳамда ўз нафсининг айтганини қилмасликка одатлантиради» («Зубдатул-ваъизийн»).

Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилинур, ул ҳазрат дебдурлар: Агар жамоат намозини камситиб, бепарволик қилса, узрсиз жамоат намозига бормаса, Аллоҳ таоло уни ўн икки хил мусибатга мубтало қилур: учтаси бу дунёда, учтаси жон бераётганда, учтаси қабрда ва учтаси қиёматда. Бу дунёдаги учта мусибат: биринчидан – ризқи ва касбида баракот бўлмайди, иккинчидан – мусулмонлик нуруни ундан олади, учинчидан – ҳеч бир мусулмон у билан дўст бўлмайди. Жон бериш вақтидаги мусибатлар: биринчиси – қанча сув берилса ҳам тўймайди, чанқоқ қолади, иккинчиси – жони қийнаб олинади, учинчиси – имонининг завол топиш хавфи бор, наъзу биллаҳ. Қабрдаги уч мусибат: биринчи – Мункар ва Накир газабланиб савол қилурлар, иккинчи – қабри шугчалик тораядики, сўнгаклари биқинларидан тешиб чиқади, учинчи – қабри зулматга тўлади. Қиёматда кўрадиган уч мусибат: биринчиси – унинг ҳисобини ниҳоятда қаттиқлик билан оладилар, иккинчиси – Аллоҳ таоло унга газабини сочади, учинчиси – Дўзах оташига гирифтор бўлур, наъзу биллаҳ («Канзул-ахбор»).

Намозни тарк этувчилар баёнида Аллоҳ таоло айтадики: «Ўзидан кейин разил фарзандлар қолади ва ярамаслик ҳамда гафлат билан намозни тарк этиб, нафслари истаги билан турли гуноҳлар (шаробхўрлик, зинокорлик, гап ташувчилик, бўхтон ва б.) содир этадилар». «Марям» сураси, 59-оят.

Баъзи уламолар «гайян» сўзи тўғрисида ҳар хил фикрни баён қилганлар. Ваҳҳоб ибни Мония (р.а.) айтадилар: «Дўзахда бир ариқдир, у жуда чўнқир ва ҳарорати ниҳоятда баланд, қўланса ҳидли ва бадтаъмдир. Агар унинг бир томчиси бу дунёга томса, дунёдаги барча махлуқотлар ҳалок бўлади».

Ибни Аббос (р.а.) Пайгамбар (с.а.в.)дан ривоят қилурлар: «Дўзахда бир водий бўлиб, унинг азобидан ва ҳароратининг баландлигидан Дўзахнинг ўзи ҳар куни Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан ҳимоя тилайди. Бу водий жамоат намозини тарк этганлар жойидир», – деган эканлар («Тавсири Кабир»).

**Ҳикоят.** Намоз ўқимайдиган бир одам бор эди. Уйдан чиқиб бир жойга сафар қилди. Йўлда унга одам сувратига кирган шайтон ҳамроҳ бўлди. Кечқурун бир карвон саройга келганларида у одам ухлашга тайёрланди. Шайтон ундан қоча бошлади. Одам уни чақириб: «Йўлда мендан нима хатолик ўтди, нима учун мендан қочяпсан?» – деб сўради. Шайтон деди: «Мен Иблисман. Аллоҳ таолонинг фармонига умримда бир марта бўйсунмаганлигим учун абадул-абад даргоҳи илоҳийдан ҳайдалдим, тавқи лаънат бўйнимга тушиб, малъун бўлдим. Бугун сен Аллоҳ таолонинг бешта фармонини тарк этдинг, яъни беш вақт намознинг бирортасини ўқимаганлигингни кўрдим. Аллоҳ таолонинг ғазаби сенга нозил бўлса ва сенинг касратингдан мен яна ҳам малъунроқ бўлишдан кўрқаман» («Тавсири Фотиҳа»).

Пайгамбар (с.а.в.)дан ривоят қилинур: «Намоз ўқимайдиганнинг касофати етмиш нафар яқинларига ва қўни-



қўшиларига тегади. Билингки, намоз диннинг тиргагидир. Агар намозни тарк этмасангиз, динингиз обод бўлади ва агар намозни тарк қилсангиз, динингиз бузилади», – дедилар («Зубдатул-ваъзийн»).

«Хулосатул-фатовий»да келтирибдурларки, агар бирорта қишлоқда бир йил ичида азон овози эшитилмаса, жамоат намози ўқилмаса, ўша мамлакат ҳукмдори уларни тартибга чақирсин. Жамоат намозини қасддан тарк этганларнинг қўшилари, имом ва муаззинлар бепарволик қилмай, уларнинг тазирини беришсин, агар шундай қилмасалар гуноҳкор бўладилар. Ўша жойнинг ҳокими ёки қозиси уларга моддий жазо берсин, чунки жон аччиғидан мол аччиғи ёмонроқдир.

Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар. Ул ҳазрат дедилар: «Намоз ўқимайдиганлар, жамоатни тарк этганлар малъундирлар. Тавротда, Инжилда, Забурда ва Фурқонда намоз ўқимайдиганларни ҳамма лаънатлайди» («Фи-алжавоҳир»).

Ривоят қилурларки, Расули Акрам (с.а.в.): «Жаброил (а.с.) ва Микоил (а.с.) келиб, ё Расулulloҳ, Худои таоло Сизга салом юборди ва агар умматларингиздан бирортаси дунё аҳлининг ибодатини қилсалар, лекин жамоат намозиди ҳозир бўлмасалар, уларнинг ибодати бекор кетади ва улар димоғига Жаннат ҳиди тегмайди. Агар жамоатга бормаганлар ҳоли шундай бўлса, умуман намоз ўқимайдиганлар ҳолига вой», – дедилар. Пайгамбар (с.а.в.) яна: «Масжидда кўрган одамингизнинг имон эгаси эканлигига гувоҳлик беринг», – дедилар («Шариятул-ислом»).

Ривоят қилурларки, бир киши Ибн Аббос (р.а.) олдиларига келиб сўради: «Ё имом, эртадан кечгача намоз ўқийдиган ва кундузи рўза тутадиган, лекин Жума намозига ва жамоат намозига бормайдиган одам ҳақида нима дейсиз?» «У одамнинг жойи Дўзахдадир», – деб жавоб бердилар ибн Аббос (р.а.) («Анисул-мажолис»).

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар: Ул ҳазрат марҳамат қилиб: «Ғайридинларга ва насороларга салом беринг, аммо умматим мунофиқларига салом берманг», – дедилар. Асҳоблар: «Ё Расулаллоҳ, умматингизнинг мунофиқлари ким?» – деб сўрадилар. «Азон ва такбир овозини эшитиб, масжидга бормайдиганлар умматим мунофиқларидир», – дедилар.

Ривоят қилурларки, Расули Акрам (с.а.в.) Мадина масжидида асҳоблари билан ўлтирган эдилар. Бир йигит йиғлаб масжидга кирди. Пайгамбар (с.а.в.): «Нимага йиғлайсан?» – деб сўрадилар У деди: «Ё Расулаллоҳ, отам вафот этди. Уни ювиб, кафанлашга муҳтож бўлиб, ҳузурингизга келдим». Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳазрати Абубакр (р.а.) ва ҳазрати Умар (р.а.)ларга бу йигит билан бирга бориб, отасини дафн этишда ёрдам беришни буюрдилар. Ёри киромлар бориб кўрсалар, йигитнинг отаси қора чўчка шаклига кириб, ўлиб ётган экан. Дарҳол қайтиб келиб, кўрганларини Расулуллоҳ (с.а.в.)га арз этдилар. Одамларга раҳмат тилагувчи ҳазрат бирга бориб, қарасалар, ҳақиқатдан ҳам қора чўчкага ўхшайди. «Отанг нима иш қиларди?» – деб сўрадилар. «Отам намоз ўқимас эди», – деб жавоб берди. Шунда Пайгамбар- (с.а.в.): «Ё асҳоб, мана кўринг, Аллоҳ таоло қиёмат куни бенамозни қора чўчка қиёфасида тирилтиради», – деб айтдилар. («Бехжатул-анвор»).

Илоҳо, ҳабибинг Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ҳурмати учун намозхон мўмин бандаларнинг инсоф-диёнатини зиёда этгин ва улар қаторида бу ожиз ва гуноҳкор бандангни ҳам мағфират эт. Омин, ё Раббул оламин.

## ЖУМА НАМОЗИНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Абу Бакр Сиддик (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар: «Агар кимки Жума куни гусл қилиб, Жума намозига борса, ўша гусл баданини поклаганидек Жума намози гуноҳларини ювади ва ҳар бир қадамига Аллоҳ таоло йигирма йиллик ибодат савобини, жума намозини ўқиб бўлгач, икки юз йиллик тоат-ибодатнинг савобини у банданинг номаи аъмолига ёзади» («Масобеҳ»).

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар, ул ҳазрат дебдурлар: «Аллоҳ таоло Арш остида қирқ шохли бир фаришта яратган. У шохидан бу шохигача бўлган масофа минг йиллик йўлдир. Ҳар бир шохида қирқ саф фаришталар бўлиб, уларнинг юзлари офтоб, бошлари ой ва кўкраклари юлдузларга ўхшайди. Ҳар Жума куни бу фаришталар бошларини саждага қўйиб айтурлар: «Ё бори Худоё, Жума намозини ўқиган Муҳаммад (с.а.в.) умматларини мағфират этгин». Аллоҳ таолодан, «Эй фаришталар, гувоҳ бўлинглар, Жума намозини ўқиганларни мағфират этдим», – деган нидо келар экан («Канзул-ахбор»).

Ривоят қилурларки, Майсара (р.а.) бир қабристон олдидан ўтаётганда: «Ассалому алайкум ё аҳлал қубур», – деди. Қабрдан: «Дунё қандай яхшики сен бир ойда тўрт марта ҳаж ибодатини адо этасан, эй дунё аҳли», – деган овоз келди. Майсара: «Қайси ҳаж?» – деб сўради. «Жума намози мақбул ҳаж ҳисобланади», – деди овоз («Зубдатул-ваъизийн»).

Ривоят қилурларки, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Агар узрсиз Жума намози тарк этилса, бир динор садақа бериш лозим бўлади. Учта жума намозини кетма-кет тарк этганнинг гувоҳлик бериши шаръан ўтмайди», – дедилар.

Ривоят қилурларки, Аллоҳ таоло Байтул-Маъмурда ҳам Нуқрадан бир минора бунёд этган. Минора узунлиги беш юз йиллик йўлдир. Ҳар Жума куни Жаброил (а.с.) минорага чиқиб азон айтадилар, Исрофил (а.с.) Байтул-Маъмурдаги минорага чиқиб хутба ўқийдилар. Микоил (а.с.) Жума намозига имомлик қиладилар. Етти осмон фаришталари йиғилиб имомга иқтидо қиладилар ва Жума намозини ўқийдилар. Жума намози ўқилгандан кейин Жаброил (а.с.): «Мен айтган азоннинг барча савобини мусулмон муаззинларига бағишладим», – дейдилар. Исрофил (а.с.): «Мен ўқиган хутбадан ҳосил бўлган савобнинг барчасини Муҳаммад (с.а.в.) умматларининг имом хатибларига бағишладим», – дейдилар. Микоил (а.с.) айтурлар: «Бизлар жамоат намозидан ҳосил бўлган барча савобни, Жума намозини имом орқасидан туриб ўқиган Муҳаммад (с.а.в.)нинг умматларига бағишладик». Аллоҳ таолодан: «Эй фаришталар, сизлар ўзингизнинг саховатингизни изҳор этдингиз. Ўзимнинг иззат ва жалоллигим ҳақи, бугун менинг амрим билан ҳабибимга иқтидо қилиб, Жума номозини ўқиган барча бандаларимни мағфират этдим», – деган нидо келади. («Зубдатул-ваъизийн»).

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, умри бўйи оташпарастилик қилган бир одам, қўлини оловга узатганида олов қўлини куйдирди. Илоҳий тавфиқ пайдо бўлиб, тафаккур билан айтди: «Бир умр оташга сиғинаман, лекин шунга қарамай бегонага ўхшаб куйдиради. Оламлар Худосига топинсам зора Дўзах оловидан асраса». Шуларни айтиб, барча аҳли-аёли билан бирга Моликидинор (р.а.) уйига келиб имон келтирди. Моликидинор (р.а.) барча муридлари билан хурсанд бўлиб, унга Абдуллоҳ деб исм кўйдилар. Муридларидан у-бу нарса йиғиб, янги мусулмонга беришни хоҳладилар. «Ё шайх, агар ҳеч нарсам бўлмаса-да, лекин мусулмонлик динини дунё учун қабул қилган эмасман. Аллоҳ

таоло марҳаматига суянаман, мени муҳтож қилмас», – деб бир харобага бориб жойлашди ва ибодатга машгул бўлди. Унинг хотини деди: «Болаларимиз оч, бозорга бориб, бирор касб-кор қилиб, егулик топиб келсанг яхши бўларди». Абдуллоҳ бозорга борди, лекин ҳеч ким уни хизматга ёлламади. Ўз-ўзига айтди: «Ҳеч нарса топа олмадим, энди масжидга бориб, Худонинг хизматини қилай». Масжидга кириб, шомгача ибодат қилди. Кечқурун бўш қўл билан уйига келди. Хотини: «Ҳеч нарса келтирмадингми?» – деди. Абдуллоҳ: «Бугун бировга хизмат қилдим, эртага ҳам борсам ҳақимни кўшиб берар экан», – деб айтди. Ҳаммалари очнаҳор ётишди. Эртасига яна бозорга борди. Бу кун ҳам ҳеч ким уни ишга олиб кетмади. Яна масжидга кириб кечгача ибодат қилди ва ҳеч нарса топа олмай уйга қайтиб, хотинига деди: «Эртага ҳам келгин, хизматни яхши қилсанг, кейин ҳақингни бераман, деб айтди хўжайин». Бу кечаси ҳам улар оч ётдилар. Эртаси Жума эди. Абдуллоҳ бозорга борди, лекин яна иш тополмади. Масжидга келиб, Жума намозини ўқиди-да, дуога қўл кўтариб деди: «Худоё, Ислом динининг ва Жума кунининг ҳақи-ҳурмати, оилам нафақасини ғойибдан етказ ва мени хотиним олдида шарманда қилма». Ривоятда шундай айтиладики, ўша вақтда Жума намозидан кейин бир одам унинг эшигини қоқди. Абдуллоҳнинг хотини чиқиб қараса, юзларидан нур ёғилиб турган бир киши қўлидаги қизил тиллога лиқ тўла лаганни аёлга бериб: «Эрингга айт, бугун яхши хизмат қилди, мана хизматининг ҳақини олгин», – деди. Хотин уйга кириб санаса, минг тилло экан. Шукроналар айтиб, хурсанд бўлди. Аёл тиллаларни дирҳамга алмаштирмақчи бўлиб, саррофнинг олдига борди: «Бу тиллаларни қаердан олдинг, унинг огирлиги ҳозирги тиллаларга икки баравар келади», – деди сарроф. Аёл воқеани айтди. Хотин бозордан таом келтириб эрини кутди. Эри бўш қўл билан уйга қайтди. Уйдан таом ҳиди

келаётганини сезиб, хотинидан сўраган эди, у тафсилоти билан воқеани эрига тушунтирди. Абдуллоҳ шукрона саждасини адо этиб, Аллоҳ таоло ибодати билан машғул бўлди («Арбаъийн»).

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, Мусо (а.с.) бир куни Байтул-Мақдис тоғига чиққанларида Аллоҳ таоло ибодатини оғир машаққатлар билан адо этаётган қавмни учратдилар. Мусо (а.с.) улардан: «Сизлар кимсиз?» – деб сўрадилар. Улар деди: «Сизнинг умматларингиздан бўламиз, етмиш йилдирки, шундай берилиб ибодат қиламиз, кийимимиз сабр либосидан, ўт-ўланлар билан овқатланамиз, сувимиз ёмғир сувидандир». Мусо (а.с.) улар ибодатидан хурсанд бўлиб турганларида ваҳий келди: «Ё Мусо, Муҳаммад (с.а.в.) умматлари учун шундай бир кун борки, ўша кунда икки ракаат намоз ўқисалар, бу қавмнинг етмиш йил ўқиган намозидан афзалроқ ҳисобланади». Мусо (а.с.) дедилар: «У кун қайси кундир?» Аллоҳ таоло деди: «У Жума кунидир». Мусо (а.с.) дедилар: «Илоҳо, Жума кунини менга бергин». Нидо келдики: «Шанба куни сеникидир. Якшанба куни Исо (а.с.)га, Душанба куни Иброҳим (а.с.)га, Сешанба куни Закариё (а.с.)га, Чоршанба куни Яҳё (а.с.)га, Пайшанба куни Одамга (а.с.), Жума куни Муҳаммад (с.а.в.)га берилган бўлиб, умматлари учун ийддир. Мусо(а.с.)нинг Муҳаммад (с.а.в.) умматларига ҳаваслари келди («Зубдатул-ваъзизийн»).

Ривоят қилурларки, Расулulloҳ (с.а.в.): «Жаброил (а.с.) бир оқ ойнани менга бериб: «Ё Расулаллоҳ, бу Жума куни ойнасидир, Аллоҳ таоло сизга бериб юборди, бу кун Сизнинг умматларингиз учун ийд куни бўлади», – дедилар. Ойна ўртасида бир нуқта бор эди. «Бу нуқта нимадир», – деб Жаброил (а.с.)дан сўрадим. «Бу Жума куни кечаси ва кундузининг йигирма тўрт соатидан дуолар ижобат бўладиган бир соатидир», – деб жавоб бердилар.

Жума куни кунлар улуғи ҳисобланади», – деб айтган эканлар («Зубдатул-ваъизийн»).

Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинади: «Аллоҳ таоло фаришталарга Жума куни ерга тушишни амр этади. Ҳар бирининг қўлида олтин қалам ва нуқрадан қоғоз бўлиб, ер юзида масжидлар олдига бориб туришади. Фаришталар Жума куни масжид эшигидан кириб келганларнинг исмини ёзишади. «Илоҳо, сенинг фармонингга биноан Жума масжидига кирганларнинг исмини ёзиб келдик», – деб айтадилар. Аллоҳ таоло шунда марҳамат қилиб: «Эй фаришталар, Худолигим иззат ва ҳурмати хақи улар қанчалик гуноҳкор бўлишмасин, ҳамма гуноҳларини мағфират этдим», – дейди («Равноқул-мажолис»).

Ривоят қилурларки. Расулulloҳ (с.а.в.) шундай деган эканлар: «Кимки Жума намозини ўқиш учун ҳаммадан олдинроқ масжидга борса, битта туя қурбонликка сўйган савобини топади. Ундан кейин борган киши бир ҳўкизни, ундан кейин борган одам битта қўйни қурбонликка сўйган савобини топади. Ундан кейин келган одам, бир товукни ҳады этганнинг, бундан кейин масжидга кирган киши битта тухумни совға қилганнинг савобини топади» («Зубдатул-ваъизийн»).

## ТАҲАЖЖУД (СОЛИҲЛАР ТУНДА ҚИЛАДИГАН ИБОДАТ) НАМОЗИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Аллоҳ сўзи будир: «Баъзи тунларни таҳажжуд билан, баъзи тунларни Қуръон тиловати билан уйғоқликда ўтказ. Уйқусизликда ибодат билан ўтказилган тунлар учун Парвордигоринг сенга арзигулик жой бергусидир (сени мағфират этгусидир)». «Исро», 79-оят,

Ривоят қилурларки, таҳажжуд намози Расулуллоҳ (с.а.в.) га фарз умматларига нафл намозидир. Ойишаи Сиддиқа (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Уч нарса менга фарз қилиниб, умматларим учун эса, суннатдир. Биринчиси – витр намози, иккинчиси – мисвок қилиш, учинчиси – таҳажжуд ибодати» («Шаҳоб»).

Умар ибн Хаттоб (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан қуйидагича ривоят қиладилар: «Кимки тун охирида уйғоқ бўлиб, таҳажжуд намозини камтарлик ва шикастадиллик билан адо этса, Аллоҳ таоло у бандага тўққиз нарсани беради. Бунинг бештаси бу дунёда ва тўрттаси охиратда берилади. Бу дунёда бериладиган бешта нарсанинг биринчиси, офатдан сақлайди, иккинчиси, тоат асоратини чеҳрасида намоён этади, учинчиси, солиҳ бандалар қалбида унга нисбатан дўстлик туйғуларини пайдо қилади, тўртинчиси, тилини фаҳш сўзлардан сақлаб, сўзларини жозибали таъсирчан этади, бешинчиси, унинг ризқини ғойибдан етказди. Охиратда бериладиган тўрт нарсанинг биринчиси, маҳшарда қабрдан оқ юзли туради, иккинчиси, ҳисоби енгил олинади, учинчиси, Сирот кўпригидан яшин тезлигида ўтади, тўртинчиси, номаи аъмоли ўнг томонидан берилур» («Равзатул-уламо»).

Ривоят қилурларки, Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Меърож кечаси Аллоҳ таоло менга беш нарсани васият этди: биринчиси – кўнглингни бойликка- дунёга берма, сени бойлик учун яратган эмасман, иккинчиси – сени дўст тутишим учун муҳаббатинг фақат менга бўлсин, учинчиси – Жаннат истаги билан яша, тўртинчиси – халқдан тама этма, чунки ҳеч нарсанинг ихтиёри улар қўлида эмас, бешинчиси – таҳажжудни мунтазам адо эт, чунки ёрдамнинг яхшиси тун ярмидадур» («Шариъатул-ислом»).

Ривоят қилурларки, Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Ҳар ким уйқудан уйғонгандан шундай десин: «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу



ла шарика лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува аъло кулли шайъин қадийр субҳаналлоҳи вал ҳамду лиллоҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар ва ла ҳавла ва ла қуввата илло биллоҳил ʔалиййул ʔазим раббигфирли вали волидайя ва лил мўъминина вал мўъминот» (Аллоҳдан ўзга ҳеч маъбуд йўқ. У танҳо, яратиш ва маъбудликда шериги йўқ. Олам унинг мулки, мақтов унинг ўзига хосдир. Ўзи тирилтиради, ўзи ўлдиради, Аллоҳ ўзи абадий ҳаёт, ўлмайди. Ҳамма яхшилик унинг қўлида ва у ҳар ишга қодирдир. Аллоҳ камчилик ва нуқсондан покдир, мавжуддир. Барча мақтовли сўзлар ҳақиқатда Аллоҳга тегишлидир. Аллоҳ муваффақ қилсагина, инсонда қудрат ва имконият пайдо бўлади. Эй Парвардигоримиз, ҳисоб куни бўлганда бизни мағфират эт! Ота-онамни ҳам, мўминларни ҳам мағфират қилгин) деса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уни албатта мағфират этгусидир» («Зубдатул-ваъизийн»).

Ривоят қилурларки, Иброҳим бинни Адҳам (р.а.) Абдол суҳбатига етишди ва: «Менга бирорта васият эт», – деди. Абдол: «Сенга етти нарсани айтаман: биринчидан – кимки фойдаси йўқ дунёвий гапларни кўп гапирса, у гафлатга гирифтор бўлади, иккинчидан – кимки кўп овқат ейишга одатланса, саломатликдан умидини узсин, учинчидан – кимки одамлар билан кўп вақтини кетказса, ибодат ҳаловатидан баҳраманд бўлмайди, тўртинчидан – кимки дунёга, бойликка меҳр қўйса, ишнинг хайрли хотимасидан умид қилмасин, бешинчиси – кимки жоҳиллар билан кўп ўтирса, қалби ўлади, олтинчидан – кимки золимлар суҳбатига интилса, дин йўлида тўғри бўлишдан умид қилмасин, махлуқ розилигини истаган, Худойи таолонинг розилигини тама этмасин».

Ҳадиси Қудсийда ривоят қилингандурки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло сўзи будир: «Эзгу амаллар, албатта гуноҳларни ювади». «Худ», 114-оят.

Аллоҳ таоло дейдики: «Банда кечалари ибодатда қойим бўлса, уни дўст тутарман, унинг гуноҳларини ва айбларини яшираман, яхши ишларини қабул қилиб, ёмон амалларини кечираман» («Арбаъийн»).

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, халифа Умар ибни Абдулазиз (р.а.), ибни Умар халифаларидан бўлиб, бир куни канизаги унга шундай деди: «Тушимда қиёмат қойим бўлганлигини кўрдим. Одамлар Маҳшарга тўпланишган ва фаришталар уларни Мезон тарозуси ва Сирот кўприги томон ҳайдаётган эканлар. Қарасам, барча халифалар Сирот тепасида ҳайрон туришипти. Фаришталар Абдумалик бинни Марвонга Сиротдан ўтишни хитоб қилдилар. Абдумалик биринчи қадамини Сиротга қўйиб, иккинчисини ҳам қўймоқчи бўлганида, оёғи тойиб Дўзахга тушиб кетди. Ундан кейин Валид ибн Абдумаликка хитоб қилинди. У ҳам бир қадам юриб, иккинчи қадамини қўймоқчи эди оёғи сирпаниб Дўзахга тушди. Шундан кейин халифалардан кимики Сиротга қадам қўйса, Дўзахга тушар эди. Канизак: «Сизга ҳам навбат келди», – дейиши билан Умар ибн Абдулазиз нола қилиб, ўзини ура бошлади ва ҳушидан кетди. Канизак деди: «Ё Амиралмўминин, Аллоҳ ҳурмати билан айтаманки, сиз Жаннатга кирдингиз», – деганидан кейин ҳам изтироб чекишда давом этаберди. («Мавъиза»).

Ривоят қиладиларки, Расули Акрам (с.а.в.) дедилар: «Мўмин ухлаганда шайтон унинг сочларига учта тугун солади. Мўмин банда уйғониб: «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим», – деб ўрнидан турганда битта тугун ечилади. Таҳорат қилганидан кейин яна бир тугун ечилади ва намозда бўлганида, сўнгги – учинчи тугун ҳам ечилади» («Мушкот»).

Имом Ғаззолийдан (р.а.) ривоят қилинурки, тун бошланганда Арш остидан: «Ибодат қилувчилар қаердасиз, хуфтон намозини адо қилинг», – деган нидо келади. Ярим тунда мунодий: «Аллоҳ

таолодан қўрқувчилар қаердасиз, эрта саҳарда намоз ўқинг ва ҳар қандай истагингиз бўлса, Худодан сўранг», – деб нидо қилади. Бундан кейин мунодий яна: «Тавба қилувчилар қаердасиз тонг отгунча Аллоҳ таолодан мағфират тиланг», – деб нидо қилади. Кейин мунодий яна нидо қилур: «Ғофиллар (беҳабарлар) қаердасиз, ўз ўрин-кўрпангиздан ўликлар сингари туринглар» («Кимёи саодат»).

Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қиладилар. Ул ҳазрат дебдурлар: «Агар ҳар ким бомдод намозида Қуръондан ўн оят ўқиса, уни ғофиллар қавмига ёзмаслар. Агар юз оят ўқиса, тавбаси қабул қилинганлардан бўлур. Унинг савоби Худойи таоло йўлида садақа қилинган етмиш минг динорга баробардир» («Зубдатул-ваъизийн»).

Илоҳо, барча мўмин ва мўмина бандаларингга Саййидал-мурсалин саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ажмаъийн ҳурмати ила кечалар намозхонлик тавфиқини бергин, мустақим мусулмонлар қаторида бўлишларини ва шаръда собит қадамликни насибу рўзи этгин.

## РАМАЗОНИ ШАРИФ ОЙИНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Аллоҳ таоло айтадики: «Рамазон ойи шундай (муборак) ойдирки, унда Қуръон нозил бўлган». «Бақара», 185-оят. («Ҳаётул-қулуб»).

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар. «Ҳар ким муборак Рамазон ойи келганидан хурсанд бўлса, Аллоҳ таоло у банданинг жасадига Дўзах оловини ҳаром қилади». Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Рамазон ойининг биринчи кечаси Аллоҳ таоло, мени севганларни мен ҳам севаман, мен унинг ҳожатини раво

айлағумдир, ҳар ким мендан мағфират тиласа, уни мағфират этгумдир, деб айтади. Ундан кейин Аллоҳ таоло рамазон ойида Кироманкотибинга, мўмин банданинг номаи аъмолига унинг ҳасанотларини ёзинг ва номаи аъмолидан гуноҳларини чиқариб ташланг, деб фармон беради ва Аллоҳ таоло у банданинг ўтмишдаги гуноҳларини кечиради».

Ривоят қилурларки, Иброҳим (а.с.)нинг Суҳуфи Рамазон ойининг биринчи кечасида нозил бўлди, Мусо (а.с.)нинг Тавроти Иброҳим (а.с.)нинг Суҳуфидан етмиш йил ўтгандан кейин рамазон ойининг олтинчи кечасида нозил бўлган, Довуд (а.с.)нинг Забури Тавротдан беш юз йил ўтгандан кейин рамазон ойининг ўн иккинчи кечасида нозил бўлди. Исо (а.с.)нинг Инжили Забурдан бир минг бир юз йил ўтгандан кейин Рамазон ойининг ўн иккинчи кечасида нозил бўлди. Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг Фурқонлари Инжилдан олти юз йигирма йил ўтгандан кейин, Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечаси Аршдан дунё осмонига нозил бўлди ва йигирма уч йил мобайнида Раббил-олабийн амри билан Жаброил (а.с.) оятма-оят ерга олиб тушдилар.

Ибни Аббос (р.а.) ривоят қилурлар. Расулulloҳ (с.а.в.)дан эшитдимки, ул ҳазрат дедилар: «Агар умматларим Рамазон ойининг шарафини билганларида эди, йил ўн икки ой рамазон бўлишини орзу қилган бўлардилар, чунки уларнинг тоати мақбул, дуолари мустажоб, гуноҳлари мағфират этилиб, Жаннат рўзадорларга муштоқ бўлади» («Зубдатул-ваъизийн»).

Расулulloҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қилинади. Жаннат тўрт тоифа инсонларга муштоқ бўлиб туради:

Биринчи тоифа – Қуръон тиловат қилувчиларга.

Иккинчи тоифа – тилини ҳар хил бекорчи сўзларни айтишдан сақланганларга.

Учинчи тоифа – очларга таом бериб тўйдирганларга.

Тўртинчи тоифа – Рамазони шариф рўзасини мукаммал тутганларга.

Ривоят қилурларки, ҳар қачон Рамазон ойининг янги ҳилоли кўринганда, Аршу Курси фаришталари нидо қилурлар: «Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) умматларига башоратлар бўлсин, улар Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг фаровон ато этган нарсаларига муяссар бўлдилар». Осмондаги қуёш ва ой, юлдузлар, учиб юрган қушлар, денгиздаги балиқлар ҳамда барча ўсимликлар Аллоҳ таолодан Муҳаммад (с.а.в.) умматларининг гуноҳларини кечирилишини истайдилар. Аллоҳ таоло фаришталарга рамазон ойида ўқиган намозу тасбеҳларининг савобини Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) умматларига бағишлашларини» буюради.

**Ҳикоят.** Муҳаммад исмли бир киши бор эди, деб нақл қилинади. Рамазон бошланганда у янги кийимлар кийиб, ўзига хушбуй нарсалар сепиб, қазо намозларини ўқишни бошларди. Баъзи дўстлари унга: «Ўтган йилда ҳеч намоз ўқимасдинг. Рамазон келиши билан ҳамма намозларни ўқишнинг маъноси нима?» – деб сўрадилар. «Рамазон ойи тавба ойи, раҳмат ойи ва баракотлар ойидир. Аллоҳ таоло ўз фазли билан гуноҳларимни афв этса ажаб эмас», – деб жавоб берди. У вафот этгандан кейин тушларида кўриб: «Аллоҳ таоло сенга нима қилди?» – деб сўрадилар. «Рамазон ойининг таъзими шарофати билан барча гуноҳларимни мағфират этди ва мени Беҳишти анбарсириштга эриштирди», – деб жавоб берди («Зубдатул-ваъизийн»).

Ҳазрати Умар (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар: «Агар умматимдан бири Рамазон ойида ухлаб ётган вақтида у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилиб ҳаракат қилса, фаришталардан бири: «Худонинг раҳмати ва баракоти бўлсин сенга, тургин намоз

вакти етди», – дейди. Агар намоз адо этиш нияти билан турса, ўрин-кўрпаси: «Эй бор Худоё, бу банданга Жаннат ўринларидан ато этгин», – деб илтижо қилади. Кийинаётганида: «Эй бор Худоё, бу банданга Беҳишт либосларидан ато этгин», – дейди кийимлар. Оёқ кийимлар бўлса: «Эй бор Худоё бандангинг қадамини Сиротда мустаҳкам қил», – дейди ва таҳорат учун обдастани олганида, сув билан обдаста: «Эй бор Худоё, бу рўзадор бандангни Кавсар сувидан сероб эт ҳамда гуноҳу хатолардан уни пок қилгин», – дер экан. Намозни бошлаганида хона ва масжид эса: «Эй бор Худоё, унинг қабрини кенг қил ва унинг қусурларини мағфират этиб, раҳмат назари билан нигоҳ эт», – дейдилар. Шунда Аллоҳ таоло: «Эй бандам, энди намоздан кейин дуо қил, ижобат этаман, мағфират тилагин, сени кечираман», – деб айтар экан.

Ривоят қилурларки, қиёмат куни Рамазон ойи Маҳшаргоҳда ўз суратида пайдо бўлиб, бошини саждага қўйиб турганида, Аллоҳ таолодан нидо келади: «Эй Рамазон, ҳожатингни айт». Рамазон: «Илоҳо, бугун ҳақдорларнинг ҳақини беришни истайман», – дейди. «Бу ердан хоҳлаганингни олгин», – деган нидо келади. Рамазон Арасот атрофида айланиб, етмиш минг катта гуноҳ қилганларга шафелик қилади. Аллоҳ таоло уларни Рамазонга бағишлайди. Бундан кейин Рамазон айтар эканки: «Илоҳо, етмиш минг ҳур ато эт, ҳурларни уларга жуфт қилмоқчиман». Аллоҳ таоло ўз лутфу карами билан уларни ҳам ато этади. Бундан кейин Рамазон Буроққа минади. Аллоҳ таолодан: «Эй Рамазон, яна қандай хоҳишинг бор?» – деган нидо келади. «Жаннатул-фирдавсга, ҳабибинг Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) маконларига бормоқчиман», – дейди Рамазон. «У ерда нима қилмоқчисан?» – деган нидо келади Аллоҳ таолодан. Бунга жавобан Рамазон шундай дер экан: «Илоҳо, ўз фазлу караминг билан менинг барча ҳожатларимни раво этгувчисан.

Беҳиштда қизил ёқутдан ва яшил забаржаддан юзта шаҳар ва ҳар бир шаҳарда мингта қаср бўлишини истайман. Бу қасрларга рўзадорларни жойлаштирмоқчиман», – дейди Рамазон. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўз фазли инояти билан унинг барча талабларини ато этади («Зухратур-риёз»).

Ибни Аббос (р.а.) Расули Акрам (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қиладилар. Ҳар қачон рамазон ойи бошланса, Аллоҳ таоло фармони билан Шараҳ исмли шамол Арш остидан эсиб, Беҳишт дарахтлари баргларини ҳаракатга келтирар экан. Шунда Беҳишт аҳли: «Бу Рамазон шабадасидир, у Муҳаммад алайҳиссалоту вассаломнинг марҳум умматлари учун эсади», – дейдилар. Хурлар: «Бизни Муҳаммад алайҳиссалоту вассаломнинг рўзадор умматларига ҳамроҳ этгин», – деб муножот қиладилар. Ҳар бир ҳурда етмишта кийим бўлиб, ҳеч қайсининг кийимининг ранги бир-бирига ўхшамас экан. Ҳар бир ҳурнинг поялари қизил ёқутдан ва тўқилиши дурдан бўлган тахти бўлар экан. Ҳар бир тахтда етмишта кўрпача ва етмишта дастурхон турли-туман таомларга тўладир. Иншоаллоҳ, буларнинг барчаси Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) умматларига насиб этгусидир («Зубдатул-ваъизийн»).

Анас ибни Молик (р.а.) Расули Акрам (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Рамазон ойида эрини рози қилган ҳар бир аёл ҳазрати Марям ва Ойиша(р.а.)нинг савобига эришади. Ота-онасининг розилигини топган ҳар бир фарзандга Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло раҳмат назари билан қарайди ва унинг Жаннатга киришига мен кафилман. Умматларимдан ҳар ким мўмин биродарининг ҳожатини чиқарган умматимнинг ҳожатларини Аллоҳ таоло қиёмат куни раво этади. Рамазон ойида масжиднинг чирогини ёққанларнинг қабрини Аллоҳ таоло нурга тўлдириб, ушбу масжиднинг намозхонлари савоби миқдорида номаи аъмолига савоб ёзади».

Расули Акрам (с.а.в.)дан ривоят қилинур: «Ҳар қачон Рамазон бошланганда Аллоҳ таоло фаришталарга, шайтон ва барча шайтонлару жинларни занжирбанд қилишни ҳамда Дўзах эшикларини ёпиб, Жаннат эшикларини очишга буюради».

Ривоят қилурларки, Аллоҳ таоло Рамазоннинг ҳар кечасида уч маротаба, ҳожатини сўрагувчилар борми, ҳожатини раво қилурман, тавба қилувчилар борми, тавбасини қабул қилурман, кечиришни истагувчилар борми, уларни мағфират этаман, деб марҳамат этар экан.

Ривоят қилурларки, Аллоҳ таоло ўз фазли карами билан Рамазоннинг ҳар бир куниди азобга гирифтор этилган мингта гуноҳкор бандани Дўзахдан озод этар экан. Рамазоннинг жума кунларининг ҳар бир соатида азобга дучор этилган мингта гуноҳкор банди азобдан озод этилади. Рамазон ойининг охирида эса, Рамазон бошида ва жума кунларида қанча гуноҳкор банди азобдан озод этилган бўлса, яна шунча азобланаётганларни Дўзах азобидан озод этар экан («Зубдатул-ваъизийн»).

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар. Расули Акрам (с.а.в.): «Қиёмат кунини Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло рўздор умматларимга иккита қанот ато қилур ва улар парвоз қилиб, Жаннат деворларига бориб қўнадилар. Жаннат муаккили Ризвон улардан: -

– Сизлар кимсиз ва қаердан учиб келдингиз? – деб сўрайди.  
– Бизлар Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг рўздор умматларидан бўламиз, – дейдилар.  
– Сизлар қиёматда қандай ҳисоб бердингиз? – деб сўрайди Ризвон.

– Бизлар ҳисобни кўрмадик, – деб жавоб берадилар.  
– Сиротдан қандай ўтдингиз?  
– Бизлар Сиротни ҳам кўрмадик, – дейди улар.

Шундан кейин Ризвон улардан:



– Сизлар қайси хислатингиз билан бундай даражага эришдингиз? – деб сўрайди.

– У дунёда бизлар билан Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўртасида бир сир бор эди. Шунинг учун бизлар охиратда қабрдан чиқиб, Жаннатга йўл олдик, – дейдилар.

– У қандай сир эди? – деб сўрайди Ризвон.

– Рамазони шариф ойи рўзасининг шарофати, – деб жавоб берадилар деган эканлар («Зубдатул-ваъизийн»).

Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар: Аллоҳ таоло менинг рўзадор умматларимга илгари ўтган пайғамбарларнинг ҳеч қайси бирига берилмаган беш нарсани ато этгандир. Биринчидан, рўза бошланганда Аллоҳ таоло уларга раҳмат назари билан қарайди. Иккинчидан, рўзадорнинг мағфират этилишини сўранг деб фаришталарга буюради. Учинчидан, рўзадорлар оғзидаги ҳид, Аллоҳ таоло назарида мушқдан ҳам яхшироқдир. Тўртинчидан, Аллоҳ таоло: эй Жаннат, рўзадорлар учун ўзингга оро бергин, безангин, деб фармон беради. Илоҳо, Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг рўзадор умматларини менга дўст этгин, дейди Жаннат. Бешинчидан, Аллоҳ таоло барча рўзадорларни мағфират этгусидир («Зубдатул-ваъизийн»).

Жобир (р.а.) Расули Акрам (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Рамазон ойининг охирги кунида ер, осмон ва фаришталар менинг умматларим мусибатига йиғлайдилар», – деган эканлар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, қандай мусибат?» – деб сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Рамазон тугагани учун йиғлайдилар. Умматларим Рамазон ойида дуо қилсалар мустажоб, садақа берсалар қабул бўлади, ҳасанотлар қилсалар, катта савобларга эришадилар («Ҳаётул-қулуб»).

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилингандир: Аллоҳ таоло тўрт юзли бир фаришта яратгандир. Бу юзи билан у юзининг

орасидаги масофа минг йиллик йўл катталигидадир. Бу фаришта бир юзи билан қиёматгача сажда қилади ва айтадиган тасбеҳи будир: «Субҳонака мо аъзама жамолука». Бошқа юзи билан Дўзахга қараб, «Дўзахга тушадиганлар ҳолига вой», – деб айтади. Бошқа юзи билан ўнг томонга қараб: «Беҳиштга борадиганларга яхшилик башорати муборак бўлсин», – дейди. Яна бошқа бир юзи билан Аршга қараб: «Илоҳо, Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) умматларига раҳм этгин ва уларни азобга солмагин», – деб муножот қилар экан («Зухратур-риёз»).

Ривоят қилурларки, Аллоҳ таоло ақлни яратди ва унга: «Яқинроқ кел», – деди. Дарҳол яқинроқ келди. Яна дедик: «Жойингга қайт». Ақл жойига борди. Аллоҳ таоло унга деди: «Сен кимсану, мен кимман?» Ақл деди: «Сен менинг Парвардигоримсан, мен сенинг ожиз бандангман». Аллоҳ таоло деди: «Эй ақл, сени маҳлуқотлар ичида азизу-мўътабар қилгум». Ундан кейин Нафсни яратди ва унга деди: «Яқинроқ кел». Нафс парво қилмади ва жойидан жилмай тура берди. Аллоҳ таоло: «Сен кимсан ва мен кимман?» – деди. «Сен сенсан ва мен менман», – деб жавоб берди Нафс. Аллоҳ таоло Нафсни Дўзахда юз йил ёндириб, азоблади ва Дўзахдан чиқариб: «Мен кимман ва сен кимсан?» – деб сўради. Нафс яна: «Сен сенсан ва мен менман», – деб жавоб берди. Шундан кейин Аллоҳ таоло Нафсни очлик азобига дучор этиб, азоблади ва яна сўради: «Мен кимман ва сен кимсан?» Нафс деди: «Мен сенинг кулингман, сен мени яратган Парвардигоримсан». Шу сабаб билан Аллоҳ таоло ўттиз кун Рамазони шариф рўзасини бандаларига фарз қилди («Мушкот»).

**Ҳикоят.** Бир мажусий ўз ўглининг Рамазон ойида бозорда овқат еяётганини кўриб, уни калтаклай бошлади ва деди: «Нега масулмонларни ҳурмат қилмай, Рўза пайтида, улар кўзи олдида

овқат еяпсан?» Бир қанча вақтдан кейин ўша мажусий вафот этди. Олимлардан бир киши тушида кўрса, мажусий Жаннатда тахтда утирган экан. Олим деди: «Сен ўша мажусий эмасмисан?» У жавоб берди: «Ҳа, менман». «Қайси хислатларинг учун шу даражага етишдинг?» У бундай деб жавоб берди: «Вафот этганимдан кейин бир нидо келдики, эй азоб фаришталари, унинг олдидан кетинг. Рамазон ойини ҳурмат қилгани сабаби билан уни Жаннат аҳлидан айладим». Эй мўмин биродарлар, агар бир мажусий Рамазон ойининг ҳурмати билан азобдан омонда бўлар экан, модомики Аллоҳ таоло уни бизларга фарз этган экан, Рамазон ойининг ҳурматини бирор дақиқа ҳам унутмаслигимиз лозимдир («Зубдатул-мажолис»).

Ривоят қилурларки Мусо (а.с.) муножот қилиб дедилар: «Сўзлаш воситаси билан ато қилган кароматингга тинглаб етишдим. Бундай кароматни бошқа инсонга ҳам қилганмисан?» «Ё Мусо, сен менинг калимим бўлсанг-да, сен билан менинг ўртамда етмиш қават ҳижоб-парда бордир. Замона охирида Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) умматларига Рамазон ойи ато этганман. Бу ойда улар ўттиз кун рўза тутиб, менинг фармонимни бажариш йўлида юзлари саргаяди, лаблари қуриган, қоринлари оч, жигарлари ташна аҳволга тушадилар. Ифтор вақтида барча ҳижобларни олиб, уларга раҳмат назари билан қарайман. Бу сенга ато этганимдан ортиқдир», – деган нидо келди ғойибдан.

Эй мўминлар, муборак Рамазон ойининг ҳурматини сақланг. Ўз тилингизни ёлғонлардан, гийбатлардан, игволардан муҳофаза этинг, мусулмон биродарингизга нисбатан ҳасаду адоват қилманг. Тутган рўзангиз даргоҳи илоҳийга қабул бўлиши учун доимо Худодан кўрқиб, тавозе ва яхшилик истанг («Танбеҳул-гофилийн»).

## ТАРОВЕҲ НАМОЗИНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Ривоят қилурларки, ҳазрати Али (каррамаллоҳу ваҷҳаҳу) таровеҳ намозининг фазилатлари тўғрисида Расулуллоҳ (с.а.в.) дан савол қилганларида, ул ҳазрат шундай деб жавоб бердилар:

– Ё Али, агар умматларимдан кимки рамазон ойининг биринчи кечасида жамоат билан таровеҳ намозини ўқиса, онадан янги тугилгандек гуноҳларидан пок бўлади.

Иккинчи кечада, Аллоҳ таоло унинг ота-онасининг, агар мўмин бўлсалар, гуноҳларини мағфират қилур.

Учинчи кечада бир фаришта Арш остидан, Аллоҳ таоло ўтмишдаги барча гуноҳларингни кечирди деб нидо қилади.

Тўртинчи кечада, унинг номаи аъмолига Таврот, Инжил, Забур ва Фурқон тиловатининг савоби ёзилади.

Бешинчи кечада, Аллоҳ таоло Масжидул-Ҳарамда, Мадинаи Мунавварада ва Масжидул-Ақсода ўқилган намозлар савобини беради.

Олтинчи кечада, Байтул-Маъмур зиёратининг савобини топғусидур ва унинг мағфират этилишини барча ашёлар илтижо қиладилар.

Еттинчи кечада Мусо (а.с.)нинг Фиръавн устидан топган зафарларининг савобига эришади.

Саккизинчи кечада Иброҳим (а.с.)га ато этилганнинг савобини топади.

Тўққизинчи кечада Пайгамбар (с.а.в.) савобларидан баҳраманд бўлади.

Унинчи кечада дунё ва охират яхшилигини топади.

Ун биринчи кечада бу дунёдан охират уйига бегуноҳ кетади.

Ун иккинчи кечада, қиёмат куни икки юзи офтобдек нур сочади.

Ўн учинчи кечада, қиёмат даҳшатидан озод бўлади.

Ўн тўртинчи кечада, қиёмат куни ҳисоб бераётганида бир фаришта келиб, таровех намози ўқиганлигидан гувоҳлик беради.

Ўн бешинчи кечада Аршу Курси фаришталари унга салават айтадилар.

Ўн олтинчи кечада, Аллоҳ таоло фармони билан Дўзахдан нажот топгани ҳақида барот (ёриқ) битилади.

Ўн еттинчи кечада, Аллоҳ таоло унга пайғамбарлар савобини ато этади.

Ўн саккизинчи кечада, бир фаришта эй банда, Аллоҳ таоло сендан рози бўлди, деб нидо қилур.

Ўн тўққизинчи кечада, Аллоҳ таоло унинг мартабасини Жаннатда улуғроқ этади.

Йигирманчи кечада, унинг номаи аъмолига шаҳидлар савоби битилади.

Йигирма биринчи кечада, Аллоҳ таоло ўша бандаси учун Жаннатда бир қаср бино қилади.

Йигирма иккинчи кечада, Аллоҳ таоло уни ғам-андухдан озод этади.

Йигирма учинчи кечада Жаннатда унинг номига атаб бир шаҳар бунёд этилади.

Йигирма тўртинчи кечада, унинг йигирма тўртта ҳожатини раво қилур.

Йигирма бешинчи кечада, у банда қабр азобидан озод этилади.

Йигирма олтинчи кечада, Аллоҳ таоло у бандага қирқ йиллик тоат-ибодат савобини ато этгусидир.

Йигирма еттинчи кечада, Сирот кўпригидан яшин тезлигида ўтади.

Йигирма саккизинчи кечада, Аллоҳ таоло Жаннатда у бандаси учун мингта эшик ато қилади.

Йигирма тўққизинчи кечада, унинг номаи аъмолига мингта ҳаж савоби битилади.

Ўттизинчи кечада, Аллоҳ таоло: «Эй банда сен менинг бандамсан ва мен сенинг Парвардигорингман», – деб айтади («Зубдатул-ваъизийн»).

Илоҳо, Парвардигоро, Саййидалмурсалин (с.а.в.) ва асҳоби ажмаъинлар ҳурмати билан барча мўмин ва мўмина бандаларга Рамазони Шариф ойи рўзасини мукамал тутиш ҳамда таровеҳ намозини тўлиқ ўқишни насибу рўзи этиб, унинг савобидан баҳраманд этгин.

### ЛАЙЛАТУЛ-ҚАДР ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Ривоят қилурларки, Лайлатул-Қадр маъноси, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг бу йилдан кейинги йилгача бўлган вақт ичидаги барча амр-фармонлари тўртта муқарраб фаришталарга топширилгандир. Яъни раҳмат ва азоб дафтари Жаброил (а.с.) га, ризқ ва ўсимликлар дафтари Микоил (а.с.)га, ёгинлар ва шамоллар дафтари Исрофил (а.с.)га, махлуқот ажали ва жонини қабз этиш дафтари Азроил (а.с.)га топширилгандир.

Парвардигорнинг сўзи бордур: «Бу кечада ҳар бир махлуқот учун бу йилнинг ризқи ва ажали белгиланиши ҳукм қилинур». «Духон», 4-оят («Мушкотул-анвор»).

Ибни Аббос (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар. Ул ҳазрат дебдурлар: «Инно анзалноҳу фи лайлатул-қадр» сураси нозил бўлиши муносабати билан Жаброил (а.с.) ҳузуримга келиб, Шамъун обид Ғозийнинг ҳикоясини сўзладилар: Ё Расулаллоҳ, Шамъун обид Ғозий исмли шахс Сиздан илгари ўтган эди. Минг ой давомида кофирларга қарши курашиб, беҳисоб кофирларни

қатл этди. Унинг ягона қуроли туя жунидан тўқилган қамчи бўлиб, кофирларни бу қурол билан уриб ҳалок қиларди. Қорни очганда, тишлари орасидан гўшт ўсар ва шундан озиқланарди ҳамда сув чиқарди шу билан ташналигини қондирарди. Унинг газотидан кофирлар ҳоли танг бўлди ва унинг хотинига мол-дунё бериб алдадилар. Унга эрини ухлаб ётганида ўлдириш топширилди. Бу нобакор аёл арқон келтириб, Шамъун обиднинг қўл-оёқларини маҳкам боғлади. Шамъун обид уйғониб хотинидан: «Мени нимага боғладинг?» – деб сўради. Хотини: «Кучингни синаб кўрмоқчиман. Агар сени боғласалар қандай илож қиласан?» – деди. Шамъун обид арқонларни пора-пора қилиб ташлади. Маккора аёл бу хабарни кофирларга етказди. Кофирлар хотинга занжирлар бериб, банд этишни буюрдилар. Кечаси Шамъун обид ухлаб ётганида хотини эҳтиётлик билан оёқ-қўлларини занжирлар билан боғлади. Шамъун обид уйғониб, занжирларни парчалаб ташлади ва хотинига деди: «Нега бундай қиласан. Мақсадинг нима?» Шунда хотини айёрона кулиб деди: «Душманларинг сени боғлашидан кўрқаман, хавотир оламан». Шамъун обид: «Эй хотин, хавотир олмагин. Мен Аллоҳ таолонинг авлиёлариданман. Мени ўз соч толаларимдан бошқа ҳеч нарса билан боғлаш мумкин эмас», – деб айтди. Шамъуннинг сочлари жуда узун бўлган экан. Бадкор аёл бу гапларни эшитиб, ич-ичидан суюнди. Эри ухлаганида унинг саккиз ўрам ўрилган сочини кесиб олди ва уни боғлаб ташлади. Шамъун обид уйғониб: «Мени ким боғлади?» – деб сўради. Хотини: «Мен боғладим. Уни қандай қилиб узишингни кўрмоқчиман». Шамъун обид қанча кучаниб уринмасин, уларни узолмади. Хотини бориб, кофирларга хабар берди. Кофирлар йиғилишиб, уни қатл қилмоқчи бўлдилар. Уйнинг ўртасида бир мустаҳкам устун бор эди. Шамъун обид қўл-оёқларини шу устунга уриб синдирди. Аллоҳ таолодан шундай ваҳий келибди: «Эй Шамъун, нега бундай қилдинг?» Шамъун обид: «Илоҳо, менга

шундай куч-қувват берган эдингки, минг ой кофирларга қарши газот қилиб, ҳеч қачон енгилмаган эдим. Бу кофирлар қўлида мени хор-зор этмагин», – деди. Шундан кейин хона устуни ҳаракатга келиб, йиқилди ва кофирлар ўша фосиқа хотин билан бирга уй остида қолиб ҳалок бўлдилар. Шундан кейин Аллоҳ таоло Шамъун обидни тирилтириб, оёқ-қўлларини ва барча аъзоларини соғайтирди. Шамъун обид яна минг ой Аллоҳ таолога ибодат қилиб, худо йўлида газот қилди. Жаброил (а.с.)нинг сўзларини эшитган ризвоналлоҳу ғалайҳим йиғлаб, Расулуллоҳ (с.а.в.)дан сўрадилар: «Шамъуни обид ўша минг ойлик газот ва тоат-ибодат эвазига қанча савоб топди экан?» Пайгамбар (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло донодир, буни мен билмайман». Шу онда Жаброил (а.с.) «Инно анзално» сурасини ваҳий келтирдилар ва дедилар: «Ё Муҳаммад, Сизга ва умматларингизга Аллоҳ таоло Лайлатул-Қадрни яратди. Лайлатул-Қадр кечасида умматларингиз ўқиган икки ракаат намоз Шамъун обиднинг минг ойлик газоти ва минг ойлик намозидан афзалроқдир» («Синония» китобидан).

Имом Розий (р.а.) ўз тафсирларида келтирибдурларки, Лайлатул-Қадр кечасида Жаброил (а.с.), Аллоҳ таоло амри билан: «Ё фаришталар жамоати, арраҳил-арраҳил», – деб нидо қилурлар. Фаришталар: «Ё Жаброил (а.с.), қаерга борайлик?» – деб айтадилар. Жаброил (а.с.) шундай жавоб берадилар: «Бу кечанинг бир қисмида дунёга нузул қиламиз, чунки бу кечада Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Муҳаммад (с.а.в.)нинг умматларига раҳмат назари билан қараб, тўрт гуруҳдан бошқа барчанинг ўтмишдаги гуноҳларини мағфират этгусидир». Фаришталар: «У тўрт гуруҳ кимлар?» – деб сўрадилар.

Жаброил (а.с.) дедилар:

Биринчи гуруҳ – шаробхўрлар.



Иккинчи гуруҳ – ота-онасига оқ бўлганлар.

Учинчи гуруҳ – раҳм, меҳр-шафқатни тарқ этганлар,

Тўртинчи гуруҳ – мусулмонга нисбатан кўнглида уч кундан ортиқ кина-адоват сақлаганлар» («Зубдатул-ваъизийн»).

Ибни Аббос (р.а.) Пайгамбаримиз Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар. Расули Акрам (с.а.в.): «Кимки қадр кечасида (Лайлатул-Қадр кечаси) икки ракаат намоз ўқиса ва саломдан кейин етмиш марта «Астағфируллоҳи таоло ва атубу илайҳи» деса, ўрнидан турмасданоқ, Аллоҳ таоло у бандани ва унинг ота-онасини мағфират этгусидир. Бир фариштага бу банда учун Жаннатда дарахт ўтқазिशини ва қаср бунёд этишни, ариқ очиб сув оқизишни амр этади. Ўша банда ўзининг Жаннатдаги жойини кўрмагунча бу дунёдан кетмайди, деган эканлар» («Ҳанафий» тафсиридан).

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинишича, ул ҳазрат шундай деган эканлар: «Аллоҳ таоло ҳар бир Лайлатул-Қадрда алоҳида раҳмат ато этади ва раҳматни мағрибдан машриққача бўлган мўминларга тақсимлаб берилганда ҳаммага етиб, яна ортиб ҳам қолар экан. Шунда Жаброил (а.с.): «Илоҳо, раҳматнинг қолганини нима қилайлик?» – дер эканлар. Аллоҳ таолодан: «Лайлатул-Қадр кечасида туғилган гўдакларга тарқатинг», – деган фармон бўлади. Жаброил (а.с.) раҳматнинг қолганини мўминлардан ва кофирлардан туғилган болаларга тақсимлаб берадилар. Қадр кечасида туғилган кофир болалари ҳам дунёдан мусулмон бўлиб ўтадилар» («Синония» китобидан).

Ривоят қилурларки, Мусо (а.с.):

«Илоҳо, сенинг яқинлигингни истайман», – деб муножот қилдилар.

«Мен Лайлатул-Қадр тунисида уйгоқ бўлганларга яқиндурман», – деди Аллоҳ таоло.

Мусо(а.с.):

«Илоҳо, сенинг раҳматингнинг орзусидадурман».

«Менинг раҳматим, Лайлатул-Қадр кечасида мискинларга раҳм қилганларгадир».

Мусо(а.с.):

«Илоҳо, Сирот кўпригидан яшиндек ўтишни истайман».

«Қадр кечасида фақирларга садақа берганларни олдинроқ ўтказаман».

Мусо (а.с.):

«Илоҳо, Жаннат боғларида бўлишни ва уларнинг мевасидан тановул этишни истайман».

«Қадр кечасида тасбеҳ айтиб, мени зикр этиш билан машгул бўлганлар Жаннат боғларига сазовор бўладилар».

Мусо (а.с.):

«Дўзахдан нажот топишни истайман».

«Лайлатул-Қадр кечасида истиғфorni кўпроқ айтганлар Дўзахдан нажот топадилар».

Мусо (а.с.):

«Илоҳо, сенинг розилигингни топишни истайман».

«Ё Мусо, менинг розилигимни Лайлатул-Қадр кечасида икки ракаат намоз ўқиганлар топадилар» («Зубдатул-ваъизийн»).

Ривоят қилурларки: «Лайлатул-Қадр кечасида, Аллоҳ таоло фармони билан осмондан тўртта ялов ерга келтирилади. Ҳар бир ялов остида етмиш минг фаришта саф тортиб туради. Ҳар бир яловда «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулulloҳ» калимаси нақш этилган бўлади. Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг Аҳмад яловини ер билан осмон ўртасига ўрнатадилар. Мағфират яловини Расулulloҳ (с.а.в.)нинг равзаи муборақларига ўрнатадилар. Раҳмат яловини Каъба томига ўрнатадилар. Каромат яловини Байтул-Муқаддасдаги Сахра устига ўрнатадилар. Бу кечада фаришталар

ҳар бир мусулмон эшигига бориб, етмиш марта салом берадилар. Бу кечада агар ким уч марта «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ» деса, Аллоҳ таоло ўша бандасини мағфират этиб, Жаннатдан жой беради» деган эканлар Расулуллоҳ (с.а.в.) («Синония» китобидан).

Ривоят қилурларки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Расули Акрам (с.а.в.)га юборган ваҳийда: «Эй ҳабибим, Нух (а.с.) тўққиз юз эллик йил давомида ўз умматларини даъват қилган эди. Сиз бўлсангиз йигирма уч йил. Лекин бу қисқа муддатда Сизнинг умматларингизни бошқа барча пайғамбарларнинг умматларидан бир неча марта кўпайтирдим. Сизнинг умматларингизнинг қадр кечасида ўқиган икки ракаат намозларига минг ойнинг ибодати ва минг ойлик ғазот савобини уларнинг номаи аъмолларига ёздираман», – деган экан («Зубдатул-ваъизийн»).

Ривоят қилурларки, Лайлатул-Қадр кечаси қачон бўлиши тўғрисида олимлар ҳар хил фикрларни баён этганлар. Уламолардан баъзилари Лайлатул-Қадр кечаси Рамазон ойининг бошидадир, деганлар. Баъзилари эса, уни Рамазон ойининг ўн еттинчи кунидадир десалар, баъзилари Рамазоннинг охириги ўн кунлигидадир, деган эканлар. Лекин саҳобалар ва мужтаҳидларнинг умумий фикри, Лайлатул-Қадр кечаси Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечасида эканлигини таъкидлайди. Боязид Бастомий (р.а.): «Умрим давомида икки марта қадр кечасини топганман. У Рамазоннинг йигирма еттинчи кечасида содир бўлган эди», – дедилар.

Лайлатул-Қадр тўққиз ҳарфдан иборат. Аллоҳ таоло «Инно анзално» сурасида уч марта Лайлатул-Қадр сўзини такрорлайди ва унинг абжад ҳисобининг йигиндиси йигирма етти сонига тенгдир. Унинг яширинлигининг сабаби шундаки, мусулмонлар

Рамазон ойининг кечаларини тоат-ибодатда ўтказиб, кўпроқ савобга эришсинлар, деган маънодадир.

Илоҳо, Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг умматларига Лайлатул-Қадр кечасини топиш бахтига муяссар қилгин, Аллоҳ таолонинг раҳмати ва Расули Акрам (с.а.в.) шафоатларига эришишни насибу рўз этгин. Омийн!

### ФИТР (РАМАЗОН) ҲАЙИТИНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Абдуллоҳ ибни Масъуд (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар. Мўмин бандалар Рамазон ойининг рўзасини бутун тутиб, ҳайит куни намозгоҳга йўл олганда, Аллоҳ таоло фаришталарга: «Эй фаришталар, бировнинг хизматини адо этган киши хизмат ҳақини талаб этади. Бандаларим менинг рўзамнинг хизматини адо этиб, ҳақларини олиш учун намозгоҳга бормоқдалар. Сизлар гувоҳ бўлинг, уларни мағфират қилдим», – дейди. Шунда фаришталар: «Ё Муҳаммад (с.а.в.) умматлари, энди уйларингизга боринглар, Аллоҳ таоло гуноҳларингизни кечирди», – деб нидо қиладилар. «Эй бандаларим, мен учун рўза тутдингиз, менинг фармоним билан оғиз очиб, ифтор қилдингиз, энди шод бўлинг, сизни мағфират этдим», – дейди Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло («Зубдатул-ваъизийн»).

Анас ибни Молик (р.а.) ривоят қилганларки, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимки фитр садақасини ҳайитдан илгари адо этмаса, унинг рўзаси ер билан осмон ўртасида муаллақ ҳолда қолади. Фитр садақаси берилгандан кейин, Аллоҳ таоло унинг рўзасига иккита яшил қанот ато этади ва рўзаси парвоз қилиб, еттинчи осмонгача боради ва Аршдаги қандилга қўниб, ўз эгасидан розилигини изҳор этади», – деб марҳамат қилган эканлар («Зубдатул-ваъизийн»).

Ваҳҳоб ибни Мунаббаҳ (р.а.) ривоят қиладилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) деган эканларки, ҳайит кунида шайтон овозининг борича қичқириб фарёд этади. Барча шайтонлар унинг атрофига йиғилиб: «Эй сардоримиз, нимага бундай дод-фарёд қиляпсан?» – деб сўрайдилар. Шунда шайтон алайҳилаъна: «Бугун Аллоҳ Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) умматларини мағфират этди, агар сизлар ҳаракат қилиб, уларни нафс шаҳвати ва шаробхўрликка машғул қилсангиз, Аллоҳ таоло уларни азобга дучор этган бўларди», – деб айтар экан. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эй умматларим, ҳайит куни фитр садақаси ва хайр амалларингиз, намоз ва закот, тасбеҳ ва таҳлилларингиз учун Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло гуноҳларингизни мағфират этади, дуоларингиз қабул бўлади, сизларга раҳмат назари билан қарайди», – деган эканлар. Аллоҳ таоло фитр ҳайити куни фаришталарга: «Ерга тушинг», – деб буюради. Фаришталар турли шаҳарларга бориб: «Эй Муҳаммад (с.а.в.) умматлари, ийд намози ўқиладиган жойга боринг», – деб нидо қиладилар. «Эй фаришталар, менинг розилигим учун ўз ибодатларингиз савобини ҳабибимнинг рўзадор умматларига бағишланг», – деб айтади Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло («Зубдатул-ваъизийн»).

Ривоят қилурларки, ҳазрати Усмон бинни Аффон (р.а.) бир марта Фитр садақасини ҳайитдан олдин беришни унутган эканлар. Ҳайит намозидан кейин эсларига тушиб, Фитр садақаси ўрнига бир қулни озод қилдилар, сўнгра Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг ҳузури муборакларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, Фитр садақасини ҳайитдан олдин беришни унутган эканман. Ўша Фитр садақасининг ўрнига бир қулни озод этдим», – дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб айтдиларки: «Ё Усмон, юзта қулни озод этганнинг савоби, Фитр садақасини ҳайитдан

илгари берганликнинг савобига тенг бўлмайди» («Зубдатул-ваъизийн»).

Пайгамбар (с.а.в.)дан шундай ривоят қилинади: «Фитр садақасини ҳайитдан олдин адо этганга Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўнта яхшилик ато қилади:

Биринчи – уни барча гуноҳлардан пок этади.

Иккинчи – Дўзах оташидан озод қилади.

Учинчи – тутган рўзасини қабул этади.

Тўртинчи – ўша бандасига Беҳиштни вожиб қилади.

Бешинчи – гўрдан соғ-саломат тургазади.

Олтинчи – ўша йилда қилган барча хайрларини қабул қилади.

Еттинчи – ўша бандасига Пайгамбар (с.а.в.)нинг шафоатини вожиб қилади.

Саккизинчи – Сирот кўпиригидан яшин тезлигида ўтказади.

Тўққизинчи – мезонда унинг савобларини оғир қилади.

Ўнинчи – унинг исмини бахтсизлар дафтаридан чиқариб ташлайди», – деган эканлар.

Имом Ҳасан Басрий (р.а.)дан нақл қилинадики, саҳф саждаси намоздаги нуқсонларни ислоҳ қилганидек, Фитр садақаси рўза ва таровеҳнинг камчиликларини тузатади. Аллоҳ суҳонаҳу ва таолонинг: «Яхшиликлар (банданинг) гуноҳини ювиши аниқдир», – деган сўзи бордир.

**Ҳикоят.** Солиҳ бинни Абдуллоҳ (р.а.) Фитр (Рамазон) ҳайитининг кунида ийд намозгоҳига бориб ҳайит намозини ўқиб уйига келгандан кейин аҳли оиласини атрофига тўплаб, ўз бўйнига занжирлар соларди ва бошига кул-тупроқ сочиб, зор-зор йигларди. Оила аъзолари унга: «Ё шайх, бугун ҳайит, ҳамма хурсанд бўладиган кун. Ўзингизни нимага бундай аҳволга соласиз?» – деб сўраганда, у шундай деб жавоб берибди: «Бугун ҳайит ва шодлик куни эканлигини яхши биламан. Менинг Парвардигорим

менга Рўза ва Фитр хизматини адо этишни буюрган эди. Уларни қўлимдан келганича бажардим, қабул қилармикан ёки йўқми билмайман» («Зубдатил-ваъизийн»).

Ривоят қилурларки, ҳайит куни қиёмат кунига ўхшайди. Агар диққат билан фикр қилиб қарасанг, ҳайит кунда баъзи одамлар уловда ва баъзилари пиёда, баъзилари ҳарир, янги кийимларда ва баъзилари эски, йиртиқ-ямоқли кийимларда, баъзилари шоду хурсандлик ва баъзилари оҳу-нолалар билан бораётган бўладилар. Етимлар хору-зор аҳволда қолганликларидан, яқин қавму қариндошлари вафот этганлар эса, жудоликдан зор-зор йиглаб гамгиндилар. Ҳайит куни қиёмат кунининг тимсолидир («Зубдатул-ваъизийн»).

**Ҳикоят.** Анас ибни Молик (р.а.) Расул Акрам (с.а.в.)дан ривоят қиладилар. Ҳайит куни Расулуллоҳ (с.а.в.) минбарга чиқдилар. Болалар ўйин-кулги билан машғул эдилар. Фақат битта кир ва жулдур кийимли бола четда ўтириб йигларди. Пайгамбар (с.а.в.): «Эй бола, бугун ҳайит, ҳамма болалар қувнаб, ўйнаб-кулиб юрибди, сен нимага йигляяпсан?» – деб сўрадилар. У деди: «Отам ғазотга бориб ҳалок бўлди, онам эрга тегди. Ўгай отам менга тегишли мол-ашёларни еб, ўзимни уйдан ҳайдаб юборди. Ҳозир менинг на кийишга кийимим, на обу-овқатим ва на уй-жойим бор. Ҳамма болаларнинг ота-оналари бор бўлиб, чиройли кийимлар кийишиб, бугун ўйин-кулги қиляптилар. Агар отам тирик бўлганда эди, мен ҳам янги кийимлар кийиб ўйнаган бўлардим» – деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) боланинг қўлидан ушлаб: «Эй бола, мен отанг бўлсам, Ойиша онанг бўлсалар, рози бўлармидинг?» – деб сўрадилар. «Ё Расулаллоҳ, албатта рози бўлардим» – деди бола. Шундан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) уни уйларига олиб бориб, қорнини тўйдирдилар, чиройли кийимлар кийдириб, ҳар хил яхши ҳидли нарсалар сепдилар. Бола Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг

уйларидан хурсанд бўлиб чиқди ва болаларга қўшилиб ўйнай бошлади. Уни кўрган болалар: «Боя йиглаб ўтирган эдинг, ҳозир эса жуда хурсанд бўлиб юрибсан?» – деб сўрашди. «Отам йўқ эди, Расулulloҳ (с.а.в.) отам бўлдилар, Ойиша (р.а.) онам бўлдилар, оч эдим қорнимни тўйғиздилар, яланғоч эдим анвойи кийимлар кийдирдилар, мен хурсанд бўлмай ким хурсанд бўлсин», – деди бола («Зубдатул-ваъизийн»).

Илоҳо, Саййидино ва мавлоно Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ҳурматлари ҳақи жумла мўминларга Фитрни адо этиш тавфиқини бериб, қабул бўлганлиги савобидан баҳраманд этгин.

### ШАВВОЛ ОЙИ БОШИДАГИ ОЛТИ КУНИНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Абу Ҳурайра (р.а.) ва Абуаййуб (р.а.) Расули Акрам (с.а.в.) дан ривоят қиладилар, ул ҳазрат марҳамат қилиб, шундай деган эканлар: «Агар ҳар ким Рамазон ойи рўзасидан кейин, Шаввол ойининг бошида олти кун рўза тутса, гуёки йил ўн икки ой рўза тутгандек бўлади.

Парвардигор сўзи будир: «Бир яхшилигингизга ўн яхшилик берилади». «Анъом», 160-оят.

Бир йил уч юз олтмиш кундан иборат, агар ким Рамазон ойининг ўттиз кун рўзасини тутса, гуёки уч юз кун рўза тутгандек бўлади. Шаввол ойининг олти кунини тутса, олтмиш кун рўза тутганнинг савобини топади. Ояти каримада айтилганига кўра, бир йиллик рўза савоби унинг номаи аъмолига ёзилади («Зубдатул-ваъизийн»).

**Ҳикоят.** Суфёни Саврий (р.а.) шундай деб ривоят қиладилар: «Ҳаж тавофи учун Маккага бориб, у ерда уч йил қолиб кетдим.



Бу вақт ичида маккалик бир одам ҳар куни Байтуллоҳга келиб, зиёрат қиларди ва менга салом берарди. У билан улфат бўлдим. У касал бўлиб, мени чақириб шундай васият қилди. «Ажалим етганга ўхшайди. Илтимосим шуки, вафотимдан кейин мени ўзинг ювиб, дафн этгин». У вафот этди, уни ювиб, дафн этдим. Мункар ва Накир савол қилганда кўмаклашиш учун кечаси унинг қабри тепасида қолдим. Ғойибдан овоз келди: «Ё Суфёни Саврий, бу майит менинг ҳимоямда, сенинг ёрдамингга муҳтож эмас». Муножот қилдим: «Илоҳо, қайси хислати билан бу даражага етишди». Нидо келдики: «Эй Суфёни Саврий, бу одам ҳар йили Рамазон ойининг рўзасидан кейин, Шаввол ойида олти кун рўза тутар эди».

Ибни Умар (р.а.) ривоят қиладилар, Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Рамазон ойининг рўзасидан кейин, Шаввол ойида олти кун кетма-кет рўза тутган одам онадан янги туғилгандек гуноҳлардан пок бўлади».

Каъбулахбор (р.а.)дан маълумдирки, бир куни Фотима (р.а.) бетоб бўлдилар. Ҳазрат Али (қаррамаллоҳу ваҷҳаҳу): «Ё Фотима, иштаҳангиз тортадиган нарсани айтинг, топиб келтирай», – дедилар.

Фотима (р.а.): «Кўнглим анор истайди», – деб жавоб бердилар.

Али (қаррамаллоҳу ваҷҳаҳу) бозорга бориб, бир дирҳам қарз олиб, унга бир дона анор сотиб олдилар. Уйга келаётганларида, беҳол ётган бир касални учратиб, ундан, ҳолаҳвол сўрадилар ва кўнглинг нима истайди, дедилар. У хаста деди: «Эй Аллоҳнинг севган бандаси, анор егим келяпти». Алийи Муртазо (қаррамаллоҳу ваҷҳаҳу) ўзларига ўзлари, агар анорни бу беморга берсам, уйда Фотима анорга интизор бўлиб ўтирибдилар, агар бу хастага бермасам, Худога хуш келмайди.

Ҳадисда, қола Наби аллайҳиссалом: «Ла таруддуссоила» (сўрагувчини ноумид қайтарманг). Агар нарса ҳар қанча кам бўлса-да, тилагувчини маҳрум этманг, деган андишага бордилар.

Шундай қилиб, ҳазрати Али (к.в.) анорни ўша хастага бериб, қўллари бўш, хижолатмандлик билан уйга қайтдилар ва қарасалар қиёмат хотуни, Фотима (р.а.) анча тузалиб ўринларидан турган эканлар. Ҳазрати Али (к.в.) бўлган воқеани баён қилдилар. «Ё Али, Худонинг Иззат ва Жалоллиги ҳурмати, анорни ўша одамга берганингиз заҳотиёқ кўнглимдаги анорга бўлган иштаҳам ўз ўзидан йўқ бўлди», – дедилар. Фотима (р.а.) сўзини эшитиб, Али (к.в.) беҳад хурсанд бўлдилар. Шу вақт бировнинг чақирган овози келди. Али (к.в.) чиқиб қарасалар, Салмони Форс (р.а.) қўлларида усти ёпиғлиқ бир лаганни ушлаб туриптилар. «Лагандаги нима?» – деб сўрадилар. «Аллоҳ таолодан Фотимага ҳадя келди. Расулulloҳ (с.а.в.) бериб юбордилар», – деб жавоб бердилар Салмони Форс (р.а.) Али (к.в.) хурсанд бўлиб, очиб кўрсалар, тўққиз дона анор экан. «Ё Салмон, мен битта анорни Аллоҳ йўлида садақа қилган эдим, бунда ўнта анор бўлиши керак», – дедилар.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло айтадики: «Қилган бир яхшилигингизга ўнта яхшилик берилади». «Анъом», 160-оят.

Салмони Форс (р.а.) кулиб, бир анорни енглари ичидан чиқариб: «Ё Али, валлоҳ ўнта эди. Садақанинг қадрини билиш учун биттасини яширган эдим», – дедилар («Зубдатул-ваъизийн»).

Масала. Бир эҳсонга ўнта қайтариш ҳақида Аллоҳ таоло ваъдасининг ҳикмати нимада? Уч сабабдан бир эҳсонга ўнта қайтиши айтилган. Биринчидан, илгари ўтган умматлар узоқ умр кўришарди, шунинг учун уларнинг тоат-ибодати ҳам кўпроқ эди.

Иккинчидан, Расулulloҳ (с.а.в.) умматларининг умри қисқалиги учун тоатлари ҳам камдир. Аллоҳ таолонинг ваъдаси бордурки, бу умматлар амаллари ўтган умматларникидан шу сабаб билан афзалдир. Уларнинг амалларига беш вақт намоз, Лайлатул-Қадр кечаси, Рамазон ойи ва Шаввол ойининг бошидаги олти куни, Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунлигида тутилган рўза, қурбонлик қилиш, закот ва садақа беришларига кўпроқ савоб ато этилгандир. Шу сабабдан уларнинг тоати олдинги ўтган пайғамбарлар умматларининг тоатидан афзалроқдир. Дебдурларки, Мусо (а.с.): «Илоҳо, Тавротда кўрдим, шундай бир уммат бор эканки, бир савоблари ўнта қилиб ёзилар экан ва гуноҳлари битта ҳисобида ўтказилар экан. Илоҳо, уларни менга уммат қил», – деб муножот қилдилар. «Ё Мусо, улар ҳабибим Муҳаммад Мустафо умматларидирлар, охирзамонда келадилар». Иккинчидан, Жаннатга лойиқлик даражаси холис тоат билан бўлади, бу умматнинг тоат-ибодати бошдан-оёқ нуқсонлидир. Шунинг учун Аллоҳ таоло ўз фазлу карами билан уларнинг савобини ўн марта ошириб, тоатларининг фазилатини кўпайтирди ва шу йўл билан Жаннатни топишларига йўл кўрсатди. Учинчидан, қиёмат куни рақиблар юзма-юз бўлади. Ҳақларини бир-бирларидан талаб қилиб оладилар. Ҳақдорлар ҳақидан кейин қолган савобни ҳам талаб қиладилар. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтадики, ҳақларингизни савоблар ҳисобига олдинглар, ҳаммасини ўзим ато қилган эдим, энди уларни қайтариб улардан олмасман. Қавлаҳу таоло: «Парвардигоро, бизга бу дунёда ва охиратда яхшилиқлар ато этгил». «Бақара», 201-оят («Равзатул-ъуламо»).

Илоҳо, барча мўмин ва мўминалар ишини хайрли қилиб, гуноҳларини савобга ва оқибат ишларини хайрга айлантиргин. Ё Раббил олабийн.

## ЗУЛҲИЖЖА ОЙИНИНГ ЎН КУНЛИГИ) ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Ривоят қилурларки, агар ким Зулҳижжа ойининг ўн кунлигида рўза тутса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўша бандага ўнта яхшилиқ ато қилади:

Биринчидан – умрига барака беради.

Иккинчидан – молини кўпайтиради.

Учинчидан – аҳли оиласини турли бало ва офатлардан сақлайди.

Тўртинчидан – бу рўзани гуноҳларига каффорат қилади.

Бешинчидан – унинг эзгуликларини зиёда қилади.

Олтинчидан – жон беришини осон қилади.

Еттинчидан – қабрини ёруғ қилади.

Саккизинчидан – мезон тарозусида яхши ишларини оғир қилади.

Тўққизинчидан – Дўзах оташидан озод қилади.

Унинчидан – Жаннатда унинг даражасини баландроқ қилади («Шифои Шариф»).

Ривоят қилурларки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло йил ичидан учта даҳани сайлаб, уларнинг шарофати, фазилатини ва баракотини зиёда этгандир. Биринчи, Лайлатул-Қадр кечасининг шарофатидан Рамазон ойи даҳасини. Иккинчи, Ҳаж арафоти (жамоати) шарофати билан Зулҳижжанинги даҳасини. Учинчидан, Ашуро куни баракотидан Муҳаррам ойининг даҳасини.

Ривоят қилурларки, арафа куни рўза тутган банданинги номаи аъмолига олтимиш йиллик рўзанинги савоби битилади («Зубдатул-ваъизийн»).

Хабарда келгандирки, Мусо (а.с.) шундай деб муножот қилдилар: «Илоҳо, даргоҳингдан ҳожатимни раво қилинишини

сўраб дуо қилган эдим, ижобат бўлмади. Баракотидан ҳожатим раво бўладиган бирор нарса таълим бергин менга». Аллоҳ таолодан ваҳий келдики: «Ё Мусо, Зулҳижжа ойининг ўн кунлигида «Ла илаҳа иллаллоҳ» деб айтгин. Мусо (а.с.) деди: «Илоҳо, «Ла илаҳа иллаллоҳ» зикрини айтиш махсус менгами ёки ҳар бир банданг учунми?» Бунга жавобан шундай ваҳий келди: «Агар ҳар ким Зулҳижжа ашри айёмида бир марта «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини айтса, тарозунинг бир палласига осмон ва ернинг етти табақасини қўйиб, иккинчи палласига «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини қўйса, бу калима уларнинг ҳаммасидан оғирроқ бўлади» («Зубдатул-ваъизийн»).

Ривоят: Ибни Аббос (р.а.) ривоят қиладилар: Расулulloҳ (с.а.в.): «Аллоҳ таоло Одам (а.с.) тавбасини Зулҳижжа ойининг биринчи кунда қабул қилди. Бу кунда ҳар ким рўза тутса, Аллоҳ таоло унинг барча гуноҳларини мағфират қилади».

Зулҳижжанинг иккинчи куни Юнус (а.с.) тавбасини қабул қилди ва балиқ қорнидан эсон-омон халос этди. Ҳар ким у куни рўза тутса, Аллоҳ таоло ҳеч каму-кўсти бўлмаган бир йиллик тоат-ибодатнинг савобини ўша банданинг номаи аъмолига ёзади.

Зулҳижжанинг учинчи куни Аллоҳ таоло Закариё (а.с.) нинг дуосини қабул қилди ва Яҳё (а.с.)ни ато этди. У куни рўза тутганларнинг дуоларини Аллоҳ таоло мустажоб этади.

Зулҳижжанинг тўртинчи куни Исо (а.с.) таваллуд топдилар. Бу кунда рўза тутган бандадан Аллоҳ таоло фақирликни йироқлаштиради.

Зулҳижжанинг бешинчи куни Мусо (а.с.) таваллуд топдилар. Бу кунда рўза тутган бандани Аллоҳ таоло икки юзламалиқдан, мунофиқликдан асрайди.

Зулҳижжанинг олтинчи куни Хайбар фатҳ этилишини насиб этган. Бу куни рўза тутган бандага Аллоҳ таоло ҳурмат назари билан қарайди ва бундан кейин уни азобга солмайди.

Зулҳижжанинг еттинчи куни Дўзах эшиклари ёпилади ва Зулҳижжа ойининг даҳаси чиқмагунча очилмайди. Бу куни рўза тутган банданинг юзига машаққатнинг уч эшигини ёпади ва осийшталиқнинг ўттиз эшигини очади.

Зулҳижжанинг саккизинчи куни тарвия айтиш кунидир. Бу куни рўза тутган бандага Аллоҳ таоло шунча мукофот ато қиладики, унинг ҳисобини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким топа олмайди.

Зулҳижжанинг тўққизинчи куни Арафадир. Бу куни рўза тутган банданинг бир йиллик гуноҳларини мағфират этади.

Зулҳижжанинг ўнинчи куни, қурбонлик қилиш кунидир. Бу кунда ҳар ким қурбонлик қилса, Аллоҳ таоло қурбонлик қонининг ҳар қатраси баробарига унинг ва аҳли оиласининг гуноҳларини мағфират этади. Қурбонликнинг гўштидан таом тайёрлаб мусулмонларга берса ёки гўштини садақа қилса, унинг савоб тарозисини Уҳуд тогидан ҳам оғирроқ қилади», – деб марҳамат қилган эдилар («Мажолис»дан).

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, Суфёни Саврий (р.а.) Басра вилоятига борган эдилар. Зулҳижжа ойининг кечаларидан бирида қабристондан ўтиб кетаётганларида бир қабрдан осмонга нур чиқаётганлигига кўзлари тушди. «Бу қабр эгасининг қандай амали бор экан?» – деб ҳайратга тушдилар. Қабрдан шундай овоз келди: «Ё Суфёни Саврий, мен Зулҳижжа ʻашрининг рўзадорларидан эдим. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унинг савоби баракотидан менга шундай нур ато этгандир» («Зубдатул-ваъизийн»).

Ойишаи Сиддиқа (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қиладилар: «Аллоҳ таоло гуноҳкор бандаларни муборак кунларда Дўзах азобидан озод этади. Лекин уларнинг кўплари Арафа кунидан озод этилади» («Зубдатул-ваъизийн»).

Ривоят қилурларки, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мен ва мандан илгари ўтган жумла анбиёлар зикрининг афзали, Зулҳижжанинг ўн кунлигида «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу зикридур», – деган эканлар («Зубдатул-ваъизийн»).

Илоҳо, Саййидалмурсагин саллаллоҳу алайҳи васаллам ва олиҳиттоҳирин ҳурмати ҳақи, барча мўмин ва мўмина бандаларга Зулҳижжа куни савобини топиш тавфиқини бериб, бандаларингни унинг савобидан баҳраманд этгин.

## ҚУРБОНЛИК ҚИЛИШ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Ривоят қилурларки, «Ҳар ким Қурбонлик қилишга қодир бўлса-ю, Қурбонлик қилмаса, вафотидан кейин мажусийлар ёки насронийлар қаторида бўлади», – дедилар Пайгамбар (с.а.в.).

Яна бир ривоятда: «Кимки Қурбонлик қилишга қодир бўлса-ю, лекин Қурбонлик қилмаса, мусулмонлар масжидига яқинлашмасин», – дейилган экан («Зубдатул-ваъизийн»).

Ҳазрати Али (к.в.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Кимки қурбонлик қилиш учун бозорга борса, Аллоҳ таоло ҳар бир қадамга ўнта савоб ато этади ва гуноҳларини кечиради. Қурбонликни савдо қилаётганда, айтган сўзларини тасбеҳ ўрнига қабул қилади. Қурбонлик учун берган ҳар бир дирҳамга етти юз дирҳам савобини беради. Қурбонликнинг ҳар қатра қонидан ўнта фаришта яратади ва улар қиёматгача унинг истиғфорини айтадилар. Қурбонлик гўштининг ҳар луқмаси учун Исмоил (а.с.) фарзандларидан бир қулни озод қилганлик савобини беради» дедилар, – («Хожазода»дан).

Пайгамбар (с.а.в.)дан ривоят қилинур. «Гувоҳлик бераман, ҳар ким қурбонлик қилса, қурбонликнинг ерга томган биринчи

томчи қони учун Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унинг ўтмишдаги гуноҳларини мағфират этади», – деган эканлар («Зубдатул-ваъзийн»).

Ривоят қилурларки, Довуд (а.с.): «Илоҳо, Муҳаммад (с.а.в.) умматлари қилган қурбонлик учун нима ато этгансан?» – дедилар. Аллоҳ таоло хитоб қилдики: «Ё Довуд, Муҳаммад (с.а.в.) умматларидан қурбонлик қилганларга қурбонликнинг баданидаги ҳар бир тукига ўнта савоб ато қилиб, ўнта гуноҳини кечаман, Жаннатдаги даражасини юксалтириб, ҳар бир туки баробарига Жаннатда бир қаср бино қиламан ва ҳурларни насиб этаман. Ё Довуд, заҳое ҳиял матоё ва тарфаъул балое явмал Қиёмати» (ё Довуд, бу қурбонлик албатта қиёмат куни маркаб бўлиб, балони қайтаради).

Ҳикоят. Аҳмад ибни Исҳоқ (р.а.) айтибдурки, камбағал ва аёлманд акам бор эди. Камбағаллигига қарамай, ҳар йили Қурбон ҳайити кунлари ҳаракат қилиб, бир қўйни қурбонликка сўярди. Акам вафот этгандан кейин кечаси икки ракаат намоз ўқиб, Аллоҳ таборак ва таолодан акамни тушда кўришни, ҳол-аҳволини билишни илтижо қилдим. Уни тушимда кўрсам, бир яхши от устида экан. «Эй ака, Аллоҳ таоло сенга нима ато этди?» – деб сўрадим. «Аллоҳ мени мағфират этди», – деди. «Қайси сабаб билан?» – деб сўрадим. «Бир куни бир камбағал, кекса аёлга худо йўлига бир дирҳам хайр қилганлигим, мағфират этилишимга сабаб бўлди», – деб жавоб берди. «Бу отни қаердан олдинг?» – дедим. «Дунёда қилган қурбонлигим бу ерда менинг уловимга айланди», – деб жавоб берди. «Қаерга кетяпсан?» – деб сўрадим. У: «Жаннатга», – деди-ю кўзимдан ғойиб бўлди («Синония» китобидан).

Ривоят қилурларки, баъзи мўминлар қурбонлик қилмасаларда, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уларнинг солиҳ амалларидан тую-



улов ато қилади ва улар шу туяни миниб, Сирот кўпригидан ўтадилар («Синония» китобидан).

Анас ибни Молик ва Али (к.в.) Расули Акрам (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Ҳашр (қиёмат) содир бўлган вақтда, мўминлар ўз қабрларидан турадилар. Аллоҳ таоло: «Эй фаришталар менинг бандаларимни маҳшаргоҳга пиёда олиб борасизми? Улар дунёда бирор жойга бормоқчи бўлишса, пиёда боришмас эди. Тугилмасдан илгари уларга ота сулби, кейин оналарининг қорни маркаб бўларди. Тугилганларидан кейин она бағрида ва эмишдан тўхтаганда оталарининг елкасида юришарди. Улғайганларида туялар, хачирларга минардилар. Агар денгизларда сафар қилсалар, қайиқларда ва кемаларда сузардилар. Вафот этганларидан кейин мўмин биродарларининг елкаси уларга уловлик вазифасини адо этарди. Энди тирилиб, қабрларидан турганларидан кейин Маҳшарга пиёда боришмасин. Қурбонликларини келтиринг, миниб боришсин», – дейди.

Аллоҳ сўзи будир: «Қиёмат куни парҳездорлар Парвардигор ҳузурига гуруҳ-гуруҳ ҳозир бўладилар». «Марям», 85-оят.

Ҳадисда бордурки, Ўаззиму заҳайакум фаиннаҳа алассироти матайакум (Қурбонликни катта қилинг, чунки Сирот кўпригидан ўтаётганингизда у сизга улов бўлади).

Расулуллоҳ (с.а.в.): «Қурбонлик қилиш чиройли амаллардандир, у бандани дунё шароратидан, уқбо офатидан озод этади. Қурбон ҳайити намозини ўқиб, Қурбонлик сўйган мўминлар менинг умматимдандир», – деган эканлар («Зубдатул-ваъизийн»).

Фиқҳ китобларида айтилгандурки, Қурбонлик сўйишнинг аввали ҳайит намозидан кейиндир. Қуро аҳли хилофида

ҳайит намозидан илгари Қурбонликни сўйиш жоиз бўлиб, Қурбонликнинг охириги вақти учинчи кун тугашидан олдинроқдир. Қурбонликнинг энг афзали уни ўз қўли билан сўйишдир. Агар ўзи сўйишни билмаса, бошқа одамга буюриши мумкин, лекин сўйиш вақтида ҳозир бўлиш мустаҳабдир. Қурбонлик юзини қибла томонга буриб, «Албатта мен юзимни осмонлару ерни яратган Зотга, тўғри йўлга мойил бўлган ҳолимда юзлантирдим ва мен мушриклардан эмасман». («Анъом», 79-оят.) «Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар ла илаҳа иллаллоҳу Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар валиллаҳил ҳамд. Бисмиллоҳ Аллоҳу Акбар», деб сўйсин ва шундан кейин икки ракаат намоз ўқисин.

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтганларки, Қурбонликни сўйгандан кейин пичоқни ташлаб, икки ракаат намоз ўқиб, салом бергандан кейин «Аллоҳумма инна салоти ва нусуки ва маҳйаа ва мамоти лиллаҳи Раббилъоламинин ла шарика лаҳу ва би золика умирту ва ано минал муслиминин» (Эй бор Худоё, менинг намозим ва нусукларим (намоздан бошқа ибодатларим), мамотим оламлар Раббиси Аллоҳ таоло учундир ва мислсиздир, мусулмондан бўлганим учун менга шундай қилиш фармон бўлгандир). Шу дамда Аллоҳ таолодан нимаики сўраса, унинг фазлу карами билан ато қилинур («Зиё-ад-дин»дан).

Илоҳо, барча мўминларга Қурбонлик қилиш инсофини бериб, ожиз ва заиф бандалар Қурбонлигини даргоҳингга қабул эт. Омин, Саййидино Муҳаммад ва олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъийн.

## ЗАКОТ ФАЗИЛАТИ ВА УНИ БЕРМАСЛИК АЗОБИ БАЁНИДА

Имом Ҳасан (р.а.) ривоят қилурларки, Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Закотни адо этганларнинг моли балодан ва ўғирликлардан омонда бўлади» («Зубдатул-ваъизийн»).

**Ҳикоят.** Нақл қилинишича, бир насроний тижорат мақсадида молни Мисрга жўнатган экан. Пайгамбар (с.а.в.)нинг ушбу ҳадиси шарифларини эшитиб, молнинг закотини мискинларга берди. «Агар Пайгамбар (с.а.в.)нинг пайгамбарликлари барҳақ(чин) бўлса, савдодаги молим ўғриликдан омонда бўлиб, қўшимча яхшигина фойда олсам, албатта исломга кираман, бордию акси бўлса, қўлимга шамшир олиб, Муҳаммад (с.а.в.)ни қатл этаман», – деб кўнглидан ўтказди. Бир неча кундан кейин савдогарлардан келган мактубда «Мисрдан йўлга чиқиб, уйга қайтаётганимизда қароқчилар тўдасига дуч келдик. Савдогарларнинг кўпчилиги ўлдирилди, бор молларимизни таладилар. Ҳаммамиз ҳайрон ва сарсон-саргардон бўлиб юрибмиз», – деган хабар келди. Насроний буни эшитиб, изтиробга тушди. Бир-икки кундан кейин у шеригидан қуйидаги мазмунда мактуб олди: «Карвонимиз улардан икки кун кейин йўлга чиқди. Алҳамдулиллоҳ, соғ-саломат қароқчилар еридан ўтиб олдик ва анча мол билан яқин кунлар ичида учрашамиз». Насроний мактубни ўқиб бўлгач, Расулуллоҳ (с.а.в.) хузурларига бориб, имон келтириб исломга кирди («Равзатул-ғуламо»).

Абу Дардо (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан аниқ эшитганман деб ривоят қиладилар: «Ўликлар билан суҳбатлашманг», – дедилар. «Ўликлар ким?» – деб сўрадик. «Бойлар, – деб сўзларини давом этдилар, – Меърож кечаси Жаннат аҳлини кўрдим, уларнинг аксарияти фақир-камбағаллар эди. Дўзах аҳлини ҳам кўрдим, уларнинг аксарияти бойлардан иборат эди», деб жавоб бердилар.

Ҳикоят. Шиблийдан (р.а.) сўрадилар: «Фарз нимадир?» «Аллоҳ таоло муҳаббати», – деб жавоб бердилар. Яна сўрадилар: «Суннат нимадир?» «Тарки дунё», – дедилар. «Закотнинг миқдори қанча?» – деб сўрадилар. «Барча мол-дунёни садақа қилиш». Яна сўрадиларки: «Шаръ бўйича икки юз дирҳамдан беш тангами?» «Бу бахил-зиқналарнинг закотидир», – дедилар. «Бу кимнинг мазҳабида?» – деб сўрашди. «Бу Абубакр Сиддиқ (р.а.) мазҳабларидур, у киши бор бойликларини Худо йўлида садақа қилганлар», – деб жавоб бердилар. «Бу ҳақда Қуръондан ҳужжатингиз борми?» – дедилар. Парвардигор сўзи будир: «Ростдирки, Аллоҳ мўминларнинг нафсларини ва молларини харид этгандир». «Тавба», 111-оят.

Ривоят қилурларки, Мусо (а.с.)нинг амакиваччаси Қорун (алайҳилаъна) Мусо (а.с.) учун Тавротни қироат қиларди. Фиръавн ғарқ бўлгандан кейин, у Мусо (а.с.)нинг синглицидан кимё илмини ўрганди ва кеча-кундуз шу иш билан шугулланиб, Мусо (а.с.)нинг хизматини ҳамда Таврот қироатини тарк этиб, беҳисоб бойликлар йигди. Хазинаси калитларини қирқта хачирга ортиб юрарди. Қорун Бани Исроил қавмида катта эътибор топган бўлиб, бу қавмнинг аксарияти унинг атрофида тўпланиб, фармонбардорлигини адо этардилар. Бир куни, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Мусо (а.с.)га: «Қорундан закотни талаб қилгин», – деган ваҳий юборди. «Мендан шу баҳона билан пул олмоқчисан», – деди Қорун. «Эй Қорун, дунё билан ишим йўқ эканлигини яхши биласан. Аллоҳ таоло фармони билан сендан шаръий закотни талаб қиляпман. Агар закотни берсанг молинг кўпаяди, уларнинг барчаси ҳалол бўлади, агар бермасанг Аллоҳ таоло олдида гуноҳкор бўласан», – дедилар Мусо (а.с.). Шундан кейин Қорун закот беришдан бош тортиб, инкор этди. Мусо (а.с.)

билан душманлик қилиб, тухмат уюштириш учун бир фоҳиша аёлга минг тилло берди ва бани Исроил ўртасида, «Қорнимдаги бола Мусонинг зиносидан пайдо бўлган», – деб айтасан деган гапни ўргатди. Мусо (а.с.) бани Исроил йиғилишида минбарда туриб, ваъз айтаётган эдилар. Қорун у ерга келиб деди: «Ё Мусо, зино қилувчилар ҳақида нима дейсан?» Мусо (а.с.): «Агар уйланмаган бўлса, юз дарра уриш керак, агар уйланган эркаклардан бўлса, тошбўрон қилинади», – деб жавоб бердилар. «Буни ўзингга қўллаб, сени тошбўрон қилиш керак. Бегона аёл билан зино қилгансан», – деди Қорун. Мусо (а.с.): «Гапингни тасдиқлайдиган ўша аёл қани?» – дедилар. Қорун аёлни олиб келди. Аёл одамлар ўртасида: «У Аллоҳнинг пайғамбаридир. Қоруннинг гаплари тухматдан иборат. Менга минг динор бериб, тухмат қилишимни ўргатди. Мен динор учун Аллоҳнинг пайғамбарига тухмат қилишдан қўрқаман», – деди. Мусо (а.с.) шукрона сажда бажо келтириб: «Агар менинг пайғамбарлигим ҳақ бўлса, арзимни қабул эт», – дедилар. Аллоҳ таолодан Мусо (а.с.)га: «Ерни сенга мусаххар қилдим, истаганингни буюргин», – деган ваҳий келди. Мусо (а.с.) хурсанд бўлдилар ва Ерга дедилар: «Эй Ер, Қорунни барча бойликлари, қаср ва тобеинлари билан бирга қаърингга торт». Дарҳол Ер Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло қудрати билан Қоруннинг ўзини тиззасигача ва мол-мулкини ўз қаърига тортди. Қорун ялина бошлади. Мусо (а.с.) газабланиб: «Эй Ер, тўхтамасдан ютгин уни», – дедилар. Қорун бўйнигача Ерга кирди. Қорун ялиниб-ёлворди, лекин Мусо (а.с.) ҳеч қандай эътибор бермай: «Эй Ер, уни қаърингга тортавер!» – дедилар. Ер Қорунни бутун мол-мулки, хазина-дафинаси билан қўшиб ютди. Қорун ҳар куни бир одам бўйи ерга кириб боради ва бу қиёматгача давом этар экан («Мушкотул-анвор»).

## САХИЙЛИКНИНГ ФАЗИЛАТИ ВА БАХИЛЛИКНИНГ РАЗОЛАТИ БАЁНИДА

Ривоят қиладиларки, Расули Акрам (с.а.в.) замонларида Саълаба бинни Хотиб исмли бир одам бор эди. Мадинаи Мунавваранинг масжидида яшаб туну кун ибодат билан машгул эди. Сажда қилавериб пешонаси туянинг товонига ўхшаб дағал бўлган экан. Бир куни намоз тамом бўлиши билан шоша-пиша масжиддан чиқди. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Эй Саълаба, масжиддан шошилганча кетиш мунофиқлар амалидир». «Ё Расулаллоҳ, мен билан аёлимнинг фақат битта кийимимиз бор, намоздан кейин уйга бориб, кийимни аёлимга бераман, у кийиб намоз ўқийди, аёлим уйда ялангоч мени кутиб ўтирибди. Ё Расулаллоҳ, дуо қилинг, Аллоҳ таоло менга бирор нарса ато этсин», – деди. Пайгамбар (с.а.в.) дедилар: «Ё Саълаба, шукр қил, чунки ҳозирги камбағаллик ҳолатинг дунё молидан афзалдир». Бир неча кундан кейин яна: «Ё Расулаллоҳ, дуо қилинг, Аллоҳ таоло менга мол ато этсин», – деди. Шунда Пайгамбар (с.а.в.): «Нафсим ихтиёрида бўлган Аллоҳга қасамки, агар дунё бойликларини сўрасам, тоғларни менга олтинга айлантириб берган бўларди. Мен Аллоҳдан бойлик сўраган эмасман», – дедилар. Бир неча кун ўтгандан кейин Саълаба яна сўзини такрорлаб: «Ё Расулаллоҳ, дуо қилинг, Аллоҳ таоло менга бойлик ато этсин. Аллоҳ таоло номига қасамки, агар менга бойлик берса, кўплаб эҳсонлар қилган бўлардим», – деди. Шундан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.): «Илоҳо, Саълабага бойлик ато эт», – деб дуо қилдилр. Бир неча кундан кейин Пайгамбар (с.а.в.)га жияга битта қўй беришди. Расулуллоҳ (с.а.в.) бу қўйни Саълабага бердилар. У жуда хурсанд бўлди. Қўй бўғоз эди, туғди. Қисқа вақт ичида Саълабанинг қўйлари кўпайдики, ҳатто Мадинаи Мунавваранинг яйловлари

ҳам торлик қилди. Саълаба қўйларини ҳайдаб, чўлга кетди. Жамоат намозидан узоқлашди. Жума намозидан бошқа жамоат намозларига келмасди. Озгина вақт ичида унинг қўйлари курт-қумурсқадай кўпайиб кетди. Жума намозини ҳам тарк этди. Бир куни Расулulloҳ (с.а.в.): «Саълабадан бирор хабар борми?» – деб сўрадилар. «Ё Расулаллоҳ, Саълабанинг моли-дунёси кўпайгани учун саҳрога чиқиб кетган», – деб жавоб беришди асҳоблар. Расули Акрам (с.а.в.): «Саълабанинг ҳолига вой», – дедилар. Бир неча кундан кейин закот ояти нозил бўлди. Расулulloҳ (с.а.в.) икки нафар саҳобани закот олиш учун Саълабанинг олдига юбордилар. Улар Саълабанинг олдига бориб, Закот фарз бўлганидан хабар бердилар ва закот оятини ўқиб эшиттирдилар. Саълаба деди: «Менинг мол-дунём жизядан орттирилган. Закот бермайман». Ул икки саҳобаи киром Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурига келиб, Саълабанинг сўзларини айтдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) ўз муборак оғизлари билан уч маротаба «Саълабанинг ҳолига вой, Саълабанинг ҳолига вой, Саълабанинг ҳолига вой», дедилар. Ўша дамда Саълаба тўғрисида оят нозил бўлди.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло сўзи будир: «Шундай одамлар ҳам борки, агар менга бойлик берса, садақа қилган бўлардим деб Худога аҳд қилади ва бундай одамлар яхшилардандирлар». «Тавба», 75-оят.

Дедурларки, оят нозил бўлган вақтда Саълабанинг қариндошларидан бири ҳозир эди ва эшитиб, Саълабага: «Ҳолингга вой, эй Саълаба сенинг тўғрингда оят нозил бўлди», – деб хабар берди. Саълаба буни англаб, молининг закотини Расулulloҳга (с.а.в.) олиб келди. Аллоҳнинг Пайғамбари дедилар: «Эй Саълаба, Аллоҳ таоло сенинг закотингни олишдан мени ман этган». Саълаба буни эшитиб: «Сизнинг айтганингизни қилмадим, закот бермаганимнинг жазоси бу», – деди ва бошига тупроқ сочиб

чиқиб кетди. Абубакр Сиддиқ (р.а.) халифаликлари замонида Саълаба закотини олиб келди. Абубакр Сиддиқ (р.а.): «Сенинг закотингни Расулуллоҳ (с.а.в.) қабул қилмадилар, мен қандай қабул қилай?» – дедилар. Шундан кейин Умари Форук (р.а.) халифалик замонидан Саълаба яна закотини олиб келди. Умар (р.а.): «Эй Саълаба, сенинг закотингни Расулуллоҳ (с.а.в.) ва унинг халифаси қабул қилмади, мен ҳам қабул қилолмайман», – дедилар. Саълаба Усмон (р.а.) халифалиги замонида молининг закотни яна олиб келди. Усмони Зиннурин (р.а.) ҳам қабул этмадилар. Саълаба Усмон (р.а.) замонларида вафот этди. У кўрган барча азоб-уқубатлар бахиллик ва мол-дунёга бўлган зикналик ҳамда закот бермаслик, ваъдада турмаслик оқибати эди.

Ривоят қилурларки, мунофиқнинг учта белгиси бор: биринчидан, ёлгон сўзлайди, иккинчидан, ваъдага вафо қилмайди, учинчидан, омонатга хиёнат қилади («*Ҳаётул-қулуб*»).

Яна дебдурларки, Расулуллоҳ (с.а.в.) дан сўрадилар: «Ё Расулаллоҳ, биз дунёдан фориғ бўлганимизда ер юзи яхшими ёки ости? Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Агар ҳокимларингиз солиҳ ва одил бўлсалар, бойларингиз сахий ва хайрпеша бўлсалар, нимаики қилмоқчи бўлсангиз, ўртада маслаҳат билан ҳал этиш одат қилинган бўлса, ер усти яхшидир. Агар ҳокимларингиз золим ва жабр қилувчи бўлсалар ва бойларингиз бахил бўлиб, ишларингизни хотинлар билан маслаҳат қилиш одат бўлса, ер ости яхшидир» («*Ҳаётул-қулуб*»).

Ойишаи Сиддиқа (р.а.) ривоят қилурларки, Расулуллоҳ (с.а.в.): Жаннатда саховат дарахти бор ва унинг шохлари дунёдадир. Ҳар ким унинг шохларидан тутса, улар у одамни Жаннатга элтадилар. Дўзахда бахиллик дарахти бор бўлиб, унинг шохлари бу дунёдадир. Унинг шохларидан тутганларни Дўзахга олиб боради, – деб айтган эканлар.



**Ҳикоят.** Бир куни Мусо (а.с.) бир манзилдан ўтаётган эдилар, бир кишининг тугал хушў ва хузуў билан ибодат қилаётганлигини кўрдилар. Улар дедилар: «Илоҳо, бу банданг қандай чиройли намоз ўқияпти?» «Ё Мусо, агар банда бир кеча кундузда минг ракаат намоз ўқиса, мингта қулни озод этса, минг марта ҳаж қилса, минг марта газот қилса, закотни адо қилмагунича буларнинг бирортаси фойда бермайди», – деган нидо келди. Ҳадис: «Молдунёга меҳр қўйишлик, барча хатоларнинг бошланишидир. Закот бермаслик бойликни севишининг нишонасидир».

Илоҳо, омиён, Саййидалмурсалин (с.а.в.) ҳурмати учун барча мўмин ва мўминаларни ёмон нафс, ёмонлик қилиш шароратидан, бахилликдан асраб, саховат ва хайрли ишлардан баҳраманд этгин.

## ТАВОЗЕ (КАМТАРЛИК) ФАЗИЛАТИ ВА ТАКАББУРЛИКНИНГ МАЗАММАТИ БАЁНИДА

Ибн Аббос (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар. Ҳар бир одамнинг бошида бир занжир бўлиб, бир учи еттинчи осмонда ва иккинчи учи ернинг еттинчи қаватидадир. Қачон банда тавозе қилса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло фармони билан занжир осмонга тортилади ва банда кибрланганда занжирнинг иккинчи учи ернинг еттинчи қавати томон тортилади («Арбаъин» ҳадисдан).

Умар ибн Шуъайб (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Қиёмат куни такаббурликлар (гердайганлар) чумолидек кичрайиб, инсон шаклида бўладилар. Ниҳоятда хору зор аҳволга тушадилар. Жаҳаннамда Булсон номли зиндон бўлиб, унинг олови Дўзахникига қараганда анча иссиқроқдир. Мутакаббирлар жойи

ўша ерда экан. Улар емиши Жаҳаннам аҳлидан оқиб чиққан қон ва фасоддан бўлади». Наъзу биллаҳ! («Арбаъин» ҳадисдан.)

Абу Ҳурайра (р.а.) ҳазрати Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Қиёмат куни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уч гуруҳ одамга раҳмат назари билан боқмайди: биринчи, зинокор шайх, иккинчи, ёлгончи подшоҳ, учинчи, гердайган камбағал. Қалбида заррача кибри бор одам Жаннатга кирмайди».

Ибн Аббос (р.а.) ривоят қиладилар: «Камтар банданинг бир неча аломатлари бор бўлиб, уларга амал қилганлар кибр-ҳаводан узоқда бўлади. Мўмин биродарининг раҳмини ейди, тупроқ устига сажда қилади, кийимларига ямоқ солади, молларни арқонлайди, ювилган кийим кияди, фақир-ночорлар билан ўтиради, ўз аҳли-оиласи билан бир дастурхондан таом ейди, мўмин биродарига илгарироқ салом беради ва жамоатда қаерда бўш жой бўлса ўша ерга ўтиради. Буларнинг барчаси камтарлик аломатлари бўлиб, кибр-ҳаводан холидир. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бу бандага етмишта савоб ато қилади ва етмишта гуноҳини номаи аъмолидан ўчиради. Жаннатда унинг даражасини бошқалардан баландроқ қилади» («Равоҳи Соҳибул-фирдавс»).

Ривоят қилурларки, Амиралмўминин Умар (р.а.) ўз халифалик замонларида Шоми шарифга сафар қилган эканлар. Хизматкорлар ва амирнинг ўрталарида бир туя бор бўлиб, уни навбати билан бир фарсаҳ миниб, бошқалари нўхтасидан етаклаб боришар экан. Шом шаҳрига яқинлашганларида туяни етаклаш навбати Амиралмўмининга ўтган эди. Ҳазрати Умар (р.а.) туянинг арқонидан ушлаганча юриб, шаҳар дарвозасига яқинлашдилар. Абуубайда Жарроҳ (р.а.) Шом шаҳрининг ҳоқими эдилар. У киши ҳазрати Умарнинг (р.а.) пешвозларига чиқиб, у кишининг туяни етаклаб, пиёда келаётганларини кўрдилар ва ҳазрати Умар (р.а.)нинг олдиларига келиб: «Ё Амиралмўминин,

шаҳар аҳолиси сизнинг истиқболингизга чиқди, сизни бундай аҳволда кўрсалар яхши эмас. Сиз туяга минишингиз, хизматкор эса, етаклаши лозим», – дедилар. Амиралмўминин Умар (р.а.) дедилар: «Ё Абуубайда, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳурматимни исломда баланд қилган, одамлар нима дейишининг аҳамияти йўқ». Амиралмўминин туяни етаклаганча Шом шаҳрига кириб бордилар («Зубдатул-ваъизийн»).

Ривоят қилурларки, Расулulloҳ (с.а.в.) Маккаи Муаззамадан ҳижрат қилиб, Мадинаи Мунавварага етганларида, Мадинанинг бойлари ва аёнлари ул ҳазратнинг истиқболларига чиқдилар. Ҳар бири туянинг арқонини тутиб, Пайгамбар (с.а.в.)ни ўз уйига олиб боришни орзу қиларди. Пайгамбар (с.а.в.): «Туянинг ихтиёри ўзида, у қаерга борса, менинг манзилим ўша ерда бўлади», – дедилар. Туя бораётганда ҳар ким ўзича хурсанд бўлиб, туя меникига борса керак деб ўйларди. Улар орасидаги Абу Аюб Ансорий (р.а.) камбагал бўлиб, ҳеч нарсаи йўқ эди. «Шунча бой ва машҳур одамлар турганда Пайгамбар (с.а.в.) менинг уйимга борармидилар?» – деб ўйларди. Жаброил (а.с.)шу вақтда ҳозир бўлиб дедилар: «Ё Расулаллоҳ, Абу Аюб манзилини муборак қадамингиз нури билан мунаввар қилинг, чунки Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унинг камтарлиги ва мутаवозелиги учун манзилини Сизга қароргоҳ этди» («Зубдатул-ваъизийн»).

Ривоят қилурларки, бани Исроилда бир зоҳид киши бор эди. Етмиш йил рўза тутиб, тоат-ибодат билан машғул бўлди. Бир йилда бир марта ифтор қиларди. Етмиш йилдан кейин Аллоҳ таолодан бир ҳожатининг раво бўлишини сўради. Илтижоси ижобат бўлмади. Ўз-ўзига деди: «Агар Аллоҳ таоло олдида бирорта мартабага эришган бўлсайдинг, Аллоҳ таоло илтижоларингни қабул қилган бўларди». Шунда бир фаришта зоҳид олдига келиб: «Эй одам фарзанди, бундай

илтижо қилишинг, Аллоҳ таоло назарида етмиш йиллик тоат-ибодатингдан кўра, мақбулроқ бўлди. Сен истаган ҳожатни Аллоҳ таоло раво этди», – деди. Шунинг учун тавозе қилувчилардан бўлинг («Мавъиза»дан).

Каъбулахбор (р.а.) ривоят қиладилар: Аллоҳ таоло Мусо (а.с.)га шундай ваҳий юборди: «Ё Мусо, сени ўз Калимим қилиб яратганим сабабини ҳеч биласанми?» Мусо (а.с.) дедилар: «Илоҳо, сен билгувчисан». Нидо келдики: «Ё Мусо (а.с.), бандаларим қалбига назар қилиб, ҳаммадан ҳам сенинг қалбингни сертавозероқ деб топдим. Шунинг учун сени ўз Калимим қилиб яратганман» («Зубдатул-ваъизийн»).

Илоҳо, ўз фазли караминг билан Муҳаммад саллаллоҳу аъло олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин ҳаққи ҳурмати билан барча мўмин ва мўмина бандаларга камтарлик мутавозеликни насиб этиб, кибр-ҳаво, худбинлик ва мағрур бўлиш каби шайтоний феъл-атвордан асрагин.

## РАЖАБ ОЙИНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар: «Ражаб ойининг биринчи кечасини уйғоқликда тоат ва истиғфор билан ўтказганларни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло онадан янги туғилгандек барча гуноҳларидан пок этади ва Дўзахга кетадиган етмишта гуноҳкорга уни шафе қилади», – деган эканлар.

Анас ибни Молик (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Агар умматларимдан ҳар ким Ражаб ойи кечаларида йигирма ракаат намознинг ҳар бир ракаатида Фотиҳа сурасидан кейин бир марта Ихлос сурасини ўқиб, ушбу намозни унта салом билан адо этса, Аллоҳ таоло аҳли оиласини дунёнинг бало-

офатларидан, охират азобларидан ўз ҳифзи-ҳимоясига олади», – дедилар («Зубдатул-ваъизийн»).

Расулulloҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қилингандир. Ражаб ойи Аллоҳ таолонинг ойдир. Аллоҳ таоло Ражаб ойини «гаранг» қилиб яратди. Ражаб ойида бир кун рўза тутган бандадан Аллоҳ таоло рози бўлади. Агар икки кун рўза тутса, ер ва осмон аҳлини унга бўйсундиради. Агар уч кун рўза тутса, дунёнинг жамики балоларидан ва охират азобидан, васвасадан, хасталиклардан, Дажжол фитнасидан омонда бўлади. Агар Ражаб ойининг етти кунида рўза тутса, Аллоҳ таоло Дўзахнинг еттита эшигини ёпади ва агар саккиз кун рўза тутса, Жаннатнинг саккиз эшигини унга очиб қўяди, агар ўн кун рўза тутса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло у бандадан ҳеч қандай савол сўрамайди. Агар бу ойда ўн беш кун рўза тутса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уни мағфират этади ва ўтмишдаги гуноҳларини савобга алмаштиради («Зубдатул-ваъизийн»).

Пайгамбар (с.а.в.)дан бундай деб ривоят қиладилар: «Меърож кечасида шундай бир наҳрни кўрдим. Суви асалдан ширин, қордан совуқроқ ва мушкдан ҳам хушбўйроқ эди. Жаброилдан (а.с.) сўраган эдим, бундай жавоб бердилар: «Ё Расулаллоҳ, бу наҳрнинг суви, Ражаб ойида Сизга кўпроқ салавот айтган умматларингизнинг насибасидир».

Муқотил (р.а.) Расули Акрам (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қиладилар: Кўҳи Қоф тоғининг ортида бу дунёга етти баробар келадиган ер бўлиб, унинг ери тоза тиллодан, аҳолиси фаришталардан иборат, ҳар бир фариштанинг қўлида «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулulloҳ» тасбеҳи ёзилган алам (байроқ) бор. Ражаб ойининг ҳар жума кечасида Қоф тоғи атрофида йиғиладилар ва Муҳаммад (с.а.в.) умматларининг саломатлигини тилаб дуо қиладилар. «Илоҳо, Муҳаммад (с.а.в.)нинг умматларига раҳм қил, уларни азобдан озод этиб, мағфират

қилгин», деб тонг отгунча тазарру-илтижо қиладилар. Шунда Аллоҳ таоло: «Эй фаришталар ўз иззат ва жалоллигим ҳурмати, уларни мағфират этдим», – дейди («Мажолисул-анвор»).

Ривоят қилурларки, Ражаб сўзи учта ҳарфдан иборатдир (РЖБ). Р – ҳарфи Аллоҳ таоло Раҳматидан, Ж – ҳарфи гуноҳкорлар айбу нуқсонлари (журм), Б – ҳарфи (Барий-поклик ва софлик-таржимон) Аллоҳ таолонинг поклиги, эзгулигидан далолатдир. Билгинки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло: «Эй бандам, Ражаб ойи ҳурмати учун сенинг гуноҳларингни ўз раҳматим билан мағфират этдим, сенинг ҳеч гуноҳинг қолмади», – дейди («Мажолисул-анвор»).

Дейдиларки, Ражаб ойи тугагандан кейин осмонга чиқади. Шунда Аллоҳ таоло: «Эй менинг ойим, қайси бандам сени дўст тутди ва таъзимингни бажо келтирди?» – деб сўрайди. Ражаб ойи ҳеч нима демай сукут сақлайди. Аллоҳ таоло: «Нега гапирмайсан?» – деб савол қилади. Ражаб ойи яна сукут сақлайди. Аллоҳ таоло учинчи марта савол қилганда, Ражаб ойи шундай деб жавоб беради: «Илоҳо, сен сатторул-ъуюбсан, менинг номимни асам (гаранг) деб атадинг. Мен бандаларингнинг тоат-ибодатларини кўрдим, аммо уларнинг гуноҳ қилганларини ҳеч ҳам эшитмадим». Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло: «Сен менинг асам ойимсан ва менинг бандаларим гуноҳкордирлар, лекин сенинг ҳурматинг билан уларнинг айбини кечирдим, мағфират этдим уларни», – деб айтар экан («Тожул-ъорифийн»).

Ривоят қилурларки, Киroman котибин бандаларнинг гуноҳ ва савобларини ҳар ойда жамлаб ёзадилар. Ражаб ойида эса, бандаларнинг савобини ёзадилар, аммо гуноҳларини ёзмайдилар. Аллоҳ таборак ва таолонинг фазлу инояти билан уларнинг гуноҳларини эшитмайдилар («Мушкотул-анвор»).

Ибн Аббос (р.а.) Расули Акрам (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: Ражаб ойининг биринчи куни рўзаси уч йиллик гуноҳлар каффоратидир. Иккинчи куни рўзаси икки йиллик гуноҳлар каффорати бўлади. Ражаб ойининг учинчи куни рўзаси бир йиллик гуноҳлар каффоратидир. Ражаб ойининг бошқа кунларидаги рўзадорликнинг ҳар бир куни бир ойлик гуноҳлар каффорати бўлади («Жомиъул-сагир»).

Абу Ҳурайра (р.а.) Расулulloҳдан (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар: «Рамазон ойидан бошқа ҳеч қандай рўза савоби Ражаб ва Шаъбон ойининг рўзасининг савоби билан тенглаша олмайди. Инна Ражаба шаҳруллоҳ ва Шаъбона шаҳрий ва Рамазона шаҳрий уммати» (Ражаб ойи- Худойи таборак ва таолонинг хос ойидир. Шаъбон ойи мениқидир, Рамазон ойи эса умматларимниқидир). Жаннатда бир ариқ бор бўлиб, унинг номи ҳам Ражабдир. Ундаги сув қордан оқ ва асалдан ҳам ширинроқдир. Ражаб ойининг рўзадорларини Аллоҳ таборак ва таоло ана шу ариқдан сероб қилади.

Имом Бухорий ва имом Муслим шундай дейдилар: «Ражаб ойида Байтуллоҳнинг эшиклари ҳар куни катта қилиб очилади ва бошқа ойларда фақат душанба ҳамда пайшанба кунларигина очилади. Ражаб ойи Худойи таолонинг хос ойи, каъба Худойи таолонинг уйи ва банда Худойи таолонинг бандаси бўлганидан кейин, Худойи таолонинг хос ойида, Худойи таоло бандаларининг уйига киришига монелик бўлмаслиги даркор».

**Ҳикоят.** Байтул-Муқаддасда бир обида аёл яшарди. Ҳар доим Ражаб ойи кирганида у ҳарир кийимларини ташлаб, шолчага ўраниб оларди. Ҳар куни таъзим қилиб, ўн икки мартаба Ихлос сурасини ўқирди ва ўз фарзандларига: «Агар мен Ражаб ойида вафот этсам, мени шу шолчага кафанлаб дафн этинг», – деб васият

қиларди. Вақт ўтиб, аёл вафот этгандан кейин шолчани ечиб, оналарини янги кафанга ўраб дафн этдилар. Ўгли уни тушида кўрганида: «Эй фарзанд, васиятимни бажармадинг, сендан рози эмасман», – деди онаси. Уйқудан туриб онасининг қабри тепасига борди ва қабрини очиб қараса, онасининг гўри бўм-бўш эди. Ҳайрон бўлиб кўп ўйлади. «Сенинг онанг менинг хос ойимни кўп ҳурмат қиларди, шунинг учун уни қабрида ёлғиз қолдирмадим», деган овоз келди ғойибдан («Зубдатул-ваъизийн»).

Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) шундай деб ривоят қиладилар: Ражаб ойининг Жума кечасининг учинчи қисмидан кейин осмон фаришталари Каъбаи Муъаззамада тўпланадилар. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уларга назар солиб шундай дер экан: «Ё фаришталар, мендан нимаики хоҳласаларингиз сўранг». Фаришталар: «Илоҳо, сенинг даргоҳингдан бизнинг биргина истагимиз бор – Ражаб ойида рўза тутганларни мағфират эт», – деб сўрашар экан. Аллоҳ таборак ва таоло: «Эй фаришталар, гувоҳ бўлинглар, уларни мағфират этдим», – дейди.

Ойишаи Сиддиқа (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладиларки: «Қиёмат куни Маҳшар аҳлининг қорни оч бўлади, фақат Набийлар ва Ражаб ойи, Рамазон ойи, Шаъбон ойининг рўзадорларигина на ташналикни ва на очликни биладилар» («Зубдатул-ваъизийн»).

Ривоят қилурларки, Қиёмат куни мунодий, «Ражаб ойининг рўзадорлари қаердасиз?» – деб нидо қилар экан. Жаброил (а.с.) ва Микоил (а.с.) ўз кўлларида нур келтириб, Ражаб ойининг рўзадорларини Сирот кўпригидан яшин тезлигида ўтказиб кўядилар. Ражаб ойида намоз ўқиб, рўза тутганлар бошларини саждага қўядилар ва шукроналар айтадилар. Аллоҳ таборак ва таолодан: «Эй бандаларим, бошларингизни саждадан кўтаринг,



бугун ҳаёти дунёда, Ражаб ойида тутилган рўзанинг, ўқилган намознинг, қилинган сажданинг ҳақини қайтарадиган кундир. Энди Жаннатда ўз манзилларингизда роҳат-фароғат кўрасиз», – деган нидо келади («Равнақул-мажолис»).

**Ҳикоят.** Савбон (р.а.) ривоят қиладиларки, Расули Акрам (с.а.в.) билан ҳамроҳ бўлиб бир жойга бораётганимизда йўлимиз қабристонга тушди. Пайғамбар (с.а.в.) бир қабр олдида тўхтаб, қаттиқ йиглаб, сўнгра дуо қилдилар. «Ё Расулаллоҳ, йиглашингизнинг сабаби нимада?» – деб сўрадим. Пайғамбар (с.а.в.) бундай жавоб қилдилар: «Ё Савбон, бу қабр эгаси азобда қолганлиги учун йиғладим. Дуо қилганимдан кейин, Аллоҳ таборак ва таоло унинг азобини енгиллатди. Агар у бир кун Ражаб ойининг рўзасини тутиб, бир кечасини уйғоқликда ўтказганида эди, бундай қабр азобини кўрмаган бўларди». Мен: «Ё Расулаллоҳ, бир кун рўза тутиш ва бир кеча Ражаб ойида қиём туриб, ибодат қилиш қабр азобидан нажот берадимиз?» – деб сўрадим. Расулulloҳ (с.а.в.): «Ё Савбон, валлази баъасани билҳаққи набия, яъни мени набий этиб юборган зотга қасам, агар мўмин эркак ёки мўмина аёл Ражаб ойида бир кун рўза тутиб, бир кечани уйғоқликда тоат-ибодат билан қиёму лайл қилса, Аллоҳ субҳонаху ва таоло унинг номаи аъмолига бир йиллик рўзанинг ва бир йиллик кечаси қилинган ибодатнинг савобини ёзади», – дедилар («Зубдатул-ваъизийн»).

Илоҳо, Шаҳруллоҳ бўлган Ражаб ойи ва Саййидалмурсалин (с.а.в.) ҳазратларининг ҳақи-ҳурмати барча мўмин ва мўмина бандаларингга муборак ойининг рўзасини тутиш ва ибодатини бажо келтиришни насибу рўзи айлагин, бу муаззам ойининг шарофатидан маҳрум этмагин. Омин, бираҳматика йа арҳамарроҳимийн.

## ШАЪБОН ОЙИНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Расули Акрам (с.а.в.) дебдурлар: «Шаъбон ойининг бошқа ойларга нисбатан фазилатлироғлиги менинг бошқа пайғамбарларга нисбатан фазилатлироғлигимга ўхшашдир. Лекин Рамазон ойининг фазилати Шаъбон ойининг фазилатидан ортиқдир. Агар кимки Шаъбон ойининг бошидан охиригача рўза тутса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло у банданинг даражасини рўза тутмаган бандалардан ортиқроқ қилгусидир». Расулulloҳ (с.а.в.) асҳобдан: «Шаъбон исмининг маъноси нима?» – деб сўрадилар. Асҳоблар дедилар: «Аллоҳ субҳонаҳу таоло ва унинг Расули яхшироқ биладилар». Шунда Русулаллоҳ (с.а.в.): «Аллоҳ таоло бу ойда ўз бандалари учун хайр ва баракотларнинг шуъбаларини ато этди. Шунинг учун унинг номини Шаъбон қўйдилар», – деб айтган эканлар («Равзатул-уламо»дан).

Муслим (р.а.) Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилдилар, Русулulloҳ (с.а.в.) дебдурлар: «Аллоҳ таоло ўз раҳматини юз қисм қилиб яратди ва унинг бир қисмини дунё аҳлига бериб, тўқсон тўққиз ҳиссасини ўзида олиб қолди. Дунёга юборган ўша бир қисм раҳмат барча инсу жинлар, тойиру ҳайвонотга етди. Шундан улар бир-бирларига раҳм қилурлар ва мушфиқдурлар. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Кибриёлик хазинасидаги тўқсон тўққиз ҳисса раҳматни қиёмат куни суюкли бандаларига тақсимлайди ва ўз раҳмати билан уларни сийлайди» («Тариқайи Муҳаммадия»дан).

Абу Ҳурайра (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар: «Шаъбон ойида Жаброил (а.с.) ҳузуримга келиб дедилар: «Ё Расулаллоҳ, бу ойда бир тун бор, унинг номи Баротдир. Аллоҳ таоло бу ойда ўз раҳматининг уч юз эшигини очади, ўрнингиздан туриб, намоз ўқинг ва қўл очиб, умматларингиз ҳақиқа дуо қилинг,

зора Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло улардан ўн гуруҳининг гуноҳларини мағфират этса: биринчи гуруҳ – Аллоҳ таолога ширк келтирганлар, иккинчи гуруҳ – сеҳргарлар, учинчи гуруҳ – қоҳинлар, тўртинчи гуруҳ – машшоқлар, бешинчи гуруҳ – ароқхўрлар, олтинчи гуруҳ – зинокорлар, еттинчи гуруҳ – судхўрлар, саккизинчи гуруҳ – онасига оқ бўлганлар, тўққизинчи гуруҳ – гап ташувчилар, ўнинчи гуруҳ – қариндошларига раҳм этмаганларни. Улар тавба қилиб, бу одатларини тарк этмаклари даркор». Шундан кейин Расули Акрам (с.а.в.) Аллоҳ таоло амри билан уйдан чиқиб, масжидга бордилар ва намоз ўқиб бошларини саждага қўйиб, узоқ йиглаб дедилар: Аллоҳумма инни аъзубика мин ъиқобика ва сахатика вало асно саноан ʔалайка камо аснайта нафсака фалакал ҳамд ҳатто тарзо» (Ё бор Худоё, газабингдан мени асрагин деб сендан ҳимоя истайман, сенга сано айтиш қўлимдан келмайди, сен ўзингга сано айтадиган ва рози бўладиган даражада).

Ривоят қилурларки, Яҳё бинни Маъоз (р.а.) дебдурлар: Шаъбон беш ҳарфдан иборат бўлиб, Аллоҳ таоло ҳар бир ҳарфида мўминлар учун кўплаб яхшиликлар ато этгандир. Шин (ш) ҳарфида шараф ва шафоат ато этган бўлса, ʔайн (ʔ) ҳарфида иззат ва каромат ато этади, бо (б) ҳарфида бари (эзгулик) ва алиф (а) ҳарфида улфат, нун (н) ҳарфида нур ато этади. Ражаб ойи мўминларнинг баданини поклайди, дейдилар, Рамазон ойи банданинг руҳини тозалайди, Шаъбон эса, мўминларнинг қалбини тозалайди. Ражаб ойида кўпроқ истиғфор айтиб, баданингизни покланг, Шаъбон ойида кўпроқ Аллоҳ зикрини айтиб, дилингизни покланг ва Рамазон ойида рўзадорлик билан кўпроқ тасбеҳ ва таҳлил айтиб руҳингизни покланг («Зубдаутул-ваъизийн»).

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар, ул ҳазрат дебдурлар: «Умматларимдан қайси бири Шаъбон ойининг бошида уч кунини

ва охирида уч кунини рўза тутса, етмиш обиднинг етмиш йиллик Аллоҳ таолога қилган ибодатининг савобини топади. Бу савоблар Шаъбон ойида рўзадор бўлган банданинг номаи аъмолига ёзилади ва агар банда ўша йили вафот этса, шаҳид мақомини топади».

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Агар ҳар қайси мўмин банда Шаъбон ойи таъзимини бажо келтириб, солиҳ амаллар билан ўзини гуноҳлардан сақлаган бўлса, Аллоҳ таоло унинг ўтмишдаги ҳамма гуноҳларини мағфират этади, барча офат ва балолардан ўз ҳифзу ҳимоясида асрайди» («Зубдатул-ваъизийн»).

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, имом Абуҳифзи Кабир(р.а.)нинг бир дўсти бор эди. У вафот этганда имом унинг жанозасини ўқиб, дафн этиб уйига келди. Саккиз ойдан кейин унинг қабрининг зиёратига борди ва кечаси у ерда қолиб туш кўрди. Дўстининг аҳволи ўзгарган, рангу-рўйи саргайган бир аҳволда эди.

Салом бериб ундан: «Дунёда аҳволнинг яхши эди, бунчалик ўзгаришинг сабаби нимада?» – деб сўради.

«Мени қабрга қўйганларидан кейин олов гурзи қўлида бир фаришта бошим тепасига келиб шундай деди: «Эй ярамас аҳволли шайх, гуноҳларингни ҳисоб-китоб қил». Олов гурзи билан бошимга бир урган эди, бутун вужудимга оташ туташди. Сўнгра қабримга юзланиб: «Аллоҳ таолодан уялмадингми?» – деди. Бу сўзлардан кейин қабр мени шундай сиқдики, суякларим бир-биридан ўтди, аъзоларим бўлак-бўлак бўлиб узилди. Саккиз ой шундай азоб ичида эдим. Шаъбон ойининг ҳилоли пайдо бўлган кун мунодий нидо қилиб деди: «Аюҳалмалак, бу одамнинг қабридан азобни олгин, чунки у Шаъбон ойининг бир кунини рўза тутиб, кечаси ухламаган эди». Шундан кейин азобни кўтарди ва Жаннат насибасини берди, тангри раҳматига эришиб, Жаннатга кирдим», – деб жавоб берди.

Расулulloҳ (с.а.в.): «Агар ҳар ким икки ҳайит ва Барот кечасини тоат-ибодатда ўтказса, унинг қалби ҳамиша тирик бўлгусидир», – деган эканлар («Зухратур-риёз»).

Ато бинни Ясор (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилади, ул ҳазрат дебдурлар: «Барот кечаси, Лайлатул-Қадр кечасидан кейинги энг афзалроқ кечадир».

Илоҳо, Саййидалмурсагин ва ало олит таййибинат тоҳирин ҳурмати билан барча мўмин ва мўмина бандаларингга Шаъбон ойи рўзасини тутиш ва Барот кечаси тоат-ибодатини адо этиш тавфиқини бериб, қабр азобидан озод қил ва Беҳишти анбарсиришга киришни насибу рўзи этгин. Ё Раббул-оламин.

## БАРОТ КЕЧАСИНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Ҳазрати Али (к.в.) Расули Акрам (с.а.в.)дан ривоят қиладилар. Пайгамбар (с.а.в.) марҳамат қилиб айтган эканлар: «Шаъбон ойининг ўн бешинчи кечаси– Барот кечасидир. Барот кечаси кирганда уни муборак билиб, кечаларни намозу истиғфорда, кундузни эса, рўзадорлик билан ўтказинг. Қуёш ботгандан кейин бир фаришта Аллоҳ таоло фармони билан:

– Барот кечасининг намозхонлари ва бугун рўза тутганлар қаердасиз? Ҳар қандай ҳожатингизни Аллоҳ таоло раво этгусидир.

– Истиғфор истагувчилар қаердасиз? Аллоҳ таоло мағфират қилгусидир.

– Ризқу-рўзи талаб қилгувчилар борми? Аллоҳ таоло ризқингизни зиёда қилгусидир, – деб нидо қилади» («Мажолиси Румий»дан).

Абдулло ибн Масъуд (р.а.) ривоят қилурки, Расули Акром (с.а.в.) марҳамат қилиб: Барот кечасида ҳар ким юз ракаат намоз

ўқиб, ҳар бир ракаатида Фотиҳа сурасидан кейин, беш марта Ихлос сурасини ўқиса, Аллоҳ таоло ҳар бирининг қўлида нурдан дафтари бор бўлган беш юз минг фариштага, Барот намозининг савобини қиёмат кунигача тўхтамай ёзиб боринглар деб амр этади, – деган эканлар.

Набий (с.а.в.) дедилар: «Валлазий баъасани билҳаққи набиян. Барот кечасида менга салавот айтганларга Аллоҳ таоло пайғамбари мурсалларнинг ва муқарраб фаришталарнинг савобини ато қилгусидир» («Мушкотул-анвар»дан).

Абунаср ибни Саъид (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.) шундай деб ривоят қилурлар: «Шабон ойининг ўн учинчи кечаси Жаброил (а.с.) ҳузуримга келиб дедилар: «Ё Расулаллоҳ, бу кеча таҳажжуд вақтидир, умматларингизга нимаики истасангиз Аллоҳ таолодан тиланг». Ўша кечаси таҳажжуддан кейин муножот қилиб, умматларим учун дуо қилдим. Жаброил (а.с.) субҳ вақтида келиб дедилар: «Аллоҳ таборак ва таоло умматларингизнинг учдан бир қисмининг гуноҳларини кечириб, Дўзахдан халос этди». Мен йиғлаб дедим: «Ё Жаброил, қолган умматларим аҳволи нима бўлди, хабар беринг?» Жаброил (а.с.): «Билмайман», – дедилар. Шабон ойининг ўн тўртинчи кечаси яна келиб айтдилар: «Ё Расулulloҳ, бу кечаси таҳажжуддан кейин Аллоҳ таолодан умматларингизнинг муродини тиланг». Шундан кейин мен Аллоҳ таборак ва таоло амри билан умматларим ҳақиқага дуо қилдим. Жаброил (а.с.) эрта тонгда келиб: «Ё Расулаллоҳ (с.а.в.), умматларингизнинг қолган учдан икки қисмидан яна бир қисмини сизга бағишлади», – дедилар. Мен яна йиғлаб: «Умматларимнинг қолгани нима бўлади?» – деб сўрадим. Жаброил (а.с.): «Билмайман», – дедилар. Шабон ойининг ўн бешинчи кечаси Жаброил (а.с.) яна келиб дедилар: «Ё Расулаллоҳ (с.а.в.), бу кеча Барот кечасидир, Аллоҳ таборак ва таолога ширк келтирганлар,

сеҳргарлар, қоҳинлар, шароб ичувчилар, зинокорлар, порахўрлар, ота-онасига оқ бўлганлар, гап ташувчилар ва бераҳмлардан бошқа барча умматларингизни Сизга бағишлагани ҳақида башорат берди». Шундан кейин Жаброил (а.с.): «Ё Расулаллоҳ (с.а.в.), бошингизни кўтариб осмонга қаранг», – дедилар. Бошимни кўтардим ва осмонга қарасам, етти осмон табақалари очилган бўлиб, биринчи осмондан Аршгача барча фаришталар сажда қилиб, Аллоҳ таборок ва таолодан менинг умматларимнинг мағфиратини сўраётган эдилар. Ҳар бир осмоннинг эшиги олдида биттадан фаришта турган эди. Биринчи осмонда турган фаришта: «Қандоқ яхшидурки, бу кечада киши намозда ва рукуъда бўлса», – деб нидо қиларди. Иккинчи осмон эшиги олдида турган фаришта: «Қандоқ яхшидурки, бу кечада киши намозда ва саждада бўлса», – деб нидо қиларди. Учинчи осмон эшигидаги фаришта: «Қандоқ яхшидурки, бу кечада банда Аллоҳ таоло зикри билан машғул бўлса», – дерди. Тўртинчи осмон фариштаси: «Қандоқ яхшидурки, бу кечада банда дуода бўлиб, Аллоҳ таолодан бирорта тилак тилаган бўлса», – деб нидо қиларди. Бешинчи осмон фариштаси: «Қандоқ яхшидурки, бу Барот кечасида банда Аллоҳ таолодан қўрқиб кўзидан ёш тўккан бўлса», – деб нидо қилаётган эди. Олтинчи осмон эшигининг посбони: «Қандоқ яхшидурки, бу Барот кечасида банда Қуръон тиловати билан машғул бўлган бўлса», – деб нидо қиларди. Бу кечада барча фаришталар нидо қилардиларки, Аллоҳ таолодан ҳожатларини тилагувчилар борми, ҳожатларини раво қилгусидир. Дуо қилгувчилар борми, Аллоҳ таоло уларнинг дуосини мустаҷоб этгусидир. Тавба қилгувчилар борми, Аллоҳ таоло уларнинг тавбасини қабул қилгусидир. Истиғфор этгувчилар борми, Аллоҳ таоло уларни мағрифат этгусидир. Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб айтдиларки, Барот кечасида раҳмат эшикларидан уч

юзтасини кечанинг аввалидан эрта тонггача умматларим юзига очиб қўяди. Аллоҳ таоло бани Қалб қўйларининг ҳар бир туки миқдори баробаридаги умматларимни Дўзахдан озод этади» («Зубдатул-ваъизийн»).

**Ҳикоят.** Айтибдурларки, Исо (а.с.) баланд тоғ устида сайр қилиб юрганларида қордан ҳам оқроқ бир тошга кўзлари тушиб, таажжуб билан қараб турганларида Аллоҳ таборок ва таолодан ваҳий келдики: «Ё Исо, тошнинг сирини сенга аён бўлишини истайсанми?» Исо (а.с.): «Сен доносан», – дедилар. Аллоҳ таолонинг амри билан тош иккига бўлинди. Тошнинг ичида бир зоҳид, эгнида жанда, олдида бир кўзада сув ва бир бош тоза узум бор бўлиб, ўзи ибодат билан машғул эди. Намозни тугатгандан кейин Исо (а.с.) сўрадилар: «Ё шайх, бу сув билан узум қаердан?» «Тўрт юз йилдан буён шу тош ичида Аллоҳ таолонинг ибодатини қилиб келаман. Ҳар куни ғойибдан шу миқдордаги сув билан узум пайдо бўлади», – деб жавоб берди зоҳид. Исо (а.с.) дедилар: «Илоҳо, бу шайхдан яхшироқ банданг борми?» Шунда яна ваҳий келдики: «Ё Исо, ҳабибим Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг умматларидан ҳар бирининг Барот кечасида қилган ибодати, бу обиднинг тўрт юз йиллик ибодатидан афзалроқдир». Исо (а.с.): «Илоҳо, мени Муҳаммад (с.а.в.) умматларидан қилиб яратганинга эди», – деб орзу қилдилар («Зухратур-риёз»).

Барот кечасида бу дуонинг ўқилиши ривоят қилинган:

«Аллоҳумма ин кунта катабта исмий шақиян фи девонил ашқийеи фамҳа ва уктубни фи девонис суъадо ва ин кунта катабта исмий саъидан фи девонис суъадои фасбутҳу фа маккинна фи китобика алкарийм ямҳуллоҳу мо яшою ва юсбуту ва ʼиндаҳу уммул китоб» (Эй бор Худоё, агар менинг исмимни шақийлар (бадбахтлар) китобига ёзган бўлсанг, уни ўчиргин ва бахтлилар китобига ўтказгин. Агар мени бахтлилар девонига бахтли қилиб



ёзган бўлсанг, у ерда уни мустаҳкам эт ва унга ўзингнинг Китоби Каримингдан жой бергин. Аллоҳ таоло ўзи хоҳлаган бандасининг исминини маҳв ҳам, сабт ҳам этиши мумкин. Уммул китоб ўзидадир) («Равоҳул-баён»).

Илоҳо, Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) умматларини Барот кечасининг ибодати савобидан баҳрамандликни насиби рўзи этиб, ибодат қилиш тавфиқини қалбимизга жойлагин. Яхшилар қаторида бу мужрим ва осийи умидвор бандангни ҳам Барот кечасининг саодатидан баҳраманд этгин. Омин, саллаллоҳу аъло хайри халқиҳи Муҳаммад ва оли ва асҳобиҳи ажмаъин.

## ҚУРЪОН ТИЛОВАТИ ВА ШАҲОДАТ КАЛИМАСИНИ АЙТИШ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Ҳазрати Али (к.в.) Расули Акрам (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Умматларимдан кимки Қуръон тиловат қилиб, унга амал қилса, авлодидан ва оила аъзоларидан, агар Дўзахга ҳукм қилинган бўлсалар ҳам, ўн кишини шафоат қилгусидир», – деб марҳамат қилдилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Ҳар ким намозда тугал талаффуз билан Қуръон сураларини ўқиса, Аллоҳ таборак ва таоло ҳар бир ҳарфи баробарига юзта савоб ато этади ва ҳар қачон таҳорат билан Қуръон тиловат қилса, ҳар бир ҳарфи учун унинг номаи аъмолига ўн бешта савоб ёзилади» («Мажолисул-анвар»).

Муоз ибни Жабал (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Ё Муоз, саидлар қаторида бўлишни хоҳласанг, шаҳидлардек ўлим топишни истасанг ва Маҳшар куни нажот топмоқчи бўлсанг ҳамда Қиёмат куни Арш соясида ўлтиришни,

залолатдан омонда бўлишни истасанг, доимо Қуръон тиловат қил, чунки Қуръон Раҳмон каломидур ва Мезон тарозусини босгувчидир. Умматлар ибодатининг афзалроғи Қуръон тиловатидир», – деган эканлар («Бадрур-рашид»).

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ таборак ва таоло айтгандурки, ўз иззату жалоллигим ҳаққи ҳурмати, бандаларимга иккита хавф ва иккита омонликни кўшиб юбормайман. Билгилки, бу дунёда Аллоҳ таоло хавфидан қўрқмаган, қиёмат куни азобга дучор бўлади». Наъзузу биллаҳи мин зотик!

Абу Бакр Сиддиқдан (р.а.) ҳикоят қилурларки, Даҳйаи Қалбий авваллари кофир эди ва кофир арабларининг подшоҳи бўлиб, етти юз нафар оила аъзолари ва қавм-қариндошлари бор эди. Пайғамбар (с.а.в.) Даҳйаи Қалбийнинг исломга киришини хоҳлардилар ва кўпинча «Аллоҳумма арзуқил ислома ило Даҳйаи Қалбий (Ё бор Худоё, Даҳйаи Қалбийга мусулмон бўлишни осон қил)», – деб дуо қилардилар. Бир куни бомдод намозидан кейин ваҳий келди: «Ё Муҳаммад, имон нуруни Даҳйаи Қалбий дилига жойладим, имон келтириш учун хузурингизга боряпти». Пайғамбар (с.а.в.) масжидда ўлтирганларида, Даҳйаи Қалбий кириб келди. Расули Акрам (с.а.в.) хурсанд бўлиб, муборак ридоларини ечиб ерга ёйдилар ва устига ўлтиришни таклиф этдилар. Даҳйаи Қалбий Расулуллоҳ (с.а.в.) уни бу қадар ҳурмат қилаётганликларини кўриб, йиглаб юборди ва Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг муборак ридоларини ердан кўтариб кўкрагига босди ва кўзларига суртиб, бошига қўйди: «Ё Расулуллоҳ, ислом шартларини менга ўргатинг, имон келтириб, мусулмон бўлай», – деди. Пайғамбар (с.а.в.): «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ» деб айтгин», – дедилар. Даҳйаи Қалбий тойиба калимасини айтаётиб йиглай бошлайди. Пайғамбар (с.а.в.): «Ё Даҳйаи Қалбий, келиб мусулмон бўлдинг, тўғри йўлни топиб,



адашишдан халос бўлдинг, энди нимага йигляяпсан?» – деб сўрадилар. «Ё Расулаллоҳ, катта гуноҳлар қилганман. Гуноҳларим каффорати нималигини Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан сўранг. Мени кечирishi учун агар ўзимни ўлдириш лозим бўлса, ўзимни ўлдирай, агар бор мол-мулкимни садақа қилиш керак бўлса, садақа қилай», – деб жавоб берди Даҳйаи Қалбий: «Қандай гуноҳи кабиралар қилгансан?» – деб сўрадилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

«Ё Расулаллоҳ, мен араб мулкдорлариданман. Етмишта қизим бор эди. Қизларимга араб подшоларидан совчилар келди. Мен рашк қилиб, уларнинг ҳаммасини қатл қилдирганман», – деди у.

Пайгамбар (с.а.в.) Даҳйаи Қалбийнинг бу сўзларидан мутаҳаййир бўлиб турганларида, Жаброил (а.с.) келиб дедилар: «Ё Расулаллоҳ, Аллоҳ таборак ва таоло Сизга салом юборди ва дедик, «Даҳйаи Қалбийга айтинг, бу ерга келиб, «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ» калимасини айтиб имон келтирган вақтда, жалоллигим иззату ҳурмати ҳаққи, олтмиш йиллик куфр-гуноҳларини мағфират этдим. Нима учун қизларини қатл этиш гуноҳларини мағфират этмай? Хурсандлик муждасини беринг унга, барча гуноҳларини кечирдим». Расулуллоҳ (с.а.в.) бу ваҳйи илоҳийни эшитиб, асҳоблари билан йиглаб юбордилар ва Илоҳо, Даҳйаи Қалбийнинг етмишта қизини қатл этилишини бир марта «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ» дейиш баробарига мағфират этган бўлсанг, кўп йиллар давомида Тоййиба ва Шаҳодат калималарини қанда қилмаган мўминларни албатта мағфират этгувчисан деб муножот қилдилар.

Ривоят қилингандурки, Даҳйаи Қалбий шундай келишган ва чиройли киши эдики, ҳамма уни кўришни орзу қиларди. Мадинаи Мунавварага келган куни ҳамма уни кўришга чиқди. Жаброил (а.с.) Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келганларида кўпинча Даҳйаи Қалбий суратида бўлар эканлар. Дебдурларки,

юқорида айтилганидек, Даҳйаи Қалбий мусулмон бўлгандан кейин ҳижратнинг олтинчи йили, Расулуллоҳ (с.а.в.) уни Рум Қайсари Хирақлга элчи қилиб юбордилар. Муовия (р.а.) халифалиги вақтида бир юришда шаҳид бўлди ва Дамашқ яқинида дафн этилган, валлоҳу аълам («Ҳаётул-қулуб»).

Абдуллоҳ ибни Умар (р.а.) ривоят қиладиларки, «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ» калимаси йигирма тўрт ҳарфдан иборат. Бир кеча кундуз ҳам йигирма тўрт соатдир. Агар мўмин банда тугал ихлос билан Тоййиба калимасини айтса, Аллоҳ таоло: «Эй банда, «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ» ҳурмати билан, кеча кундузнинг йигирма тўрт соатида хоҳ очик, хоҳ яширин, хоҳ қасддан, хоҳ билмасдан қилган кабира (катта) ва сагира (майда) гуноҳларингни кечириб, мағфират этдим» дейди («Ҳаётул-қулуб» дан).

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, бир зоҳид бемор бўлиб, ўлими яқинлашди, Бир яқин дўсти бор эди, бошига келди ва сакароти мавт вақтида калимаи Тоййиба – «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ» ни талқин этди унга. Шайх юзини бошқа томонга бурди. Дўсти калимани такроран талқин қилганида юзини яна бурди ва калимани такрорламади. Учинчи марта такрорлаганда: «Сенинг айтганингни айтмайман», – деди шайх. Дўсти шайхнинг бундай феълидан қўрқиб кетди. Бир замон зоҳид ўзига келди ва кўзини очиб: «Менга нима деяётган эдинг?» – деб дўстидан сўради. «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ» калимасини уч марта талқин қилдим. Икки марта юзингизни бошқа томонга бурдингиз ва учинчисида айтмайман дедингиз». Шайх: «Шайтон олдимга келиб, ўнг томонда сувни чайқатиб, «Сувга муҳтожмисан?» – деди. «Йўқ», – дедим. Кейин у: «Исо ибн Аллоҳ дегин», – деб айтди. Юзимни ундан ўгирдим, Оёқ



томонимга келиб гапини яна такрорлади. Юзимни бошқа томонга бурдим. Учинчи марта: «Ла илаҳа», – деб айт» деганида, сенинг айтганингни айтмасман, дедим. Шундан кейин сувни тўкиб қочиб кетди. У сўзларни сизларга эмас, шайтони лаъинга айтган эдим, – деди шайх. Гувоҳлик бериб айтаманки, Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ, ашҳаду ал ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуху ва расулуху («Зухратур-риёз»).

Ибн Аббос (р.а.) ривоят қиладилар. Бир куни Пайғамбар (с.а.в.) масжиддан чиқиб, шайтоннинг масжид эшиги олдида турганини кўрдилар.

«Эй иблис, нега бу ерда турибсан?» – деб сўрадилар.

Шайтон деди:

«Аллоҳ таоло амри билан Сизнинг саволларингизга жавоб бергани келганман».

Пайғамбар (с.а.в.):

«Эй иблис, нима учун менинг умматларимни жамоат намозидан қайтарасан?» – деб сўрадилар.

Шайтон деди:

«Ё Муҳаммад, умматларингиз жамоат намозига тўпланиб, намозни тугатгунларигача менинг вужудимни ёндирувчи ҳарорат қамрайди».

Яна сўрадилар:

«Эй иблис, нима учун менинг умматларимни Қуръон тиловатидан қайтарасан?»

Шайтон:

«Ё Муҳаммад, умматларингиз Қуръон тиловат қилган вақтда қалқиб турган сувга айланаман», – деб жавоб берди.

Яна сўрадилар:

«Эй иблис, нима учун менинг умматларимни ҳаждан қайтарасан?»

Шайтон деди:

«Ё Муҳаммад, умматларингиз ҳаж ниятида уйларида чиқишлари билан менинг бўйнимга гул-занжирлар солинади. Агар йўлда Байтуллоҳни ёд этсалар бошимга оғир юклар ортилади».

**Ривоят.** Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий (р.а.) китобларида келтиргандирларки, ҳар бир мўмин ўз нафси учун ўн нарсани фарз деб билмоғи лозим.

Биринчидан – тилни гийбатдан тийиш. Аллоҳ таолонинг сўзи: «Баъзиларингиз баъзиларингизни гийбат қилманг». «Хужурот», 12-оят.

Иккинчидан – мўмин биродарингиз тўғрисида ёмон гумон қилишдан ўзингизни сақланг. Аллоҳ таолонинг сўзи: «Кўп гумонсирашдан эҳтиёт бўлинг, чунки баъзи гумонлардан гуноҳ ҳосил бўлади». «Хужурот», 12-оят.

Учинчидан – мўминларни истехзо қилманг ва масхараламанг. Аллоҳ таолонинг сўзи: «Ўзга қавми масхара қилманг, балки у қавм яхшироқлардандир». «Хужурот», 12-оят.

Тўртинчидан – кўзингизни ҳаромдан сақланг. Аллоҳ таолонинг сўзи: «Айт эй Муҳаммад, мўминлар ўз кўзларини ҳаромдан эҳтиёт қилсинлар». «Нур», 30-оят.

Бешинчидан – ўз тилини рост сўзлашга ўргатсин. Аллоҳ таолонинг сўзи: «Сўзлаганда ҳар доим ростликни ва адолатга одатланг». «Анъом», 152-оят.

Олтинчидан – кўпроқ эҳсон қилинг. Аллоҳ таолонинг сўзи: «Қўлга киритилган тоза нарсалардан нафақа беринг». «Бақара», 267-оят.

Еттинчидан – исроф қилишдан ҳазар қилинг. Аллоҳ таолонинг сўзи: «Исроф қилманг». «Исро», 26-оят.

Саккизинчидан – такаббур ва катта кетишдан сақланг. Аллоҳ таолонинг сўзи: «Бу охираат уйдир, буни кибру фасодни

кўпайтирмайдиганлар учун яратамиз. Охират яхшиликлари парҳездорларникидир». «Қасас», 83-оят.

Тўққизинчидан – беш вақт намозни қанда қилманг, ўз вақтида ўқинг. Аллоҳ таолонинг сўзи: «Намозларни эҳтиёт қилинг, жумладан ўрталикни (вусто)». «Бақара», 235-оят.

Ўнинчидан – аҳли сунна вал жамоат эътиқодига амал қилинг. Аллоҳ таолонинг сўзи: «Менинг йўлим Жаннатга элтувчи тўғри йўлдир. Тўғри йўлни қўйиб ҳар хил йўлда юрманг ҳамда турли динларда бўлманг, чунки у йўллар сизни ҳақ йўлдан адаштиради». «Анъом, 153-оят».

Абу Бакр Розий (р.а.) шундай деб айтган эканлар: «Имон мўмин банданинг қалбида бўлиб, етти шохли дарахтга ўхшашидир. Унинг бир шохи юракда бўлиб, меваси ироданинг тўғри ва соф бўлишидадир. Бир шохи тилдадир ва унинг меваси рост сўзликдир. Унинг бир шохи оёқдадир ва унинг меваси жамоат намозига мунтазам боришдадир. Яна бир шохи қўл томонда бўлиб, унинг меваси хайр ва эҳсон қилишдир. Яна бир шохи кўзлар томонидадир ва унинг меваси ибрат назари билан боқмоқликдадир. Унинг бир шохи қорин томонидадир ва унинг меваси ҳалол емоқлик ҳамда барча шубҳали нарсалардан парҳезкорликдадир. Яна бир шохи нафс томондадир ва унинг меваси шаҳватни тарк этишдадир».

Ривоят қилурларки, Қиёмат куни келганда Аллоҳ таборак ва таоло барча халойиқни тирилтиради. Бандаларнинг ҳаммаси ўз қабрларидан турадилар, фаришталар келиб мўмин бандаларининг юз-бошларидаги тупроқ, гарду губорларини қоқиб тозалай бошлайдилар. Тупроқ уларнинг юз-кўзларидан тозаланади, лекин сажда ўрни қолган пешоналаридан кетмайди. Фаришталар уларнинг пешоналарини силаб тозаламоқчи бўлсалар ҳам тупроқ кетмайди. Аллоҳ таолодан: «Эй фаришталар бу бандаларимнинг пешоналаридаги тупроқ қабрники эмас, балки ибодат нишонаси

бўлиб, уларнинг пешонасида пайдо бўлгандир. Ушбу пешона билан Сиротдан ўтишсин ва Жаннатга киришсин. Улар менинг хос бандаларимдан эканликларини ҳамма кўрсин», – деган нидо келар экан.

Ривоят қилурларки, мўминларнинг жон бериши вақтида уларнинг беш гуруҳига фаришталар яхшилик башоратини берар эканлар.

Биринчи гуруҳ – мўмин бандалар оммасига айтадиларки, азобдан қўрқманг, азоб доимий эмас. Сизларни набийлар ва солиҳлар шафоат этадилар. Савоб ишларингиз тутагандан гамгин бўлманг, чунки сизларнинг қароғоҳингиз Жаннатдир.

Иккинчи гуруҳ – мухлислар гуруҳига айтадиларки, амалларингизнинг рад этилишидан хавотирланманг, амалларингиз мақбуллиги учун савобингиз маҳв бўлишидан гамгин бўлманг, чунки сизнинг савобингиз икки ҳисса кўпайтирилгандир.

Учинчи гуруҳ – тавба қилувчилар гуруҳига айтадиларки, ўтмишдаги гуноҳларингиздан қўрқманг, чунки гуноҳларингиз тавба қилганингиздан кейин мағфират қилинди. Савобингиз маҳв этилишидан гамгин бўлманг, тавбангиздан кейин гуноҳларингиз савобга алмаштирилди.

Тўртинчи гуруҳ – зоҳидлар гуруҳига айтадиларки, тоатингиз бекор кетишидан ва охират ҳисобидан қўрқманг, савобингизга нуқсон етмайди ва сизнинг ҳисоб бермасдан ва азобни кўрмасдан Жаннатга киришингизга башорат қилинди.

Бешинчи гуруҳ – олимлар гуруҳига айтадиларки, сиз одамларга илм ўргатдингиз ва илмга амал қилдингиз. Қиёмат ҳолатидан қўрқманг, Сизга илмга амал қилганлигингиз учун ва илмга амал қилганларга Жаннат насиб этиши муқаррардир.



**Ҳисса.** Эй мўмин биродар, ҳар доим хайрга, яхшиликка интил, шоядки Худойи таолонинг фазли-инояти билан муҳсинлар қаторига қўшилсанг. Шундан кейин башорат эшитганлар: «Бундай хушxabар башоратини бизга етказган сизлар ким бўласиз?» – деб сўрайдилар. Фаришталар: «Бизлар сизнинг дўстингизмиз, ҳар доим бирга бўлиб, сизнинг яхши ва ёмон амалларингизни ёзиб борар эдик», – дейдилар. Шундай қилиб, оқил инсон бу сўзлардан панд олиб, ҳушёр бўлмоғи даркор. Билгилки, огоҳ бўлишнинг тўрт белгиси бордир. Биринчидан – ҳаётни қаноат ва ўртача ўтказиш. Иккинчидан – охират ишларини шошилиб, мукамал ўтказиш. Учинчидан – дин ишларида илм олиш ва астойдил ҳаракат қилиш. Тўртинчидан – дўсту-биродарликда ҳурмат ва тавозеда бўлиш.

Ривоят қилурларки, энг яхши инсонларда бешта ҳислат мавжуддир. Биринчидан – Аллоҳ таоло тоатини ҳар доим адо этиш. Иккинчидан – ўз ботини ва зоҳирида Аллоҳ таоло халқи билан тўғри бўлиш. Учинчидан – одамлар унинг тилидан озор топмаслик. Тўртинчидан – одамлардаги нарсаларга тама ва ҳасад қилмаслик. Бешинчидан – доим ўлимни ўйлаш, ажал ҳар дамда келишини унутмаслик.

Илоҳо, Саййидино ва Набиййино Муҳаммадин ва олиҳи ва асҳобиҳи ва саллаллоҳу аъло хайри халқиҳи ажмаъин ҳаққу-ҳурмати билан барча мўмин ва мўминаларга Қуръон ўқиш, каломи раббонийни эшитиш, Тоййиба ва Шаҳодат калималарини айтиш тавфиқини бер. Хусусан, жон бериш вақтида «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ» калимасини Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам умматлари тилидан қанда қилмагин ва имон душмани бўлган шайтони лаъин шарридан асрагин.

## ИХЛОС СУРАСИНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Ривоят қилурларки, Расулulloҳ саллаллоҳу ʔалайҳи ва ʔолиҳи васаллам Маккаи Муаззамадан чиқиб, Мадинаи Мунаввара томон йўлга тушганларидан хабар топган Макка кофирлари маслаҳатга йиғилганларида Абужаҳл деди: «Муҳаммаднинг орқасидан бориб, унинг бошини олиб келганга юзта қизил рангли, қора кўзли туя ва юзта арабий от бераман». Бу жамоадан Сароқа бини Молик исмли киши ўрnidан туриб: «Эй Абулҳакам, агар сўзингдан қайтмасанг, Муҳаммаднинг бошини мен олиб келаман», – деди. Абужаҳл тўпланганларни гувоҳликка чақирди. Сароқа қилични қўлга олиб, Муҳаммад (с.а.в.)нинг орқаларидан йўлга тушди. Мадинага уч кунлик йўл қолганда Расулulloҳ (с.а.в.)га етиб олди ва шамширини отмоқчи бўлди. Жаброил (а.с.) тушиб дедилар: «Ё Расулаллоҳ, Аллоҳ таоло ерни сизнинг ҳукмингизга ўтказди, Сароқага нисбатан истаганингизни буюринг». Пайғамбар (с.а.в.): «Эй ер, Сароқанинг отини торт», – дедилар. Дарҳол Сароқанинг оти тиззаларигача ерга ботиб қолди. Шунда Сароқа: «Ё Расулаллоҳ, сизга ҳеч қандай ёмонлик қилмайман, отимни қутқаринг», – деди. Расулulloҳ (с.а.в.) дуо қилдилар, ер отнинг туёқларини қўйиб юборди. Озгина вақт ўтиб, Сароқа Расулulloҳ (с.а.в.)га ҳужум қилишга қасд қилиб, яна йўлга тушди. Пайғамбар (с.а.в.) ерга: «Сароқани олгин», – деб буюрдилар. Ер Сароқани белигача тортган эди, Сароқа фарёд қилиб: «Ё Расулаллоҳ, ал-омон, ал-омон тавба қилдим», – деди. Расулulloҳ (с.а.в.): «Эй ер, Сароқани қўйиб юбор», – деб айтишлари билан Ер Сароқани озод қилди ва у Расулulloҳ (с.а.в.) олдиларига келиб деди: «Ё Расулаллоҳ ўз, Худойингиздан хабар беринг, Худойингиз буюк қудратга эга экан. Сизга қасд қилганим учун икки марта ер мени ўзига тортди. Худойингизнинг

сифатини баён этинг, у олтинданми ёки кумушданми, мисданми ё темирданми? Бизнинг тангриларимиз ана шундай ашёлардан ясалади». Расулulloҳ (с.а.в.) Сароқадан бу сўзларни эшитиб, ўйга толдилар. Дарҳол Жаброил (а.с.) ҳозир бўлиб дедилар: «Ё Муҳаммад, «Қул ҳуваллоҳу аҳад. Аллоҳус самад. Лам ялид. Ва лам юлад. Ва лам якун лаҳу куфуван аҳад». Расули Акрам (с.а.в.) «Ихлос» сурасини Сароқага ўқиб бердилар. Сароқа дарҳол имон келтириб мусулмон бўлди.

Ойишаи Сиддиқа (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Ё Ойиша, ушбу тўртта ишни адо этмай ухламагин. Биринчи, Каломуллоҳни хатм қилгин. Иккинчи, барча пайгамбарларни ўзингга шафе қилгин. Учинчи, барча мусулмонларни ўзингдан рози қилгин. Тўртинчи, умра ва ҳажни адо этмасдан ухламагин». Ойиша (р.а.) дедилар: «Ё Расулаллоҳ, отам ва онам Сизга фидо бўлсин. Бу ишларни ухлашдан олдин қандай адо этайин?» Расули Акрам (с.а.в.) буюрдиларки, ухлашдан олдин «Ихлос» сурасини уч маротаба ўқисанг, Каломуллоҳни хатм қилганининг савобини топурсан. Иккинчидан – менга ва барча пайгамбарларга қуйидаги тарзда салавот айт: Аллоҳумма салли аъло сайидино Муҳаммадин аъло жамиъул анбиёи вал мурсалин ва аъло олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин (эй бор Худоё, бизнинг сайидимиз бўлган Муҳаммадга дурудлар етказ ҳамда юборилган барча пайгамбарларга, уларнинг олу асҳобларига дурудлар бўлсин). Ҳамма пайгамбарлар хушнуд бўлиб, қиёмат куни сени шафоат этгувчи бўладилар. Учинчи, Аллоҳуммағфирли вал мўминина вал мўминот вал муслимина вал муслимот алаҳёи минҳум вал амвот (эй бор Худоё, мўмин ва мўминаларни, муслим ва муслималарни, шунингдек уларнинг тирикларини, вафот этганларини мағфират этгин) деб айтсанг, барча мусулмонлар сендан рози бўлғусидир, Тўртинчи, бир марта Субҳоналлоҳи

валҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар (покдир Аллоҳ таоло ва унга ҳамдлар бўлсин. Аллоҳдан ўзга тангри йўқ. У буюқдир) деб айтсанг, умра ва ҳажни адо этган бўласан.

Ҳазрати Али (к.в.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қилган эканлар: «Ҳар ким Бомдод намозидан кейин ўн маротаба Ихлос сурасини ўқиса, шу куни номаи аъмолига бирорта гуноҳи ёзилмас экан. Агар тарк этмай, ҳар куни ўқиса, юзта шаҳиднинг савоби номаи аъмолига ёзилгусидир. Ихлос сураси ўз ўқувчисини дунё қийинчиликларидан, охират ва ўлим азобидан, қабр зулматидан ҳамда қиёмат ташвишларидан халос этади.

**Ҳикоят.** Айтибдурларки, бир йигит вафот этди. Отаси тушида кўрса, Дўзах азобига гирифтор этилган экан. Иккинчи кечаси уни Жаннатда сайр қилиб юргангани кўрибди. Отаси: «Эй фарзанд, нима учун ўтган кеча сени Дўзахда, бу кеча эса, Жаннатда юрганингни кўряпман?» – деди. Йигит: «Бугун бир киши қабристон олдидан ўтаётиб, Ихлос сурасини уч марта ўқиб, савобини қабристон аҳлига бағишлади. Унинг савобини аҳли қабрга тақсимлаганларида, менинг улушим мени Дўзахдан халос этиб, Жаннатга етказди», – деб жавоб берди.

Анас ибни Молик (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар. Расули Акрам (с.а.в.) дебдурлар: «Аллоҳ таборок ва таоло Ихлос сурасини ҳар куни ўн марта ўқиган бандаси учун Жаннатда қизил ёқутдан бир қаср бино қилади ва кимки фарз намозларида Ихлос сурасини ўқиса, Аллоҳ таборок ва таоло унинг ота-онасини мағфират этади ҳамда унинг номини бадбахтлар рўйхатидан чиқариб, бахтлилар дафтарига ўтказди («Мажолис»).

Ибн Аббос (р.а.) ривоят қиладиларки: «Мен умматларимнинг азобга дучор бўлишидан доим ташвишда эдим. Жаброил (а.с.) дан Ихлос сурасининг нозил бўлганлигини эшитиб, кўнглим

тинчиди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ушбу сураи карима шарофати-ла умматларимни азобдан халос этади», – дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.) («Тафсири Ҳанафий»).

Ривоят қилурларки, Расулуллоҳ (с.а.в.) ухлашдан олдин Ихлос ва иккала «қулъаузу» сурасини ўқиб, кафтларига дам солиб, муборак баданларига суртиб чиқардилар. Хаста бўлганларга ҳам марҳамат қилиб, шуни тавсия этардилар. Ҳар ким мунтазам равишда Ихлос сурасини қанда қилмай ўқиб юрса, дунё ва охираат шарорати ёмонлигидан омонда бўлади.

Анас ибни Молик (р.а.) Расули Акрам (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) Табук ғазотида эканликларида, кун қоронгилашиб офтоб кўринмай қолган экан. Ҳамма ҳайрон бўлиб турганда, Жаброил (а.с.) ҳозир бўлиб дедилар: «Ё Расулаллоҳ, бугун Муовия ибни Алқурт Мадинада вафот этди. Унинг жанозасига осмон фаришталари тушиб келмоқдалар. Фаришталарнинг қанотлари осмонни тўлдирди». Пайғамбар (с.а.в.): «У қайси хислати билан бу даражага етишди?» – деб сўрадилар. Жаброил (а.с.) жавоб бердилар: «Ихлос» сурасини кўп ўқиганликдан Аллоҳ таборок ва таоло уни бу даражага етказди. Аллоҳ таборок ва таоло, Ҳабибим Мадинага бориб, унинг жанозасини ўқисин, деб амр қилди». Пағамбар (с.а.в.): «Бу ердан Мадинагача бўлган масофа бир ойлик йўл бўлса, қандай етиб бораман?» – дедилар. «Аллоҳ таоло амри билан мен ернинг танобини тортаман», – дедилар Жаброил (а.с.). Расулуллоҳ (с.а.в.) дарҳол ўзларини Мадинада кўрдилар ва фаришталар билан бирга Муовия ибни Алқуртнинг жанозасини ўқиб, яна Табук ғазотида ҳозир бўлдилар.

Ривоят қилурларки, намозда «Ихлос» сурасини ўқиганнинг хешу ақраболарини Дўзах оташидан халос этади. Агар «Ихлос» сурасини тасмия билан ўқиса, Аллоҳ субҳонаҳу ва

таоло унинг эллик йиллик гуноҳларини мағфират этар экан. Яна келтирибдурларки, солиҳлардан бири туш кўрса, Макка кабутарларидан юзтасининг боши йўқ экан. Таъбирчидан тушининг таъбирини сўради. Таъбирчи: «Сен ҳар куни «Ихлос» сурасини юз мартаба тасмиясиз ўқир экансан», – деб жавоб берди. Солиҳ: «Гапинг рост, мен ҳар куни «Ихлос» сурасини юз мартаба тасмиясиз ўқир эдим», – деб айтди.

Ибни Аббос (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар: «Меърож кечаси Аршда сайр этдим. Аршнинг бир юз олтмиш минг рукни бор. Бир рукнидан иккинчи рукнигача бўлган масофа уч юз минг йиллик йўлдир. Ҳар бир рукн остида ўн икки минг саҳро мавжуд бўлиб, ҳар бир саҳронинг кенглиги Мағрибдан Машрикқача бўлган майдонга тенгдир. Ҳар бир саҳрода етмиш минг миқдорича фаришта бор бўлиб, кечаю кундуз «Ихлос» сурасини қироат қиладилар. Қироатдан фориғ бўлганларида, Илоҳо ва Мавлоно, бизнинг савобимизни «Ихлос» сурасини қироат қилувчи эркак ва аёлларга бағишлагин, деб дуо қиладилар», – дедилар. Бу сўздан саҳобалар таажжубга тушдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Менинг нафсим қудрати ихтиёрида бўлган Худога қасамки, «Қул ҳуваллоҳу Аҳад» Жаброил (а.с.) нинг қанотларига ёзилган. «Аллоҳус самад» Микоил (а.с.) қанотларига ёзилган. «Лам ялид. Валам юлад» Азроил (а.с.) қанотларига ёзилган. «Ва лам якун лаҳу куфуван аҳад» Исрофил (а.с.) қанотларига ёзилган. Умнатларимдан кимки «Ихлос» сурасини тугал эътиқод билан ўқиса, Аллоҳ таоло унга Таврот, Инжил, Забур ва Фурқон тиловати савобини беради. Аниги билан айтаманки, «Қул ҳуваллоҳу аҳад» Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг чеҳраларида, «Аллоҳус самад» Умар (р.а.) чеҳраларида, «Лам ялид. Валам юлад» Усмон (р.а.) чеҳраларида, «Ва лам якунлаҳу

куфуван аҳад» Али (к.в.) чеҳраларида мактуб қилингандур. Сидқи дилдан «Ихлос» сурасини ўқиган инсон Чаҳорёр ризвоналлоҳу алайҳимларнинг савобини топади.

Ривоят қилурларки, бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб қашшоқлигидан шикоят қилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга: «Ҳар қачон ўз манзилингга кирганингда «Ихлос» сурасини ўқигин», – деб марҳамат қилдилар. У, Пайғамбар (с.а.в.)нинг айтганларига амал қилган эди, Аллоҳ Субҳонаҳу таоло ризқ эшикларини унга очди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб: «Ихлос» сурасини касалга ўқиса, агар унинг ажали етмаган бўлса, шифо топади. Агар унинг ажали етган бўлса, қабр зулматидан ва азобидан омонда бўлади. Фаришталар бу бандани ўз қанотларида Сирот кўпригидан ўтказиб, Жаннатга етказадилар», – дедилар.

Илоҳо, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва асҳоби ажмаъин ҳурмати билан барча мўмин ва мўмина бандаларга «Ихлос» сурасини ўқишни насибу рўзи айлагин ва «Ихлос» сурасининг савобидан ҳеч қайси бир бандаи мўминни маҳрум этмагин. Омин.

## ДУО ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Ривоят қилурларки, Мансури Уммор (р.а.) бир куни минбарда туриб ваъз айтаётганида бир соил (тиланчи) келиб деди: «Ё шайх, менга тўрт дирҳам топиб беринг, чунки жуда муҳтожман», – Мансур (р.а.) деди: «Кимки бу соилга тўрт дирҳам берса, унинг ҳақиға тўртта дуо қилурман». Бу ерда бир қора танли қул ҳам ҳозир эди. У жойидан туриб деди: «Ё шайх, мен бир ғайридиннинг қулиман. Бисотимда тўрт дирҳам пулим бор, агар ваъдангизга вафо қилиб, менинг ҳаққимга тўртта дуо қилсангиз,

шу пулни унга бераман». «Пулингни унга бер, мен ваъдамга вафо қиламан ва сенинг ҳақинга сен айтган тўртта дуони қиламан», – дедилар. Қул пулларни соилга бериб деди: «Ё шайх, мен қулман, аввал дуо қилингки, мен озод бўлай, иккинчидан, менинг хожам гайридиндур, дуо қилингки у исломга кирсин, учинчидан дуо қилингки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло менга бойлик берсин, тўртинчидан дуо қилингки, Аллоҳ таоло менинг гуноҳларимни мағфират қилсин». Шайх унинг ҳаққига тўртта дуо қилдилар. Қул бориб, воқеани хожасига айтиб берди. Насоро дарҳол қулни озод қилди ва шаҳодат калимасини айтиб, исломга кириб: «Барча молу-дунёмга сени шерик қилдим. Шайхнинг учта дуоси қабул бўлди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло сенинг гуноҳларингни кечириши менинг кўлимда эмас», – деди. Дарҳол уйнинг бурчагидан гойибдан овоз келдики: «Аллоҳ таоло иккалангизнинг ва шайх Мансурнинг гуноҳларини мағфират этиб, сизларни Дўзах оташидан халос қилди».

«Дуо ижобатига нималар монелик қилади?» – деб сўраганларида, ҳаромхўрлик, ғафлатда қолиш, такаббурлик ва тавба синдиришлик деб жавоб берган эканлар. Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилганларки, гофил қалбнинг дуосини Аллоҳ таоло қабул этмайди. Айтибдурларки, Иброҳим бинни Адҳам (р.а.) Басрага борганида, бу ернинг аҳолиси унинг ҳузурда йиғилиб: «Ё шайх, Аллоҳ Субҳонаҳу ва таоло ўз Каломи мажидида айтгандирки: «Дуо қилинглр, сизларни ижобат этаман». «Гофир», 60-оят. Бизлар бир неча йилдан буён дуо қиламиз, лекин қабул қилиш натижаси маълум эмас», – дедилар. Иброҳим бинни Адҳам (р.а.) деди: «Сизларнинг қалбингиз ўнта сабаб билан ўлгандир, қандай қилиб дуоларингиз мустажоб бўлсин? Биринчидан, Аллоҳ таолони танийсиз, аммо унинг буюрганини қилмайсиз, иккинчидан, Қуръон тиловат қиласиз, лекин унга



амал қилмайсиз, учинчидан, Расулulloҳ (с.а.в.)га муҳаббатни даъво қиласиз, аммо суннатларини бажо келтирмайсиз, тўртинчидан, шайтонни душман деб биласиз, лекин эртаю-кеч унинг айтганларини қиласиз, бешинчидан, Жаннатга киришни истайсиз, лекин дохил бўлиш тайёрлигини кўрмайсиз, олтинчидан, Дўзахдан халос бўлишни истайсиз, лекин ўзингизни Дўзахга ташлайсиз, еттинчидан, ўлимни ҳақ деб айтасиз, лекин унга ҳозирлик кўрмайсиз, саккизинчидан, ўз айбингизни кўрмайсиз, аммо ҳар нафасда ўз мусулмон биродарларингизнинг айбини излайсиз, тўққизинчидан, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг неъматларини ейсизу, лекин шукрини қилмайсиз, ўнинчидан, ҳар куни қўшнилариингиз, хешу ақраболариингиз ўлимини кўриб туриб ҳам ўз ўлимингиздан беҳабарсиз».

**Ҳикоят:** Ривоят қилурларки, бир солиҳ киши фақирлик жиҳатидан азоб-уқубат билан кун кечирарди. Бир солиҳ кишининг ҳамма айтганларини бажарадиган хотини бор эди. Бир куни хотини эрига деди: «Дуо қилингики, Аллоҳ таоло бизга ризқ эшигини очсин». У солиҳ меҳробга бориб, икки ракаат намоз ўқиди ва Аллоҳ таолодан фаровон ризқ ато этишни тилади. Хотини уйга кириб қараса, уйнинг ўртасида битта олтин ғишт ётган экан. Бу хабарни эрига етказди. Солиҳ деди: «Аллоҳ таолодан нимаики сўраган бўлсанг, уни берди, энди истаганинча сарфлагин». Кеч бўлгач, солиҳ ётиб тушида Жаннатда сайр қилиб юрганини кўрди. Қараса, бир қасрнинг деворида битта ғишт етишмайди. «Бу кимнинг қасри ва нима учун унинг деворидан битта ғишти олинган?» – деб сўради. Ғилмон жавоб берди: «Бу сенинг қасринг, ўзинг сўраб олган ғишт ҳозир уйингда турибди». Солиҳ уйқудан уйғониб: «Ўша ғишт қани?» – деб хотинидан сўради. Хотини ғиштни эрига келтириб берди. Солиҳ ғиштни

бошига қўйиб: «Иллоҳо гиштни ўз жойига етказ», – деб муножот қилди. Ўша соатда гишт солиҳнинг бошидан ғойиб бўлди.

Умар (р.а.) ривоят қилурларки, бир куни кўрсам, Расулуллоҳ (с.а.в.) қуруқ бўйра устида ёнбошлаб ётган эканлар. Бўйранинг нақши муборак баданларига тушиб қолибди. Шунда дедим: «Ё Расулаллоҳ, Рум ва Форс подшоҳлари Аллоҳ таолога ибодат қилишмайди, лекин шунга қарамай, уларга беҳисоб ноз-неъматлар берилган, ҳар хил кийимларда, хурсандлик билан умр кечирадилар. Сиз Раббул-ъоламийнинг Расулисиз, нима учун Аллоҳ таолодан фаровон ризқ сўраб дуо қилмайсиз?» Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ё Ибни Хаттоб, бу дунё уларники бўлиб, охират бизники бўлишидан норозимсан?» – дедилар.

Ривоят қилурларки, Шақиқи Балхий деди: «Фақирлар уч ишни ихтиёр қилганлар. Биринчиси – нафс роҳати, иккинчиси – дил фароғати, учинчиси – қиёмат куни бўладиган ҳисобнинг энгиллигини. Ағниё (бойлар) уч нарсани ихтиёр қилганлар, биринчиси – нафс машаққати, иккинчиси – қалб машғуллигини, учинчиси – қиёмат ҳисобининг оғирлигини».

Илоҳо, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳурмати билан барча мўмин ва мўмина бандаларнинг дуоларини қабул қилиб, Расули Акрам (с.а.в.)нинг шафоатларидан насибу рўзи этгин. Ё Раббил оламийн.

## ТАВБА ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло айтадики: «Ва у шундай Худоки, бандаларининг тавбаларини қабул қилади, гуноҳларини афв этади ва нимаики қилса ўзи билади». «Шуро», 25-оят.

Абу Зарр Ғифорий (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитганман деб ривоят қиладилар: «Ҳар бир дарднинг давоси бўлгани каби

гуноҳ дардининг давоси тавбадир. Ҳар куни Аллоҳ таборок ва таолога юз маротаба истиғфор айтинг. Ҳар куни икки марта тавба қилмаган одам ўз нафсига зулм қилгандир. Истиғфор айтишни тилидан канда қилмаганнинг тавбасини Аллоҳ таоло қабул қилгусидир. Истиғфор будир: «Аллоҳумма анта рабби ла илаҳа илло анта халақтани ва ана табдука ва ана аъло таҳдика ва ваъдика мастатаъту ва таузубика мин шарри мо санаъту абуу лака би ниъматика талайя ва абуу бизанби фағфирли фа иннаҳу ла яғфируззунуба илло анта» (Эй бор Худоё, сен менинг Парвардигоримдирсан, сендан ўзга барҳақ маъбуд йўқдир, мени сен яратгандирсан, мен бандангман ва сенга қилган аҳдимдадирман, ўзимдаги бор нарсанинг ёмонлиги учун қўлимдан келганича, матонатим борича сенинг ҳифзу ҳимоянгни истайман).

Ҳикоят қилинурки, бани Исроилда бир йигит бор эди. Йигирма йил тоат-ибодатда бўлиб, йигирма йил эса, исёнга қадам қўйди. Бир куни ойнага қараб, соч-соқолининг оқарганлигини кўриб, жуда ғамгин бўлиб деди: «Илоҳо, йигирма йил сенга тоат-ибодат қилдим ва йигирма йил адашиб исёнда бўлдим. Энди сен томонга интиламан. Мени қабул қилармикансан ёки йўқми?» Хотифдан овоз келдики, «Менга тоат-ибодатда бўлганингда ижобат этган эдим, менинг тоатимни тарк этган вақтингдан бошлаб, мен ҳам сени тарк этдим ва юз ўгириб исён қилишингга муддат берган эдим. Энди мен томонга келганинг учун сени қабул қилдим», – деган овоз келди.

Ҳикоят. Имом Ҳасан Басрий (р.а.) ёшликларида бениҳоя келишган йигит бўлган эканлар. Одатлари бўйича чиройли кийиниб, Басра кўчаларида сайр қилиб юрганларида гўзал бир аёлни кўриб, унинг орқасидан эргашдилар. Аёл деди: «Менинг орқамдан келишга уялмайсанми?» Имом Ҳасан Басрий дедилар:

«Сени кўриб сабру тоқатим кетди. Қаерга борсанг, мен ҳам бораман». Гўзал аёл деди: «Менинг нимамга мафтун бўлдинг?» Имом Ҳасан Басрий айтдилар: «Кўзларинг кўнглимни олди». «Шу ерда мени кутиб турсанг, муродинг ҳосил бўлади», – деди аёл. «Мен аёлга ошиқи беқарор бўлганимдек, у ҳам менга мафтун бўлибди» – деб ўйлади Имом Ҳасан Басрий. Шу ерда аёлнинг ваъдага вафо қилишини интизор бўлиб кутиб ўтирдилар. Бир маҳал устига рўмол ёпиқлик лаган кўтарган канизак келди ва Имом Ҳасан Басрийнинг олдиларига лаганни қўйиб: «Гўзал бир аёлнинг кўзларига мафтун бўлган экансан, ўша аёл кўзларини ўйиб, лаганга солиб сенга юборди. Мана муродинг ҳосил бўлди, энди унга мафтун бўлиб юрмагин», – деди. Имом Ҳасан Басрий (р.а.) рўмолни очиб соҳибжамол ва ҳамида ахлоқ аёлнинг кўзларини лаганда кўриб ҳамда канизакнинг сўзларини эшитиб, бутун вужудларини титроқ босди ва ўзларига дедилар: «Ҳолинга вой эй Ҳасан, мусулмонликда шу аёлчалик ҳам бўлмабсан». Дарҳол тавба қилиб, ўз қилмишларидан пушаймон бўлдилар ва уйларига келиб эрта тонггача йиғлаб чиқдилар. Эрта билан уйдан чиқиб, узр сўраш учун ўша покдоман аёлнинг эшигига келдилар. Аёлнинг канизаги чиқиб деди: «Кеча у вафот этди, уни дафн қилиб келдилар». Имом Ҳасан Басрий (р.а.) уч кун ўша аёлнинг қабри тепасида ўтириб йиғладилар. Учинчи кеча туш кўрсалар, сабр-тоқатларини олган гўзал аёл Жаннатда сайр қилиб юрган экан. Имом Ҳасан Басрий дедилар: «Мени кечир, эй покдоман». Аёл деди: «Сиз сабабчи бўлиб, Аллоҳ таоло менга Жаннатдан жой берди. Сиздан розиман, сизни кечирдим». Имом Ҳасан Басрий дедилар: «Менга бирор нарса ўргат, мен унга амал қилай». У гўзал деди: «Хилватда ўлтириб, Аллоҳ таоло зикрини кўпроқ айтинг. Тонгда ва шомда Аллоҳ Субҳонаҳу ва

таолога истиғфор айтинг, кечасию кундузи тавбани канда қилманг. Агар айтганларимни қабул қилиб, бажо келтирсангиз, одамлар орасида зуҳду тоат билан машгул бўлиб, Аллоҳ таолонинг авлиёси даражасига эришасиз». Имом Ҳасан Басрий (р.а.) уйқудан уйғониб эртаю-кеч, тавба ва истиғфор айтиш билан машгул бўлдилар ва Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг авлиёси мартабасига етишдилар.

Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар. «Агар банда жон бериш фарғараси ҳолатида ҳам тавба қилса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унинг тавбасини қабул қилади».

Ривоят қилурларки, Жаброил (а.с.) Аллоҳ таоло амри билан Расули Акрам (с.а.в.) ҳузурларига келиб дедилар: «Ё Расулаллоҳ, Худойи таоло салом юборди ва яна айтдики, агар умматингиз ўлимидан бир йил олдин гуноҳларидан тавба қилса, унинг тавбасини қабул қилгусидир». Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: «Ё биродари Жаброил (а.с.), менинг умматларим гафлатдадирлар. Бир йил олдин тавба қила олмайдилар». Жаброил(а.с.) бориб, яна қайтиб келиб дедилар: «Ё Расулаллоҳ, агар ўлимидан бир ой илгари тавба қилса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унинг тавбасини қабул қилгусидир». Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: «Ё Жаброил (а.с.) бир ой муддат ҳам менинг умматларимга кўплик қилади». Жаброил кетиб яна қайтиб келиб дедилар: «Ё Расули Акрам (с.а.в.), агар умматларингиздан кимки ўлимидан бир кун илгари тавба қилса, унинг тавбаси қабул қилинар экан». Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: «Ё Жаброил биродар, менинг умматларимга бир кун ҳам кўплик қилади». Жаброил (а.с.) бориб, яна қайтиб келиб дедилар: «Ё Расулаллоҳ, агар умматларингиздан ҳар ким ўлимидан бир соат илгари тавба қилса, унинг тавбасини қабул қиламан деб айтди Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло». Пайғамбар

(с.а.в.) дедилар: «Ё Жаброил (а.с.), бир соат ҳам умматларимга кўплик қилади. Чунки улар ўша дамга ишонадилар ва кўнгиллари бу дунёга алагда бўлиб, тавбадан гофил қоладилар». Жаброил (а.с.) бориб, яна қайтиб келиб дедилар: «Ё Расулаллоҳ, Худойи таоло сизга салом юборди ва агар умматларингиздан кимки бутун умрини гуноҳда ўтказган бўлса-ю, лекин ўлим ҳолатида жони ҳалқумига келиб, тили сўзлашдан ожиз қолган ҳолатида ҳам гуноҳларидан пушаймон бўлиб, қалбидан тавба қилса, ўз гафуру раҳимлигим ҳақи, уни мағфират қиламан, деди».

Умар (р.а.) ривоят қиладилар. Назъ (ўлим тўшагида) ҳолатида ётган ансорлардан бирининг тепасида Расули Акрам (с.а.в.) ҳозир бўлдилар ва уни тавба қилишга ундадилар. Тили сўзлашдан ожиз қолган эди. Тили билан тавба қила олмади ва кўзини осмонга тикди. Пайгамбар (с.а.в.) табассум қилдилар. Ҳозир бўлганлар: сўрадиларки, «Ё Расулаллоҳ, бу вақтда табассумнинг боиси нимада?» – деб сўрашди. Пайгамбар (с.а.в.) дедилар: «Бу хастанинг тили тавбага қодир бўлмади. Кўзини осмонга тикиб, қалбида гуноҳларидан пушаймон бўлиб, тавба қилди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло фаришталарга, бу банданинг тили тавба қилишдан ожиз қолди, қалбидан пушаймон бўлиб, ўтмиш гуноҳлари учун тавба қилди. Сизлар гувоҳ бўлингларки, уни мағфират этдим деб хитоб қилди», – дедилар («Дурратул-мажолис»).

Ривоят қилурларки, мўмин банданинг тавбасини тўрт белгиси билан таниса бўлади. Биринчидан, ўз тилини бекорчи гаплар, гийбат, гап ташиш ва ёлгон сўзлашдан тийган бўлади. Иккинчидан, ўз қалбида бировга ҳасад ва адоват сақламайди. Учинчидан, шарорат (ёмонлик) қилувчи кишилардан ва бадкирдорлардан узоқлашади ва улар билан ҳамсуҳбат бўлмайди.

Тўртинчидан, ўз гуноҳларини эслаб пушаймон бўлади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг тоати билан машғул бўлиб, одамларга амри маъруф қилади.

Ибни Аббос (р.а.)дан сўрадиларки, насух тавбаси қандай тавбадир? Жавоб бердиларки, тил билан тавба қилиб, дилдан пушаймон бўлмоқликдир. Агар тили билан тавба қилиб, дилидан гуноҳ қилишга мойил бўлса, Аллоҳ таоло билан истехзо қилгандек бўлади («Тафсирул-боб»).

Ато ибни Холид (р.а.) шундай деб ривоят қиладилар: «Гуноҳларни Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким мағфират этмайди» «Оли Имрон», 135-оят) ояти карима нозил бўлди. Иблис алайҳилаъна дод солиб, бошига тупроқлар сочди. Шайтонлар лашкари дунёнинг ҳамма бурчакларидан унинг олдида тўпланиб, дод солиш сабабини сўрадилар. «Шундай оят нозил бўлдики, бундан кейин ҳеч кимни гуноҳга мубтало қила олмасман», – деб жавоб қилди. Шайтонлар лашкари дедикки, ҳеч ҳам гам ема, биз фитна-фасод, такаббурлик эшикларини одамларга очиб берамиз. Улар тавба қилиш, истиғфор айтишга фурсат топа олмаслар. Шунда сен бизлардан рози бўлурсан («Дурратул-маншур»).

Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.) ривоят қилурлар: «Иблиси лаъин одамларни гуноҳ ва исёнга мубтало қилиб, ҳалокатга олиб боради. Сизлар кўпроқ истиғфор калимасини айтиб, иблисни ҳалок этинг. Кимки истиғфорни қанда қилмай юрса, Аллоҳ таоло унинг барча боғланган ишларига ривож беради, гам-андухдан озод қилади ва унга ризқ эшикларини кенг очади», – дедилар.

Ривоят қилурларки, тавбанинг учта шарти бор: биринчи, гуноҳ қилишдан қайтиш, иккинчи, ўтмишдаги гуноҳлардан пушаймон бўлиш, учинчи, – ўша гуноҳни бошқа содир этмасликка жаҳду ҳаракат этиш. Дебдурларки, бир аробий (саҳрода яшайдиган



араб) Мадина масжидига кирди ва намоздан кейин шундай деди: «Аллоҳумма инний астағфирука ва атуба илайка» (Эй бор Худоё, сенинг мағфиратингни тилайман ва сен томонга тавба қилурман). Али (к.в.) дедилар: «Ё аробий, сенинг бу тавбанг каззоблар (ёлгончилар) тавбасидир». Аробий: «Рост сўзловчилар тавбаси қандай бўлади?» – деб сўради. Амиралмўминин дедилар: «У олти жиҳатдир: биринчи, ўтмишдаги гуноҳлардан пушаймон бўлиш, иккинчи, ўша гуноҳга яна бормаслик, учинчи, кимга зулм қилган бўлса, уни рози қилиш, тўртинчи, маъсиятни шавқ билан қилгандек ўз нафсини Аллоҳ таоло тоатидан шавқ қилишга одатлантириш, бешинчи, риёзат ва машаққат билан тоатни роҳат ва ҳузур билан қилиш, олтинчи, маъсият вақтида қандай кулган бўлса, қалбида Аллоҳ таолодан кўрқиб шундай зор-зор йиғлаш.

Одам (а.с.) шундай деган эканлар деб ривоят қиладилар: «Аллоҳ таоло тўрт нарсани Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) умматларига қаромат этганлиги ҳақдир ва менга берилмагандир. Биринчидан, мен Маккага бормагунча Аллоҳ таоло менинг тавбамни қабул этмади. Муҳаммад (с.а.в.) умматлари қаерда тавба қилсалар, Аллоҳ таоло улар тавбасини ўша ерда қабул қилади. Иккинчидан, менда Жаннат кийимлари бор эди, гуноҳ содир этишим билан мени яланғочлади. Муҳаммад (с.а.в.) умматлари яланғоч ҳолда гуноҳ қиладилар, аммо Жаннатда уларга ҳарир кийимлар берилади. Учунчидан, мендан гуноҳ содир бўлган вақтда мен билан аёлим Ҳавво ўртасига фироқни солди. Муҳаммад (с.а.в.) умматлари гуноҳ қилсалар ҳам ўз болалари ва аҳли аёлларидан айрилмайдилар. Тўртинчидан, мендан Жаннатда гуноҳ содир бўлганда, мени Жаннатдан чиқардилар. Муҳаммад (с.а.в.) умматлари Жаннат ташқарисида



гуноҳ қиладилар ва лекин гуноҳларидан пушаймон бўлиб, тавба қилсалар, улар Жаннатга киртилади.

**Ҳикоят.** Бани Исроилда бир фоҳиша аёл бўлиб, ҳусну жамолда тенги йўқ эди. Кўпчилик эркалар ўша аёлга мафтун эдилар. У эшигини очиб, нозу карашма билан имо-ишора қилиб, эркаларни маъшуклик, кўнгил хушлик қилишга даъват этарди. Кимки уни кўрмоқчи бўлса ўн динор келтириб, ҳамсухбат бўлиши мумкин эди. Кунларнинг бирида бир обид аёлнинг эшиги олдидан ўтаётганда тасодифан аёлга кўзи тушиб, ошиқи-беқарор бўлди. Ўзини ҳар қанча бу ишдан қайтармоқчи бўлса-да, лекин ишқ дарди бутун ихтиёрини олган эди. Илож тополмай бор бисотини сотиб, ўн дирҳам келтириб, бу аёлнинг вакилига топширди. Вакил пулни қабул қилиб олиб, унинг келиш вақтини белгилади. Обид ваъда қилинган вақтда келиб, ўша аёлнинг олдида ўтирди. Шу вақт тоат-ибодатининг шарофати билан Аллоҳ таоло унга тавба қилиш инсофини берди. Қалбида қўрқинч пайдо бўлиб, ўзига-ўзи деди: «Аллоҳ таоло бу ҳолатингни кўриб турибди. Йиллар давомида қилган тоат-ибодатинг бекорга кетади». Обиднинг рангу рўйи ўзгарди. «Нега рангинг ўзгарди?» – деди аёл. «Аллоҳ таолодан қўрқяпман. Бу ердан кетишимга рухсат бер», – деди обид. «Менинг висолимни орзу қилиб, ўн динор бердинг, энди мақсадга етишганингда нақдни қўлдан чиқармагин», – деди аёл. «Сенга нимаики берган бўлсам баҳридан ўтдим. Тезроқ ижозат бергин кетайин», – деб илтимос қилди обид. «Ўз истагингни бажо келтир, кейин кета бер», – деди аёл. «Мен ўша ишдан қўрқаман», – деб айтди обид. Хотин унинг исмини ва манзилини сўраб, жавоб бериб юборди. Обид у ердан йиглаб-йиглаб чиқиб кетди. Уйига бориб доимо



надомат этиб юрди. Дебдурларки, обид бу ердан кетгандан кейин аёлнинг қалбида ҳам бу шайтоний йўлдан қайтиш инсофи пайдо бўлди ва ўзига-ўзи деди: «Обид тўла имкониятга эга бўла туриб, Аллоҳ таборок ва таолодан қўрқиб, ношаръий амалга ҳаракат қилмади ва аччиқ-аччиқ йиглаб чиқиб кетди. Мен бўлсам, Худойи таолодан қўрқмай, бир қанча вақтдан буён бу гайри шаръий иш билан шуғулланиб келаман». Ҳарир кийимларини ечиб, фақирона кийинди ва Аллоҳ субҳонаҳу таоло ибодатига киришди. Ўша обидни топиб, унинг шаръий никоҳига қирай, дин ва мусулмончиликнинг тартиб-қоидаларини мукамалроқ ўрганай, Аллоҳ таборок ва таоло мени яхшиликка эриштирсин, деб молу-мулкни йиғиштириб, қуллари ва канизаги билан йўлга тушди. Сўраб-сўраб обиднинг манзилени топди. Обид уйдан чиқиб, аёлни кўриши билан фиғон тортди ва йиқилиб жон берди. Аёл афсуслар чекиб деди: «Дин йўлида кўмакдошим бўлармикан деган умидда келган эдим. Агар унинг яқинларидан бирор киши бор бўлса, унинг никоҳига кириб, Аллоҳ таолонинг ибодатини қилардим». Ҳозир бўлганлар, обиднинг бир укаси борлигини, зуҳду-тақвода акасидан қолишмаслигини, лекин дунё молидан ҳеч вақоси йўқлигини айтдилар. «Мен шу замоннинг бойларидан ҳисобланаман, менга мол-дунё керак эмас», деди аёл. Алқисса, аёл обиднинг укаси никоҳига кириб, ибодат билан машғул бўлди ва ундан еттита ўғил кўрди. Улар онасининг тавбаси баракотидан солиҳ кишилар бўлиб етишдилар.

Илоҳо, Саййидул-Аброр (с.а.в.) ва аъло олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин шарофати билан барча мўмин ва мўмина бандаларга насух тавбасини насиб этиб, шайтони бадқирдорнинг ҳамда алдамчи нафс васвасасидан ўз паноҳингда асрагин.

## САДАҚА БЕРИШ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Аллоҳ таборак ва таоло сўзи бордирки: «Агар ўз садақаларингизни фақирларга билдирмай берсангиз, бу сизлар учун энг яхши амалдур». «Бақара», 271-оят.

Анас ибн Молик (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар. Ул ҳазрат марҳамат қилиб айтибдурларки: Аллоҳ таборак ва таоло ерни сув устида яратди. Ер ҳаракатланиб кейин қарор топди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло тоғларни ер устида яратди. Ер ҳаракатланишдан тўхтади. Фаришталар таажжубга тушиб, муножот қилдилар: «Илоҳо, тоғдан ҳам қувватлироқ нарса яратганмисан?» Аллоҳ таоло: «Темир тоғдан зўрроқдир», – деди. Фаришталар: «Темирдан нима кучли?» – деб сўрадилар. «Олов темирдан кучлидир», – деган нидо келди. Фаришталар дедилар: «Оловдан нима кучли?» «Оловдан сув кучлидир», – деган нидо келди. «Илоҳо, сувдан ҳам кучлироқ нарса борми?» – деб сўрадилар фаришталар. «Шамол сувдан ҳам кучлидир», – деган нидо келди. Фаришталар дедилар: «Илоҳо шамолдан нима кучли?» «Одам фарзандларининг садақаси шамолдан ҳам кучлироқдир. Садақани шундай беришсинки, ўнг қўл билан берилган садақадан чап қўл хабардор бўлмасин. Ҳамма айтган нарсаларимдан садақа кучлироқдир», – деган нидо келди. Биздан илгари ўтганлар садақа беришда беш нарсага риоя қилганлар. Биринчидан, садақани пинҳона беришга. Баъзилар фақирларга берилган садақа эгасини танимасин деб ҳаракат қилишган. Баъзилар садақани фақирлар ухлаганда ўринларига ташлаб кетишади. Баъзилар фақирлар йўлида қолдиришган. Иккинчидан, садақани миннат қилиб ва намойишкорона беришдан ҳазар қилинган. Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг сўзи будир: «Эй имон келтирганлар, ўз садақангизни миннат ва таъна билан пучга

чиқарманглар». «Бақара», 264-оят. Учинчидан, садақани ҳалол молдан беришган. Парвардигор сўзи будир: «Охират савобига эгалик қила олмайсиз, ҳаттоки яхши кўрган нарсангиздан нафақа берганингизда ҳам». «Оли Имрон», 92-оят.

Қола набию алаҳиссалому: «Инналлоҳа таййибун ла яқбалу илло таййиба» (Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло покдир, покдан бошқа нарсани қабул қилмайди).

Суфёни Саврий (р.а.)дан шундай нақл қилинур, кимки ҳаром молдан садақа қилса, худди ифлос кийимни нажосат билан тозалагандек бўлади. Ифлос нарсани сувдан ўзга нарса тозаламайди. Гуноҳни ҳалол садақадан бошқа ҳеч нима ювмайди. Тўртинчидан, нимаики садақа қилинса, очиқ юз ва хурсандчилик билан қилинсин. Пайғамбар (с.а.в.) марҳамат қилганларки, бир ҳалол дирҳамни очиқ юз билан садақа қилишлик, нохушлик билан берилган юз дирҳамдан ортиқдир. Бешинчидан, ўз ҳалол молдан тақводор олимга садақа берса, гуёки Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло тоатини ўша олим билан бирга адо этгандек бўлади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло айтгани будир: «Фарз садақотлари камбағал ва мискинлардан бошқага эмас». «Тавба», 60-оят.

Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилинур: Кимки фи сабилллоҳ (Аллоҳ йўлида) садақа қилса, садақа эгасининг қўлидан чиқиши билан бешта гапни айтар экан: Биринчи гапида «Эй Худонинг бандаси, мен кичик эдим, сен мени катталаштирдинг», – деб айтади. Иккинчи гапида «Сен менинг посбоним эдинг, энди мен сенга посбонлик қиламан», дейди. Учинчи гапида «Мен сенинг душманинг эдим, мени ўз дўстингга айлантирдинг», дейди. Тўртинчи гапида «Мен фоний эдим, мени боқийга айлантирдинг», – дейди. Бешинчи гапида «Мен озгина эдим, мени кўпайтирдинг», – дейди.

Аллоҳ таоло сўзи будир: «Ҳар бир яхшилик ўн баробар қилиб қайтарилади» «Анъом». 160-оят.

Расули Акрам (с.а.в.)дан ривоят қилинур. Марҳамат қилган эканларки, оч ва ташна мусулмонни таом билан тўйдирган ва ташналигини қондирган банда билан жаҳаннам ўртасида ҳар бирининг кенглиги беш юз йиллик йўл бўлган еттита хандақ пайдо қилар экан Аллоҳ таоло. Дўзах муножот қилар эканки: «Илоҳо шукрона сажда қилишимга рухсат бергин, бу банданг садақа шарофати билан оташдан нажот топди, мен Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг умматларини куйдириб, азоб беришдан уяламан».

**Ривоят.** Агар садақа бир луқма нон бўлса ҳам Аллоҳ таоло унинг савоби баракоти билан бандага Жаннат насибаси берилишига амр этади, дейилган.

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, бани Исроилда икки йил қаҳатчилик бўлди. Бир аёлнинг бир луқмагина нони бор эди ва шу нонни оғзига солиб емоқчи бўлиб турганда, эшикка тиланчи келиб, нидо қилди. Аёл дарҳол нонни оғзидан чиқариб, тиланчига берди. Бир куни аёл ўтин тергани саҳрога борди. Эмизикли боласини ерга думалатиб, ўзи ўтин териб юрди. Бўри келиб, аёлнинг боласини олиб кетди. Бунни кўрган аёл бўрининг орқасидан дод солиб югурди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло амри билан бир фаришта келиб, боласини бўрининг оғзидан олиб: «Эй канизаллоҳ, бир луқма нонни Худои таоло йўлида садақа қилган эдинг. Шу луқмани бўридан олиб сенга келтирдим, энди розимисан?» – деди.

Саховатпешаликни касб этган банда Аллоҳ таолога яқин бўлиб, халққа мақбулдир. Бахил, Аллоҳ таолодан узоқлашган бўлади ва халқ уни ёқтирмайди. Агар бахил зоҳид бўлса ҳам Жаннатга кирмайди.

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, бир қуш Сулаймон (а.с.) олдига келиб: «Ё Набийаллоҳ, бир одамнинг ҳовлисидаги дарахтга ин қўйиб, жўжа очганимда ҳар доим болаларимни олади», – деди. Сулаймон (а.с.) ўша одамни чақиртириб: «Агар бу парранданинг жўжаларини яна олсанг, иккита девга буюраман, сени икки бўлакка бўлиб, бирини Мағрибга ва бирини Машриққа отиб юборишади», – деб айтдилар. У Сулаймон (а.с.)нинг фармонларини қабул қилиб, уйига кетди. Бир йилдан кейин Сулаймон (а.с.)нинг айтганларини унутди ва қушнинг жўжаларини яна олди. Қуш Сулаймон (а.с.)нинг ҳузурларига келиб шикоят қилди. Сулаймон (а.с.) иккита девга бу кишини иккига бўлиб, бир бўлагини Мағрибга, бир бўлагини Машриққа отишни буюрдилар. Иккита дев Сулаймон (а.с.) амри-фармони билан бориб, уни иккига бўлмоқчи бўлганларида, осмондан иккита фаришта тушиб, иккала девларни олиб, бирини Мағрибга, бирини Машриққа отиб юбордилар. Қуш келиб бу хабарни Сулаймон (а.с.)га етказди. Сулаймон (а.с.) ўша одам қандай хислати борлигини сўрадилар. У: «Ё Расулаллоҳ, менинг ҳеч қандай хислатим йўқ. Қушнинг боласини олган куним, бир тиланчига фақат икки лўқма нон садақа қилган эдим», – деди.

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, бир йили Бани Исроилда қаҳатчилик бўлган эди. Бир камбағал бахил бойнинг эшигига келиб, Худо йўлига бир бурда нон садақа қилгин деди. Бахил тиланчига ҳеч нарса бермади ва уйдан ҳайдаб чиқарди. Бахилнинг қизи тиланчига битта нонни берди ва буни кўрган бахил ота қизининг ўнг қўлини кесиб ташлади. Бир қанча вақтдан кейин Аллоҳ таолонинг қудрати билан бахилнинг мол-мулки қўлидан кетиб, муҳтожликка дучор бўлди. Унинг қизи бирор егулик топш учун кўчаларда юрган эди. Бир саховатли одам уйига олиб бориб, никоҳлаб олди. Овқатланаётганда хотини чап қўли билан овқат ея бошлади. Эри деди: «Ўнг қўл билан овқатланиш

одобдандир». Аёл нима қилишни билмай, ҳайрон бўлди. Хона бурчагидан овоз келдики, «Сен ўнг қўлинг билан Худойи таоло йўлида эҳсон қилган эдинг, отанг қўлингни кесиб ташлади. Аллоҳ субҳонаҳу таоло хайр-эҳсон эгасини ташлаб қўймайди. Ўнг қўлингни енгингдан чиқар». Аёл қўлини узатиб, Аллоҳ таборак ва таолонинг қудрати билан қўлининг илгаригидек соппа-соғ эканлигини кўрди.

Анас ибн Молик (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қиладилар. «Аллоҳ таоло садақа берган одамдан етмиш балони узоқлаштиради ва берган садақаси охиратда Дўзахдан уни ҳимоя қилувчи ҳижобга айланади», – деган эканлар.

Ривоят қилурларки, Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб айтган эканларки, садақанинг бешта хислати бордир. Биринчи, Аллоҳ таоло унинг молига барака беради. Иккинчи, касали бўлса, Аллоҳ таоло шифо ато этади, учинчи, агар бирор бало қасд қилган бўлса, Аллоҳ таоло садақа берганлик сабаби билан балони қайтаради, тўртинчи, Сиротдан яшин тезлигида ўтади, бешинчи, ҳисоб бермасдан ва азобга дучор бўлмасдан Жаннатга киради (Ҳадисдан).

Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар. «Мўмин банданинг вафотидан кейин унинг барча амали тўхтаб қолади, лекин учта ишнинг савоби абадий тўхтамай, қиёматгача номаи аъмолига ёзилиб боради. Биринчидан, садақаи жория, иккинчидан, солиҳ фарзандлар тарбиялаш, учинчидан, тириклик вақтида мағфират сўраб қилган дуоси. Садақа қилиш Дўзахдан қутулишга сабаб бўлади», – деб марҳамат қилганлар.

Ривоят қилурларки, Табук газоти вақтида Абдураҳмон ибни Авф (р.а.) тўрт минг дирҳамни Расулуллоҳ (с.а.в.)га келтириб дедилар: «Ё Расулаллоҳ, саккиз минг дирҳамим бор эди. Тўрт

мингини оиламга қолдирдим, тўрт минг дирҳамни садақа қилмоқчиман» Пайгамбар (с.а.в.): «Аллоҳ таоло баракасини берсин. Уйда қолдирганингга барақа берсин, олиб келганингга ҳам барақа берсин», – дедилар. Ундан кейин ҳазрати Усмон (р.а.): «Ё Расулаллоҳ, уйимда бор нарсамни газот учун садақа қилдим», – дедилар. Пайгамбар (с.а.в.) Усмони Зиннурайн (р.а.) ҳақларига баракот дуосини қилдилар.

Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: «Ҳар кимнинг Аллоҳ таоло йўлида ўзи тириклигида қилган бир дирҳам садақаси, ўлганидан кейин бошқаларнинг у учун қилган юз дирҳамидан афзалроқдир» («Масобех»).

Илоҳо, Саййидино Муҳаммадин ва аъло олиҳи асҳобиҳи ажмаъин ҳурмати учун барча мўмин бандаларга садақа бериш хусусиятини насибу рўзи этгин.

## ЭРНИНГ ХОТИНИ УЧУН ВА ХОТИННИНГ ЭРИ УЧУН ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Аллоҳ субхонаҳу ва таоло шундай таълим беради: «Эрлар аёлларга мутасаддидурлар». «Нисо», 34-оят.

Ривоят қилурларки, Саъд бинни Рабиъ Ансорий (р.а.) хотинини калтаклади. У аёл Муҳаммад бинни Салома (р.а.)нинг қизи эди. У Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига келиб деди: «Ё Расулаллоҳ, эрим мени урди, менинг қасосимни эримдан олинг беринг деб ҳузурингизга келдим». Шу вақт Жаброил (а.с.) «Аррижолу қавомуна ʔаланнисои» ояти каримасини, яъни Аллоҳ таборок ва таоло эрни хотинларга масъул этиб тайинлаганлиги оятини келтирдилар. Агар эри хотинининг ношоиста ишини кўрса, унга адаб ўргатсин (Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий).



Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилурлар. Расули Акрам (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: Хотиннинг энг яхшиси, эри унга назар солганда бошини эгиб туради, агар эри бирорта ишга буюрса, эрига итоат қилади, эрининг йўқлигида эрининг мол-мулкани муҳофаза қилади ва ўзини номаҳрамлар кўзидан асрайди. Беш вақт намоз ўқиган, Рамазони шарифнинг рўзасини тутган, ўзини номаҳрамлардан эҳтиёт қилган ва эрига фармонбардорлик қилган аёл, Жаннатга ўзи хоҳлаган эшикдан киради.

Абдураҳмон ибни Авф (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар. «Битта солиҳа аёл мингта гайри солиҳ эркакдан афзалдир ва ўз эрининг хизматини фармонбардорлик билан адо этган ҳар бир аёлнинг юзига Дўзахнинг етти эшиги ёпилиб, Жаннатнинг саккиз эшиги очилади ва ҳисоб бермай Жаннатга дохил бўлади», – деб айтган эканлар.

Ойишаи Сиддиқа (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қиладилар: «Агар аёл ҳайз кўрган куннинг аввалида «Алҳамдулиллоҳи аъло кулли ҳол вастағфируллоҳу мин кулли занбин» (Ҳар қандай аҳволга солганингга шукр ва барча гуноҳлар учун сендан мағфират тилайман) деса, Дўзах оташидан озод бўлишга эришади, Сиротдан яшин тезлигида ўтади, азобдан қутулади ва ҳайз айёмининг ҳар бир кечасида қирқта шаҳиднинг савобига эришади. Имом Ҳасан Басрий (р.а.) айтибдурларки, агар аёл солиҳа бўлса ва шаръий амр билан ўз эрига фармонбардорлик қилса, ушбу даражага эришади.

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, Пайгамбар (с.а.в.)замонларида бир киши газотга кетаётиб хотинига, мен келгунимча уйдан бирор жойга бормагин. У гози киши кетгандан кейин аёлнинг отаси касал бўлиб қолди ва кўриш учун қизига одам юборди. Солиҳа аёл: «Эрим ташқарига чиқишимга рухсат бермаган», – деди. Қариндошлари Расули Акрам (с.а.в.) ҳузурларига бориб,

арз қилдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) аёлга одам юбордилар. Аёл яна деди: «Мен эримга итоат қиламан, шунинг учун ташқарига чиқмайман». Шу вақт орасида аёлнинг отаси вафот этгани ҳақида хабар келганда ҳам эри келмагунча уйдан ташқарига чиқмади. Пайгамбаримиз (с.а.в.)га ваҳий келдики, эрига фармонбардорлик қилгани учун уни мағфират этдим ва барча гуноҳларини кечирдим.

Абдуллоҳ ибни Масъуд (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар: «Ўз эрининг кийимини ювиб тозалаган ҳар бир аёлга Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло мингта ҳасанот ато этиб, мингта гуноҳини кечиради ва мингта яхшиликка эриштиради».

Ривоят қилурларки, бир куни ҳазрати Али (к.в.) Фотима (р.а.) билан бирга Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келганларида Худонинг Ҳабиби (с.а.в.) йиғлаб ўтирган эдилар. «Ё Расулаллоҳ (с.а.в.), не сабадан йиғлаяпсиз?» – деб сўраганларида, у ҳазрат шундай деб жавоб бердилар: «Меърож кечаси турли азобларга гирифтор этилган аёллар қавмини кўрдим. Хотирамга ўшалар келиб, улар ҳолига йиғлаётган эдим». Сўрадиларки, «Ё Расулаллоҳ (с.а.в.), у аёллар нима сабадан азобга гирифтор этилган экан?» Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Сочидан осиб қўйилган ва бурнидан фасод оқаётган аёлни, тилидан осилган ва қўллари орқасидан чиқарилган ва оғзидан қора қатрон оқаётган аёлни, кўкрагидан осилган, эмчаклари орқасидан чиқарилган ва оғзидан захар-заққум оқаётган аёлни, қўл оёқлари ўз пешона сочлари билан боғланган ва илон-чаёнларга таланаётган ҳамда остидан олов алангаси лангиллаб ёндирилган аёлни, бадани олов қайчиларда қирқилаётган аёлни кўрдим. Бошқа бир аёлни кўрсам юзи қорайган ва ўзининг ичак-чавоғини еяётган эди. Яна оташ сандиғида азоб берилаётган, оғзи-бурни ва остидан аланга отилиб турган аёлни кўрдим. Унинг бадани ола-пес ва мохов хасталигига учраган эди. Унинг сассигига ҳеч ҳам чидаб бўлмасди. Яна бир аёлни кўрдим, боши чўчқанинг бошига

ва бадани эшакка ўхшарди. У минг турли азобларга гирифтор этилган эди. Бошқа бир аёлни кўрдим, ит, илону чаёнлар шаклидаги бир қанча махлуқотлар унинг оғзидан кириб, ости махражидан ўрмалашиб чиқаётган эдилар ва фаришталар уни оловли қамчилар билан тўхтамай савалар эдилар». Фотима (р.а.) ўринларидан туриб кетдилар ва дедилар: «Сизга фидо жоним, ўша хотинларнинг қилмишларидан менга хабар беринг». Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Эй кўзимнинг нури, сочидан осилган аёл, сочини номаҳрамлардан яширмаган, тилидан осилган аёл эрига тили билан озор берган, кўкраги билан осилган аёл эридан берухсат бировларнинг боласини эмизган аёллардир. Оёғидан осилган аёл эридан берухсат уйдан чиқиб ҳар жойга борган. Ўз баданининг гўштини еяётган, ичидан аланга отилиб чиқаётган аёл, номаҳрамлар олдида пардозандоз қилиб бегона эркаклардан ўзини яширмаган, бадани олов қайчиларда қирқилаётган аёл шухрат топиш учун ҳарир кийимларда кўчаларга чиқиб, номаҳрамларни томоша қилганлардандир. Оёқ-қўллари пешона сочлари билан боғланган ва илону чаёнлар билан азобланаётган аёл соғлом бўлишига қарамай, намоз ўқимаган ва рўза тутмаган, гусл қилиб, ўзини жунубликдан покламаган. Боши чўчканинг бошига ва жасади маркабга ўхшаган аёл, гап ташувчи ва ёлгончилардандир. Юзи қорайган, ўз ичак-чавоқларини еётган аёл, ўз эри устидан ҳаммага шикоят қилувчи аёлдир. Кар, кўр ва соқов ҳамда ола-пес, мохов бўлиб, оғзи-бурнидан олов отилаётган аёл эрининг мол-дунёсини ундан берухсат исроф этар ва эрини гийбат қиларди. Ит шаклидаги аёл эрининг айтганини қилмасдан эрига дағал сўзлайдиган аёлдир».

Расулulloҳ (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қилинур. «Эрига тили билан озор берган аёлнинг тили қиёмат куни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло амри билан етмиш зироъ (узунлик ўлчови,

газга тенг) узайтирилиб, бўйнига ўраб кўйилади, барча фаришталар ва одамлар бу хотинни лаънатлайдилар».

Ҳазрати Усмон (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар: «Мен сиз билан яшаб ҳеч нарса кўрмадим, деб эрига гапирган хотиннинг етмиш йиллик ибодатини, агар бутун умри давомида рўза тутиб, кечаларни намоз ўқиш билан ўтказган бўлса ҳам, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога мақбул бўлмайди», – деганларини эшитганман.

Ҳазрати Усмон (р.а.) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитганман. Агар хотин ўз эрига тили билан озор берса, Аллоҳ таоло бу хотинни лаънатлайди ва Худонинг барча яратган фаришталарю, инсу жинлар ҳам уни лаънатлайдилар».

Абдурахмон ибни Авф (р.а.): «Нафақа боисидан ўз эрини гамгин этган ва уялтирган аёлнинг намозу рўзасини Аллоҳ таоло қабул қилмайди», – деганларини Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитганман деб ривоят қиладилар.

Абдуллоҳ ибни Умар (р.а.) ривоят қилурларки, Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитган эдим: «Мол-дунёси бор бўлган аёл ўз эрига бу мол-дунё меники, сенинг ҳеч вақоинг йўқ деб айтса, Аллоҳ таоло бу аёлнинг барча савобларини йўққа чиқаради».

Ибни Аббос (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитганман деб ривоят қиладилар: «Эридан берухсат уйдан чиққан аёлни уйига қайтиб келган вақтгача ер ва осмоннинг барча махлуқотлари лаънатлайдилар ва ўзига оро берган, хушбуй нарсалар сепиб, эшиқдан чиққан аёлни ва агар эри унга рухсат берган бўлса, Аллоҳ таоло у эрни ҳам оловдан ясалган уйда азобга гирифтор қилур».

Талҳа ибни Абдуллоҳ (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қилурлар: «Агар аёл эрининг юзига қараб дағал сўз айтса ва эри бу сўздан гамгин бўлса, Аллоҳ таоло бу аёлни чиройли

сўзлар билан эрини хурсанд қилиб кулдирмагунча азобга дучор қилади.

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар. Расулulloҳ (с.а.в.): «Агар эри хотинни ўз тўшагига чақирса-ю, аёл рад этиб келмаса ва эри газабланса, фаришталар тонг отгунча бу аёлни лаънатлайдилар», – деган эканлар.

Салмони Форс (р.а.) ривоят қиладилар. Фотима (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.) ҳузурларига йиглаб кириб келдилар ва ранглари саргайиб ўзгарган эди. Расулulloҳ (с.а.в.): «Эй қизим не воқеа содир бўлди?» – деб сўрадилар. Қиёмат хотуни: «Ё Расулаллоҳ, Алийи Муртазо (к.в.) билан ҳазил–мутойиба қилаётган эдик, менинг сўзларимдан Али (к.в.) газабланиб, уйдан чиқмоқчи бўлдилар. Мен айтган сўзимдан пушаймон бўлиб, эй ҳабибим, ҳазил пайтида билмасдан сизни газаблантирдим. Бундан пушаймонман, мендан рози бўлиб, мени кечиринг, деб атрофларида етти марта айландим. Мендан рози бўлиб, кулиб юбордилар, лекин шунга қарамай, Аллоҳ таолодан қўрқаман, шунинг учун ҳузурингизга келдим», – деб жавоб бердилар. Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Эй қизим, ростлик билан мени халққа юборган зоти илоҳийга қасамки, агар эринг рози бўлишидан илгари вафот этганингда жанозангни ўқимасдим. Билгинки, эри рози бўлган аёлдан Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳам розидур ва агар Марям бинти Имрон каби ибодат қилса-ю, лекин эри норози бўлса, Аллоҳ таоло унинг ибодатини қабул этмайди. Эй қизим, хотинларнинг энг яхши ишлари эрларига фармонбардорлик қилишларидадир. Ҳазил-мутойибалар билан эрини бир соат хурсанд қилган аёл, бир йиллик тоат-ибодатнинг ва шаҳидларнинг савобини топади. Эй қизим, яхши сўзлар маҳбубона дилраболик хулқ-атвори билан эрини ва фарзандларини хушвақт этган аёлга Жаннатни вожиб қилур ва ҳар бир хурсандлигига у ерда бир шаҳар пайдо этади».

Пайғамбар (с.а.в.) марҳамат қилиб айтибдурлар: «Агар кишининг хотини иккита бўлса-ю, уларга адолат қилмаса, иккаловига бир кўз билан қарамаса ва нафақа таъминотида, ётиб туришида, едириш-ичиришда ҳамда кийинтиришда тенг кўрмаса, мен ундай эркак умматдан безорман ва тавба қилиб одил бўлмагунча менинг шафоатимдан бенасиб қолади». Хабарда бордурки, Пайғамбар(с.а.в.): «Иккита хотинли киши улардан бирини афзалроқ кўриб, улар ўртасида адолат қилмаса, қиёмат куни беҳисоб азобларга гирифтор бўлгусидир», – деб марҳамат қилган эканлар.

Ривоят қилурларки, Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: «Ҳар бир эркак хотинининг таъминотини, озиқ-овқатини ва кийим-кечагини муҳайё қилмоғи лозим. Агар хотин фармонбардорлик қилмаса ва ундан бирор гуноҳ содир бўлса, юзига урмасин ношоиста сўзлар билан ҳақорат қилмасин. Бир неча кун уйдан ташқарига чиқармасин ва ўша кунлари егулик-ичгуликдан зориқтирмасин».

Илоҳо, барча мўмина аёлларни ўз эрларига бўйсунининг инсоф-диёнатини бергин, тўғри йўлдан юргизиб, барча мўминларга ҳам ўз лутфу карамингдан сабр-қаноат ато этгин.

## САОДАТ(БАХТ)ГА ЭРИШИШ ВА БАДБАХТЛИК БАЁНИДА

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб: «Энг бахтли одам, холисона дил билан «Ла илаҳа иллаллоҳ» зикрини кўпроқ айтадиган одамдир, қиёмат куни биринчилардан бўлиб унга менинг шафоатим етгусидир. «Ла илаҳа иллаллоҳ» зикрини кўпроқ айтувчи Жаннатга киради»,

– дедилар. Асҳоб сўрадилар: «Ё Расулаллоҳ, холис нимадир?»  
 Пайгамбар (с.а.в.): «Аллоҳ таоло наҳий этган ишлардан ўзини  
 тўхтатганлар холис қалб эгасидир», – деб жавоб бердилар.

Ривоят қилурларки, барча халойиқ Маҳшаргоҳда тўпланганда,  
 Аллоҳ таборок ва таоло Муҳаммад (с.а.в.)нинг умматлари сажда  
 қилишсин деб буюради. Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг ҳамма  
 умматлари бошларини саждага қўйиб, узоқ муддат тасбеҳ  
 айтадилар. Шундан кейин, бошингизни энди саждадан кўтаринг,  
 душманларингизни сизларга фидо қилиб, сизларни Дўзах  
 оловидан озод этдим. Сизларнинг ҳар биттангизнинг ўрнига  
 битта кофирни Дўзахга ташлайман, деган нидо келади.

Ривоят қилурларки, кимда ушбу ўн бир хислат мавжуд бўлса,  
 бу бахтиёрлик нишонасидир. Биринчи, дунёга катта аҳамият  
 бермасдан, охират ишларини мукамал қилишга тиришади.  
 Иккинчи, вақтини кўпроқ ибодатга ва Қуръон тиловатига  
 сарфлайди. Учинчи, фақат зарур бўлганда сўзлайди. Тўртинчи,  
 беш вақт намозни ўз вақтида адо этади. Бешинчи, ўзини  
 ҳаромдан, шубҳали ишлардан тияди. Олтинчи, ҳар доим олим  
 ва солиҳлар билан суҳбатлашишга интилади. Еттинчи камтарин  
 бўлиб, такаббур, гердаишдан сақланади. Саккизинчи, сахий ва  
 мурувватли бўлади. Тўққизинчи, Аллоҳ таоло халқига раҳмдил  
 бўлади. Унинчи, Аллоҳ таоло халқига ҳар доим фойдаси тегади.  
 Ўн биринчи, ўлимни кўпроқ эслаб туради.

Ривоят қилурларки, бахтсизликнинг ҳам ўн битта белгиси  
 бордир: Биринчи, ҳорислик билан дунё молини йигади. Иккинчи,  
 дунё зийнатлари ва лаззатлари билан кўпроқ машғул бўлади.  
 Учинчи, бекорчи сўзларни кўп айтади ва мусулмон биродарларини  
 гийбат қилади. Тўртинчи, беш вақтлик намозларга яхши аҳамият  
 бермасдан дангасалик қилади. Бешинчи, кўпроқ шароратчилар

билан ҳамсуҳбат бўлишга интилади. Олтинчи, Худонинг бандаларига зарар етказди. Еттинчи, гердайган, мақтанчоқ, бўйсунмайдиган, яъни нофармонбардор бўлади. Саккизинчи, мўмин бандаларга фойда келтирувчиларни қайтаради. Тўққизинчи, мусулмонларга раҳм-шафқат қилмайди. Унинчи, бахил бўлади. Ун биринчи, ўлимини унутган бўлади.

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилурлар: «Тўрт нарса бахтсизлик аломатидир: ўтмишдаги гуноҳларини, ўзининг хайр-эҳсонларини одамлар олдида кўп гапириш, мол-дунёга мубтало бўлганларни қадрлаш ва бединларни ортиқ яхши кўриш», деган эканлар.

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинурки, ул ҳазрат шундай деган эканлар: «Яланғоч мусулмонни кийинтирган одам бахтлидир. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло у бандага Жаннат кийимларидан насиб этади. Агар оч қолган мусулмонни тўйдирса, Аллоҳ таоло Жаннат меваларидан унга ато этади. Агар чанқаган мусулмонни қондирса, Аллоҳ таоло уни тоза шаробдан сероб қилур» («Масобеҳ»).

Ривоят қилурларки, Бани Исроилда бир обид киши бор эди. У кечалари Аллоҳ таолонинг ибодатини қиларди ва кундузи рўзгорининг таъминоти учун бозорга бориб газламафурушлик қиларди. Бир куни обид газламасини кўтариб бозорга бораётганда олдидан бир бой одам аёли билан ўтди. Бойнинг хотини фақир обиднинг матосига харидор бўлди. Ўз уйига олиб келиб деди: «Анчадан буён сенга ошиқман. Истаганингча мол-дунё бераман. Менинг истагимни муҳайё қил!» Обид: «Мен ўз Парвардигоримдан кўрқаман, – деди. Аёл: «Айтганимни қилмасанг, бу ердан чиқармайман, балки одамлар орасида шарманда қиламан», – деб айтди. Обид: «Таҳорат қилиб, икки ракаат намоз ўқишимга рухсат бергин», – деди. Хотин рози бўлди.



Обид томнинг бурчагига бориб, икки ракаат намоз ўқиб, нажот сўраб муножот қилди ва баланд томдан ўзини пастга ташлади. Аллоҳ таоло Жаброил (а.с.)га, «Бу бандам менинг азобимдан қўрқиб, ўзини ҳалокатга ташлади, уни ерга туширмай кўтаргин», – деб амр қилди. Дарҳол Жаброил (а.с.) уни кўтариб ерга қўйдилар. Обид хотин ёмонлигидан халос топиб, эсон-омон уйига келди. Шу вақт обиднинг қўшниси унинг уйига чиқиб, битта нон сўради. Обид: «Бир неча кундан буён аҳли оилам билан оч ва нонга муҳтож бўлиб ўтирибмиз», – деди. Обиднинг қўшниси: «Ўз томимдан қарасам, тандирингизда иссиқ нон пишиб ётибди. Тандирингиздан хабарингиз йўқми?» – деди. Обид қўшниси билан бориб, тўла нон ёпилган тандирни кўриб, ҳайрон қолди: «Эй биродар бу сенинг кароматингдандир», – деб шукроналар қилди обид.

Расули Акрам (с.а.в.) марҳамат қилиб: «Қиёмат кунда мусулмонларнинг ёш гўдаклари Маҳшаргоҳда тўпланадилар. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло: «Эй Жаброил, мусулмонларнинг болаларини Жаннатга олиб бор», – деб амр қилади. Жаброил (а.с.), Аллоҳ таборок ва таоло амри билан гўдакларнинг ҳаммасини тўплаб, Жаннат эшиги олдига олиб келадилар ва: «Жаннатга киринглар», – деб айтадилар. Гўдаклар: «Бизнинг ота-оналаримиз қаерда?» – деб сўрашади. «Сизнинг ота-оналарингиз шайтоний нафс йўлидан юриб, ўз яратганларининг амрини бажо келтирмаганлари учун Дўзахга ҳукм қилиндилар», – деб жавоб берадилар фаришталар. Болалар буни эшитиб, уввос солиб йиғлайдилар ва дейдилар: Ота-оналаримиздан ажраб Жаннатга кириш бизларга ярашмайди. Ота-онамиз гуноҳини афв этиб, биз билан Жаннатга киргизади деб Аллоҳ субҳону ва таолодан умид қиламиз, бўлмаса бизни ҳам ота-оналаримиз билан бирга Дўзахга ташласин». «Эй Жаброил, гўдакларнинг ота-оналарини Дўзахдан чиқариб, уларга топшир.

Гўдакларнинг шафоати билан уларнинг гуноҳини кечирдим ва мағфират этдим», – деган фармон келади Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан. Гўдаклар бунни эшитиб, хурсанд бўлишиб, оналарининг қўлларидан ушлаб, Жаннатга олиб кирадилар ва Кавсар ҳовузига олиб бориб, уларни сувга тўйдирадилар», – дедилар (Ҳадиси шарифдан).

Илоҳо, Саййидалмурсагин ҳурмати билан мўмин ва мўминаларни дунё саодатидан насибу рўзи этгин ва икки дунё бахтсизлигидан ўз ҳифзу ҳимоянга олгин. Омин.

## СУДХҲҮРЛИКНИНГ ЗАРАРИ БАЁНИДА

Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб: «Беш гуруҳ одамлардан узоқлашинг: биринчи, ширк келтирувчилардан, иккинчи, сеҳр қилувчилардан, учинчи, ноҳақ қон тўкувчилардан, тўртинчи, судхўрлардан, бешинчи, етимлар молини ейдиганлардан», – деб айтган эканлар («Алҳадис»).

Абдуллоҳ ибни Масъуд (р.а.) ривоят қилурлар. Пайгамбар (с.а.в.): «Судхўрларда етмиш уч хил гуноҳ мавжуд бўлиб, энг охиргиси худди ўз онаси билан зино қилганга ўхшашдир», – деб марҳамат қилиб айтган эканлар.

Ривоят қилурларки, судхўрлик учун ҳийлаи шаръи қилган одам Аллоҳ таолони алдагандек бўлади. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Судхўрга, фоиз берувчига, унинг котибига ва унинг гувоҳига Худойи таолонинг лаънати бўлсин», – деганлар.

Абу Саъид Хидрий (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қилурлар: «Меърож кечаси қон дарёсида сузиб юрган, азобга гирифтор этилган, қоринлари мешдай шишган,

ранглари саргайган, бўйинларида оғир гул-занжирлар ва оёқ-қўллари ҳам занжирлар билан кишанланган бир қавмни кўрдим. Улар ўринларидан турмоқчи бўлишса қоринларининг бесўнақай катталигидан тура олмас эдилар. Тепаларида оташ оқиб тушарди. Булар ким деб сўрадим. Улар умматларингизнинг судхўрларидирлар», – деб жавоб бердилар Жаброил».

Расулulloҳ (с.а.в.): «Умматимнинг амиру умаролари (амалдорлари) жабрлаш билан шугулланадиган, олимлари тамагирликка гирифтор бўладиган, оддий фуқаролар риёкорлик, иккиюзламалик билан мол-дунё топадиган замон келади», – деган эканлар.

Абу Ҳурайра (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қиладилар. «Тўрт гуруҳ одамлар Беҳиштга кирмайди ва унинг ноз-неъматларидан маҳрум бўладилар. Биринчи, шароб ичувчилар (ичкиликбозлар), иккинчи, судхўрлар, учинчи, етимлар молини еганлар, тўртинчи, ота-онасига оқ бўлганлар», дедилар Расулulloҳ (с.а.в.).

Илоҳо, Саййидалмурсагин ва аъло олиҳи асҳобиҳи ажмаъин ҳурмати билан барча мўмин ва мўминаларни судхўрликдан, фоизга муомала қилиш (рибо олиш)дан сақлагин, судхўрлар суҳбатидан ўз ҳифзу ҳимоянгда асрагин.

## САЛОМ БЕРИШ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) ривоят қиладилар. Расулulloҳ (с.а.в.): «Ассалом, Аллоҳ субҳонаҳу таборак ва таолонинг исмларидан биридир. Ўзаро салом беришни одат қилинг. Салом берган ва саломга жавоб берган ҳар бир мусулмонга фаришталар етмиш марта салавот юборадилар. Бир-бирини кўриб саломлашмаган ва саломга жавоб бермаган мусулмонга улар етмиш марта лаънат юборадилар», – деб марҳамат қилдилар.

Ривоят қилурларки, мусулмонлар олдидан ўтганда ҳар доим салом беринг, уларга саломнинг жавоби вожиб бўлади. Юриб ўтаётган ўтирганга, кичиклар катталарга, уловдагилар пиёдаларга салом бериши лозим. Йўлда, орқада кетаётганлар, олдинда кетаётганларга салом берсин. Ҳар қачон ўз уйингизга кирганингизда оила аъзоларингизга салом беринг ва агар уйда ҳеч ким бўлмаса, «Ассалому ғалайно ва ағло ибодиллоҳи солиҳин», – деб айтинг. Фаришталар саломингизга жавоб берадилар. Олимлар агар уйда ёш бола бўлса салом берса бўладими ёки йўқми, деган саволга баъзилари салом берган яхши, ундан баракот ҳосил бўлади, деб айтганлар.

Ривоят қилурларки, ҳар бир мусулмонга сўзни саломдан бошлашга ўргатинг. Сўзни салом билан бошлаш суннатдир ва унинг жавоби фарзи кифоядир. Жамоати муслиминдан бир киши салом берса, қолганларнинг бўйнидан соқит бўлади ва лекин ҳаммалари салом берганлари афзалроқдир. Агар биров «Ассалому алайкум» деса, жавоб берувчи «Ва ғалайкум ассалом» десин, чунки мўмин бир ўзи ёлғиз эмас, бир неча фаришталар у билан биргадирлар.

Мусулмонни саломидан танийдилар, деб айтишади. Мусулмонга салом бермаган мусулмон гўёки мусулмонликдан баҳра топмагандек ва саломга дарҳол жавоб бермаса, гўёки ўша мусулмонни таҳқирлагандек гуноҳкор бўлади.

Агар бировнинг саломини келтирса ёки мактуб охирида салом айтган бўлса, дарҳол саломига жавоб бериш лозим. Олимлар, кофирлар ва аҳли бидъатнинг саломига ғалайка мисла деб жавоб бериш керак деб айтганлар.

Абу Ҳурайра (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Мўмин банданинг комил имони бўлмаса, Жаннатга кира

олмайди Комил имоннинг нишонаси мўмин мўминнинг биродари эканлигидадир. Мусулмоннинг мусулмонга зарар истамаслиги, меҳр-муҳаббатли бўлиш ва салом беришга одатланиши керак».

**Масала.** «Тотархония» да келтирилгандирки, бир нечта ўринларда салом бериш яхши эмас, балки салом берувчи гуноҳкор бўлади. Қуръон қироат қилинаётганда овоз жаҳрия бўлиб, тингловчилар қорига қулоқ солаётганларида илм музокараси ва азон-иқомат вақтида.

Анас ибни Молик (р.а.) ривоят қиладилар: «Ўн йилга яқин вақт ичида Расулulloҳ (с.а.в.)нинг хизматларида бўлдим. Бирор марта қилган ишимни нега бундай қилдинг ва бирорта қилмаган ишимни нега қилмадинг, деб айтмадилар. Бир куни шундай дедилар: «Ё Анас, сенга бир васият қиламан, уни ҳеч қачон унутмагин: биринчиси, кечалари кўпроқ намоз ўқигин, шунда фаришталар сени ҳимоялашни яхши кўрадилар, иккинчиси, ҳар доим уйга кирганингда ўз аҳли оилангга салом бергин. Аллоҳ таоло сенинг барокатингни оширади, учинчиси, қўлингдан келганча таҳоратли бўлиб, ўрнингда суяниб ўтир. Агар бунга одатлансанг ўлган вақтингда шаҳид даражасида бўласан, тўртинчиси, ҳар қачон аҳли оиланг ҳузуридан ташқарига чиқаётганда, кўрган ҳар бир мусулмонга салом берсанг, Аллоҳ таоло савобингни кўпайтиради. Бешинчиси, мусулмонларнинг катталарига яхшилик қилгин, кичикларига раҳм-шафқатли бўлгин. Агар шу васиятларимга риоя қилсанг, мана шу икки бармоқ сингари Жаннатда мен билан ёнма-ён бўласан. Ё Анас, билгинки, бир луқма таом еб «Алҳамдулиллоҳ» ва сув ичиб «Алҳамдулиллоҳи таоло» деган бандадан Аллоҳ таоло рози бўлгусидир».

Ибни Салом (р.а.) ривоят қиладилар. Расулulloҳ (с.а.в.): «Эй одамлар, Жаннатга киришингиз учун ўзаро саломга одат қилинг, овқатингиздан очларга беринг ва кечалари кўпроқ намоз ўқинг», – дедилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Беҳиштда шундай қаср бордирки, бу дунёга бир неча баробар келади. Шаффофлигидан ташқарисидан ичи кўринади, ичидан эса ташқариси кўринади. Унинг ичида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ва банданинг кўнглидан ҳам ўтмаган нозу неъматлар муҳайёдир». Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, бу қаср кимлар учун?» – деб сўрадилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимки саломлашишда ташаббускор бўлса, ҳар бир мусулмонни кўрганда биринчи бўлиб саломлашса ва таомни ўз аҳли оиласи билан бирга еса, меҳмонни яхши кўрса ва Рамазони шариф рўзасини ҳамда Шаввол ойининг олти кун рўзасини тутса, йил давомида рўза тутгандек бўлади. Хуфтон ва Бомдод намозини одамлар уйқудаги вақтида жамоат билан ўқиган ҳар бир киши гуёки бутун кечаси намоз ўқигандек бўлади. У вақтда ухлаган одамлар бутпарастлардан, насоролардан ва мажусийлардан бўладилар», – деб жавоб бердилар.

**Масала.** Халожой (Ҳожатхона)да ўтирган кишига биров келиб салом берса, Абу Ҳанифа (р.а.) унга дилда жавоб берсин, лекин тили билан жавоб бермасин. Имом Абу Юсуф (р.а.) на дилда ва на тилда унга жавоб бермасин деганлар. Имом Муҳаммад (р.а.), бўшагандан кейин унинг саломига жавоб берсин, деганлар. Агар соил (тиланчи) салом берса, унинг саломига жавоб бериш вожиб эмас. Агар қози муҳокама устида ва устоз дарс айтиш билан машғул бўлса, биров салом берганда, унинг саломига жавоб беришлари вожиб бўлмайди.

**Масала.** Шатранж, нард ва бошқа ҳар хил ўйинлар ўйнаётганларга, ўйин-қулги йиғинидагиларга, ёлгон қиссахонга, бемаъни, беҳаё ва ҳажв сўзловчиларга, аёлларни томоша қилиш учун йўл четида ўтирганларга, муганнийларга, йўловчилар қараб ўтаётган, бозорда овқатланаётганларга, кофирларга, аҳли бидъатларга ва яланғочларга, агарда ҳаммомда бўлсалар

ҳам, ўхшаган тоифадаги одамларга салом бериш вожиб эмас ва саломига жавоб ҳам нодурустдир. Пайгамбар (с.а.в.) марҳамат қилиб: «Саломлашишдан олдин сўзлашганинг сўзларига эътибор берманг», – дедилар.

Ибни Аббос (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар: «Икки мусулмон бир-бири билан саломлашаётган вақтда Иблис алайҳилаъна йиглаб туриб: «Э воҳ, бу икки мўмин бир-бирига салом берди ва бир-биридан ажралмай турган вақтнинг ўзида Аллоҳ таоло уларни мағфират қилди», – деб дод солади.

Насоролар қўлларини пешоналарига олиб саломлашадилар, бутпарастлар бармоқлари билан ишорат қилиб салом берадилар, мажусийлар салом берганда энгашадилар, араблар ҳаёқаллоҳ деб салом берадилар ва мўминлар саломи «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух», дейишлик биландир ва саломлашишнинг энг яхшиси шудир, деб айтадилар уламолар.

Имрон ибни ал-Ҳусайн (р.а.) шундай ривоят қиладилар: «Бир куни бир одам келиб Расули Акрам (с.а.в.)га: «Ассалому алайкум», – деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг саломига жавоб бериб: «Номаи аъмолингга ўн савоб ёзилди», – дедилар. Бошқа бир одам келиб: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг саломига жавоб бериб: «Сенинг номаи аъмолингга йигирма савоб ёзилди», дедилар. Яна бошқа бир одам келди-да: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух ва мағфирати», деб айтди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга: «Сенинг номаи аъмолингга ўттизта савоб ёзилди», – дедилар.

Илоҳо, хотамуннабийин (с.а.в.) ҳурмати учун ҳамма каттаю кичик мўмин ва мўминаларга саломлашиш савобини насибу рўзи қилгин. Ҳеч қайси мўмин бандангни салом бериш савобидан маҳрум этмагин, Ё Раббул-олабийн.

## ЗИНО ҚИЛУВЧИЛАР ВА ШАРОБХЎРЛАРНИНГ АЗОБЛАНИШИ ҲАҚИДА

Аллоҳ таолонинг сўзи будирки: «Эй имон келтирганлар, билингни, шаробхўрлик (ичкиликбозлик), қиморбозлик, гайри шаръий ҳийлалар ва Аллоҳ таолодан бошқага қасам ичиш шайтон амалларидандир». («Моида», 90-оят.)

Ривоят қилурларки, Нуҳ (а.с.) кемадан тушгандан кейин, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло амри билан кемага олиб кирган дарахтлар кўчатини ерга ўтқаздилар. Кўчатлар орасидан ток кўчатини топа олмадилар. Ўғиллари Сомдан сўрадилар. Сом қанча изламасин, кўчатни топа олмади. Жаброил (а.с.) келиб: «Ё, Нуҳ, ток кўчатини шайтон ўғирлаган, ундан талаб қилинг, топиб берсин», – дедилар. Нуҳ (а.с.) чақирганларида шайтон келиб: «Ё Нуҳ, агар мени ток кўчатини сугоришда шерик қилсанг, топиб бераман», – деди. Нуҳ (а.с.) Жаброил (а.с.)нинг айтганларини қилдилар. Шайтон алайҳилаъна дарҳол кўчатни келтириб берди. Нуҳ (а.с.) кўчатни ерга ўтқаздилар. Шайтон алайҳилаъна шошилиб шерни сўйиб, қони билан кўчатни сугорди. Кейин айқни сўйиб токни сугорди. Кейин йўлбарсни сўйиб қони билан кўчатни сугорди. Ундан кейин итни сўйиб сугорди. Кейин бўрини, тулкини ва товукни навбати билан сўйиб ток кўчатига сув берди. Дарҳол ток кўкариб, ҳосилга кирди ва етти хил узум пишди. Шайтон узумдан шароб тайёрлади. Шу боисдан ичкилик ичувчилар дастлабки қадаҳлардан кейин шердек шижоатли, кейин айқдек кучли, йўлбарсдек газабнокка айланадилар, ундан кейин бўрилардек жанжалкаш ва итлардек уришқоққа айланадилар. Охирида тулкилардек ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган, энг охирида товукларга ўхшаб, бошини қаноти остига яшириб, тўғри



келган жойда ётиб қоладиган бўладилар. Яна бир ривоятда чўчқамисол ахлатхоналарда ағанаб ётадилар, деб ҳам айтилган.

Ибни Аббос (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога имон келтирган ва қиёмат кунига иқрор бўлган банда дастурхонида шароб бор йиғинларда ўлтирмайди», – дедилар.

Абу Ҳурайра (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қиладилар: «Зино қилувчи ёки шароб ичувчидан имон, кийимни бошдан ечиб олгандек чиқиб кетади».

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий (р.а.) «Танбеҳул-гофилийн» китобларида келтирибдурларки, ичкилик ичувчи ўнта ёмон хислатга гирифтор бўлади: Биринчиси, ичкиликбоз тентаклардек бўлиб, ёш болаларга ўхшаб кўп кулади. Иккинчиси, ақлсизлик ва нодонлик билан мол-дунёсини талаф этади. Учинчиси, қариндош-уруғлар ва дўст-биродарларининг душманига айланади. Тўртинчиси, Аллоҳ таолонинг ёдидан ва беш вақт намоздан бенасиб бўлади. Бешинчиси, ичкиликдан маст бўлган вақтда ҳар бир кўрган аёл билан зино қилишга мойил бўлади. Олтинчиси, барча ёмонликларнинг бошланишидир ва гуноҳ ичкиликбоз назарида арзимас ишдек бўлиб кўринади. Еттинчиси, фаришталар уни ҳимоялашдан безор бўладилар. Саккизинчиси, ичкилик ичувчига саксон дарра уриш лозимдир. Агар бу дунёда уни урмасалар, албатта Қиёмат куни халойиқ кўзи олдида, авлод аجدодлари ва дўстлари ҳозир қилиниб, оловли қамчи билан жазоланади. Тўққизинчиси, унинг юзига осмон эшикларини ёпиб қўядилар, дуолари ва савоблари қабул бўлмайди. Ўнинчиси, ўлим вақтида имондан ажралиш хавфи бордир. Буларнинг барчаси бу дунёдаги азоб-уқубатлардандир, охирадда кўрадиганлари ҳали олдинда.

Абу Амома (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: «Уч гуруҳ одамлар Жаннатга кирмайди: Биринчиси, ичкилик ичувчилар, иккинчиси, раҳм-шафқатни тарк этганлар, учинчиси, одамларни масхаралаб кулувчилар. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ичкилик ичувчиларни зинокорларнинг фаржидан (аёлларнинг жинсий олати) оқиб чиқаётган, тўлиб-тошаётган дарёда чўктиради. Унинг сассигидан Дўзах аҳли азоб тортадилар», – дедилар.

Ойишаи Сиддиқа (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар: «Мени халққа пайғамбар қилиб юборган Аллоҳ таолонинг буюклиги ҳурмати, шароб ичувчига хотин бўлманг, агар у хаста бўлса, кўргани борманг, агар ичкиликбоз вафот этса, жанозасини ўқиманг. Ичкиликбоз Таврот, Забур, Инжил ва Фурқонда малъун (лаънатланган)дир деб айтилган. Ичкилик ичувчига бир луқма таом берганнинг жасадини Аллоҳ таоло илон, чаёнларга емиш қилади ва ичкиликбозга кўмаклашиб, ҳожатини чиқарганни Аллоҳ таоло ислом доирасидан чиқариб ташлайди, ичкилик ичувчига қарз берган одам гуёки мўминнинг қатлига ёрдам бергандек бўлади, ичкилик ичувчига ҳамсуҳбат бўлганларни қиёмат куни кўр ҳолда тирилтиради».

Ривоят қилурларки, «Қайси ёмон ишлар гуноҳи кабира (катта гуноҳ) ҳисобланади?» деб савол берилганда, «Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога ширк келтириш, ноҳақ қон тўкиш, хамр(маст қиладиган ичкилик) ичиш ва зино қилиш, ливота (баччавозлик)ва бир мусулмонни ноҳақ ҳақорат қилиш, ота-онага оқ бўлиш, уруш вақтида кофирлардан қочиш ва етимлар молини еганлик, ёлгон гувоҳлик берганлик ва судхўрлик қилиш, Рамазони шариф рўзасини беузр тутмаслик ва қариндош-уруғлардан алоқани узганлик, мусулмонлар молини зулм билан тортиб олишлик ва тарозини енгил қилиб тортганлик,

намозни вақтдан илгари ўқишлик ва сабабсиз зулм қилганлик, Пайгамбар (с.а.в.) номидан ёлгон сўз айтганлик ва порахўрлик, золимга мусулмондан шикоят қилиш ва эр-хотин ўртасига айрилиқ солиш, закот беришдан бўйин тортиш ва одамларни амри маъруфдан қайтариб, қайтарилган ишларга мойил қилишлик ҳамда жониворларни оловда куйдириш, буларнинг барчаси гуноҳи кабиралардандир» деб жавоб беришган экан. Усмони Зиннурайн (р.а.) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ (с.а.в.)дан эшитганман. Марҳамат қилиб дедиларки, хамр (ичкилик)дан парҳез қилинг. Барча разилликлар хамрдан бошланганлиги учун уни «уммулхабоис» дерлар. Шайх Барсисо хамр ичиш сабаби билан имондан айрилди».

**Ҳикоят.** Келтирубдирларки, шайх Барсисо тўрт юз йил Аллоҳ таборок ва таолонинг ибодатини канда қилмасдан адо этди ва ундан ҳеч қандай гуноҳ содир бўлмади. Унинг олтмиш минг муриди бор эди. Барсисо, ибодатнинг шарофати билан ҳавода сайр қилиб юрарди ва фаришталар унинг ибодатига ҳаваслари келарди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло фаришталарга деди: «Эй фаришталар, шайхнинг ибодатидан таажубланманг, менинг билганларимни сизлар билмайсиз, менинг илмимда Барсисо ичкилик ичиш сабаби билан дунёдан имонсиз кетади, Дўзахга абадий гирифтор қилинади». Фаришталар буни эшитиб, бошларини саждага қўйиб истиғфор айтдилар. Шайтон алайҳилаъна Барсисонинг ҳалокати унинг қўлида эканлигини фаришталардан эшитди ва обид шаклига кириб Барсисонинг хонақоҳига келди-да, нидо қилди: «Сен кимсан ва нима истайсан?» – деб сўради шайх Барсисо. «Менга Аллоҳ таолонинг ибодатини мукамалроқ қилишни ўргатинг, деб келган бир обидман», – деб жавоб берди шайтон. «Агар мақсадинг ибодат бўлса, Аллоҳ таборок ва таоло кифоя қилур», – деди Барсисо. Шундан кейин Иблис шу ерда қолиб, уч

кун давомида емай-ичмай ором олмасдан ибодатга машгул бўлди. Барсисо буни кўриб деди: «Ҳар куни мен шомда ифтор қилиб, таом ейман, сув ичаман. Сен ҳеч нарса емайсан ва ичмайсан. Мен тўрт юз йилдан буён тоат-ибодат қилиб келаман, лекин овқат емаслик ва сув ичмаслик иложини топмадим». Иблис деди: «Мен айтиб бўлмайдиган бир гуноҳ қилганман. Шу сабабдан овқат ейиш ва ичимлик ичишдан қутулганман, ҳеч нарсага парво қилмайман». «Менга ҳам овқат емаслик, ухламасликнинг иложини ўргат», – деди Барсисо. Иблис деди: «Олдин бир гуноҳ қилиб, ундан кейин тавба қилсанг, Аллоҳ таоло Ғафуру Раҳимдир тавбангни қабул қилгусидир. Шундан кейин овқат ейишни, уйқуни тарк этиб, тоат-ибодатнинг фароғатини топасан». «Қандай гуноҳни содир этай?» – деди Барсисо. «Зино қилгин», – деди Иблис. «Буни асло қилмасман», – деди Барсисо. «Беғуноҳнинг қонини тўк, қотиллик қил», – деди Иблис. «Бундай қилишни истамайман», – деди Барсисо. «Ундай бўлса, шароб ичиб маст бўлгин», – деб ўргатди Иблис. «Шаробни қаердан оламан», – деди Барсисо. «Фалон қишлоқдан топасан», – деди Иблис. Барсисо бу имон душманининг гапига кириб, у айтган қишлоққа борди. Ичкилик олиб ичди, маст бўлиб ақлидан айрилди. Бир соҳибжамол аёлни кўриб, уйига кирди, зино қилаётганда хотиннинг эри хабардор бўлиб, уларнинг устига келиб қолди. Барсисо уни бир уриб, ҳалок этди. Шайтон инсон қиёфасига кириб, ҳодисадан подшони хабардор қилди. Подшоҳ амри билан Барсисони тутиб, ичкилик ичгани учун саксон дарра, зино қилгани учун яна саксон дарра урдилар. Қотиллиги учун дорга осишга буюрилди.

Иблис ўша суратда яна Барсисо олдига келиб: «Аҳволинг қандай?» – деб сўради. «Ёмонликка итоат этганнинг жазоси шундай бўлади», – деб жаво берди Барсисо. «Тўрт юз йил ибодат

қилдинг ва охирида энди дорга осиласан. Бу дордан озод бўлишни истайсанми?» – деди Иблис алайҳилаъна. «Албатта истайман» – деди Барсисо. Иблис деди: «Бир марта менга сажда қилгин». «Мен дорнинг ёгочига боғланган бўлсам, қандай сенга сажда қилайин?» – деди Барсисо. «Ишорат билан сажда қилсанг ҳам бўлади», – деди Иблис. Барсисо имо-ишора билан Иблисга сажда қилди. Аллоҳ таборок ва таолога кофир бўлиб, имондан жудо бўлди. Наъзу биллаҳи миназзолин.

Илоҳо, зоти покнинг, Ғафуру Роҳимлик сифатинг, ҳабибинг Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ҳамда олиҳи ва асҳоби ажмаъин ҳаққи-ҳурмати, унинг барча умматларини даргоҳи илоҳийдан абадул-абад ҳайдалган ва малъун бўлган шайтони ражимнинг ёмонлигидан ўз паноҳингда асрагин, ўлим вақтида имон гавҳаридан жудо этмагин. Омин, бираҳматика ё арҳамар роҳимийн.

## МЕҲМОНДЎСТЛИКНИНГ ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинур: «Меҳмон учун бир дирҳам харажат қилган, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло йўлида минг дирҳам эҳсон қилганнинг савобини топади. Кимки меҳмонни яхши кўриб, эъзозласа, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Жаннат эшигини унинг юзига очиб қўяди», – дедилар.

Ривоят қилурларки, ҳар қачон Умар ибни Хаттоб (р.а.)нинг уйларига меҳмон келганида, ўлтирмасдан меҳмонга хизмат қилардилар ва айтардиларки «Расулulloҳ (с.а.в.)дан эшитганман, меҳмон кирган уйда фаришталар тик турган ҳолда ҳозир бўладилар, шунинг учун фаришталар тик турганда мен ўлтиришга уяламан» («Арражабия»).

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қиладилар. «Жаброил (а.с.) менга: «Мусулмон биродар уйга ташриф буюрганда унга ҳамроҳ бўлиб, мингта барака ва мингта раҳмат кириб келади. Аллоҳ таоло унинг эгаси ва унинг аҳли оиласини мағфират этади. Агар уларнинг гуноҳи денгиз кўпигидан ва дарахтларнинг баргидан кўп бўлса ҳам кечиради ва мезбонга мингта шаҳиднинг савобини, дастурхондан меҳмон олган ҳар бир луқма баробарига ҳаж ва умранинг савобини беради ҳамда Аллоҳ таоло ўша одам номига Жаннатда бир қаср бунёд этади. Кимки меҳмонни ҳурмат қилса, эъзозласа, гўёки етмишта пайғамбарни эъзозлаган бўлади», – дедилар, деб айтган эканлар.

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, кунларнинг бирида бир мажусий Иброҳим Халилуллоҳ (а.с.)нинг эшигига келиб, бир кеча меҳмон бўлмоқчи эди. Иброҳим Халилуллоҳ (а.с.) дедилар: «Эй диндан бегона мажусий, агар мусулмон бўлсанг, сени меҳмон қиламан». Мажусий буни эшитиб, уловини қайтариб, йўлга равона бўлди. Дарҳол Илоҳий ваҳий нозил бўлди: «Ё Иброҳим, агар мажусийни меҳмон қилсанг, мажусий динининг сенга нима зарари тегади? Етмиш йилдирки, мен унга егулик ва ичгулик бераман, лекин бирор марта мажусий динидан қайтсин деб айтмаганман». Ҳазрати Иброҳим (а.с.) Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан бундай танбеҳни эшитгач, мажусийнинг орқасидан югуриб бордилар ва дедилар: «Эй меҳмон, қайтинг, сизни меҳмон қилайин, – дедилар. «Вожабо, ҳозир мени уйингдан ҳайдадинг, энди орқамдан пиёда келиб, нимага қайтаряпсан», – деди. Иброҳим (а.с.): «Сени ҳайдаганим учун Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло мени итоб қилди, шунинг учун қайтариб олиб кетишга келдим», – дедилар. Мажусий ўзини улов устидан ерга ташлаб деди: «Бир душманини деб ўз дўстини итоб этадиган тенги

йўқ меҳрибон Худога беҳисоб мақтовлар бўлсин», – деди ва дарҳол «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ, ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва расулуҳу» калимасини айтиб мусулмон бўлди.

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Мусо (а.с.)га ваҳий юбориб деди: «Ё Мусо, ўз меҳмонингни севгин ва менинг меҳмонимни иззат-ҳурмат қилгин. Агар ўз меҳмонингни эъозласанг, Жаннатни бераман ва агар менинг меҳмонимни эъозласанг, дийдор насиб этгумдир». Мусо (а.с.) муножот қилиб: «Илоҳо, менинг меҳмоним ким ва сенинг меҳмонинг ким?» – деб сўрадилар. «Ё Мусо, таом тайёрлаб, ўзинг чақириб, олиб келган меҳмон сенинг меҳмонинг бўлади. Сенга хабар бермасдан уйингга келган меҳмон менинг меҳмонимдир», – деган ваҳий келди.

Пайғамбар (с.а.в.) дедилар: «Меҳмон Аллоҳ таоло барокатидир ва Аллоҳ таоло неъматидир. Меҳмонни эъозлаган ҳар бир мусулмон Жаннатда мен билан бирга бўлади. Меҳмонни яхши кўрмайдиганлар менинг умматимдан эмас».

«Аллоҳ таоло ва унинг Расули ундан рози бўлишини истаганлар меҳмон билан бирга овқат есин», – деб айтган эканлар Пайғамбар (с.а.в.).

Дедурларки, меҳмондорчилик қилиш Иброҳим (а.с.) суннатларидир. Биринчи бўлиб меҳмондорчилик қилган шу улуғ пайғамбардурлар, бу зоти шарифни Абузайф, яъни меҳмоннинг отаси, деб айтилар экан.

Илоҳо, барча мўмин ва мўмина бандаларнинг қалбини меҳмоннавозлик туйғуларига тўлдиргин ва меҳмондорчилик савобидан маҳрум этмагин. Ва саллаллоҳу аъло хайри халқиҳи Муҳаммад ва олиҳи ва асҳоби ажмаъийн.

## ОТА-ОНАНИНГ ФАРЗАНДАГИ ҲАҚЛАРИ БАЁНИДА

Парвардигорнинг сўзи бордир: «Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик». «Аҳқоф», 15-оят.

Али (к.в.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: «Ҳар қачон ота-она фарзандини чақирган вақтда, фарзанд ҳамма ишини дарҳол ташлаб, уларнинг олдига бориб, айтганларини жону дилидан адо этсин. Агар бепарволик билан уларнинг буюрганини қилмаса, мен ундай умматдан безорман». Ривоят қилурларки, бир аробий (сахрода яшовчи араб) Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, менга шундай бир ҳикматни ўргатингки, дунёда ҳам, охиратда ҳам фойда топайин», – деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ота-онанг борми?» – деб сўрадилар. У: «Ҳа», – деб айтди. Пайгамбар (с.а.в.): «Ота-онангни эъзозла, уларнинг айтганини қилгин. Энг аввал таомни уларга едир. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳар бир луқмасига сен учун Жаннатда бир қаср бунёд қилади», – дедилар.

Ривоят қилурларки, бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Ё Расулаллоҳ, ота-онам бор, айтганини ва уларнинг таъминотини қиламан, лекин шунга қарамай, улар мени таҳқирлаб уялтирадилар. Мен нима қилай, шуни билгани келган эдим», – деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Агар ота-онанг сени тилка-пора қилсалар ҳам, улар ҳақининг чорагини ҳам қайтара олмайсан. Билгинки, Жаннат оналар оёғи остидадур», – дедилар. У киши бунни эшитиб: «Ё Расулаллоҳ, Худо ҳаққи, агар мени ота-онам пора-пора қилсалар ҳам уларга ҳеч нарса демайман», – деди ва уйига бориб, бошини ота-онасининг оёқларига қўйиб: «Эй менинг Қиблам ва менинг Каъбам, Расулуллоҳ (с.а.в.) менга шундай қилишни буюрдилар», – деди.



Ривоят қилурларки, Расулуллоҳ (с.а.в.) бир мажлисда узун бир ҳадисни марҳамат қилиб, сўзларининг охирида қасам билан шундай дедилар: «Мени халққа ҳақиқий пайғамбар қилиб юборган Худо ҳаққи, ота-онасига яхшилик қилиб, ўзидан рози этган одам Жаннатда мен билан бирга бўлади». Бу мажлисда иштирок этган бир одам ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, агар ёшлигида ота-онаси вафот этган бўлсалар, қандай қилиб ота-онасини рози қилади?» – деб сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ота-онаси учун садақа қилсин ёки бирор муҳтожни тўйдирсин, Қуръон ўқиб савобини бағишласин, фарз намозларидан кейин ота-онасининг мағфиратини сўраб дуо қилсин. Аллоҳ таборак ва таоло дуосини мустажоб этиб, мағфират этгусидир, агар гуноҳкор бўлсалар ҳам. Агар фарзанд ота-онаси ҳақида дуо қилмаса, у, албатта оқ бўлган ҳисобланади», – деб жавоб бердилар.

Абу Зарр Ғифорий (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қиладилар: «Кимки ота-онасининг қабрини зиёрат қилишга борса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳар бир қадамига юз ҳасанот ато этиб, номаи аъмолидан юзта гуноҳини ўчириб ташлайди. Кимки ота-онаси олдида одоб сақлаб, уларга чиройли сўзлар билан муомала қилса, Аллоҳ таоло бу бандани мағфират этади», – дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

Ривоят қилурларки, ҳазрати Умар (р.а.)нинг халифалик замонларида бир савдогар хотинининг гапига кириб онасига яхши муомала қилмасди. Бир куни онаси таом сўраб ўглининг уйига келди. Хотини ҳар куни онанг бу ерга келиб, бир нарса олиб кетади деб чақди. Хотинининг гапига кириб, онасини уйдан ҳайдаб чиқарди. Онаси йиғлаб-йиғлаб кетди. Савдогарлар билан савдогарчиликка бораётган ўгил шерикларидан орқада қолди. Қароқчилар унинг йўлини тўсиб, бутун мол-дунёсини тортиб олишди ва қўлини кесиб, бўйнига осиб ташлаб кетишди. Бир

карвон уни учратиб, уйига олиб келди. Қариндошлари кўргани келиб: «Агар онангга раҳм қилиб, озор бермаганингда бундай жазога дучор бўлмасдинг, бойлигинг таланмас ва қўлинг кесилмас эди», – дедилар. Онаси фарзандининг аҳволини кўриб: «Эй ўғлим, мен норози бўлганим сабабидан бундай аҳволга тушганингни кўриб афсусланаман», – деди. Ўғил: «Онажон, бунинг барчаси сизга қилган беадаблигимнинг жазосидир, тавба қилдим, мендан рози бўлинг», – деди. «Ўғлим сендан розиман», – деди она. Савдогар бу кеча онасининг хизматини сидқидилдан адо этиб, эрта тонгда уйғониб қараса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло қудрати билан қўли асл ҳолига қайтган экан. («Мавъиза»).

**Ҳикоят.** Фазлу-каромат билан машҳур бўлган бир шайх бор эди. Кунларнинг бирида шайх Маккаи Муаззама зиёратига боришни ният қилди, лекин боришига онаси рози бўлмади. У эътибор бермай, йўлга тушди. Она йиқилиб, суришиб унинг орқасидан бориб, қанча илтижо қилмасин қайтмади, онасининг сўзларига қулоқ солмади. Онанинг дили оғриб муножот қилди: «Илоҳо, ўғлимни фироқ оташига гирифтор этиб, оғир азоб-укубатларга дучор этгин». Шайх йўлида давом эта берди. Бир шаҳарга борганда кечаси масжидда ўтириб намоз ўқиди. Ўша кечаси ўғри бировнинг уйига кирганида, уйнинг эгаси хабардор бўлиб, ўғрини қувлади. Ўғри қочиб, масжидда яширинди. Тўпланганлар чироғ келтириб масжидга кирдилар ва қарасалар бир одам намоз ўқиб ўтирибди. Одамлар унинг оёқ-қўлини боғлаб, шаҳар ҳокимининг ҳузурига олиб боришди. Подшонинг фармони билан шайхнинг оёқ-қўлини кесдилар, кўзларини ўйиб, ўғрининг жазоси шу деб уни бозорда айлантириб юришди. Шайх: «Бундай нидо қилманг, балки онасининг розилигисиз Маккаи Муаззама зиёратига бормоқчи бўлганнинг жазоси шу деб айтинг», – деди. Шундан кейин уни танийдиганлар воқеани

подшога баён қилдилар. Подшо пушаймон бўлиб, узр айтди. Шайх деди: «Сизларда ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Онамнинг норози бўлиб, қилган дуойи бадининг натижасида бу балога дучор бўлдим. Агар сизлардан рози бўлишимни истасангиз, мени ўз уйимга элтиб ташланглар», – деди. Шайхни равонга солиб, уйига олиб келдилар. Онаси ҳамон: «Илоҳо ўғлимни балога гирифтор этгинки, мен уни ўз кўзим билан кўрай», – деб айтаётганини эшитди. «Эй пок қалб эгаси, мен оч қолган бир мусофирман, егулик бирор нарса бергин», – деди. Онаси: «Эшикнинг олдига келгин, сенга нон берайин», – деди. Шайх: «Эшик олдига бориш учун оёғим, узатиб нон оладиган қўлим йўқ», – деб айтди. «Мен умримда бирор номаҳрамни кўрган эмасман, сенга қандай қилиб овқат берайин?» – деди она. Шайх: «Менинг кўрадиган кўзим ҳам йўқ», – деди. Онаси бир косада сув ва битта нон олиб, ўғлининг олдига келди. Шайх юзини онасининг оёқларига суртиб деди: «Мен сизнинг осий ва гуноҳкор ўглингизман, сизни норози қилиб, бу балоларга гирифтор бўлдим». Она ўғлининг аҳволини кўриб, аччиқ-аччиқ йиглаб деди: «Илоҳо, мен ўғлимдан рози бўлдим, мен билан ўғлимнинг жонини дарҳол олишингни ўтиниб сўрайман, чунки ўзим ва одамлар унинг бу аҳволини кўришга тоқатимиз йўқ». Аллоҳ таолонинг фармони билан она-бола омонатларини топшириб, абадий дунёга сафар қилдилар («Мавъиза»).

Ҳазрати Али (к.в.) бир куни саҳобалар билан бирга Расулulloҳ (с.а.в.)нинг муборак ҳузурларида ўтирган эдилар. Бир одам келиб, салом бериб деди: «Ё Расулаллоҳ, Абдуллоҳ ибни Салом тили калимага айланмай, жон бериш ҳолатида ётибди». Расулulloҳ (с.а.в.) саҳобалар билан бирга унинг тепасига бориб: «Ё Абдуллоҳ, ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лашарика лаҳу ва анна Муҳаммадан абдуҳу ва Расулуҳу, дегин», – деб уч марта такрорладилар. Абдуллоҳ бинни Салом

калимани айта олмади. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил ғалийийил ғазим. Ё Билол, бориб Абдуллоҳнинг хотинидан унинг қандай ёмон амаллари бор эди, деб сўрагин», – дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг айтганларига биноан, Билол (р.а.) бориб Абдуллоҳнинг хотинидан сўрадилар. «Ё Билол, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳурматлари ҳаққи, бирор марта беш вақт фарз намозини жамоатдан, Расули Акрам (с.а.в.)нинг масжидларидан қолганини, бирор кун садақа қилмаганлигини ва бирорта ёмон ишини кўрмаганман», – деди Абдуллоҳнинг хотини. Билол (р.а.) келиб унинг сўзларини такрорладилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг онасини олиб келишни буюрдилар. Билол (р.а.) онанинг олдига бориб: «Расулуллоҳ (с.а.в.) сени сўраяптилар», – деб айтдилар. Она: «Расулуллоҳ (с.а.в.) нимага мени сўраяптилар?» – деди. «Ўғлинг Абдуллоҳ назъ ҳолатида ётибди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўғлингдан рози бўлишингни истайдилар», – дедилар ҳазрати Билол. Абдуллоҳнинг онаси: «Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳурмати, мен бу дунё ва охиратда Абдуллоҳдан рози эмасман», – деб жавоб берди. Билол (р.а.) келиб, онанинг сўзларини етказдилар. Пайгамбар (с.а.в.) ҳазрати Умар (р.а.) ва ҳазрати Али (к.в.)га дарҳол Абдуллоҳнинг онасини олиб келишни буюрдилар. Бу икки ёри киром бориб, унинг онасини олиб келдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эй аёл, ўғлингга назар сол, қандай аҳволга тушганини кўр», – дедилар. Она рози эмаслигини яна такрорлади. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Эй она, Аллоҳ таборок ва таолодан қўрққин, ўғлингдан рози бўлгин». Абдуллоҳнинг онаси бу сўзларни эшитиб: «Ўғлим хотинининг гапига кириб, мени уйдан ҳайдади, менга кўп озор берди, қандай қилиб уни кечирай», – деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эй хотин, агар сенда менинг пайгамбарлик ҳаққим бўдса ва сен менинг умматим бўлсанг, ўғлингдан рози бўлгин», – дедилар. «Ё Расулаллоҳ, сизни ва саҳобаларни гувоҳ қилиб айтаманки,

ўғлим Абдуллоҳдан розиман», – деди аёл. Сўнгра Расулуллоҳ (с.а.в.): «Ё Абдуллоҳ, ашҳаду ал ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва расулуҳу, деб айтгин», – дедилар. Дарҳол Абдуллоҳ калимаи шаҳодатни баланд овоз билан айтиб, Аллоҳнинг раҳматига эришди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уни ювдириб, кафанлаб, жаноза намозини ўқидилар. «Ё аҳли ислом, Абдуллоҳ бинни Саломнинг ҳолини кўрдингиз, ундан онаси рози бўлмагунча Худо рози бўлмади. Ота-оналарингизни рози қилинг», – дедилар («Мавъиза»).

Анас ибни Молик (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар. «Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: «Ота-онаси рози бўлмаган шахснинг жонини Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло шаҳодат калимасини айттирмасдан олади ва қиёмат куни пешонасида ота-онасига оқ бўлган деб ёзилган ҳолда тирилтиради».

Термизий (р.а.) Абдуллоҳ бинни Умар (р.а.)дан шундай ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб айтдиларки, ота-онаси рози бўлган бандадан Худойи таоло ҳам рози бўлади. Ота-онаси норози бўлган бандани Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўз ғазабига олиб, Дўзах азобига дучор этади» «Жомеъус сигар»да келтирибдурларки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ота-онага бўйсунитгани амр этгандир. Ота-онанинг фармонбардорлигини қилганлар, Аллоҳ таолога итоат қилган бўладилар. Ота-онасига озор берган одам Аллоҳ таолони ғазаблантирган бўлади. Эй мўмин, билгинки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг бандаларига бу ваъдаси жуда қатъийдир. Шундай қилиб, ақлли одам ота-онасининг айтганини қилиб, уларнинг норозилигидан эҳтиёт бўлмоғи даркор» (Тафсирдан).

Абу Лайс Самарқандий (р.а.)дан нақл бордирки, агар Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Қуръони азимуш шаънда ота-онанинг ҳурмати зикр этилмаганида, оқил одам ота-онани қадрлаш вожиблигини яхши билади. Ҳар доим уларнинг розилигини олишга саъй-ҳаракат қилиб, тирикликларида дуойи хайрларига эришсин, вафотларидан кейин дуо-фотиҳа, хайр-эҳсонлар билан уларнинг руҳини шод этсин. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Қуръони мажид ва Таврот, Инжил, Забур каби жамики мўътабар китобларда ҳамда барча пайгамбарларга ота-онани ҳурмат қилиш ва уларнинг фармонбардорлигини бажо келтиришдан хабар бериб, менинг розилигим ота-она розилигидадир ва менинг газабим ота-онанинг фарзандидан нохушлигидандир, деб тайинлаган («Танбеҳул-гофилийн»).

Илоҳо, ўзингнинг ва ота-оналарнинг розилиги ҳаққи-ҳурмати, барча мўмин ва мўминаларга фарзандларнинг ота-онани хушнуд этиш, бўйсунуш тавфиқини ато этиб, ота-она тирикликларида розиликларини топиш, вафотларидан кейин Қуръон тиловати, садақалар билан руҳларини шод этиш бахтига мушарраф этгин, Саййидалмурсалин фазлу ҳурмати билан бираҳматика йа арҳамар роҳимин.

### ҲАҚ СУБҲОНАҲУ ВА ТАОЛО ЖАЛЛА ЖАЛОЛУҲУНИНГ ЗИКРИ ВА ТАВҲИДИ БАЁНИДА

Аллоҳ таоло айтадики: «Эй имон келтирганлар, Аллоҳ таолони кўпроқ ёдга олинг, уни эртаю кеч яхшилик билан эсланг». «Аҳзоб», 41-оят.

Ҳадис. Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: «Аллоҳ таоло зикридан бошқа сўзни камроқ айтинг. Худонинг зикридан

бошқа, моло, яъни (бекорчи) сўзларни кўп айтган кишининг қалби қаттиқлашади. Дили қаттиқлашган банда Худойи таоло даргоҳидан узоқлашган бўлади» («Масобеҳи шариф»).

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, Аллоҳ авлиёларидан бир киши вафот қилди. Уни тушда кўриб, сенга қандай муомала қилинди, деб сўраганларида, «Мени қабрга қўйганларидан кейин икки фаришта келиб, Раббинг ким деб, сўрашди. Агар бу сўзни имтиҳон учун мендан сўрамоқчи бўлсангиз, сизнинг имтиҳонингиз ҳаромдир ва агар билмоқ учун сўрамоқчи бўлсангиз, менинг Парвардигорим Аллоҳ таолодир. Фаришталар буни эшитиб олдимдан кетмоқчи бўлишди. Тўлиқ хабар олмагунча олдимдан кетмайсиз дедим». Шу вақт: «Эй фаришталар, бу менинг бандамдир», – деган нидо келди. Фаришталар нидони эшитиб, олдимдан кетдилар («Интиҳо»).

Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар: «Меърож кечаси бир денгизни кўрдим, унинг катталигини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди. Қирғоғида қуш суратидаги бир фаришта турарди. Унинг етмиш минг қаноти бўлиб, мўмин банда «Субҳоналлоҳ» деса, бу фаришта ҳаракатга келарди, «Ал ҳамду лиллоҳ» деганда фаришта қанотларини ёзар, «Аллоҳу акбар» деганда, бу фаришта ўзини денгизга ташларди ва агар мўмин банда «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил алиййил ъазийм» деса, фаришта сувдан чиқиб, ўзини силкитганида, унинг ҳар бир қанотидан етмиш минг томчи сув томиб, ҳар бир томчисидан Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бир фаришта пайдо этарди. Фаришталарнинг ҳар бири «Тамжид» калимасини қиёмат кунигача айтиб, ўша мўмин банданинг мағфиратини сўрайдилар» («Зубдатул-ваъизийн»).

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қилинади: «Аллоҳ таборок ва таоло аршда бир устун яратган. Мўмин банда ҳар

қачон «Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ» калимасини айтса, бу устун қимирлай бошлайди. Аллоҳ таолодан, эй устун сокин бўлгин, деган фармон келади. «Илоҳо, Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ» калимасини айтувчини мағфират қилмагунингча мен ором ололмайман», – деб айтар экан устун. Худойи таолодан, калимаи шарифнинг айтувчисини мағфират этдим, деган нидо келгандан кейингина устун тинчланар экан» («Зубдатул-ваъизийн»).

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, Мусо (а.с.) йўлда кетаётган эдилар. Бир қария қадди икки букилган, белида зуннор, олов олдида ўлтириб унга топинар эди. Мусо (а.с.): «Эй қадди букилган қария, қанча вақтдан буён оташга ибодат қиласан?» – деб сўрадилар. «Тўқсон олти йилдирки, оташпарастлик қиламан», – деб жавоб берди чол. «Бу вақт ичида оташ ибодатингни қабул қилганлиги аломатини топдингми? Агар оташпарастликдан воз кечиб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога имон келтирсанг, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло тавбангни қабул қилади», – дедилар Мусо (а.с.). «Ё Мусо (а.с.), – деди чол, – агар тавба қилиб, имон келтирсам, Аллоҳ таоло менинг тавбамни қабул қилишига ишонасизми?» – деди қария. Мусо (а.с.): «Ҳа, Аллоҳ таборак ва таоло арҳамарроҳиминдир», – дедилар. «Ё Мусо (а.с.), агар қочиб юрганлар тавбасини Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўз лутфу карами билан қабул қилишига аниқ ишонсангиз, менга имон арз қилинг», – деди мўйсафид. Мусо (а.с.) имон арз қилдилар, қария имон келтириб хурсанд бўлганидан юрак уриши тезлашиб, шу ерда жон берди. Мусо (а.с.) унинг гўру кафанлигини муҳайё қилиб дафн этдилар. Унинг қабри тепасида туриб муножот қилиб дедилар: «Илоҳо, бу янги мусулмон бўлганга нима муомала бўлганлигини менга аён қилгин». Дарҳол Жаброил (а.с.) ҳозир бўлиб дедилар: «Ё Мусо, Худойи таоло салом юборди ва «Ла илаҳа иллаллоҳ,



Муҳаммадур Расулуллоҳ» калимасининг шарофати билан уни солиҳ бандалар қаторига қўшиб, ҳарир либослар кийдириб, Беҳиштга дохил этди» («Равнақул-мажолис»).

Ривоят қилурларки, қиёмат куни ҳар бир бандани келтириб ҳисоб қилурлар, гуноҳи кўплар Дўзахга ҳукм қилинади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан нидо келади: «Эй фаришталар, номаи аъмолига қарангчи, бирорта савоби бормикан?» Фаришталар: «Илоҳо, бу гуноҳкор банданинг дафтаридан бирорта савоб топмадик», – деб жавоб берадилар. Худойи таоло айтар эканки, «Эй фаришталар, бу бандам бир куни кечқурун ухлаб ётганида уйғониб, мени ёдига олиб, тавба қилмоқчи эди, лекин уйқу голиблик қилиб, ухлаб қолди. Мени ёд этишга кучи етмади, уни шу нияти учун мағфират қилдим» («Танбеҳул-гофилийн»).

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий (р.а.)дан ривоят қиладиларки, етти калимаи шарифни ёд олган ҳар банданинг гуноҳлари денгиз кўпигидан кўп бўлса ҳам, Аллоҳ таборак ва таоло уни мағфират қилади ва унинг қалбида тоат ҳаловатини пайдо этади. Шариф калималар тирикликда ҳам, ўлгандан кейин ҳам бандага хайрли бўлади: Биринчи, бирор ишни бошламоқчи бўлса, «Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим» (Меҳрибон ва Раҳимли Аллоҳнинг номи билан бошлайман) десин. Иккинчи, ҳар қандай ишни охирига етказгандан кейин, «Алҳамдулиллоҳи раббийлоламин» (Барча мақтов, шукрлар оламларнинг тарбиячиси Аллоҳга бўлсин) десин. Учинчи, агар бирор суҳбатда иштирок этиб, сўзламоқчи бўлса ва ўртага моло, яъни (бекорчи) сўз қўшилса, «Астағфираллоҳ» (Аллоҳ таолодан менинг ҳар бир қилган гуноҳларимни афв этишини сўрайман) десин. Тўртинчи, бир иш қилмоқчи бўлса, «Иншоаллоҳ» (агар худо хоҳласа) десин. Бешинчи, агар ношоиста бирор иш содир бўлса, «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил

алийийил ғазийм» (Гуноҳдан сақланиш Аллоҳ таолога ибодат қилиш учун қувват ва қудрат ёлғиз Аллоҳ таолонинг тавфиқ ва ёрдами биландир). Олтинчи, бирор мусибатни эшитганда, «Албатта биз Аллоҳникимиз ва албатта биз унга қайтамиз», десин. «Бақара», 156-оят. Еттинчи, кечаю кундуз «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ» дейишга одатлансин.

Айтурларки, қабрнинг ёруғ бўлиши учун етти нарсага одат қилинса, уларнинг ҳар бири ояти каримага мувофиқдир:

Биринчи, мукамал ихлос билан Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ибодатига қойим бўлсин, чунки Парвардигор сўзи бордир: «Осмоний китобда Худони ягона билиб ибодат қилсинлар, унинг дини ҳақиқийдир». «Баййина», 5-оят. Иккинчи, ота-онасига яхшилик қилсин, агар вафот этган бўлсалар, дуо ва фотиҳалар билан уларни ёд этсин, яъни Қавлуҳу таоло: Ва билволидайни ихсонан, «Исро», 24-оят. Учинчи, ўз яқинларига меҳр-шафқатли бўлсин: «Қариндошларнинг ҳақини адо этсин». «Исро», 26-оят. Тўртинчи, ўз умрини маъсиятда (гуноҳда) ўтказмасин, ваттақуллоҳа явман туржаъуна фиҳи илаллоҳ (Худонинг ҳузурига қайтиб борадиган кунда Худодан кўрқинг). Бешинчи, кибр-ҳавога берилманг. Аллоҳ айтадики: «Эй имон келтирганлар, ўзингизни ва аҳли оилангизни Дўзах оташидан сақланг». «Таҳрим», 6-оят. Олтинчи, Аллоҳ таоло тоат-ибодатига ҳаракат қилинг ва намозни ўз вақтида адо этинг. Қавлуҳу таоло: «Парвардигор мағфирати ва кенглиги ер-осмонга тенг бўлган, парҳезчилар учун ясатилган Жаннат томонга интилинг». «Оли Имрон», 133-оят. Еттинчи, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло зикрини кўпроқ айтсин: «Эй имон келтирганлар, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолони кўпроқ ёдга олинг, уни эртаю кеч яхшилик билан эсланг». «Аҳзоб», 41-оят. («Танбеҳул-гофилин»).

Пайгамбар (с.а.в.): «Зикрнинг энг яхшиси, афзалроғи – «Ла илаҳа иллаллоҳ» ва дуонинг энг афзали – «Алҳамдулиллоҳ» дир», – деган эканлар («Алҳадис»).

Илоҳо, Саййидалмурсагин ҳурмати билан барча мўмин ва мўминаларга Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло зикрини кўпроқ айтишга насибу рўзи қилгин, ўзинг рози бўлган тўғри йўлдан юргизгин, омин.

### **РАСУЛУЛЛОҲ (С.А.В.)НИНГ СУННАТЛАРИНИ ЭҲЁ (БАРДАВОМ) ЭТИШ БАЁНИДА**

Анас бинни Молик (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: умматларимдан ҳар кимки суннатларимни қадрласа, албатта мени қадрлагандек бўлади, кимки мени қадрлаб дўст тутса, Жаннатда мен билан бирга бўлади (Ҳадисдан).

Ривоят қилурларки, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг муборақ жомолларини тушда кўрмоқчи бўлсангиз, тўла-тўқис муҳаббат билан суннатларига риоя этинг ва савоти шарифни кўпроқ айтинг. Расули Акрам (с.а.в.): «Ман аҳабба шайъан аксара зикраҳу (ким нимани кўпроқ яхши кўрса, унинг зикрини кўпроқ айтсин) («Равоҳул-фирдавс»).

Ривоят қилурларки, бани Ҳузоъадан бир киши келиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)га деди: «Ё Расулаллоҳ, Аллоҳ таборак ва таолонинг яккаю яғоналигига ва сизнинг ҳақ Пайғамбарлигингизга гувоҳлик бераман, беш вақт намозни ўз вақтида адо этаман, Рамазонини шариф ойининг рўзасини тутаман, молимнинг закотини бераман, булар учун менга қандай савоб тегади?» Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: «Ҳозир сен айтган ишларга амал қилган одам қиёмат кунида пайгамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан

бирга бўлади, агар ота-онасига оқ бўлмаган бўлса. Ота-онага оқ бўлганлар барча савоблардан маҳрумдирлар ва даргоҳи илоҳийдан узоқ бўладилар» («Мушкотул-анвар»).

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар. «Шундай замон келадики менинг умматларим менинг суннатларимга ёлғон қўшиб, амал қилмаслар ва бидъатларни ҳадис деб сўзларлар. Ўша вақтда озгина одамлар менинг суннатларимга амал қилиб тобе бўладилар. Улар одамлар орасида ғариб ва ёлғиз қоладилар».

Саҳобалар дедилар: «Ё Расулаллоҳ, бизлардан кейин суннатга тобе бўлганлар кўпроқ фазлга эга бўладиларми ёки бизларми?»

Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бале, уларнинг фазилати сиздан ортиқроқдир».

Саҳобалар яна сўрадилар: «Ё Расулаллоҳ, биз уларни кўраимизми, йўқми?»

Расулуллоҳ (с.а.в.): «Йўқ, кўрмайсиз», – дедилар.

Саҳобалар: «Суннатга тобе бўлган умматлар аҳли бидъат орасида қандай яшайдилар?»

Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сувга солинган туз каби».

Саҳобалар: «Улар қандай қилиб умр кечирадилар?»

Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сиркага тушган қурт сингари».

Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, суннат аҳли қандай қилиб ўз динларини муҳофаза қиладилар?»

Расулуллоҳ (с.а.в.): «Қўлда чўғни олиб юргандек, олов қўлни куйдиради».

Расулуллоҳ (с.а.в.) яна дедилар: «Умматларим фиқ-фасоди вақтида суннатларимни тутган ҳар бир умматим юзта шаҳиднинг савобини топади, агар Иброҳим (а.с.)нинг ишларига амал қилса, яъни қуйидаги ҳар бир иш учун номаи аъмолига кўплаб савоблар ёзилади: биринчи, мисвок қилиш, иккинчи, оғиз чайқаш, учинчи, истиншоқ, яъни бурунга сув олиб чайқаш, тўртинчи, мўйловни олиш, бешинчи, соқолни тараш, олтинчи, хатна қилиш, еттинчи,

ҳаром тукларни олиш, саккизинчи, қўлтиқ ости тукларни олиш, тўққизинчи, тирноқни олиш, ўнинчи жунублик гуслини қилиш.

Ривоят қилурларки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Одам (а.с.)га ваҳий юборди: «Ё Одам, фаришталарга, осмонга ва ерга омонатлар топширмоқчи эдим, ҳеч қайси бири қабул қилмади». «Илоҳо, улар қайси омонатлар?» – деб сўрадилар Одам (а.с.). Аллоҳ таборак ва таоло деди: «Агар тақиқланган нарса кўрсанг, менинг азобимдан қўрқиб беркитгин деб кўзининг атрофини ҳижобли қилиб яратдим, Тил бердим ва моло, яъни (бекорчи) сўзлар айтмаслик, менинг азобимдан омонда бўлиш учун икки лабни оғизга эшик қилиб яратдим. Икки қулоқ бердим, агар шаръан ҳалол сўз бўлмаса, менинг азобимдан қўрқиб, қулоқни эҳтиёт қилишни, ҳаромдан қайтиш учун беркитишга кийим бердим. Қўл бердим ва ҳаромга чўзишдан ва хиёнатдан уни тортадиган қилиб яратдим. Оёқ бердим, азобимдан қўрқиб, мен рози бўлмаган жойга бормасликни амр қилдим, буларнинг ҳаммаси мен берган омонатлардир. Агар сен фарзандларинг билан бирга уларни қабул қилиб олсаларинг ва агар буюрганларимни адо этсаларинг, чексиз меҳрибонликлар қиламан ва агар буюрганларимни қилмасаларинг азобга тортаман».

Ваҳб ибни Мунаббаҳ (р.а.) ривоят қиладилар: «Дирҳам ва динорлар зарб қилинганда, Иблис алайҳилаъна динор ва дирҳамларни олиб ўпиб, кўзларига суртди ва деди: «Бу динор ва дирҳамларни ҳалолдан топиб, ўз муҳаббатини унга маҳкум этганлар ҳолига вой. Уларни ҳаром йўллار билан тўплаб, унинг меҳрини қалбига жойлаганларнинг ҳолига юз карра вой» («Мавъиза»).

Ривоят қилурларки, Аллоҳ таборак ва таоло Расулulloҳ (с.а.в.)га ваҳий юборди: «Ё Муҳаммад, агар банда ер ва осмон аҳллари ибодатини қилсаю, лекин қалбида дунё муҳаббати риё ва дунё зийнатларидан бир заррага жой берган бўлса, ўзимга яқинлаштирмайман» («Мавъиза»).

Ривоят қилурларки, бир куни Расули Акрам (с.а.в.) саҳобалар билан ўтириб дунёга меҳр қўйиш ҳақида ҳадис марҳамат қилаётган эдилар. Усома ибни Зайд (р.а.)дан бошқа ҳаммалари йиғлаб тингладилар. Усома (р.а.) дедилар: «Ё Расулаллоҳ, менинг қалбим қаттиқлашгандир». Расули Акрам (с.а.в.) муборак қўлларини Усома (р.а.)нинг кўкрагига қўйиб: «Ухруж ё удваллоҳ», – дедилар. Усома (р.а.) дарҳол йиғлай бошладилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кўз қаттиқлиги қалбнинг ёпиқлигидандир, қалб қаттиқлиги гуноҳнинг кўплигидандир, гуноҳнинг ортиб бориши ўлимни унутганликдандир, ўлимни унутиш амалларнинг давомийлигидандир. Амалларнинг давомийлиги дунёни яхши кўришликдандир (молпарастлик) ва дунёга меҳр қўйиш барча гуноҳларнинг бошланиши, дебочасидир», – дедилар.

Илоҳо, пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин ҳурмати учун мўминларга Саййидалмурсалин (с.а.в.) суннатларига амал қилиш тавфиқини осон қилгин, Тангри таоло берган омонатларига хиёнат қилишдан ва дунёга муҳаббат қўйишдан асрагин.

## МАЗЛУМЛАРГА ЁРДАМ (МАДАД) КЎРСАТИШ БАЁНИДА

Парвардигорнинг сўзи бордир: «Сизни Дўзах олови қамраб олмаслиги учун зулм қилганлар ва золимлардан узоқлашинг, сизларни азобдан халос этгувчи Худодан бошқа дўстингиз йўқдир». «Худ», 113-оят.

Ҳазрати Умар (р.а.) ривоят қиладилар: «Ё Расулаллоҳ, Аллоҳ субҳоноҳу ва таолонинг назарида энг яхши кўрадиган дўсти ким?» – деб сўрадим. Пайгамбар (с.а.в.) марҳамат қилиб

айтдилар: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло энг яхши кўрадиган дўсти мусулмонларга фойдаси тегадиган кишидир». Яна сўрадим: «Ё Расулаллоҳ бандаларнинг энг яхши амали нимадир?» «Идхолус сурури фи қалби мўмин», яъни бандалар қалбига қувонч багишлагувчилар, очларни тўйдирганлар, яланғочларни кийинтирганлар. Ғамга мубтало бўлганларни ғам-ташвишдан қутқариш ва қарздорнинг қарзини узиши учун ёрдам берганлар. Ҳожатмандлар билан бирга бориб, ҳожатини чиқарганлар. Агар шундай йўллар билан мўмин биродарига яхшилик қилса, бир ой рўза тутиб, иътикоф (ният билан рўзадор бўлиб, жоме масжидида ўтириш – Н. М.) ўтирганлар савоби номаи аъмолига ёзилади ва мазлумга ёрдам берганнинг қадамини Сирот кўпригида мустаҳкам қилгусидир», – деб жавоб бердилар.

Анас ибни Молик (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қиладилар: «Кимки бирор ғамгин, хазин одамга ёрдам берса, қалбини қувонтирса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унинг номаи аъмолига етмиш учта савобни ёзади. Шу савобнинг биттасини бу дунёнинг яхшиланишига беради ва етмиш иккитасини нариги дунё захирасига ўтказади. Мазлумни золимдан халос этган ва мазлумнинг ҳожатини чиқарган бандани Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло мағфират этиб, ҳажи мақбулнинг савобини номаи аъмолига ёзади», – деб марҳамат қилганлар.

Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қиладилар: «Мўмин биродарини ғамдан халос этиб, қалбига шодлик бахш этса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Маҳшар кунида ўша банданинг қалбидан қиёмат ғамларини узоқлаштиради ва Беҳиштга дохил этади ва агар мазлум мусулмон биродаридан ёрдам сўрасаю, унга ёрдам бермаса, уни савалаш учун қабрда юзта оловли қамчи тайёрланган бўлади».

Ривоят қилурларки, Қиёмат куни мунодий (нидо қилувчи): «Фиръавни келтиринг», – деб нидо қилар экан. Фаришталар, бошига оловдан кулоҳ, эгнида қатрондан қилинган кийим кийдирилган ва тўнғизга миндирилган Фиръавн алайҳилағнани олиб келадилар. «Йўлбошчиси Фиръавн бўлган зулм қилувчилар гердайганлар ва жабр-ситам қилувчилар қаерда?» – деб нидо қилади мунодий. Уларнинг барчасини бир жойга тўплайдилар ва Фиръавн билан бирга Дўзахга ташлайдилар. Бундан кейин Қобилни келтириб, ҳасад қилувчилар билан бирга, сўнгра мунофиқ Ашрафни ёлғон китоб ёзганлар билан бирга, ундан кейин Абужаҳлни ёлғончилар билан бирга, кейин Валид бинни Муғийрани истеҳзо қилувчилар билан бирга, ундан кейин Лут (а.с.) қавмининг Аждам исмли каттасини баччабозлар билан бирга, сўнгра Иблис алайҳилағнани келтириб, намоз ўқимайдиганларни, закот бермайдиганларни, хайрдан, савобдан қайтарувчиларни, шаробпазларни ва ичкилик ичувчиларни ҳамда ота-онасига оқ бўлганларни тўплаб Дўзахга ташлайдилар. Бундан кейин Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло: «Ё Жаброил, фақир-ночорларга яхшилик қилганларни, ёрдам берганларни фақир-бечоралар билан бирга, Муҳаммадия суннатини адо этганларни ҳабибим Муҳаммад ялови остида тўплаб, Жаннатга кирит. Умра ҳажини адо қилганларни Одам (а.с.) билан бирга, меҳмонни яхши кўриб, ғариб-мусофирларни эъозлаганларни Иброҳим (а.с.) билан бирга, қодирлик вақтида амал, мансаб эгаси эканлигида кибр-ҳавони тарк этганларни Юсуф (а.с.) билан бирга, ўз қўшниларига яхшилик қилганларни Яқуб (а.с.) ялови остида, ҳақ сўзни яширмаганларни Мусо (а.с.) ялови остида, ҳабибим умматларидан адолат қилганларни Ҳорун (а.с.) ялови остида, бало-офатларга, хасталикларга сабр қилган ҳабибим умматларини Аюб (а.с.) ялови остига, тўғри иш қилганларни, рост сўзлаганларни Абу



Бакр Сиддиқ (р.а.) ялови остида, амри маъруф ва наҳйи мункар қилганларни Ҳазрати Умар (р.а.) ялови остида, ҳаё-исматлиларни ҳазрати Усмон (р.а.) ялови остида, худо йўлига, яъни розилиги учун мазлумларга ёрдам берганларни ҳазрати Али (к.в.) ялови остида, мазлум ва мақтулларни (зулм билан қатл қилинганлар) имом Ҳасан (р.а.) ва имом Ҳусайн (р.а.) яловлари остида, фақиҳларни Муоз ибни Жабал(р.а.) ялови остида ва мўминларни Билал (р.а.) ялови остида тўплаб, Жаннатга олиб киришлар», – деб фармон беради («Тафсири Мунирдан»).

**Ҳикоят.** Билал (р.а.) ривоят қиладилар. Бир куни насронийлардан бири Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келиб: «Ё Муҳаммад, агар ҳақ пайғамбар бўлсангиз, менга зулм қилган шахсдан ҳақимни олиб беринг деб келдим», – деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) «Сенга зулм қилган кишини айт», – дедилар. «Абу Жаҳл бинни Ҳишом», – деди у. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўринларидан туриб, Абу Жаҳл олдига бормоқчи бўлганларида, бу ерда ҳозир бўлган саҳобалардан бир неча киши: «Ё Расулаллоҳ, Абу Жаҳл уйқусидан уйғотганларни ёқтирмайди, агар уни уйғотсангиз ғазабланиб, Сизга бирор зарар-заҳмат етказмасмикан?» – деб айтдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу Жаҳлнинг уйига бордилар ва эшикни қоқдилар. Абужаҳл ғазабланиб чиқиб қараса, Расули Акрам (с.а.в.) эшик олдида турган эканлар. «Ё Муҳаммад, хуш келибсиз, қани уйга марҳамат қилинг», – деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эй Абу Жаҳл, мана бу насронийнинг молини олган экансан, унинг молини олиб чиқиб қўлига топширгин», – дедилар. Абужаҳл: «Молини ҳозир бераман», – деди. Расули Акрам (с.а.в.): «Гапни кўп чўзма, молини бер», – дедилар. Абу Жаҳл насронийнинг молини олиб чиқиб беришни қулларига буюрди ва насронийнинг ҳамма молларини қайтариб берди. «Молингни бутун олдингми?» – деб сўрадилар Пайғамбар- (с.а.в.). «Битта занжирдан бошқа

ҳаммасини олдим», – деди насроний. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эй Абу Жаҳл, занжирини топиб бер», – дедилар. Абу Жаҳл анча ҳаракат қилиб, унинг занжирини топа олмади. Ўрнига ундан яхширогини бериб юборди. Улар кетгандан кейин Абужаҳлнинг хотини унга: «Эй Абу Жаҳл, Абу Толибнинг етимига бунча тавозе қилмасанг», – деди. «Мен кўраётганни сен ҳам кўрганингда эди, бу сўзни айтмаган бўлардинг», – деди Абу Жаҳл. «Нимани кўрддинг?» – деди хотини. «Мени Қурайш аҳли ўртасида шарманда қилмасанг айтаман. Муҳаммад (с.а.в.) иккита хайқириб турган шерни бўйнидан етаклаб турганларини ва шерлар менга ҳамла қилишга тайёрлигини кўрдим. Шунинг учун насронийнинг молини бериб, қўл қовиштириб туришдан бошқа иложим қолмаган эди». Насроний Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бу мўъжизаларини кўриб, дарҳол мусулмон бўлди ва бунинг барчаси мазлумларга ёрдам берганликнинг фазилатидандир («Зубдатул-ваъизийн»).

Илоҳо, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳурмати билан, барча мазлумларни золимлар қўлидан озод этиб, золимларга инсоф-диёнат ато этгин.

## ИНСОН ФАЗИЛАТИ БАЁНИДА

Аллоҳ ва субҳонаҳу таолонинг сўзи бордир: «Ва албатта бани одамни азизу мукаррам этиб яратдик ва еру сувда кўтардик, унга ризқ бердик ва бошқа махлуқотлардан кўпроқ фазл бердик». «Исро», 70-оят.

Умар ибн Ос (р.а.) ва Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) олдиларига келиб сўрадимки, «Ё Расулаллоҳ, одамларнинг олимроғи кимдир?» Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб айтдилар: «Оқил одамлар». Яна сўрадим: Одамларнинг энг яхшироғи ким?» Улар дедилар: «Оқил одамлар». Яна

айтдиларки, ҳар бир нарсанинг бир воситаси бордир ва мўминларнинг воситаси ақлдир, ҳар бир қавмнинг чўпони, яъни посбони бўлганидек, мўминлар посбони ақлдир. Ҳар бир иморатнинг беағи бўлур ва бандалар беағи ақлдир.

Ойишаи Сиддиқа (р.а.) ривоят қиладилар: «Ақл ўн қисмдан иборат бўлиб, унинг беш қисми зоҳир ва беш қисми яшириндир. Аммо унинг зоҳир қисмининг аввали сукут сақлашдир». Қола Набий (с.а.в.): «Ман саката нажо, яъни кимки сукут сақлашни касб қилди, нажот топди». Қола Набий (с.а.в.): «Ман касура каломуху касура сақатуҳу, яъни кимки кўп сўзласа, беағни сўзни кўп айтади». Иккинчиси, юмшоқ кўнгиллик, учинчиси, камтарлик. Қола Набий (с.а.в.): «Ман тавозаъа рафаъхуллоҳ ва ман такаббара вазаъхуллоҳ, яъни кимки камтарлик қилса, Аллоҳ таоло унинг мартабасини олий ва баланд қилгусидир, кимки такаббурлик қилса, Аллоҳ таоло унинг қадрини паст ва беъэтибор этгусидир». Тўртинчиси, амри маъруф қилмоқ ва ман қилинганлардан қайтармоқ, бешинчиси, солиҳ амаллар қилмоқ. Яширин беш қисми қуйидагилардир: биринчи, ҳар бир ишни тафаккур этиш, иккинчи, ўтганлардан ибрат олиш, учинчи, гуноҳни катта ҳис этиш, тўртинчи, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан кўрқиш, бешинчи, нафсни таҳқирлаб хор тутиш («Ҳаётул-қулуб» дан).

Ривоят қилурларки, яхши хулқ етти қисмдан иборатдир:

Биринчиси, латофат (поклик, хушфеъллик, хуштаъблик), иккинчиси, малоҳат (истараси иссиқлик, жозибадорлик, нуронийлик), учинчиси, зиё (нур, ёруглик), тўртинчиси, нур, бешинчиси, қоронгилик, олтинчиси, юмшоқлик, еттинчиси, кибр-ҳавони тарк этиш. Аллоҳ таоло хулқни мана шу етти қисмдан яратган вақтда латофатни жаннатдан, малоҳатни ҳурлардан, зиёни шамширдан, нурни ойдан, зулматни тундан, юмшоқлик ва кибр-

ҳавони ҳаводан, зулматни тундан олиб, ер ва осмон оламини улар билан зийнатлади. Одам (а.с.) ва Ҳавво (р.а.)ни халқ этганда ушбу етти хусусиятли ашё билан уларни ҳам зийнатлади. Латофатни уларнинг руҳига, малоҳатни тилларига, зиёни чеҳраларига, нурни кўзларига, зулматни сочларига, юмшоқликни қалбларига, ҳавони кийимларига қўйди. Инсон ушбу нарсалар билан безангандир. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло айтадики: «Ўзи истаган суратда тартиб берди сенга». «Инфитор», 8-оят.

Илоҳо, барча мўмин бандаларга комил ақл ато этиб, нафс ҳавосидан ўз паноҳингда асрагин, ё Раббил-оламин.

## ЖАҲАННАМ ЎТИ БАЁНИДА

Парвардигорнинг сўзи бордир: «Кофир бўлганларни жамоа-жамоа қилиб жаҳаннам томонга ҳайдайдилар». «Зумар», 71-оят.

Ривоят қилурларки, Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: «Жаброил (а.с.) ҳузуримга келган кунларнинг бирида, Ё биродар Жаброил, Дўзахнинг сифатларини баён этинг», – деб сўрадим. Жаброил (а.с.) дедилар: «Аллоҳ таборак ва таоло Дўзахни халқ этиб, Забонияга қизитишни буюрди. Минг йил олов ёқиб қизартирилди. Яна минг йил олов ёқиб оқартирилди. Бундан кейин яна минг йил ёқиб қорайтирилди. Шу вақтдан бошлаб унинг иссиғи ва шуъласи ҳеч қачон камайган эмас» («Мажолис»).

Ривоят қилурларки, Аллоҳ таборак ва таоло Жабраил (а.с.)га: «Молики Дўзах олдига бориб, озгина олов олиб, Одам (а.с.)га беринг, овқатини пишириб, таомини тайёрласин», – деб буюрди. Жаброил (а.с.) Аллоҳ таоло амри билан бориб олов сўрадилар.

Молики Дўзах: «Қанча миқдорда бўлсин?»

Жаброил (а.с.): «Бир хурмо миқдорича».

Молики Дўзах: «Агар Дўзах оловидан бир хурмочалик берсам, унинг ҳароратидан етти қават осмону ер эриб кетади».

Жаброил (а.с.): «Бўлмаса, ўшанинг яримича бергин».

«Агар унинг ярмини берсам, унинг ҳароратидан қиёмат кунигача осмондан бир қатра ҳам ёмғир ерга тушмайди ва ердан бирор ўсимлик униб чиқмайди», – деди Забония. Шундан кейин Жаброил (а.с.): «Илоҳо, қанча миқдорда олов олайн?» – деб муножот қилдилар. «Бир зарра миқдорича олов олиб, уни етмишта денгизда етмиш марта ювиб, кейин Одам (а.с.)га элтиб бергин», – деган фармони илоҳий келди. Жаброил (а.с.) Аллоҳ таоло фармони билан бир зарра Дўзах оловидан олиб, етмишта денгизда етмиш марта чайқаб, Одам (а.с.) олдиларига олиб бордилар ва Шоҳиқ тоғи устига қўйдилар. Оташ зарраси тоғни куйдириб тешди ва ўз маконига тушиб кетди. Оташнинг тутуни тоғнинг тошу темирларига юқиб қолди. Ҳозирги вақтгача мавжуд бўлган дунёнинг олови ўша зарранинг тутуни ва тоғнинг тошу темирларида қолган ҳароратидандир («Мушкотул-анвар»).

Ибни Аббос (р.а.) ривоят қиладилар: «Қиёмат куни Дўзахни ернинг еттинчи қавати остидан олиб чиқадилар. Дўзах атрофида етмиш минг фаришта сафга тизилиб туради ва ҳар бир саф инс ва жин каби махлуқотлардан етмиш минг марта кўпдир. Дўзахнинг тўрт бурчаги бор бўлиб, ҳар бир бурчагининг ораси минг йиллик масофадир. Фаришталар унинг занжирларидаги етмиш минг ҳалқаларидан тутиб, ушбу ҳайбат билан Аршнинг сўл томонига қўядилар» («Дақойиқул-ахбор»).

Муқотил (р. а.) ривоят қиладилар: «Дўзахда Иблис алайҳилаъна учун оташдан ясалган бир тахт ҳозир қилинади. Барча кофирлар минбар атрофида тўпланиб: «Эй малъун, бизларни ҳақ йўлдан қайтариб, залолатда қолдирган сен эмасмидинг?» – дейдилар. Аҳли куффор Дўзахда минг йилни азоб ва расволикда ўтказурлар, деб айтилади. Шундан кейин, дунё машаққатларига сабр этиб, роҳат топар эдик. Энди бунга ҳам сабр этайлик. Минг йил Дўзах азобларига чидайдилар. Уларнинг азоб-уқубати бу вақт ҳеч бир камаймас экан. Шундан кейин Молики Дўзахга: «Ё Молик, Илоҳий ваъдаларни энди кўрдик, азоб-уқубатимиз кундан-кунга кўпаймоқда. Бизларни Дўзахдан халос этсанг бўлмасмикин?» – деб ялиниб, ёлворадилар. Молик: «Дунёда пайгамбар келиб, ҳеч ҳам сизларни тўғри йўлга бошламаганмиди?» – деб сўрайди. «Жуда кўп келган эди. Биз уларга ишонмай, ёлгончига чиқарар эдик», – дейди кофирлар. Молик: «Сизлар пайгамбарларга ишонмай, залолатда қолган экансиз», – деб айтади. Кофирлар Дўзахдан халос бўлмасликларидан маъюс бўладилар ва ташналикни қондириш учун минг йил ёмғир ёғдиришни сўрайдилар. Минг йилдан кейин қизил булут пайдо бўлиб, ёмғир ўрнига ҳар бири туя катталигида чаёнлар ёғилади. Улар кофирларни чақиб заҳар соладилар ва бундай ҳол минг йил давом этади. Ундан кейин минг йил давомида таом тилайдилар. Минг йилдан кейин қоп-қора булут пайдо бўлиб, туя катталигидаги беҳисоб заҳарли илонлар ёғилади. Улар кофирларга заҳар сочадилар. Унинг оғриғи минг йилда ҳам тузалмас экан. Аллоҳ сўзи будир: «Фиску фасодчи бўлганликлари учун уларга азоб устига азоб юборурмиз». «Наҳл», 88-оят. («Мушкотул-анвор».)

Ривоят қилурларки, Дўзах етти табақа (қават) дир.

Биринчи табақа – Суҳқал. Аллоҳ сўзи: «Ёлгончилар макони бўлган асҳоби саъирга, у дўзах эгаларига ҳалокат, лаънатлар бўлгай». «Мулк», 11-оят. Наъзузу биллаҳ минҳо ва мин соирихо.

Иккинчи табақа – Лазо, закот бермайдиганлар ва закот беришдан қайтарадиганлар жойидир. Қавлуҳу таоло: Калло иннаҳо лазо назобатал лишаво. «Маъориж», 15-16-оят.

Учинчи табақа – Сақар, шариятнинг энг афзал амрларидан бўлган намоз ўқимайдиганлар учундир. Қавлуҳу таоло: «Нима сизларни Сақарга ҳайдаб келди?» – деб сўралади. «Биз намоз ўқимайдиганлар ва мискин-муҳтожларга таом бермайдиганлардан эдик», – деб жавоб берадилар. «Мудассир», 41-42-оят.

Тўртинчи табақа – Жаҳим, мутакаббирлар ва кибр-ҳаво эгалари маконидир. Аллоҳ сўзи будир: «Дунё маишатларига берилиб, охират фароғатига бўйсунмасдан саркашлик қилувчининг жойи Жаҳимдир». «Ан-нозиот», 37, 38, 39-оят.

Бешинчи – Жаҳаннам. Қовлуҳу таоло: «Барчасининг ваъдалашган жойи Жаҳаннамдир». «Ҳижр», 43-оят.

Олтинчи – Ҳовия. Қавлуҳу таоло: «Бас унинг онаси Дўзахдир. У (ҳовия) қандоқ нарса эканлигини биласанми? Ҳовия шундай оловки, лангиллаб куйдирувчи ва эритувчи бўлиб, одамлар гуноҳининг куфридан ҳамда Парвардигори оламнинг қаҳридан таркиб топгандир». «Қория», 9-10-оят.

Еттинчи – Ҳутама, яъни гап ташувчилар ва гийбатчилар учундир. Қавлуҳу таоло: «Албатта у Ҳутамага» (Дўзахга ташланур), «Ҳумаза», 4-оят. («Арражабия»).

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилурлар. Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобалар билан ўлтирганларида даҳшатли гумбурлаган овоз эшитилди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бу даҳшатли овоз ниманики эканлигини биласизларми?» – деб сўрадилар. «Аллоҳ ва унинг Расули билувчидирлар», – деб жавоб бердик бизлар. Расулуллоҳ

(с.а.в.): «Бундан етмиш йил илгари Дўзахга ташланган бир тош энди тагига етиб борди», – дедилар («Зубдатул-ваъизийн»).

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб: «Азобнинг қаттиқлигидан кофирлар ҳар тишининг катталиги Уҳуд тоғидек бўлади. Улар танасининг териси уч кунлик йўл миқдорида чўзилади», – деб айтдилар.

Илоҳо, Ғафуру Раҳимлигинг ва Сатторлигинг ҳамда ҳабибинг Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ҳаққи ҳурмати, «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ» калимасини айтувчи барча мўмин ва мўминаларни Дўзах оловидан нажот бериб, Беҳишти анбарсиришга етказгин. Омийн ва саллаллоҳи аъло хайри халқихи Муҳаммад ва олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъийн.

## ЖАННАТ ВА УНИНГ АҲЛЛАРИ СИФАТИ БАЁНИДА

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло айтади: «Парвардигорларидан кўрққанлар жамоат-жамоат қилиниб Жаннатга олиб борилади». «Зумар», 73-оят.

Ибни Аббос (р.а.): «Беҳиштнинг тиллодан ясалган саккизта эшиги бордир», – деб ривоят қиладилар. Биринчи эшигида, «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ» ёзилган. Бу эшикдан набийлар, шаҳидлар, сахийлар кирадилар. Иккинчи эшикдан комил таҳорат ва салаватнинг мукаммал аркони билан намоз ўқиганлар кирурлар. Учинчи эшикдан ўз молини ҳақ йўлида сарф этганлар, тўртинчи эшикдан амри маъруф ва наҳий мункар қилувчилар, бешинчи эшикдан ўз нафсини нафсоний шаҳватдан тийганлар, олтинчи эшикдан умра ва ҳажни бажо келтирганлар, еттинчи эшикдан фи сабилиллоҳ (Аллоҳ розилиги учун) дин йўлида хизмат қилганлар, саккизинчи эшикдан ўз кўзини



номаҳрамлардан яширганлар, хайр-ҳасанот ишларни қилишга тиришганлар ва ўз ота-онасига яхшилик қилганлар ҳамда раҳм-шафқат эгалари кирурлар («Дақоикул-ахбор»).

Ривоят қилурларки, Жаннат саккизтадир. Биринчи – Дорулжалол, оқ гавҳардан бино қилинган. Иккинчи – Доруссалом, қизил ёқутдан бино қилинган. Учинчи – Жаннатулмаъво, сариққа мойил яшил рангли қимматбаҳо забаржад маъданидан пайдо қилинган. Тўртинчи – Жаннатулхулд, сариқ рангли маржондан бино қилинган. Бешинчи – Жаннатаннаъим, соф кумушдандир. Олтинчи – Дорулқарор, қизил рангли тиллодан ясалган. Еттинчи – Жаннатул-фирдавс, битта ғишти тиллодан, бир ғишти кумушдан, биттаси ёқутдан, биттаси зарбаржаддан бўлиб, лойи мушқдан. Саккизинчи – Жаннати адн, оқ дурдандир. Жаннатда бир дарвоза бор бўлиб, катталиги ер билан осмон ўртасичалиқдир ва олтиндан ясалган. Ундаги қасрларининг бир ғишти олтиндан ва бир ғишти кумушдан. Жаннатнинг тупроғи анбардан, лойи эса, мушқдандир, Жаннатнинг қасрлари олдидан анҳорлар оқади. Уларнинг қирғоқлари оқ гавҳардан, суви қордан совуқ, асалдан ҳам шириндир («Дақоикул-ахбор»дан).

Ривоят қилурларки, Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: «Меърож кечаси Жаннатда тўртта анҳор кўрдим. Бирида сув, бирида сут, бирида шарбат, бирида мусаффо асал оқар эди. Жаброил алайҳиссаломдан сўрадимки, «Булар қаердан оқиб чиқади ва қаерга қуйилади?» Жаброил(а.с.) дедилар: «Бу тўртта наҳр Кавсар ҳовузига қуйилади. Лекин уларнинг қаердан оқиб чиқишини билмайман. Аллоҳ таолодан сўранг. Сизга маълум қилгусидир». Аллоҳ таолодан сўрадим. Дарҳол бир фаришта олдимга келиб деди: «Ё Расулаллоҳ, кўзингизни юминг». Кўзимни юдим. Яна деди: «Кўзингизни энди очинг». Кўзимни очсам, бир дарахт олдида турибман.

У ерда оқ дурдан ясалган гумбазни кўрдим. Дарвозаси яшил ёқутдан ва эшигида олтиндан ясалган қулф осилиб турарди. Агар барча махлуқотни гумбазнинг ичига солинса, худди товуқ тухумидек гумбазнинг ўртасига жойланар эди. Гумбазнинг тўрт томонидан ўша тўртта наҳр оқиб чиқаётган эди. У ердан қайтмоқчи бўлиб турганимда фаришта: «Гумбазнинг ичини томоша қилмайсизми?» – деди. «Эшиги қулф-ку, қандай қилиб у ерга кирайин?» – дедим. У: «Калити ўзингизда, очиб кираверинг», – деди. «Калит қани?» – дедим. «Бисмиллоҳир Раҳманир Раҳим» деб айтсангиз очилади», – деди. «Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим» дейишим билан қулф очилди ва мен ичкарига кирдим. Қарасам, сув оқаётган анҳор Бисмиллаҳнинг «мим»идан, сут оқаётган анҳор Аллоҳнинг «ҳо»сидан, гулоб анҳори Арраҳмоннинг «мим»идан ва асалнинг анҳори эса, Арраҳимнинг «мим»идан оқиб чиқаётган экан. Фаришта деди: «Сидқи дилдан ва комил ихлос билан «Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим» деган умматларингиз бу тўртта анҳорнинг сувидан ичгусидир» («*Мушкотул-анвор*»дан).

Ривоят қилурларки, Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Жаннати аднни халқ этгандан кейин Жаброилга (а.с.): «Бандаларим ва дўстларимга атаб Беҳишти аднни (Жаннат боғларидан бирининг номи – Н.М.) ато этдим, бориб сайр қилгин», – деб буюрди. Жаброил (а.с.) фармони Илоҳий билан, Беҳишти аднга бориб, сайр қилиб юрганларида ийн хурларидан бири (Жаннат хурлари – Н.М.) қасрдан туриб, Жаброил (а.с.)га назар ташлаб, табассум қилган эди, хурнинг тиши нуридан Беҳишти адннинг ичи ёришиб кетди. Жаброил (а.с.), Илоҳий нурнинг тажаллисимиқан деб гумон қилиб, дарҳол саждага бош қўйдилар. «Ё Аминаллоҳ, – деди ҳур, – бошингизни саждадан кўтаринг». Жаброил (а.с.) хурга қараб: «Субҳоналлази

халақака (сени яратган зот покдир)», – дедилар. Хур деди: «Ё Аминаллоҳ, мени нима учун яратганлигини биласизми?» «Ўзинг айтгин», – дедилар Жаброил (а.с.). «Кимки нафс ҳавосидан кечиб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг розилигига етишса, мен ўша бандага насиб этурман», – деди Хур («Макошифатул-қулуб»).

Каъб(р.а.) шундай деб ривоят қиладилар: Беҳишт дарахтлари ҳақида Расулуллоҳ (с.а.в.)дан савол қилдим. «Беҳишт дарахтлари ҳеч қачон қуримайди, барглари тўкилмайди ва таналари ҳеч қачон чиримайди», – дедилар («Дақойқул-ахбор»).

Шундай ривоят қилурларки, Сирот кўпригидан ўтгандан кейин ям-яшил дарахтзор келади. Дарахтлар остида Беҳишtdан оқиб чиқувчи булоқлар қайнаб ётади. Мўмин бандалар Сирот кўпригидан ўтиб, водийнинг ўнг тарафидаги булоқлардан ичсалар, зоҳиру ботиндаги барча игво, ҳасад, хиёнат, қон, бавллардан покланадилар ҳамда баданлари топ-тоза бўлади. Водийнинг чап тарафидаги булоқларда ғусл қилгандан кейин банданинг юзи ҳамда бутун вужуди ойдек нур таратадиган ва бандадан мушк ҳиди келадиган бўлади. Беҳиштнинг дарвозалари олдига етиб келганда ийн хурлари кутиб олиб бағрларига босиб, ўз қасрларига олиб кирадилар («Дақойқул-ахбор»).

Ривоят қилурларки, Аллоҳ таборак ва таоло хурларни тўрт рангда яратган. Улар оқ, яшил, қизил ва сариқ рангли бўлиб, уларнинг баданлари заъфардан, мушк ва кофурдан, сочлари қалампир мунчоқдандир. Уларнинг кўкрагига жуфтларининг номи ҳамда Аллоҳ исмларидан бири ёзилган бўлиб, ҳар бирининг қўлларида ўнта гавҳар узук бордир («Дақойқул-ахбор»).

Илоҳо, ҳазрати Саййидалмурсалин саллаллоҳи аъло хайри халқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин ҳурмати билан барча мўмин бандаларни Сирот кўпригидан саломат ўтказиб, Беҳишти анбарсириштга етказиб, ийн хурларидан насибу рўзи этгин.

## НАФСНИНГ АҲВОЛИ БАЁНИДА

Ривоят қилурларки, Расулуллоҳ (с.а.в.) бир куни саҳобалар билан бирга бир жойга кетаётганларида саҳобалар ўзаро ҳазил-мутойибалар қилиб қулиб бораётган эдилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Эй асҳоб, қиёматда сизнинг ўтмишларингиз Дўзах оташидандир. Нега кўп қуласизлар?» – дедилар. Дарҳол Жаброил (а.с.) тушиб келдилар ва дедилар: «Ё Расулаллоҳ, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло буюрдики, нимага менинг бандаларимни қўрқитасан, уларнинг гуноҳини мағфират этувчи Ғафуру Раҳимдурман» («Уюн» китобидан).

Ривоят қилурларки, Луқмони Ҳаким ўз ўғлига: «Эй ўғлим, Аллоҳ таборак ва таолодан умидвор бўлгин. Унинг азобидан беҳабар бўлмагин ва доимо Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан қўрққин, лекин Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг раҳматидан ҳам ноумид бўлмагин», – деб васият қилган эканлар.

Ривоят қилурларки, Абу Лайс Самарқандий (р.а.) айтурлар, хавфнинг саккиз аломати бордир:

Биринчи – тилни ёлғон, гийбат ва моло, яъни (бекорчи) сўзлардан тутиб, Аллоҳнинг зикри, Қуръон тиловати ва илм олиш билан машғул бўлиш;

Иккинчи – томоқни ҳаром таомдан эҳтиёт қилиш, кам ейишга одат қилиб, очиққанда меъёрда овқатланиш;

Учинчи – ҳаромнинг тарафига қарамаслик ва дунё-бойлигига рағбат, интилиш билан яшамаслик, ўз кўзидан хавфсираш;

Тўртинчи – ҳаром томонга қўл узатмаслик учун ўз қўлидан хавфсираш;

Бешинчи – Аллоҳ таоло тоатида собит қадам бўлиб, маъсиятга қадам қўймаслик учун ўз оёғидан хавфсираш;

Олтинчи – мусулмонларнинг меҳр-шафқати, панд-насихатларини қалбига жойлаб, мўмин биродарига нисбатан ҳасад-адоватга ўз қалбидан жой бермаслик учун қалбидан хавфсираш;

Егтинчи – мажбурий тоатдан қўрқиб, ибодатни холисанлиллоҳ қилиш, низо-жанжал ва риё билан қилмаслик;

Саккизинчи – ҳақ сўзларни эшитиб, моло, яъни сўзларни эшитишдан қўрқиб, ўз қулоқларидан хавфсираш. («Синония»).

Ривоят қилурларки, Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб айтган эканлар: «Қиёмат куни фаришталар бир кишини Дўзах томонга олиб кетаётганларида йўлнинг учдан бир қисмига борганда тўхтаб, у орқасига қарайди. Фаришталар уни яна ҳайдайдилар ва у йўлнинг ярмига бориб тўхтаб орқасига қарайди. Фаришталар судраб олиб кетаётганларида Дўзахга яқин жойда тўхтаб яна орқасига қарайди, Шунда Аллоҳ таборак ва таолодан: «Эй банда, нима учун ҳар замон-ҳар замон тўхтаб орқангга қарайсан?» – деган нидо келади. У одам шундай деб жавоб беради: «Илоҳо, йўлнинг учдан бир қисмига борганимда Аллоҳ айтгандирки: «Сенинг Парвардигоринг чексиз мағфират этувчи ва раҳмдилдир. «Каҳф», 58-оят) деганингни ўйладим ва бунга биноан, мени раҳматингга оларсан, деб умид қилдим. Йўлнинг ярмига борганда, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло айтадики: «Ғуноҳкорларни Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким мағфират эта олмайди». («Оли Имрон», 135-оят) деб айтилганлигини ва бунга биноан, мағфират этармикансан, деб умидвор бўлдим. Бу ерга етиб келганимда яна Аллоҳ сўзи бордирки: «Айтгин эй банда, ўз нафсингизни исроф қилганлигингиз учун Парвардигор раҳматидан ноумид бўлманг». «Зумар», 53-оят.) деб айтилганини ўйлаб, шу ваъдага биноан мени мағфират этармикансан, деган умидда тўхтадим. «Эй банда умид

қилганлигинг учун мағфират этдим», – деган нидо келади ва у Беҳиштга олиб борилади».

Эй мўмин биродар, агар оқил бўлсанг, Илоҳдан қўрқ ва эрта тонгда кўз ёшингни тўккин, гуноҳларингни эътироф этиб, кўпроқ тавба қилгин. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло тавба қилгувчиларни ўз даргоҳидан ноумид қайтармагай.

**Ҳикоят.** Ривоят қилурларки, бир солиҳ киши вафот этгандан кейин уни тушда кўриб: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло сенга нима қилди», – деб сўрадилар. «Нажот топдим», – деб жавоб берди. «Қайси амаллар билан?» – дедилар. «Аллоҳ таборак ва таолодан қўрқиб кўп йиғлардим ва тавбани кўп қилардим», – деди («Филхолиса»).

Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай деб ривоят қиладилар: Мўмин банда вафот этгандан кейин унинг руҳи бир ой давомида ҳовли-жойи атрофида айланиб юриб, оила аҳллари, фарзанду ақраболари унинг мол-дунёсини қандай тақсимлаётганларига ва унинг қарзларини қандай кайфият билан узаётганларига назар солади. Бундан кейин бир йил мобайнида ўз қабри атрофида бўлиб, бу муддат ичида яқинлари қавм-қариндошларидан қайси бири қабри тепасига келиб, дуо-фотиҳалар қилади ва уни эслаб ғамгин бўлишини кузатади. Бир йилдан кейин арвоҳлар йиғиладиган маконга бориб, сури қиёмат чалингунга қадар ўша ерда истиқомат қилади («Наҳжул-анвор»).

Ривоят қилурларки, мўмин бандалар вафот этганидан кейин Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло тўртта фариштага банданинг жанозаси билан қабр тепасига боришларини буюради. Фаришталардан бири: «Эй банда, сенинг умринг тугади, сенинг амалларинг тўхтади», – деб айтади. Иккинчи фаришта: «Эй банда, сенинг мол-дунёнг бошқалар қўлига ўтди, амалларинг сен билан бирга

қолди», – дейди. Учинчи фаришта: «Эй банда, сенинг ишларинг йўқ бўлди ва сенинг оғир юкинг қолди», – дейди. Тўртинчи фаришта: «Эй банда қандай яхшидирки, агар сен ҳалол мол тўплаб, очларга таом берган бўлсанг, энди Парвардигоринг хузурида бўлурсан», – дейди («Наҳжул-анвор»).

Илоҳо, барча мўмин бандаларни бадкор нафс ёмонлигидан ўз ҳифзу ҳимоянгга олиб, ўзинг рози бўладиган йўлга раҳнамолик қилгин, яхшилиқпеша ва солиҳ бандалар қаторида бу исён доғи теккан, бошдан-оёқ нуқсонли бечора муаллифни ҳам шаръи шарифда собит қадамликда бўлишни насибу рўзи этиб, бадқирдор нафс ёмонлигидан ҳимоянгга олиб, икки дунё фароғатига эриштиргин. Ё Раббил-олабийн.

Зукко ақл соҳибларидан махфий қолмасинки, ушбу китобни аҳодиси шарифдан ҳикоя этган араб тилидаги китоблардан олиб, араб тилига тушунмайдиган китобхонларга яқинлаштиришга ҳаракат қилинди ва мўътабар китобларнинг номи ҳар бир бобда келтирилди. Аммо бундан мақсад ном чиқариш эмас, балки улар номини қадри баланд ўқувчиларга холис ният билан эслатмоқдир. Бу мўъжаз китобни қўлга олиб, назарлари тушгандан кейин хайр дуоси билан иъонат етказурлар... ва саллаллоҳу ғало хайри халқиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин... Китоб 1326 ҳижрий йилнинг Жумодулаввал ойида таҳрир топди.

*Илоҳо, гарқдурмиз баҳри исёнда,  
Умидвормиз дуо кулли ихвондан.*

Бисмиллаҳир Раҳманир Раҳийм

Раҳмли ва Меҳрибон Аллоҳ номи билан бошлайман

## БУНИНГ ИККИСИДАН ПАРҲЕЗ ҚИЛ ВА ИККИСИГА ЭРИШГИЛ

Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг суюкли Ҳабиби, Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)дан ривоят қилинадики, Ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: «Дунёда бу икки нарсадан яхшироқ нарса йўқдир, бири – яққа-ягона Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога имон келтирмак бўлса, иккинчиси – мусулмонларга фойда келтирмақдир. Шунингдек, дунёда иккита энг ёмон амал бордир, бири – Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога ширк келтирмак бўлса, иккинчиси – мусулмонларга зарар-заҳмат етказмақдир».

Ҳазрати Афзалул Анбиё (с.а.в.) олимлар билан бирга бўлишни таълим берадилар. Чунки Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳикмат нури (илм) билан ўлик қалбни (беилм) тирилтиради, худди ишлов берилган ер кўкдамда қайта тирилиб, ҳосил берганидек. Бу борада ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (р.а.): «Тайёргарлик кўрмай қабрга кирган одам – кемасиз денгиз саёҳатига чиққан одамга ўхшайди. Денгизда кемасиз одам қандай сузиши мумкин? Бундай сафар қилишнинг имкони борми?» – дедилар. Ҳазрати Умар (р.а.)дан ривоят қилинадики, дунёда бойлик ёрдамида ҳурмат-эҳтиромга эришилса, охиратда солиҳ амаллар билан иззат-эътибор насиб бўлади, бундай амалларни фақат ҳаёти дунёда ҳосил қилиш мумкин.

Ҳазрати Усмони Зиннурайн (р.а.)дан келтирибдурларки, бойлик ортириш, уни қўлга киритиш учун ўзини ғам-ташвишга қўйиш ва бутун фикру хаёлни унга етишиш йўлида банд этиш қалбни шундай қорайтирадики, ҳеч қандай панду насиҳат, амри



маъруфу наҳий мункар унга таъсир этолмай қолади. Эшитишни истамайди, эшитганда ҳам панд олмайди. Лекин инсонда дину, қиёмат куни андишаси пайдо бўлса, қалби чироқ каби чарақлаб нур сочади ва барча панду насиҳатлар унинг қалбидан жой олади. Бундай инсон фойдали сўзларни эшитгандан кейин ўзининг юриш туришини, сўзлашишини фақат хайрли ишларга йўналтиради. Намозу саждага, олимлар суҳбатига мойиллигини, гуноҳдан ва савоби бўлмайдиган амаллардан йироқ юргангани кўрасан. Қалб кўзининг эгаларидан бундай ҳолат яширин қолмайди. Ҳазрати Яҳё бин Маъоз (р.а.)дан ривоят қилинадики, каримлик сифатига эришган инсон гуноҳ ишлар билан ўзини Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло олдида гуноҳқор этмайди, дунё-бойликни деб, бу дунёдаги омонат обрўни деб охиратини барбод қилмайди.

Саҳобайи кибор Ҳазрати Али Муртазо (р.а.)дан ривоят қилинадики, илм талабида юрган ва жаҳлдан узоқлашган инсонни пурнеъмат Жаннат муштоқ бўлиб кутади ва аксинча, гуноҳ қилиш учун қадам ташлаган инсонни Дўзах кучоқ очиб, қаърига тортади.

Аъмаш (р.а.): «Агар дунёда ҳар бир инсон Аллоҳ субҳонаҳу таолодан кўрқадиган бўлса, ундай инсоннинг таърифу тавсифига тиллар лол қолади ва унинг сифатларини тугатишга қодир бўлмай қолади», – дейди.

Суфёний Саврий (р.а.)дан ривоят қилинади:

«Нафс ва шаҳватнинг истаги билан содир бўлган барча гуноҳлар самимий тавба, узр-пушаймонлик натижасида кечирилади деб умид қиламиз. Аммо кибру гурурдан келиб чиққан гуноҳларнинг афв этилишига умид йўқ. Чунки Иблис алайҳилаъна такаббурликка ва кибру ҳавога берилиб, гуноҳ содир этди».

Қуръони каримдан ўқувчиларга яхши маълумки, Иблис ўзини Одам (а.с.)дан юқори – афзал деб ҳисоблади ва Парвардигори

оламнинг фармонидан бош тортди, бажармади. Яъни фармондан юз ўгириб, Одам (а.с.)га сажда қилмаганлиги сабаби билан даргоҳи Илоҳийдан ҳайдалди ва қиёмат кунигача малъун бўлди. Лекин Одам (а.с.)нинг гуноҳ қилишлари, йўлдан тойишининг асоси фаромушлик билан содир бўлган эди, Жаннатда таъқиқланган мевани еганликлари кибр натижасида эмас, балки нафснинг хоҳиши билан қилинган эди. Шунинг учун тавба ва пушаймонлик натижасида гуноҳлари афв этилди.

Баъзи зоҳидлардан бизга шундай насиҳатлар етиб келгандирки, агар инсон гуноҳ содир этса-ю, уни лаззат билан ёдга олиб, қилган ишидан шоду масрур бўлса ва бу шахс тавба қилмасдан дунёдан ўтса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уни йиғлатган ҳолда тирилтиради ва Жаҳаннамга ташлайди. Агар одам ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳаттоки фақирликда жабр-зулм остида қолиб, Аллоҳ субҳонаҳу таолога итоаткорликни бажо келтирса, кўз ёшлари юзини ювган ҳолда Унинг ибодатини сидқидилдан адо этса, меҳрибон Парвардигори ундай бандасини шоду масрурлик билан тирилтиради ва Жаннатга киритади.

Ҳақимлар айтадиларки, гуноҳ ҳар қанча кичик бўлмасин, уни арзимас деб ҳисоблаш, хотиржам бўлиш ярамайди. Чунки майда гуноҳлар йиғилиб, гуноҳи кабирага айланишидан эҳтиёт бўлиш лозим.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилиб айтган эканларки, «Майда гуноҳлар мунтазам содир бўлса, улар майда гуноҳ ҳисобланмайди ва кабира гуноҳлар тавбаю истиғфор ва пушаймонликдан кейин кабира гуноҳ эмасдир!»

Хабарда бордирки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло орифнинг ҳиммати ғайрати сано айтишдадир ва зоҳидининг ягона ҳиммати дуо қилишдадир. Чунки орифнинг муроду мақсади Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ризосини топишдир. Шунинг учун у ҳар доим Парвардигорнинг сифатларини улуғлаш билан

машгул бўлмоғи даркор. Зоҳид эса, ўз нафсини қутқариш гаму қайғуси билан яшайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам улар оламлар Парвардигорининг назари етган бандалар бўлиб, муслмонлар жамиятининг таянчи бўлмоқлари лозим.

Ҳақимлардан ривоят қилинадики, агар инсон Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ундан афзалроқ, ундан ҳам мартабаси улугроқ дўсти бормикин, деган гумонга борса, ундай шахс ўзини танимабди ва Парвардигорнинг маърифати қадрини билмабди. Агар ўз нафсидан ҳам хатарлироқ душмани борлиги андишасига борса, бундай инсон ўз нафсини яхши танимас ва уни яқиндан билмас экан.

Айтиладики, кимки шаҳват қули бўлса, агар подшоҳ бўлса ҳам охир-оқибат гуломга айланади. Агар инсон сабрни ўзига касб қилиб олса, агар гулом бўлса ҳам охир-оқибатда подшоҳлик мартабасини топади.

Келтиришларича, «Ўз ақлини амирга айлантирган ва ўз ҳавойи нафсини унга асир этган шахс бахтлидир ва аксинча, ўз шаҳвоний ҳавойи нафсини амирга айлантириб, ўз ақлини унга асир этган шахснинг ҳолига вой».

Насиҳат қилибдурларки, гуноҳдан узоқлашишни истаган инсон кўнгли юмшоқ, раҳмдил бўлмоғи даркор. Ҳаромдан парҳез қилиб, ҳалолдан ризқланса, фикри, хулқи тоза, мақбул ва саҳиҳдир.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўзининг баъзи пайгамбарларига ваҳий юбориб, шундай хитоб қилган экан: Эй набий, сенга амр қилган нарсаларимга итоат қил ва ниманики сенга насихат қилсам арзимас ва бекор деб санама!

Донолар дейдиларки: «Инсон ақли камолга етишганининг нишонаси Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло розилиги нимада бўлса, шунга тобе бўлади, шунга мойиллик қилади ва Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло нимадан қайтарган бўлса, ундан узоқлашади».

Дейдиларки: «Фозилликни одат қилган инсон, қаерга бормасин у ғариб бўлмайди ва жоҳил қаерга бормасин қўним билмайди, ватан топмайди. Ривоятда келтиришларича, ўз Парвардигорига тоат-ибодат билан яқинлик истаган ҳақиқий инсон, инсонлар орасида ғарибона юради. Яъни унинг имонининг мустаҳкамлигини ва тавҳидининг софлигини атрофидагилар тушунмайдилар ва унинг тўғрисида маломатли сўзларни айтадилар. Аслида, тоат-ибодат, шариат қонунлари ҳукмига қаттиқ риоя қилишдадир, ундай шахснинг Худони яхши билиши зиёдалигидан далолатдир.

Пайгамбаримиз (с.а.в.): «Барча хатолар асоси дунёни яхши кўришдадир ва ҳамма фитналар асоси закот ва ушрнинг ман қилинишидадир», деган эканлар.

Келтиришларича, доимо ўз хато-камчиликларига иқрор бўлиш шукр қилиш аломатидир, гуноҳларга иқрор бўлиш тоатларнинг қабул бўлиши аломатидир. Яна шундай дейиладики, неъматлар шукрини жойига қўймаслик жуда ёмон амаллардан бўлиб, аҳмоқлар билан суҳбатдош бўлиш жуда ҳам хайрсиз ишлардандир.

Байт:

*Бизга ҳамдам дўстлар суҳбати Жаннатдир,  
Мунофиқ улфат дийдори Жаҳаннамдир!*

## УЧ НАРСАДАН ҚОЧ ВА УЧ НАРСАНИНГ ЭГАСИ БЎЛИШГА ИНТИЛ

Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинади:

«Хар кимки тундан чиқиб, тонгга етишган бўлса-ю, ўзининг маишати торлигидан шикоят қилса, гўё Парвардигордан шикоят қилибдур. Кимки тунни тонг оттириб, дунёда умри ўтаётганидан

гамгин бўлса, гўё тунни тонг оттириб, Аллоҳ субҳонаху ва таолодан розилигини баён қилибдур ва дунё ишлари юзасидан бойларга таъзим қилган киши билсинки, ўз динининг уч хиссасидан икки хиссасини қўлдан бой берибдур».

Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)дан ривоят қилинади: «Ушбу уч нарсани уч нарса билан пайдо қилишнинг имкони йўқдир: мол-дунёни орзу қилганлик билан, ёшлиқни пардозу андоз билан, мукаммал саломатликни дори-дармонлар билан».

Ҳазрати Умар (р.а.)дан ушбу уч ҳикмат етиб келгандир: «Одамлар билан дўст бўлиб, хиёнатсиз яшаш инсон ақлининг ярмига тенгдир. Олимлар ҳузурида одоб-идрок билан ўлтириб, савол қилиш илмнинг ярмидир ва саҳиҳ ақида билан андиша қилиш инсон маишатининг ярмидир».

Ҳазрати Усмон (р.а.) марҳамат қилиб айтадиларки, «Агар инсон дунё-бойликка ортиқча меҳр қўйиб, унга берилмаса, Аллоҳ субҳонаху ва таоло бундай бандасини яхши кўради. Гуноҳдан қочган инсонни фаришталар яхши кўрадилар ва гадосифат бўлмай, тамагирликдан ўзини тийган одамни мусулмонлар яхши кўрадилар.

Ҳазрати Али (р.а.)нинг бизга етиб келган панду ҳикматларида: «Дунё неъматларидан ҳатто биттагина неъматига етишган бўлсанг, шу кифоядир. Яъни агар инсон ислом эгаси бўлса, унга шу неъмат етарлидир, тоат билан машғул ҳар бир одамга шунинг ўзи кифоя. Ҳодисалардан ибрат олиш учун инсонга ўлим ҳодисаси етарлидир, яъни ҳеч қандай насиҳат эшитмаса ҳам эси жойида бўлган инсон учун ўлимнинг ўзи энг оташин нотикдир», – дейилган экан.

Абдуллоҳ бин Масъуд (р.а.)дан куйидаги ибратли панд етиб келган: «Дунёда инсонлар жаҳд билан ҳаракат қилиб, мол-дунё тўплаб назарга тушадилар, лекин охирида бу бойликлар эгаларига бало-офат келтиради. Ҳаётда баъзи бир одамлар атрофдагиларни мақташ билан одамлар ўртасида обрў-шуҳрат топадилар, аммо

буларнинг барчаси охир-оқибатда уларнинг зарари билан ниҳояланади. Учинчидан, шундай одамлар ҳам борки, гуноҳ содир этадилару, агар ҳеч ким кўрмаса, мағрур ва хурсанд бўлиб юрадилар, лекин охирида буларнинг ҳаммаси уларнинг зиёни билан тугайди».

Ҳазрати Довуд (а.с.)дан ривоят қилинади, «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло «Забур»да уларга уч нарсани алоҳида ваҳий қилгандир:

Биринчиси – ҳаётлик вақтида қиёмат кунига олиб борадиган сармояни ҳозирлашга машғул бўлиш.

Иккинчиси – кун кечирриш ва бировларга муҳтож бўлмаслик учун бирорта касбга эга бўлиш.

Учинчиси – лаззат топиш учун ҳалолга интилиш.

Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) ушбу ҳадисни Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қилгандирлар: «Дунёда учта амал нажотга ва учта амал ҳалокатга сабаб бўлади. Шунингдек, учта иш инсонни улуг даражаларга эриштиради ва яна учта амал борки, гуноҳларига каффорат бўлади. Инсон нажот топадиган учта амал будир:

Биринчиси – Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан ошкора ва пинҳона қўрқиш.

Иккинчиси – йўқсилликда ҳам, бойлик вақтида ҳам меъёрида сарф-ҳаражат қилиш.

Учинчиси – осойишталикда ҳам, газабланган вақтда ҳам фақат адолатга риоя қилиш.

Инсонни ҳалокатга олиб борадиган уч нарсанинг биринчиси – ниҳоятда бахиллик қилиш ва ҳасадгўй бўлиш; иккинчиси – инсон қалбида ҳавойи нафсининг муҳрланиб қолиши; учинчиси – ўзининг сурати ва сийратига қараб кибру ҳавога берилиш.

Инсон қадрини юксалтирадиган уч нарса булардир: биринчиси – катта-кичikka салом бериш; иккинчиси – дастурхон ёзиб, одамларга таом бериш; учинчиси – тунда, ҳамма уйкудалик вақтида кўпроқ намоз ўқиш.

Энди гуноҳларнинг кечирилишига ва каффоратига сабаб бўладиган учта амал қайсилар эканлигини баён қилайлик:

биринчидан – ҳаво совуқлик вақтида яхшилаб комил таҳорат қилиш; иккинчидан – намоздан кейин яна намозни интизорлик билан кутиш; учинчидан – иштиёқ билан жамоат намозига бориш.

Жаброил (а.с.) Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)га дедилар: «Ё Муҳаммад (с.а.в.) ўзингиз истаганча ҳаёт кечираверинг, сиз оламдан албатта ўтгувчисиз! Ким билан хоҳласангиз дўстлашинг, охир оқибатда ажал сизларни жудо қилади! Истаган амалингизни қилинг, албатта қилмишингизга арзигулик ажр топасиз!»

Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Аршдан бошқа ҳеч қандай нарсанинг сояси бўлмайдиган кунда фақат уч киши унинг соясида роҳат-фароҳат топадилар: биринчиси – нафсга ёқмайдиган вақтда (чирсиллайдиган совуқ ва жазирама иссиқда) таҳорат қилувчилар, иккинчиси – намоз ўқиш учун (айниқса шом билан хуфтон) тун қоронғилигида масжид томонга борувчилар, учинчиси – очларга таом берувчилар.

Иброҳим (а.с.)дан, қандай сабаб билан Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло сизни ўз Ҳалилига айлантирди?» деб сўраганларида улар дедилар: «Қайси бир иш меники бўлсаю, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унга кафил бўлса, ундай ишлар учун мен ҳеч қачон ғам-андуҳ чекмайман на кундузи, на кечкурун бирор марта меҳмонсиз дастурхон ёзиб таом емадим».

Баъзи ҳақимлар айтадиларки, уч хислат ғам-ғуссани узоқлаштиради: биринчиси – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло зикри билан кўпроқ машғул бўлиш, иккинчиси – Ҳақ субҳонаҳу ва таоло дўстлари билан учрашиб, зиёрат қилиш ва учинчиси – мутафаккиру донолар сўзини жон қулоғи билан тинглаш.

Имом Ҳасан Басрий (р.а.)дан ривоят қилинади: «Одоби йўқ инсоннинг илми бўлмайди, сабри йўқ инсоннинг дини бўлмайди, парҳезкор бўлмаган инсоннинг Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога яқинлиги бўлмайди».

Ривоят қилинадики, Бани Исроилдан бир киши илоҳий илм талаби билан йўлга чиқди. Бу кишининг мақсади ўша замон пайғамбарига етиб борди ва уни чақириб дедилар: «Эй йигит, сенга аввалину охирын илмлари мужассам бўлган уч хислатга амал қилгин деб айтаман: биринчиси – ҳар доим, ҳар ерда Парвардигори оламдан қўрққин, иккинчиси – одамлар ҳақида ёмон сўз айтишдан тилингни тийгин, учинчиси – еяётган нонингнинг ҳалолдан ёки ҳаромдан топилганига назар солгин. Йигит Пайғамбарнинг бундай сўзларини тинглаб сафарга чиқмайдиган бўлди.

Ривоятда бордирки, Бани Исроилдан бир киши илм китобидан саксон ривоятни тўплади-ю, лекин ҳосил қилган илмидан ҳеч қандай манфаат кўрмади. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўша одам яшаётган замон Пайғамбарига: «Бу толиби илмга, агар ушбу уч хислатга амал қилмаса, бундан ҳам кўпроқ китоб тўпласа-да, ҳеч қандай фойда кўрмайди. Биринчиси – дунёга жуда ҳам меҳр қўймаслик, чунки дунё мўминлар учун тузоқдир. Иккинчиси – шайтон билан ҳамсуҳбат бўлмаслик, чунки мўминга бундай суҳбат ярашмайди. Учинчиси – ҳеч кимни уялтирмаслик, чунки бировни уялтириш мўминга хос эмаслиги мазмунида ваҳий келди.

Нақл қилинадики, Сулаймон Дороний (р.а.) ўз муножотларида: «Илоҳо, агар гуноҳларим учун жавоб беришимни талаб этсанг, сендаги бор барча афвларинг билан сени ёд этаман. Агар мени жаҳаннам оловига гирифтор этсанг, бор муҳаббатим фақат ўзингга эканлиги ҳақида Жаҳаннам аҳлини хабардор қиламан».



Аҳли адаблар шундай деган эканлар: «Энг саодатли инсон - олимона қалбга, сабрли танага эга бўлган ва олдида бор нарсаларга қаноат қилувчи инсондир».

Иброҳим Нахавий дедилар: «Сиздан илгари ўтганлар уч сабаб билан вафот этдилар, яъни кўп гапирганлик, кўп таом еганлик ва кўп ухлаганлик натижасида».

Яҳё бин Маъоздан ривоят қилинадики, дунё уни тарк этгунча дунёни тарк этган инсон, қабрга киришдан олдин савоб ишлар билан уни обод қилган инсон ва Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳузурида пайдо бўлишдан олдин Ҳақ субҳонаҳу ва таолони рози қилган инсон – бахтиёр инсондир.

Ҳазрати Али (р.а.) дейдиларки, «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло суннатига, Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатига ва авлиёлар суннатига риоя қилмаган инсон ҳеч нарсага эришмаган инсон ҳисобланади».

Ул ҳазратдан, «Аллоҳ суннати нимадир?» савол қилинди:

Улар: «Сирни ёпиқлигича сақлай билиш», – дедилар.

«Расулуллоҳ суннати нимадир?» деб сўралди.

«Одамлар орасида мурсою мадуро билан яшаш», – деб жавоб бердилар.

«Аллоҳ авлиёларининг суннати нимадир?» деб савол қилинди.

Ҳазрати Али (р.а.):

«Одамларни уяладиган ҳолатда қолдирмаслик», – деб жавоб бердилар.

Аждодларимиз бизга уч хислатни васият қилдилар: Кимки амалларини охирати учун қилса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унинг диний ва дунёвий ишлари учун кифоядир. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ботини пок инсоннинг зоҳирини чиройли қилиб қўяди ва агар инсон ўзи билан Парвардигорининг ўртасидаги ишларини чиройли қилса, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло одамлар билан унинг ўртасида яхшилиқни вужудга келтиради.

Ҳазрати Али (р.а.) насиҳатлари:

«Эй инсон, Парвардигоринг олдида энг яхши инсонлардан бўлишга ҳаракат қилгин, лекин нафсинг олдида энг ёмон одамлардан бўлишга ҳаракат қилгин: Одамлар олдида дабдабалиқдан, мақтанчоқликдан холи бўлгин. Тавозени қўлдан бой берма. Ўзингга имтиёз излама».

Нақл қилинадики, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан ўз пайғамбари Узайр (а.с.)га ваҳий юбориб деди:

«Эй Узайр, агар сендан кичкина гуноҳ содир бўлса, кичкина гуноҳ қилганингга қарамагин, бепарво бўлмагин! Қандай Зотга нофармонбардорлик қилганингга боқ! Сенга озгина яхшилик етса, унинг камлигидан хижил бўлмагин. Қандай Зот сенга ризқ берганига боққил. Сенинг гуноҳларингни менинг ҳузуримга олиб келадилар, лекин мен ҳеч қачон шикоят қилмайман. Шунинг учун сенга бирорта офат-бало етса, мен билан одамлар ўртасида шикоят қилиб оғзингни очмагин».

Ҳотамуласам исмли донишманддан шундай нақл қилинади: «Шайтон келиб ушбу уч нарсани мендан сўрамаган бирорта субҳни билмайман. Биринчи саволи – бугун нима ейсан? Иккинчи саволи – нима киясан? Учинчи саволи – қаерда ором топасан?»

Мен унга шундай жавоб бераман:

«Мен бугун ўлим шарбатини ичаман, кафанни кияман ва қабрда ором топаман. Буни эшитган Иблис мени камроқ васваса қилади».

Аллоҳ Расулидан (с.а.в.) шундай ривоят қилдилар, Ул ҳазрат дейдиларки: «Инсон гуноҳ соясидан қочиб, тоат иззатига интилса, Худойи таборак ва таоло уни молсиз бойга айлантиради, лашкарсиз бўлса ҳам куч-қудрат беради, қавму қариндошлари йўқ бўлса-да, одамлар ўртасида қадрини баланд, ҳурмат эгаси қилиб қўяди».

Ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қилинадикки, бир куни Ул ҳазрат (с.а.в.) саҳобалар олдига чиқиб, улардан сўрадилар: «Тунни қандай қилиб тонг оттирдингиз, яъни ҳозир қандай ақидадасизлар? Саҳобалар: «Тунни ўтказдик ва яккаю ягона Аллоҳга имон келтирганларданмиз», деб жавоб қилдилар. Расулulloҳ (с.а.в.): «Имонли эканлигингизнинг белгиси нимада?» деб сўрадилар. Саҳобалар: «Балоларга сабр қилувчи, роҳату фароғатга шукр қилувчи ва Парвардигорнинг берган тақдирига рози бўлганларданмиз», – деб жавоб бердилар. Бу сўзларни эшитгандан кейин Ул Ҳазрат (с.а.в.) дедилар: «Қаъба Раббисига қасамки, сизлар мўминлардансиз».

Аллоҳ субҳонаҳу таборак ва таоло баъзи пайғамбарларга ваҳий юбориб, меҳрибонлик билан марҳамат қилиб айтадики, «Менга юзма-юз келиб, айна шу ҳолатда мени севганларни Жаннатга киритаман». Мен билан юзма-юз келиб, айна шу ҳолатда мендан кўрққанларни оташ тарафига йўлламайман. Менга юзланиб, шу ҳолатда ўз гуноҳларидан уялганлар гуноҳини ёзиб юрган фаришталарга унинг гуноҳларини ёзмасликни амр қилгумдир».

Абдуллоҳ бин Масъуд (р.а.) дедилар: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло фарз қилган нарсаларни бажо келтирсанг, одамлар орасидаги обидлардан бўласан. У ҳаром деб ҳукм қилган нарсалардан йироқ юрсанг одамларнинг энг зоҳидларидан бўласан. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло сенга ризқ қилиб берган нарсаларга қаноат қилсанг, одамлар орасидаги энг бой-бадавлат одам бўласан».

Солиҳ Марқад (а.р.)дан ривоят қилинадикки, у бир неча мамлакатларга саёҳат қилиб, борган жойларда шундай саволлар берган экан: «Эй диёр, эй фалон шаҳар, бу ерда бир неча йил яшаганлар қани? Сени бунёд қилган, растаю кўчалар, гузарлар билан зийнатлаган меъморлар қани? Сендан илгари яшаганлар,

энг қадимги фуқароларинг қани?» Шундай йўсинда пайдар-пай саволлар берар экан. Кунларнинг бирида ғойибдан овоз келиб, шайхга шундай жавоб берилди: «Сен сўраётган одамлардан бирор нишона қолмаган. Улар тупроқ остидадирлар. Уларнинг жасади чириб, банд-бандидан узилган ҳолатда қабрлар қолган. Ёмон амаллари бўйинбоғ бўлиб, осилгандир. Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан бошқа ҳеч зот уларнинг яхши ва ёмон амалларини билмайди».

Ҳазрати Али (р.а.)нинг сўзлари будир: «Яхшилик ва сахий қўл билан бировга марҳамат кўрсатсанг, сен унинг амири бўласан. Агар бировдан дунё сўрасанг, сен унинг асири бўласан. Агар бировга муҳтожлик қилмасанг, сен унга ўхшаган бўласан».

Иброҳим Адҳам (р.а.)дан: «Қандай амаллар билан зуҳд-тақво эгаси бўлдингиз?» – деб сўраганларида, улар: «Уч нарсани ҳеч қачон унутмадим: биринчидан – қабрнинг даҳшатли жой эканлигини ва у ерда менга ҳеч ким ҳамроҳу ғамгусор бўлмаслигини, иккинчидан – йўлнинг паст-баланд, узундан узоқ эканлигини ва менда йўлнинг охиригача етадиган зоду-роҳила йўқлигини, учинчидан – қиёмат куни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло қози бўлганида, қўлимда мен нажот топадиган ҳеч қандай ҳужжатим бўлмаслигини», – деб жавоб берган эканлар.

Машҳур орифлардан бири бўлган Шиблий (р.а.)дан ривоят қилинади: «Эй бор Худоё, фақир ночорлигимга қарамай, чин қалбимдан барча яхшиликларимни сенинг йўлингда тортиқ қилишни истайман ва севаман. Эй эгам Парвардигоро, беҳамто ғани эканлигингга қарамай, нима учун мендан содир бўлган гуноҳларни менга тортиқ қилмайсан? Эй Мавлом, албатта шундай қилишингдан умидворман!» деб такрорлашни севар эканлар.

Агар Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло томонга интилишни истасанг, ўз нафсоний истакларингдан воз кеч. Агар Аллоҳ субҳонаҳу ва

таоло васлига етиш лаззатини туйганингизда эди, албатта ҳижрон аччигини билган бўлардингиз.

Бин Аббос (р.а.)дан ривоят қилинади: «Зухд» сўзи уч ҳарфдан – яъни «Зол», «Ҳо» ва «Дол» ҳарфларидан таркиб топгандир. «Зо» ҳарфи зоду-роҳила – қиёмат кунида бўш қўл билан зоду роҳиласиз бормасликни, «Ҳо» ҳарфи – дин йўлида ҳидоят топишдир, «Дол» ҳарфи – тоат-ибодатда доимий покликка далолат қилинишидир. Бошқа бир ўринда у улуг зот яна бундай деган эканлар: «Зухд» сўзида уч ҳарф бўлиб, «Зол» ҳарфи – зеб-зийнатни тарк этишдир, «Ҳо» ҳарфи – ҳою-ҳавасни ва нафс хоҳишини тарк этишдир, «Дол» ҳарфи – давлатга ортиқча ҳирс қўйишни тарк этишдир».

Ҳомид Лафофдан ривоят қилинадики, бир киши унинг олдига келиб панд-насиҳат истади. «Ўз динингга мусҳаф муқовасига ўхшаш муқова ясагин», – деди шайх. «Диннинг муқоваси қанақа бўлади?» – деб сўради у киши. У улуг зот шундай жавоб бердилар: «Зарурат бўлмаганда, сўзга оғиз очмагин. Эҳтиёждан ташқари дунёни талаб этмагин. Одамларга ҳаддан ташқари яқинликда бўлмагин. Бундан ташқари, шуни аниқ англагинки, зухднинг асоси ҳаромдан комил парҳез қилишдан иборатдир. Нафсга хоҳ қийин бўлсин, хоҳ енгил бўлсин, барча фарзларни бажо келтиришдир».

Луқмони Ҳаким (а.с.) ўз ўғилларига насиҳат қилиб дедилар: «Эй, ўғилгинам, шуни билгинки, барча одамлар нафси уч қисмга бўлинади. Масалан, инсон дунёдан ўтганда уч қисмга тақсимланади. Бир ҳиссаси Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло учун, иккинчи ҳиссаси ўзи учун, учинчи ҳиссаси қурт-қумурсқаларга қолади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ҳиссаси унинг руҳидир, ўзига қоладиган ҳиссаси инсоннинг ўз амалларидир ва қурт-қумурсқаларга қолган ҳисса унинг жасадидур».

Ҳазрати Али (р.а.) дедилар: «Уч нарсанинг истеъмоли қилиниши хотирани мустақкамлайди ва зиёда қилади, балгамни кетказди: биринчи – тишларни мисвок қилиш, иккинчи – рўзадорлик, учинчи – Қуръони карим қироати».

Каъбулахбор (р.а.)нинг насиҳатлари: «Мўминларни шайтон ёмонлигидан ҳимоя қиладиган уч нарса бўлиб, улар шайтон алайҳилаъна кира олмайдиган баланд, мустақкам қалъадекдир: биринчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уйи – Масжидга кирган киши, иккинчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло зикри билан ўзини машғул этган инсон қалби, учинчи – Қуръон қироати билан машғул бўлган инсон. Ана шу уч ҳолатда у малъун инсонни васваса қилишга қодир бўлмайди.

Ҳукамолар шундай насиҳат қиладилар: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўзининг суюкли бандаларига берадиган туганмас хазинаси уч нарсадан иборатдир: фақирлик, хасталик ва сабр қилиш».

Бин Аббос (р.а.)дан: «Энг яхши кун, энг яхши ой ва энг яхши амал қайсидир?» – деб сўрадилар. Улар шундай деб жавоб берган эканлар: «Энг яхши кун – Жума куни, энг яхши ой – Рамазони шариф ойи ва энг яхши амал – беш вақт намозни ўз вақтида адо этиш». Орадан уч кун ўтгандан кейин Ҳазрати Али (р.а.) ҳузурларига бориб, Бин Аббос (р.а.)га шундай савол берилди ва шундай жавоб олинди, деган хабарни етказдилар. Ҳазрат Али (р.а.) бундай жавоб қилдилар: «Агар Машриқдан Мағрибгача бўлган жойдаги олиму фуқаролар бир жойга йиғилганда ҳам Бин Аббосдан ортиқроқ мантиқли жавоб беролмаган бўлардилар, балки менамдан бошқа. Билинги, энг яхши амал Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога манзур бўладиган амалдир, энг яхши ой Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло даргоҳига илтижо билан қилинган насух тавбаси қилинган ойдир ва энг яхши кун Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳузурига имон билан йўл олган кундир».

Дейдиларки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бандани хайрга йўллаганда, уни динда фақиҳ, дунёда зоҳид ва ўз айтганларини яхши биладиган қилади.

Ривоят қилинадики, Пайгамбаримиз (с.а.в.) шундай деб марҳамат қилган эканлар: «Дунёда сизлар яхши кўрадиган нарсалардан фақат учтасини менга яхши кўриладиган қилинди: биринчиси – хушбўйликлар, иккинчиси – намозда равшанлик ва осойишталик, учинчиси – аёллар».

Шу вақтда Ул ҳазрат (с.а.в.) ҳузурида ўтирган саҳобалар билан бирга шу ерда ҳозир бўлган ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (р.а.): «Ҳа, рост айтдингиз, ё Расулаллоҳ, мен ҳам уч нарсани яхши кўраман: биринчиси – Сизнинг – Аллоҳ Расулининг муборақ юзингизга назар солишни, иккинчиси – ўз молимни сизга тортиқ қилишни, учинчиси – Сизга қизимизнинг никоҳланганлигини».

Ҳазрат Умар (р.а.) шундай дейдилар: «Рост гапирдингиз, эй, Абу Бакр. Менда ҳам дунёда яхши кўрадиган учта нарса булардир: биринчиси – амри маъруф, иккинчиси – наҳий мункар, учинчиси – содда кийиниш».

Ҳазрати Усмон (р.а.) эса: «Гапингиз рост, ё, Умар, менга ҳам дунёдаги уч нарса дўст қилинади: биринчиси – очларни тўйдириш, иккинчиси – яланғочларни кийинтириш ва учинчиси – Қуръон тиловати», – дедилар.

Ҳазрат Али (р.а.) дўстларининг сўзларини эшитиб: «Рост айтдингиз. Менга ҳам дунёнинг уч нарсаси маҳбуб қилинган. Биринчиси – меҳмоннинг ҳурматини жойига қўйиб, иззат-тавозиат билан унга хизмат қилиш, иккинчиси – ёз фаслида рўза тутиш, учинчиси – душманлар бўйнига қилич солиш. Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) асҳоб билан шу аснода суҳбат қилиб ўтирганларида Жаброил (а.с.) келиб шундай дедилар: «Аллоҳ субҳонаҳу таборак

ва таоло сизларнинг сўзларингизни эшитди ва эй, Пайгамбар, сизга шундай амр қилиндики, истаган саволингизни сўрашингиз мумкин экан».

Муқарраб фаришта яна илова қилдиларки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўз бандаларидаги уч нарсани яхши кўришлигини айтди. Биринчиси – ўз эҳтиёжига, қудратига қараб, исроф қилмай сарф қилишни, иккинчиси – гуноҳдан пушаймон бўлган вақтларида кўз ёши тўкишларини, учинчиси – фақирлик ва йўқлик вақтида сабр-қаноатли бўлишни».

Баъзи донишмандлар шундай деган эканлар: «Орифлик самараси уч нарсдан иборатдир: биринчи – Аллоҳ субҳонаҳу таолодан уялиш, иккинчи – ҳар қандай нарсаларни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло хотири учун яхши кўриш ва учинчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло тоат – ибодатига одат қилиб, яқинлик пайдо қилишдир».

Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинадики: «Муҳаббатнинг асоси ва пойдевори – Аллоҳ субҳонаҳу ва таолони танишдир. Поқдомонлик – имонлиликнинг аломатидир. Яқинлик – бу Худодан қўрқашдир ва Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло белгилаган тақдирга рози бўлишдир».

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Пайгамбари (с.а.в.)дан яна шундай ривоят қилинадики, «Ҳақиқий муҳаббат уч хислатда зоҳир бўлади: биринчиси – бекор сўзлардан узоқлашиб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло дўстларининг сўзларини эшитишни ихтиёр қилиш; иккинчиси – бошқаларнинг суҳбатига қараганда Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло дўстларининг суҳбатига кўпроқ мойил бўлиш ва рағбат қилиш; учинчиси – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло дўстларининг ризосини бошқаларникига қараганда ортиқ билиш», – деб марҳамат қилдилар.



Ваҳб бин Мунаббаҳ (р.а.)дан шундай ривоят қилинади: «Таврот»да айтилгандирки, агар ҳарис (очкўз) бутун дунё бойликларини қўлга киритганда ҳам фақирлигича қолади, агар у бировнинг қули бўлганда ҳам итоаткор итоатлидир. Қаноатли шахс-агарчи оч бўлса ҳам бой ва тўқ ҳисобланади».

Баъзи ҳукамолардан ривоят қилинадики, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолони таниган киши одамлар орасида бўлганда лаззат топа олмайди. Дунёни яхши билган одам унга ҳаддан ташқари рағбат қилмайди. Парвардигорининг адолатини таниган банда Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳузурида кўп рақиблик қилмайди.

Зуннун Мисрийдан нақл қилинади: «Барча таҳликачилар қочувчи бўлади, агар инсон бирор ишга рағбат кўрсатса, ҳар доим унинг талабида бўлади ва Аллоҳ субҳонаҳу ва таолони дўст тутган ўз нафсига кам эътибор беради, унга бегоналарча муомала қилади».

Шу улуг зотдан яна бир ривоят бизгача етиб келган: «Ҳақ таоло йўлининг орифи бўлган киши асирдекдир, унинг қалби тоза, равшан ва Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло зикри билан банд бўлган бўлади, ҳам ўз нафси ҳою ҳаваси пайдан бўлмайди. Бундай инсоннинг амали беҳад зиёдадир». Зуннун ўз пандлари ниҳоясида «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло йўлидаги ориф жуда вафодор, қалби ҳар қандай гашдан пок ва амалларини охирига етказадиган бўлади, кибру риёдан, гердаишу мақтанчоқликдан йироқдир».

Сулаймон Доронийдан бизга етиб келган ривоятда: «Агар қўлингдан келса, барча яхшиликлар боши шу дунёдадир. Охират Худодан қўрқишдир. Бу дунё калити ва унинг фисқу-фасоди тўқлигу фаровонликда бўлиб, охират калити очлиқдадир».

Менинг жондан азиз ўқувчиларим, икки дунё манфаатига тўла бўлган пурҳикмат бу сўзлар бахтиёрлар учундир. Масалан, соҳибфаросатлар учун бу сўзлар нақадар пандга конлигини

кўринг: ибодат касбдир, унинг дўкони хилватнишинликдир, сармоёси Худодан қўрқиб ва ундан оладиган манфаат Жаннатдир. Ёки бу насиҳатга эътибор беринг, Молики Динордан бизга қолдирган дурдоналарда, мўминлардан бўлиш учун уч нарса билан уч нарсани эгаллагин деб таълим берилади, яъни кибрни тавозе ва дўстни билиш билан, дунё ҳирсини қаноат билан ва ҳасадни яхши насиҳат билан ёки уни тинглаш билан!

### БУ ТЎРТДАН БАҲРА ОЛГИНУ ТЎРТИДАН БЎЛГИН ЙИРОҚ

Пайгамбаримиз (с.а.в.)дан ривоят қилинадикки, Абу Зарр Гифорийга дедилар: «Ё Абу Зарр, ўз кемангни ўз вақтида созлагин, чунки денгиз тубсиз ва поёни йўқдир, йўл озигингни кўпайтириб олгин, чунки йўл жуда узундан-узоқдир, юкингни енгиллатгин, чунки йўлдаги доволардан ўтиш жуда мушкулдир, амалларингни холису пок тутгин, чунки ҳеч қачон ухламайдиган У зот ҳамма ҳолатда ҳам ҳозир нозирдир».

Мўминларнинг тавба қилиши фарздир, лекин гуноҳдан қочиш вожибдир. Мусибату балоларга сабр қилиш оғир иш бўлиб, савобни қўлдан бой бериш бундан-да оғирдир. Ўтгувчи замонанинг талайгина ажойиботлари бор, аммо одамларнинг гафлатга ботиши бундан-да таажублироқдир. Истиқболдаги барча келадиган нарсалар аниқдир, лекин ажалнинг келиши ундан ҳам аниқроқдир.

Баъзи ҳақимлар дейдиларки: «Тўрт хислатни эгаллаш яхшидир: эркаклардаги шарму ҳаё яхши бўлиб, бу хислатнинг аёлларда бўлиши янада афзалроқдир. Одамлар томонидан

бўладиган адолат яхшидир, аммо ёшлиқда қилинган тавба бундан да яхшироқдир. Бойларнинг саховатли бўлиши яхшидир, лекин камбағалнинг сахийлиги ундан ҳам яхшироқдир».

**Байт:**

*Йигитликда тавба қилмоқ пайгамбарлик сафосидир,  
Кексалик айёмида номусулмон ҳам келур иймонга.*

**Байт:**

*Очлик вақтида огизга овқат олмаслик ҳимматдир,  
Чунки туқлик вақтида ҳар ким ҳам итга нон берур.*

Баъзи ҳақимлар насихати будир: «Тўрт нарса қабиҳдир, лекин бир нарса ундан ҳам қабиҳроқдир, лекин бошқа бир нарса ундан ҳам қабиҳроқдир. Яъни ёшларнинг гуноҳ қилиши ёмондир, лекин кексаларнинг гуноҳ қилиши ундан ҳам ёмондир. Жоҳилнинг молдунё кетидан қувиши ёмондир, лекин олимнинг бундай қилиши ундан ҳам ёмонроқдир. Тоат-ибодатда ялқовлик, ҳафсаласизлик – барча одамларда содир бўлиши ёмондир, лекин олимлар ва илм толиби томонидан бунинг содир бўлиши ундан ҳам ёмондир. Бойларнинг гердайиши, кибру ҳавога берилиши ёмондир, аммо камбағалу фақирлардан бунинг содир бўлиши янада ҳам ёмондир».

**Байт:**

*Агар бўлсанг бекибру бериё,  
Бўлурсан хоси даргоҳи кибриё.*

Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) ушбу тўртлик тушунчаси бобида бундай дедилар: «Тўрт нарса тўрт нарса билан тўғриланади, тартибга келтирилади: яъни намоздаги хатони иккита саҳв саждаси билан, рўза фитр садақаси билан, ҳаж фидя билан ва имон душманларга қарши курашиш билан».

Абдуллоҳ Муборак (р.а.) айтадиларки, «Ҳар кунлик беш вақт намознинг ўн икки ракаат суннатини адо этган одам барча

намозларни адо этган бўлади. Ҳар бир ойда уч кун рўза тутган одам рўзадорлик ҳақини адо этибдур. Ҳар куни Куръони каримдан юз оят тиловат қилган одам, тиловат ҳақини адо этибди. Жума куни бир дирҳам садақа берган одам садақа бериш ҳақини адо этибди».

Ҳазрати Умар (р.а.)дан ривоят қилинадики, «Инсонлар гарқ бўладиган денгизлар тўрттадир: биринчиси – ҳавойи нафс, гуноҳлар денгизи бўлиб, инсонлар унда гарқ бўладилар. Иккинчиси – нафс бандаси шаҳват денгизида гарқ бўлади, учинчиси – ўлим шундай денгиздирки, инсон умрини ўз қаърига тортиб, барча инсонлар унда гарқ бўлади ва ҳеч ким омон қолмайди. Тўртинчиси – қабр, афсус, пушаймонлик ва надоматлар денгизидир ва инсон умри бу денгизда гарқ бўлади».

Ҳазрати Усмон (р.а.) дедилар: «Мен ибодат лаззатини тўрт нарсада топганман:

Биринчиси – Аллоҳ субҳонаҳу таборак ва таоло фарзларини адо этишда.

Иккинчиси – Аллоҳ субҳонаҳу таборак ва таоло барча ҳаром қилган нарсалардан йироқ бўлишда.

Учинчиси – Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ризоси учун қилинадиган амри маъруфда.

Тўртинчиси – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ғазабидан ўзни ҳимоялаш учун наҳий мункарда».

Ҳазрати Усмон (р.а.)дан бизга етиб келган бошқа бир ривоятда айтиладики, «Шундай тўрт нарса бордирки, зоҳирининг (ташқи томони) фазилати бордир, ботини (яширин томони) эса, фарздир:

биринчиси – солиҳ одамлар билан ҳамнишинлик фазилатли бўлиб, амалларига эргашиш ва уларга пайравлик қилиш фарздир; иккинчиси – Куръони карим тиловати фазилатли бўлиб, унга

амал қилиш эса фарздир; учинчиси – аҳли қубур (қабристонда ётганлар) зиёрати фазилатлидир, қабр ичида роҳат-фароғатга эришиш учун бу дунёда тайёргарлик кўриш фарздир; тўртинчиси – хаста-беморлар зиёратига бориш фазилатлидир, аммо унинг салоҳиятли васиятларига амал қилиш фарздир.

Ҳазрати Али (р.а.) насиҳатларида бордир: Жаннат иштиёқида бўлган инсон хайрли ва савоб ишлар қилишга шошилмоғи даркор. Дўзах оташидан қўрқадиганлар ўзини шаҳват чангалига ташлаб қўймасин. Охир-оқибат ўлишига ишонган одам дунё лаззатларига бутунлай берилмайди. Дунё ва унинг асл моҳиятини тушунган инсон мусибатларга сабр қилади, унча ҳам куюна бермайди.

Расулulloҳ (с.а.в.)дан келтиришларича: «Динни ушлаб турувчи устун намоздир. Садақа Парвардигорнинг газабини пасайтиради. Рўза ўз эгасини Дўзах оловидан ҳимоя қилади. Жиход дин чўққисидир».

Нақл қилинадики, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўзининг Бани Исроилдан чиққан пайғамбарларига шундай ваҳий юборган экан: «Эй инсон, агар ўзингни маъноси пуч сўзларни айтишдан тийсанг, мен учун рўза тутгандек бўласан. Ўз баданинг аъзоларини ҳаромдан эҳтиёт қилиб пок тутсанг, ҳар доим мен учун ибодатда бўлгандек ҳисобланасан. Халқдан тама қилмасанг, гўёки мен учун садақа бергандек бўласан. Одамларни уялтиришни ва озор беришни раво кўрмасанг, гўёки мен учун жиход қилгандек бўласан».

Абдуллоҳ бин Масъуд (р.а.) марҳамат қиладилар: «Тўрт нарса инсон қалбини қоронғу-зимистонга айлантиради: биринчиси – фарқига бормасдан, турли йўллар билан ўз қорнини тўйдириш; иккинчиси – золимлар билан ҳамсуҳбат бўлиш; учинчиси – ўтмишдаги гуноҳларини унутиш; тўртинчиси – амалга оширилиши қийин бўлган узундан-узоқ орзу-умид қилиш.

Лекин бошқа тўрт нарса бордирки, қалбни чарогон қилади, нурга тўлдиради: биринчиси – қоринни тўқ тутмаслик ва овқатланишдан олдин унинг ҳалол ёки ҳаром йўллар билан топилганлигини тафаккур қилиш; иккинчи – солиҳлар билан ҳамсуҳбат бўлиш; учинчи – ўтмишдаги гуноҳларни унутмаслик ва ҳар доим уларнинг товони тўланишини ўйлаб тавба қилиш ҳамда ўз гуноҳлари ҳақида бировлар олдида оғиз очмаслик; тўртинчи – ўзининг дунёда вақтинчалик бўлаётганлигини унутмаслик ва охиратга сафар қилиш учун ҳар доим тайёргарлик кўриш».

Ҳотами Асамдан шундай ривоят қилинади: «Билингки, ушбу тўрт нарсани бу тўрт нарсасиз даъво қилган одам ёлгончидир.

Биринчиси – «Мен Аллоҳ субҳонаҳу ва таолони яхши кўраман» – дейди, аммо у ҳаром деб ҳукм қилган нарсалардан парҳез қилмайдиган шахс ёлгончидир.

Иккинчиси – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Пайғамбарини яхши кўраман деб даъво қилади, аммо фақиру камбағалларга ва ночор-нотавонларга нафрат кўзи билан қарайдиганлар ёлгончидир.

Учинчиси – Жаннатни яхши кўраман деб даъво қилувчилар, аммо Жаннат борлигига дилдан иқрор бўлмаса, ёлгончилардандир.

Тўртинчиси – мен Дўзах оловидан қўрқаман дейдиганлар, лекин гуноҳдан ҳазар қилмайдиган, гуноҳ ишлардан узоқ юрмайдиганлар ёлгончидир.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилиб, бундай деган эканлар:

«Шақоватнинг (бадбахтлик) тўрт белгиси бордир: биринчидан – ўтмишдаги гуноҳларни унутишдир, чунки ўша гуноҳлар Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳузурда сақланган бўлади; иккинчиси – ўтмишдаги яхши ишларни ҳамиша одамлар олдида ёки ўзи ёлғиз қолганда фахр билан эслашидир, лекин бу ишлар Раббимиз даргоҳида мақбул бўлган-бўлмаганлигини

билмайди; тўртинчиси – динда ўзидан пастроқда бўлганларга эътибор беради ва шу билан қаноатланиб қолади, ўз билимини такомиллаштиришга интилмайди».

Ул ҳазрат (с.а.в.) дейдиларки, «Бахтиёрликнинг ҳам тўрт белгиси бордир: ўтмишдаги гуноҳларни ёдда сақлаб, қилган яхшиликларни унутиш. Ўзидан афзалроқ диндошига тенглашишга интилиш. Ўзидан қуйироқдагиларни кўриб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унга кўпроқ марҳамат кўрсатгани учун сабр, шукроналар қилади».

Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг маҳбуб Пайғамбари Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)дан ривоят қилинадики, «Оналар тўрт тоифадир: дорилар онаси, ибодатлар онаси, орзулар онаси ва одоблар онаси. Кам ейишлик– дорилар онасидир, гуноҳга ботишдан эҳтиёт қилиш–ибодатлар онасидир, кам сўзлашлик – одоблар онасидир ва сабр-қаноатли бўлиш – орзулар онасидир».

Бошқа ривоятда келтирубдирларки, инсон боласининг жисмида тўрт жавҳар мавжуд бўлиб, бошқа тўрт нарса уларни йироқлаштиради. Ушбу тўрт жавҳар булардир: ақл, диң, ҳаё ва солиҳ амаллар. Агар ғазаб голиб келса – ақлдан узоқлаштиради; ҳасад – диңдан; тама – ҳаёдан ва ғийбат – солиҳ амалдан йироқлаштиради. Яна бошқа бир ривоятда ул Баракотли зотдан (с.а.в.) Жаннатда тўрт нарса бор бўлиб, улар Жаннатнинг ўзидан ҳам яхшироқдир, дейилган. Биринчиси – Жаннатда абадий қолиш, иккинчиси – фаришталар хизмати, учинчиси – пайғамбарлар билан қўшничилик суҳбатлари қуриш ва тўртинчиси – Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ризоси Жаннатнинг ўзидан ҳам афзалдир.

Дўзахда тўрт нарса бор бўлиб, улар ёмонлиги Дўзахнинг ўзидан ҳам баттарроқдир: биринчи – Дўзахда абадий қолиш, малоикаларнинг оловга маҳкум қилинган фаришталарни маломат

қилишию таққирлашлари, шайтон билан Дўзахда абадий қолиш (Аллоҳ сақласин) ва Жаҳаннам ўтида Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло газабига гирифтор бўлиш.

Баъзи ҳақимларга: «Аҳволингиз қандай?» – деган савол берилганда, улар: «Ўз Парвардигоримиз билан биргамиз – муваффақиятдамиз, ўз нафсимиз билан муҳолифатдамиз, одамлар билан биргамиз, уларнинг насиҳатидамиз, аммо дунё билан зарурат доирасидагина ҳамкорликдамиз», – деб жавоб беришган экан.

Айрим ҳақимлар тўртта китобдан тўртта ҳикматни танлагандирлар: «Таврот»дан Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло нимаики берган бўлса, рози бўлган шахснинг дунё ва охиратда насибаси роҳат-фароғат бўлишини олдилар. «Инжил»дан ўз шахватининг белини синдириб, ўз амалларини унга қарама-қарши қўйган шахснинг дунё ва охиратда иззат-икромда бўлишини топдилар. «Забур»дан ўз диний ақида-сида одамлардан ажралиб яшаган одам, яъни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло фармонига мувофиқ, ўз даври ва замонаси пайгамбарининг суннати бўйича умр кечирса, дунё ва охиратда нажот топиши панду ҳикматини олдилар. «Қуръон»дан ўз тилини тийган инсон дунё ва охиратда нажот топувчилардан бўлишлигининг одобини олдилар.

Абдуллоҳ бин Муборак (р.а.)дан ривоят келтиришларича, «Бир ҳақим ва донишманд киши бор эди. Кўп ҳадисларни, панду ҳикматларни тўплади. Улар орасидан қирқ мингтасини ажратиб олиб амал қилди. Орадан вақт ўтиб қирқ мингдан тўрт мингини, тўрт мингдан тўрт юзтасини, тўрт юздан қирқтасини ва қирқтадан тўрттасини ажратиб олди ва мана улар: ҳар қандай ҳолатда аёлга ишонма, ҳеч қандай мол-дунёга ишонма, кўтара олмайдиган нарсани меъдангга юклама ва инсонларга фойда келтирмайдиган илмни ўрганма».

Муҳаммад бин Аҳмад (р.а.) «Оли Имрон» сурасининг 39-ояти «Ва саййидан ва ҳусуран ва набийан минас-солиҳийн»ни



бундай тавсиф қилган эканлар. «Бу ояти карима Яҳё (а.с.)га ишорадир. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уни «сайид» деб сифатлайди, лекин у Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг бандасидир: Бундай олий мақом ва мартабада унга хитоб қилишнинг боиси шундақи, улар тўртта амалда зафар топгандирлар: биринчиси – ҳавойи нафс устидан, иккинчиси – тил устидан, учинчиси – иблис устидан, тўртинчиси – ғазаб устидан».

Ҳазрати Али (р.а.) дедилар: «Агар тўрт нарса бардавом бўлса, дину дунё ҳар доим барқарорликда бўлади: биринчиси – мол-дунё камбағалларга закот, эҳсон ва садақа бериш йўлида сарфланганда, иккинчиси – олимлар ўзларидаги бор илмга тўлиқ амал қилганларида, учинчиси – жоҳиллар кибр-ҳавони тарк этиб, билмаганларини олимлардан сўраб олганларида, тўртинчиси – фақиру ночорлар кун ўтказиш умидида ўз динларини дунёга сотмаганларида».

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Пайгамбаридан (с.а.в.) ривоят қилинади: «Ҳақ субҳонаҳу ва таоло қиёмат кунида дунё ишлари билан машғул бўлиб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ибодатини тарк қилганлик сабабини давлатдорлардан, куллардан, беморлардан ва бошқалардан далил-ҳужжатлар асосида сўрайди».

Давлатманд ўз бойлигини пеш қилиб, мен бойлик топиш билан машғул бўлдим, шунинг учун ибодатингни ўрнига қўя олмадим деб баҳона қилади. Шунда Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Сулаймон (а.с.) бин Довуд (а.с.)ни мисол келтириб, сен Сулаймон (а.с.)дек бой-бадавлат эдингми? – деб сўрайди.

Кулдан савол қилинганида: «Бировнинг қули эдим, унинг хизматидан бўшаб сенинг ибодатингни мукамал қилиш имконини топа олмадим», деб баҳона қилади. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло унга: «Сен Юсуфга ўхшаб қулликда, банди-зиндонда

эдингми? Ахир у ҳатто зиндонда ҳам ибодатимни қанда қилмади-ку», – дейди.

Бемордан савол қилинганда у: «Мен касаллигим сабабли сенга бандалик вазифасини адо этишга куч-қувват топа олмадим», деб жавоб берганида, Парвардигори олам унга Айюб (а.с.)ни мисол келтириб айтадики, «Сен бандам Айюб сингари оғир касал эдингми?» У касаллиги вақтида ибодатни қанда қилмаган эди-ку!» – дейди.

Камбағал-ночордан сўраганда у фақирлигини, ночорлигини баҳона қилиб кўрсатади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унинг баҳонасини далил-ҳужжатлар билан рад этади ва «Сен маркабидан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган Исо (а.с.) каби фақирликда ҳаёт кечирган эдингми? Шундай аҳволда ҳам у менинг амри-фармонимни тарк этмади-ку!» – дейди.

Саъд бин Билол (ра.)дан нақл қилинадики, «Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг меҳрибонлигига қаранг, бандадан гуноҳ содир бўлганда ҳам тўрт нарсани беришда давом этади ва ўз лутфу карамини тўхтатмайди. Биринчидан – унинг ризқини қирқиб ташламайди, иккинчидан – саломатликни ундан тортиб олмайди, учинчидан – гуноҳларини бу дунёда одамларга ошқора этиб шарманда қилмайди, тўртинчидан – уни тезлик билан балою азобларга гирифтор қилмайди, агар қилмишидан пушаймон бўлиб, тавба истиғфор қилса, ўзининг ношоиста амалларини тарк этса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уни мағфират қилади. Ҳатто фаришталарга гуноҳларини номаи аъмолига ёзишда шошилмасликни буюради, шоядки тавба қилса. Агар тавбани тилига келтирмаса, албатта гуноҳи номаи аъмолига киритилади. Қилган гуноҳлари ҳақида қиёмат кунда баданидаги аъзолари ва Кироманкотибийн деб аталувчи икки фаришта гувоҳлик берадилар.

Ҳотами Асамдан шундай насиҳат етиб келгандир: «Агар ҳар бир инсон бу дунёда тўрт нарсани бошқа тўрт нарсага сарфласа, иншоаллоҳ Жаннатни топгусидир: биринчиси – агар уйқуни қабрда бўлиш вақтига олиб қўйса, яъни тириклик вақтида танбалликни тарк этиб, номаи аъмолини чиройли, хайрли амаллар билан тўлдирса, иншоаллоҳ Жаннатни топади, иккинчиси – фахрни Мезонга қолдирсин, яъни бу дунё идрокли, доно инсон учун фахрланиш жойи эмасдир. Қиёмат кунда Мезонда банданинг хайрли амали ёмон амалларидан оғир келганида, номаи аъмоли ўнг қўлидан берилганда фахрланса арзийди. Шунда у бошини баланд кўтариб атрофидагиларга: «Мана номаи аъмолимни олиб кўринглар, чунки мен дунёда бу даҳшатли кунда юзма-юз келишни, мени нима кутишини жуда кўп ўйлардим, шунинг учун қудратим етганича Парвардигоримга итоат қилдим. Қандай яхшики, У менинг ибодатим қадрига етиб, бугунги кунда Ўзининг лутфу карами билан мақому мартабамни юксалтирди. Энди топган бу неъматим билан ифтихор қилсам арзийди! Учинчи – роҳату фароғатни Сирот кўприги тепасида бўлишга олиб қўйишдир. Ақли ҳуши жойида бўлган ҳар бир инсон Сирот кўпригидан ўтиш нақадар мушкуллигини асло унутмаслиги керак. Бу кўприк Жаҳаннам устида тортилган бўлиб, жуда узундир, тепага кўтарилиб, пастга тушадиган жойи жуда кўпдир. Дўзах нозирлари қўлларида илгаклар тутиб турган ҳолда кўприкни кузатиб турадилар. Кўприқдан ўта олмаётганларни бирма-бир илгаклар билан илиб олиб, Жаҳаннам оловига отадилар. Инсон бу хавfli ўтиш жойидан ўтиб бўлмагунча роҳат-фароғат топмайди. Бу дунёда у йўллардан осонлик билан ўтишга тайёргарлик кўриши керак, ўз умрини Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло розилигини топиш учун сарфлаши

лозим. Тўртинчи – лаззат топишни Жаннатга олиб қўйиши керак. Дарҳақиқат, каломи Раббоний оятлари ва Пайгамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларига кўра, Жаннат роҳату фароғати олдида бу дунёнинг лаззатлари ҳеч нарсага арзимади».

Донишманд Ҳомиди Лаффоф шундай дейди: Биз тўрт нарсани тўрт нарсдан топишни истадик, аммо хато қилдик ва ўша тўрт нарсани бошқа тўрт нарсдан топдик: масалан биз бой бўлиш учун мол-дунё тўплашга ҳаракат қилдик, аммо уни сабр-қаноатда топдик. Роҳатни бойликдан қидирдик, лекин уни мол-дунё озлигида топдик. Лаззатни неъматдан изладик, аммо уни сиҳат-саломатликда топдик. Ризқ-рўзини ер юзидан изладик, аммо уни осмондан топдик, яъни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло қор-ёмғирни бермаса, ердан ҳеч нарса униб чиқмайди.

**Байт:**

*Гар ризқ-рўзи учун минг югурсанг ҳам,*

*Насибангдан на бўлар ортигу, на кам.*

Ҳазрати Али (р.а.) насиҳатларидан: «Агар ушбу тўрт нарса қанча кам бўлса-да, жуда кўп ҳисобланади: биринчи – инсон баданидаги дарду касали, иккинчи – камбағаллик, ночорлик, учинчи – оташ ва тўртинчи – душмандорлик.

**Байт:**

*Гарчи душманинг паиша бўлса-да,*

*Уни филдан билма кам.*

Ҳотами Асамдан ривоят бордир: «Тўрт нарсанинг қадрини ушбу тўрт нарсасиз билиб бўлмайди: ёшлик қадри – қариликда, тинчлик-осойишталик қадри – нотинчлик, балою офат келганида, ташвишли кунда билинади, сиҳат-саломатлик қадри – касал бўлганда билинади ва тириклик қадри ҳаётдан кўз юмгандан кейин пайдо бўлади. Агар инсон имон нури билан бу дунёдан кўз юмса,

бошқа бу дунёга қайтишни истамайди. Кофир бу дунёга қайтишни, яхши амаллар қилишни, уни тўғри йўлга бошламаганлардан узоқ бўлишни истаydi. Каломи Илоҳийда, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Пайгамбари буюрганига амал қилганимда эди, бу оғир азобга гирифтор бўлмаган бўлардим, дейди. Аммо энди унинг орзуси амалга ошмайди. Агар унинг орзуси ижро бўлади деб фараз қилинганда ҳам у илгариги ишларини давом эттирган бўларди. Бин Аббос (р.а.) қавли билан айтганда, закот бермаган баъзи мўминлар ҳам шундай орзу қилишар экан. Наъузубиллоҳ!

#### **Арабча назмнинг эркин таржимаси:**

Агар гуноҳларимни ўйласам жуда кўпдир, аммо Парвардигоримнинг раҳмати ундан ҳам кўпроқ. Солиҳ амаллар қилганимда ундан таъмаим йўқдир, лекин Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло раҳматидан умидворман. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло мени халқ қилибди ва у менинг эгамдир, мен унинг бандасиман, бунга иқрорман ва унинг олдида таслим ила бошимни эгаман. Агар унинг раҳмати менга етмаса, не илож қилурман, чунки ундан бошқа бундай сифатли илоҳ йўқдир.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: «Қиёмат қойим бўлган кунда бандалар аъмолининг ўлчаниши учун Мезон ўрнатилади. Дастлаб намозхонлар номаи аъмоли, кейин рўзадорлар ва ундан кейин ҳожиларнинг номаи аъмоли тортиб кўрилади-да, ажр-мукофоти берилади. Тўртинчи бўлиб, тарозу бошига бало-офатга дучор бўлиб, дунёдаги турмуш машаққатларига сабр-қаноат билан чидаганлар, ўз имонларини ҳимоя қилганлар келтирилади. Мезон тарозусига солмасдан уларнинг амаллари ўлчанади. Ҳатто номаи аъмоллари очилмасдан, уларга мукофотлар берилади. Қаттиқчиликни кўрмаганлар, сабр деганни тушунмайдиганлар сабр қилувчиларнинг

мартаба - даражасини кўриб, агар биз ҳам шуларга ўхшаб ҳаёт кечирганимизда эди, шундай ажр олган бўлардик, деб афсус қиладилар.

Баъзи ҳақимлар бундай хулоса қилганлар: «Инсоннинг тўртта олувчию тортувчи билан юзма-юз келиши муқаррардир. Биринчи – Малакулмавт (ўлим фариштаси) жонини, иккинчидан – ворислари молини, учинчидан – қабрда қурт-қумурсқалар баданининг гўштини ва тўрттинчидан – рақиблари, яъни дунёда ундан зулму ситам кўрганлар қиёмат кунида Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло амри билан унинг савобларини тортиб оладилар».

Ҳақимларнинг бизгача етиб келган панду ҳикматга кон насиҳатларида: «Шаҳвати ғолиб бўлганлар уйланишлари лозим. Мол-дунё тўплашга интилганлар албатта ўз молига ва касбига ҳаромни ҳам қўшади. Мусулмонларга манфаати тегадиган одам муросали бўлади. Ибодат билан машғул бўлувчи – шайтон йўлдан урмаслиги учун илмга эга бўлмоғи даркор».

Ҳазрати Али (р.а.) ҳушёр бўлишга даъват этадилар: «Бажарилиши қийин бўлган тўртта амал бор: биринчиси – ғазабланиб турган вақтда афв этиш, иккинчиси – қўл калталиқ қилган вақтда сахийлик қилиш, учинчиси – бегона аёл билан бир жойда бўлган вақтда парҳезкор бўлиш, тўрттинчиси – ундан таҳликага тушган ёки бирор инъомга интизор бўлган шахсга ҳақ сўзни айтишдир».

«Забур»да Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ҳазрати Довуд (а.с.)га юборган амр-фармонларда айтилгандирки, ақли идроки жойида бўлган инсон тўрт соатдан ортиқ бўш қолмаслиги керак. Биринчи соатда – ўз Парвардигорига мурожаат қилиб, намоз ўқиб, дуо қилиб, тақбир айтсин. Иккинчи соатда – бугун қандай хайрли ёки ёмон амал содир қилганлиги борасида ўз нафсини тергасин.

Учинчи соатда – биродарларидан хабар олиб, уларга амри маъруф, наҳйи мункар қилсин. Тўртинчи соатда – ўзини ғайр лаззатлардан узоқлаштириб, ўзининг фароғатли ҳалол лаззати билан қолсин.

**Байт:**

*Агар мард бўлсанг, ҳар кеча сўрагин ўзингдан,  
Ки бугун аҳли инсон не наҳф кўрди ўзингдан.*

### **БЕШ АМАЛДАН БАҲРАМАНД БЎЛГИН ВА БЕШИДАН ҲАЗАР ҚИЛГИН**

Муфассирлар «Воқеа» сураси бобида жаннатийлар Жаннатга дохил бўлгандан кейин ва дўзахийлар Дўзахга жойлаштирилгандан кейин асҳоби ямин, яъни жаннатийлар асҳоби шимолга, яъни дўзахийларга нима сабабдан сизлар Жаҳаннам оловига гирифтор бўлдингиз, деб савол берадилар. Улар шундай жавоб беришар экан: «Беш сабаб билан: биринчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло розилиги учун намоз ўқийдиганлардан эмас эдик. Иккинчи – ўз молимиздан закот ва ҳожатмандларга хайру эҳсон бермас эдик. Учинчи – қиёмат куни, маҳшарда бўлишни, Аллоҳ раҳмати, Жаннату Дўзах бобида ботил сўзлар айтиб, бунинг ҳаммасини ёлғон деб билардик. Тўртинчи – Аллоҳ Расули(с.а.в.)га тухмату бўҳтонлар ёғдирардик. Бешинчи – якка-ягона Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога ширк келтирар эдик».

Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: Беш нарсани хор этса, бошқа беш нарсага зарар келтирган бўлади: Биринчи – олимлар қадрини билмаган шахс ўз динига зарар келтиради. Иккинчи – амирлар, ҳокимлар қадрига етмаган одам ўзининг мол- дунёси билан зарар кўради. Учинчи – қўшнилари қадрини билмаган одам ўз

манфаатига зарар келтиради. Тўртинчи – хешу акробалар қадрига етмаган одам дўстликни қўлдан бой беради. Бешинчи – ўз хонадони аҳлининг қадрини билмаганлар маишатдан бебахра бўлади».

Расулulloҳ (с.а.в.) огоҳлантириб айтадилар: «Яқин вақт ичида умматимга шундай замон етиб келадики, беш нарсага муҳаббат қўйиб, ружу қиладилар-у бошқа беш нарсани унутадилар: Биринчи – дунёга муҳаббат қўйиб, охиратни унутадилар. Иккинчи – ҳашаматли саройу уй-жойлар барпо қилиб, охират манзилининг обод қилинишини унутадилар. Учинчи – мол тўплашга муҳаббат қўядилар, лекин унинг ҳисоби қандай бўлишини унутадилар. Тўртинчи – ўз завжаларига қаттиқ кўнгил боғлайдилар, лекин Жаннат ҳурлари улардан ортиқ эканлигини унутадилар. Бешинчи – ўз нафсларини эъзозлайдилар, лекин уларни яратган Парвардигори оламнинг муҳаббатини унутадилар.

Дуо қилайликки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бизларни ундайлардан қилмасин. Омин, ё Раббил оламийн!

Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб айтган эканлар: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бировга беш нарсани берадиган бўлса, унга яна беш нарсани муҳайё қилиб қўяди: Биринчи – агар бировга шукр қилиш берган бўлса, унга шукроналикда бўлишни зиёда қилади. Иккинчи – агар бандани дуоғўй қилган бўлса, унинг дуоси мустажоб (қабул) бўлиш шароитини ҳам тайёрлаб қўяр экан. Учинчи – истиғфор этишни насиб этган бандаси учун мағфиратни ҳозирлар экан. Тўртинчи – тавба қилишга одатланишни берган бандасига тавбаси қабул бўлишини муҳайё қилиб қўяди. Бешинчи – садақа беришга одатланган бандасига садақаси қабул бўлиш шароитини яратади.



Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)дан бизга шундай ривоят етиб келгандир: «Қоронғиликлар бешта бўлиб, уларни равшан қиладиган чироқ ҳам бештадир:

Биринчи – дунё зулмат бўлиб, унинг чироғи парҳезкорликдир.

Иккинчи – гуноҳлар қоронғилик бўлиб, унинг чироғи тавбадир.

Учинчи – қабр қоронғи бўлиб, унинг чироғи «Тойиба калимаси»дир.

Тўртинчи – охиратда зулматлар бор бўлиб, унинг чироғи – дунёда солиҳ, хайрли амалларни мукамал қилинишидир.

Бешинчи – Сирот кўприғи қоронғидир ва унинг чироғи Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг зоҳирий ва ботиний амрларига имон келтиришидир.

Ҳазрати Али (р.а.) дедилар: «Агар ушбу беш хислат бўлмаганда эди, ҳамма одамлар солиҳ бандалардан бўларди:

Биринчи – одамлар ўзларининг жоҳилликлари ва нодонликлари ботқоғига ботиб, илоҳий маърифатга етишишга интилмайдилар. Иккинчи – одамларнинг солиҳлардан бўлишининг монелиги шундаки, дунёга ҳаддан ташқари ҳирс қўядилар. Учинчи – ортиқча сарф-ҳаражат қилишда бир-бирларидан ошишга ҳаракат қиладилар. Тўртинчи – ўз амалларига риёни аралаштирадилар. Бешинчи – ўз ақлу билимлари билан кибрланиб, ўзларини бошқалардан афзал деб биладилар».

Абдуллоҳ бин Амр бин Ос (р.а.)дан бизга шундай ривоят етиб келгандир: «Агар ҳар бир инсон қуйидаги беш нарсага одатланса, икки дунё саодатининг эгаси бўлади:

Биринчи – «Тойиба» калимасини доимо айтиб юрсин. Иккинчи – бирорта ишни бошлаганда, «Бисмиллоҳир Раҳмонир

Раҳийм» деб айтсин. Учинчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унга бирорта неъмат ато этганида, «Алҳамдулиллоҳи раббил ʔаламийн шукран мин неъмат» деб айтсин. Тўртинчи – оғир мусибат етганда ёки бир ноҳуш ҳолатга дучор бўлганда, «Инна лиллоҳи ва иннао илайҳи рожиʔун ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллоҳил ʔалийул ʔазийм» деб айтсин. Бешинчи – ундан бирорта гуноҳ содир бўлган вақтда, «Астағфируллоҳал ʔалийул ʔазийм ва атубу илайҳ» деб айтсин.

Набий (с.а.в.)дан шундай ривоят қилинади: «Беш нарсани беш нарсдан олдин ғанимат деб билиш керак: қариликдан олдин – ёшлиқни, бемор бўлишдан олдин – сиҳат-саломатликни, камбағал бўлишдан олдин – бойликни, вафот этишдан олдин – ҳаётни, машғул бўлишдан олдин – аввалги бўш вақтни».

Яҳё бин Маъоз (р.а.): «Кимки доим тўйиб юрса, бадани семиради, кимники бадани семирса, шаҳвати кучаяди, шаҳвати ошиб кетганинг гуноҳи кўпаяди. Гуноҳи кўпайганинг қалби қорайиб, қаттиқлашади ва қалб қорайиб қаттиқлашгандан кейин дунёнинг офат–балоларига гарқ бўлади».

Суфёни Саврий (р.а.) дейдилар: «Фақирлар ҳам, бойлар ҳам беш нарсани ихтиёр қиладилар:

Фақирлар нафс роҳатини, фикру хаёлдан фориқликни, гам-андуҳсиз қалбни, Аллоҳга бандалиқни, қиёмат кунндаги ҳисоб-китоб осон бўлишини-ю, охиратда олий даражаларга эришишни ихтиёр қилдилар.

Бойлар эса, нафс машаққатини, қалбнинг гам-ташвишию, хаёл суриш билан машғул бўлишни, бойлик, мол-дунё бандаси бўлишни, қиёмат куннда ҳисоб бериш қаттиқлигини ва охиратда паст даражани ихтиёр этганлар».

Олимлар кенгашиб бундай хулосага келганлар:

Биринчи – оятларнинг мантиқи тўғрисида ва Ҳақ субҳонаҳу ва таоло мўъжизалари ҳақида фикр юритиш инсоннинг тавҳидини ва яқинлигини оширади.

Иккинчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло неъматларини фикр қилиш муҳаббатни оширади.

Учинчи – Ҳақ субҳонаҳу ва таоло берадиган ажр-мукофотлар ҳақида фикр юритиш рағбатни икки карра оширади.

Тўртинчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ваъдалари борасида фикр юритиш банданинг Парвардигори олам азобидан ва қиёмат кунни даҳшатларидан қўрқиш, таҳликага тушишни оширади.

Бешинчи – ўз нафсининг хатолари тўғрисида фикр юритиш банданинг шарму ҳаёси ва афсусу пушаймонлигини ўн карра оширади.

Тақвога етишиш учун бешта жуда оғир ва мураккаб босқичдан ўтиш лозим бўлади: Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг лутфу марҳамати ва неъматларининг соҳиби бўлиш учун ранжу машаққат тортмоғи лозим. Роҳатга қараб жаҳдни ихтиёр қилмоқ лозим. Иззат-икромга назар ташлаб камтарлик, хоксорликни касб этиш керак. Кўп сўзлашга қараб, сукут сақлаш, хомушликни танлаш лозим. Ҳаётга қараб, кўпроқ ўлимга эътимоду эътироф қилиш лозим. Бу бешта босқичдан ўтганлар тақво аҳли ҳисобланади.

Охирзамон Пайғамбари (с.а.в.)дан ривоят қилинадик, «Бешта амалнинг бажарилиши ушбу беш нарсанинг қалъаси ва посбони бўлади: пинҳон сўзлаш – сиру асрорга қалъа бўлади, рост сўзлаш – бошқа сўзларга ва кенгашиб иш юритиш, фикр-мулоҳазаларга қалъа бўлади.

Расули Акрам (с.а.в.)дан ривоят қилинди: «Мол тўплашнинг бешта аломати бор: биринчи – меҳнат-машаққат чекиш, иккинчи

– Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло зикридан тўхтаб қолиш, учинчи – ўғрилардан хавфсираб, таҳликага тушиш, тўртинчи – ўзида бахиллик сифати пайдо бўлиши хавфи бор, бешинчи – солиҳлар суҳбатидан маҳрум бўлиш. Шунингдек, бойлик тарқалишининг ҳам бешта аломати бор: яъни нафснинг роҳати учун уни талаб этиш ҳаракатида бўлмаслик, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло зикрини айтишга вақт пайдо қилиш, ўғрилар ва босқинчиларнинг хавфидан омонлик топади, ўзида карамлилик сифатини орттиради, солиҳлар суҳбатига етишади ва ўзининг айб-қусурларини тузатади.

Ҳотами Асамдан ривоят етиб келгандирки, беш амалдан бошқа ишларда шошилиб иш қилиш шайтон амали ҳисобланади ва уларга риоя этиш Расулulloҳ (с.а.в.) суннатларига риоя этишдир:

Биринчи – уйдаги бор нарсани дарҳол дастурхонга ҳозирлаб меҳмоннинг олдига қўйиш, иккинчи – майитни зудлик билан дафн этиш, учинчи – қиз балоғатга етганда узатиш, тўртинчи – имконият пайдо бўлиши билан қарзни узиш ва бешинчи – гуноҳ содир бўлаётганда тавба қилиб қайтишлари Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Ҳабиби (с.а.в.)нинг суннатларидир.

Муҳаммад Даврий айтадиларки, «Иблис алайҳилаъна кибрланиб, бешта сабаб билан шақий ва бадбахт бўлди: биринчи – ўз гуноҳига иқрор бўлмади, иккинчи – қилмишидан пушаймон бўлмади, учинчи – ўзини маломат қилмади, тўртинчи – тавба қилмади, бешинчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло раҳматидан ноумид бўлди. Аммо Одам (а.с.) бешта амал сабаби билан саодат эгаси бўлди: биринчидан – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло олдида гуноҳларига иқрор бўлиб: «Раббано заламно анфусано ва ин лам тағфирлано ва тарҳамно ланакунанна минал хосирийн (Ё, Парвардигоро, биз ўз нафсларимизга зулм қилдик, агар бизларни мағфират қилмасанг ва тараҳҳум этмасанг, биз



ўзимизга зиён қилганлардан бўламиз)», дедилар. Иккинчидан – ўз қилмишларидан қаттиқ пушаймон бўлдилар. Учинчидан – ўз нафсларини маломат қилдилар. Тўртинчидан – дарҳол тавба-тазарру истиғфорга юз тутганликлари учун Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Одам (а.с.)ни афв этди».

### УШБУ ОЛТИ АМАЛ ИЖРОСИНИ ЗАРУР БИЛГИН, ОЛТИТАСИДАН ҲАЗАР ҚИЛГИН

Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Олтита амал олти ерда хору ғарибдир: биринчи – намоз ўқимайдиган қавмга яшайдиган диёрдаги масжид ғарибдир. Иккинчи – хонадонда ёки маҳаллада Қуръон китоби бору, лекин уни ҳеч ким очиб ўқимаса, Қуръон ғарибдир. Учинчи – Қуръонни ҳифз этган (ёд олган), лекин ундан ҳеч қандай баҳра олмайдиган фосиқ қалбида Қуръон ғарибдир. Тўртинчи – солиҳа аёл фосиқ, фожиру золим эркак қўлида ғарибдур. Бешинчи – фосиқа аёл билан турмуш қиладиган солиҳ, хайрпеша эркак ғарибдир. Олтинчи – оқилу доно, шариат илми олимнинг унга қулоқ солмайдиган, уни тингламайдиган қавм орасида яшаши ҳам ғариблик ҳисобланади».

Набий(с.а.в.) марҳамат қилиб айтадилар: «Парвардигори олам ва мен олти гуруҳни лаънатладик: биринчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло китобига, бу ҳам илоҳий китобда бор деб ўзларидан қўшиб айтадиганларни, иккинчи – тақдиру қазони ёлгон ҳисоблаб, унга ишонмайдиганларни, учинчи – ўз куч-қудратларига ишониб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг авлиёларига озор берадиганларни ва Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло авлиёларига муҳолиф бўлганларни иззат-тавозият қиладиганларни. Тўртинчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳаром деб ҳукм қилинганларни ҳалол деб биладиганларни.

Бешинчи – менинг суннатимни тарк этганларни. Олтинчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳукмида ва менинг суннатимда ҳаром деб ҳукм қилинганларни ҳалол деб қабул қилганларни ва унинг оқибатини ўйламаганларни. Бундай кишилар Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло лаънатига гирифтор бўладилар ва Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уларга раҳмат назари билан қарамайди».

Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) дейдилар: «Шайтон инсон олдида бўлган вақтда нафс ўнг томонида, ҳою-ҳавас чап томонида, дунё-бойлик орқасида, аъзолари атрофида ва Аллоҳ субҳонаҳу таоло, макон сифатидан бошқа маънода, тепасида қарор топадилар. Шундан кейин Иблис (алайҳилаъна) динни тарк этиш, нафс гуноҳлар қилиш томонига, ҳою-ҳавас, дунё шаҳватлари ўз тарафига, охиратни тарк этишга, аъзолари гуноҳлар содир қилиш томонга, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло поклик, маърифат ва Жаннат тарафига чорлайди. Шайтон васвасасига учган инсон ўз динини қўлдан бой беради. Агар ҳою ҳавасни деса, ақлини бой беради. Агар дунёни ихтиёр этса, охиратини барбод қилади. Агар аъзолар амрига бўйсунса, Жаннатдан бебахра қолади. Агар Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло амрига таслим бўлиб, барча гуноҳлардан ўзини четга олса, икки дунё саодати эгаси бўлади».

Умар Форук (р.а.)дан ривоят қилинади, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло олти нарсани бошқа бир олти нарсада яширгандир: биринчи – ўз ризосини тоатда, иккинчи – ўз газабини маъсиятда, учинчи – ўз «Исми Аъзам»ини Қуръони каримда, тўртинчи – Қадр кечасини Рамазони шариф ойида, бешинчи – вусто салотини (ўрталик намозни) беш вақт намозда, олтинчи – Қиёмат кунини кунлар орасида.

Ҳазрати Усмон (р.а.) бундай насиҳат қиладилар: «Инсон ҳар доим ушбу олти нарсадан хавфсирамоғи даркор: биринчи

– Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло имонини рад этишидан, иккинчи – гуноҳларининг Киroman Котибийн томонидан ёзилиб боришидан, учинчи – хайрли амалларининг шайтон васвасаси билан ботил бўлишидан хавфсирасин, тўртинчи – Малакулмавт тўсатдан жонини қабз қилса, тавбасиз кетишдан хавфсирасин, бешинчи – дунё билан машғул бўлиб, охиратни унутишдан хавфсирасин, олтинчи – ўз хонадони аҳли билан машғул бўлиб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло зикрини унутишдан хавфсирасин».

Ҳазрати Али (р.а.) айтадилар: «Агар ҳар бир инсон ўзида ушбу олти хислатни мужассамлантирса, Жаннатдан бошқа матлаб ва Дўзахдан кўрқишдан бошқа ҳеч нарса қолмайди, унда: биринчи – Худони танисин ва унга итоат қилсин. Иккинчи – шайтонни билсин ва унинг хоҳишига қарши амал қилсин. Учинчи – охиратни билсин ва унинг обод бўлишини солиҳ амаллар билан таъминласин. Тўртинчи – дунёни билсин ва уни кўпайтиришга интилмасин. Бешинчи – ҳақни танисин ва унга риоя этсин». У ҳазрат (р.а.) яна бундай деган эканлар: «Энг муҳим неъматлар олтигадир: Ислом, Қуръон, Пайғамбаримиз (с.а.в.), тинчлик-осойишталик, гуноҳ содир қилинишидан узоқлашиш ва одамларга муҳтож бўлмаслик».

Яҳё Маъози Розийдан (р.а.) бундай ривоят етиб келгандир: «Илм амалга йўл кўрсатувчидир. Илмнинг идиши тушуниш ва тафаккур қилишдир. Ақл хайрларни билувчисидир. Ҳавойи нафс гуноҳлар маркабидир. Мол-дунё такаббурлар ридоси эканлигини ва дунё-охират бозори эканлигини билиш даркор».

Имом Ҳасан Басрий (р.а.)дан ривоят қилинади: «Агар обидлар бўлмаса, дунёдаги ҳамма нарсалар ерга чўқади. Агар солиҳлар бўлмаса, солиҳ бўлмаганларнинг барчаси ҳалок бўлади. Агар олимлар бўлмаса, одамлар ваҳший ҳайвонларга айланади.

Агар ҳукмдорлар бўлмаса, баъзи одамлар баъзиларини ҳалок қилади. Агар аблаҳлар бўлмаса, дунё эҳтиёт қилинмайди-да, харобага айланади. Агар шамол бўлмаса, ҳамма нарса ҳидланиб сасийди». Шу улуг инсон яна бундай насиҳат қиладилар:

Қуйидагилар қалб фасодига сабаб бўлади:

Биринчи – одамлар тавбанинг қабул бўлишига ишониб, гуноҳ содир қилганларида; иккинчи – илм ўрганиб, унга амал қилинмаганда; учинчи – агар амал қилсалар-да, лекин бу амаллари холисона бўлмаганида; тўртинчи – Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг неъматларидан баҳра олиб, шукри бажо келтирилмаганида; бешинчи – азал қазо-қадарига рози бўлмаганда; олтинчи – ҳар куни яқин қариндошлар, дўсту биродарлар дафн қилиниб, бундан ибрат олинмаганида».

Улуг шайх яна бундай таълим бериб, огоҳлантирадилар: «Охиратни бир томонга суриб қўйиб, фақат бу дунёни ихтиёр этган бандасини Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло олтига нарсага гирифтор қилади ва азобга тортади. Унинг учтаси бу дунёда содир бўлади: биринчи – чексиз орзуларга мубтало бўлади, иккинчи – қаноатни билмайдиган ҳирсга гирифтор бўлади, учинчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унга ибодат ҳаловатини бермайди. Соҳиби ақл бўлган инсон учун буларнинг барчаси азобдир. Охиратда ҳам учта азоб бордир: биринчи – қиёмат даҳшати ва қўрқинчи, иккинчи – ҳисоб-китобнинг қаттиқ бўлиши, учинчи – чексиз ҳасрат-надомат, пушаймонлик тортади».

Бир буюк донишманд айтган эканларки, «Ҳасадгўйнинг роҳати бўлмайди. Ёлгончининг муруввати бўлмайди. Бахил бахилликдан қутулишнинг чорасини топмайди. Раҳбарнинг вафоси, бадфеълнинг улуглиги, агар қазойи қадар кетган бўлса, уни қайтариб бўлмайди.



### **Рубоний:**

*Дармони йўқ дардлар ҳасаддир,*

*Деву парининг касби ҳасаддир.*

*Дейдиларки ҳасад одамлар душманидир,*

*Ундан яхшилик кутган ўзига душмандир.*

Бир ҳақимдан банда қилган дуоси қабул бўлганлигини биладими, деб сўрадилар. Улар бундай жавоб берган эканлар: «Буни аниқ айтиб бера олмайман, лекин баъзи аломатларини айтиб беришим мумкин: агар банда дуодан кейин ҳам гуноҳдан пок эмаслигини ҳис этса, қалбида шод-масрурлик бўлмаса-ю, қалби ғам-андуҳга тўлгандек бўлса, агар солиҳлар билан суҳбат қуришни истаса ва улар билан дўстлик изласа, бадкирдорлардан ўзини узоқ тутса ва агар дунё бойлиги кам бўлса ҳам, уни кўп деб билса, хайр амалларини кўп қилса-ю, лекин назарида кам бўлса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло амрини бажо келтиришнинг пайдан бўлиб, ман қилинган нарсалардан ўзини четга олса, ўз тилини тийиб, савоб ишлар пайдан бўлиб, гуноҳларидан ташвишланса, шундан кейин ҳидоят топганидан умид қилса бўлади.

## **ЕТТИГА АМАЛ САВОБ ТОПИШГА ВА БОШҚА ЕТТИГАСИ ХАРОБ БЎЛИШГА САБАБДИР.**

Абу Ҳурайра (р.а.) Пайгамбаримиз (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар: «Қиёмат қойим бўладиган кунда Аршнинг соясидан бошқа ҳеч қандай соя бўлмайди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бандаларидан етти гуруҳини шу соя остига олади: биринчи – тақводор имомларни, иккинчи – одил ҳукмдорларни, учинчи – ёшлик чоғидан Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло тоат-ибодатига собитқадам бўлганларни, тўртинчи – бўш вақтида Парвардигори оламнинг

зикрини қилганларни, бешинчи – ҳар доим қалби билан масжид томонга интилганларни, олтинчи – ўнг қўли билан пинҳона қилган садақасини чап қўли билмайдиганларни, еттинчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ризолиги йўлида дўстлашганларни ва соҳибжамол бегона аёл билан хилват топилганда ҳам уни рад этган эркакни».

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) айтадилар: «Бахил бўлган шахс еттита нарсага чора тополмайди: биринчи – дунёдан ўтганда молу дунёси шундай одамга мерос қоладики, у ҳаммасини Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло рози бўлмайдиган йўлда сарф қилади ёки унинг устига шундай ҳокимни қўядики, у қаттиқ жабр-ситам билан унинг молини тортиб олади. Ёки шахвати голиб келиб, унинг ҳаммасини бир неча дақиқалик дилхушлик йўлида совуради. Ёки ҳаммасини дунёда ҳеч ҳам арзимайдиган ҳашаматли иморат қурилишида сарф этади. Ёки шундай бало-мусибатга дучор бўладики, барча мол-дунёси бу йўлда қўлидан кетади. Ёки шундай бедаво дардга учрайдики, ҳаммасини даво топиш учун табибларга бериб юборади. Ёки ҳаммасини бирор жойга кўмиб, кейин у жойни нутиб қўяди».

Ҳазрати Умар (р.а.) айтадилар: «Кўп кулган кишининг ҳайбати бўлмайди. Одамларни кўрмасдан ижобат этган инсонни одамлар ҳам кўрмасдан ижобат (қабул) қиладилар. Бир ишни кўп қилган кишини ўша иши билан танийдилар. Кўп сўзлаган кишининг сўзида хатоси ҳам кўп бўлади. Кўп хато қилганнинг ҳаёси камаяди. Ҳаёси камайганнинг қалби ўлик қалб сингари Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло зикридан ғофил қолган бўлади.

Ҳазрати Усмон (р.а.)дан шундай ривоят бизга етиб келгандир. Саҳобаи киром «Каҳф» сурасининг 82-оятини каримасида: «Ва аммал жидару факона ли ғуломайни йатимайни фил мадийнати ва кона тахтаҳу канзунл-лаҳума ва кона абуҳумо солиҳан фа арода раббука ан йаблуго ашуддахумо ва йастахрижа канзаҳумо

рахматам-мир-раббика, ва мо фаъалтуҳу, ʻан амрии, золика таъвийлу мо лам тастийъ-ъ-ʻалайҳи сабро».

**Мазмуни:** «Энди деворга келсак, у шаҳардаги икки етим боланики бўлиб, унинг остида улар учун бир хазинаси бор эди. Уларнинг оталари солиҳ одам эди Бас, Парвардигоринг улар вояга етиб, Парвардигорингнинг раҳмат-марҳамати бўлмиш хазиналарини чиқариб олишларини ирода қилди. Мен бу (ишларнинг биронтасини) ўз-ўзимча қилганим йўқ. Мана шу сен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвилидир» – дейилгани ҳақида айтадилар, ушбу Илоҳий қиссада Мусо (а.с.) Хизр (а.с.) билан учрашиб, мулоқотда бўлганликлари қиссасидан парчадир. Мазкур қиссадан олинадиган ибрат бандаларга берилган илмнинг чегарасиз эканлигидир. Болаларнинг отаси солиҳ киши бўлиб, девор остига ўғиллари учун бир парча олтинни кўмган бўлиб, унда еттита гап нақш қилинган эди:

**Биринчи гап:** «Ўлимни кўриб турадиган, лекин кўп куладиган одамга ҳайрон қолса бўлади».

**Иккинчи гап:** «Дунёнинг фонийлигини биладию, лекин унга рағбат қиладиган одамга ҳайрон қолса бўлади».

**Учинчи гап:** «Барча ишлар тақдирга боғлиқлигини биладию, лекин қўлидан кетган нарсасига ачинган одамга ҳайрон қолса бўлади».

**Тўртинчи гап:** «Қиёмат кунида ҳисоб беришини биладию, лекин ортиқча мол-дунё йиғадиган одамга ҳайрон қолса бўлади».

**Бешинчи гап:** «Дўзах оташини биладию, лекин гуноҳ содир қиладиган одамга ҳайрон қолса бўлади».

**Олтинчи гап:** «Аллоҳ субҳонаҳу ва таолони танийди, лекин бу дунёда роҳат-фароғатда бўлишни истайдиган одамга ҳайрон қолса бўлади».

**Еттинчи гап:** «Шайтоннинг душман эканлигини биладию, лекин унга итоат қиладиган одамга ҳайрон қолса бўлади».

Ҳазрати Али (р.а.)дан: «Осмондан оғирроқ, ердан кенгроқ, денгиздан каттароқ, тошдан қаттиқроқ, оловдан иссиқроқ, изгириндан совуқроқ, заҳардан аччиқроқ нима?» деб сўрадилар. Ул ҳазрат (р.а.) шундай деб жавоб бердилар: «Покдомон одам учун туҳмат-бўхтон осмондан ҳам оғирдир. Ҳақ нимадан бўлмасин, у ердан кенгдир. Қаноатли қалб денгиздан ҳам каттадир. Мунофиқнинг қалби тошдан ҳам қаттиқдир. Золим подшо ҳар қандай оташдан ҳам сўзондир. Нокасан ҳожат сўраш изгириндан ҳам совуқдир. Сабр заҳардан аччиқдир».

Ривоятда келгандирки, бу дунё бойлиги, қиёматда роҳати йўқ шахснинг василасидир. Бу дунё бойлиги қиёматда ҳеч вақоси йўқ шахснинг бойлигидир. Ақли ноқислар дунё бойлигини йигадилар. Ақлсиз одам дунё шаҳватлари билан машғул бўлади. Илми йўқни дунё воситасида азоблаш мумкин. Охиратга инон-ишончи йўқ кишигина бу дунё мол-мулкига интилади.

Жобир бин Абдуллоҳ Ансорий (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Ул ҳазрат (с.а.в.) марҳамат қилиб айтган эканларки, «Ҳазрати Жаброил (а.с.) қўшни ҳаққиға риоя қилиш тўғрисида шундай насиҳат қилардилар, қўшни меросхўрга айланармикин деб гумон қилардим. Аёллар билан муошарат ҳусни ҳақида шундай васият қилардиларки, уларни талоқ беришни ҳозир ман қиладилар деб гумон қилардим. Қуллар ҳаққи тўғрисида ҳар қачон гапирсалар, улар озод қилинмаса-да шундай вақт келадики, қуллар ўз-ўзидан озод бўлади, деб ўйлардим. Жамоат намозини шундай талқин қилардиларки, гўё ёлғиз ўқилган намозни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло қабул қилмайдигандек бўлардим. Тунлари бедор бўлиб, тоат-ибодат тўғрисида шундай насиҳат қилардиларки, гўё кечалари ухлаш бекор қилинди, деб ўйлардим. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло зикрига мени

шундай даъват қилардиларки, гўё Аллоҳнинг зикри бўлмаган, сўзлар ва амалларнинг фойдаси йўқ деб тушунардим».

Расули Акрам (с.а.в.) марҳамат қилиб айтадиларки: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло йўлида ўлдирилгандан бошқа яна етти киши шаҳидлар мақомида ҳисобланади: биринчи – қорин оғриғи билан вафот этганлар, иккинчи – сувда ғарқ бўлганлар, учинчи – ҳар хил воқеа-ҳодисалар натижасида вайроналар остида қолиб, ҳалок бўлганлар, тўртинчи – ёнғинда қолиб ҳалок бўлганлар, бешинчи – вабо хасталигидан ҳалок бўлганлар, олтинчи – бола тугилишида вафот этган ҳомиладор аёл, еттинчи – мол-мулкани ҳимоя қилаётганда ўлдирилганлар».

## САОДАТГА ЭЛТУВЧИ САККИЗТА АМАЛ

Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: «Саккиз нарса бошқа саккизта нарсадан ҳеч қачон тўймайди: биринчи – кўз назар солишдан, иккинчи – ер сувдан, учинчи – аёл эркакдан, тўртинчи – олим илмдан, бешинчи – савол берувчи саволдан, олтинчи – ҳорис мол-дунё йиғишдан, еттинчи – денгиз сувдан, саккизинчи – олов ўтиндан».

Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) дедилар: «Саккизта нарса бошқа саккиз нарсанинг зебу зийнатидир: яъни поклик – камбағаллик зийнати, шукр – неъматнинг зийнатидир, сабр – бало-офатнинг зийнатидир, ҳилм-ҳаё илмнинг зийнатидир, шогирднинг устоз олдида ўзини камтар тутиши – таълим берувчининг зийнатидир, кўп йиглаш – хавф-қўрқинчнинг зийнатидир, миннат қилмаслик – саховатлилик, эҳсон зийнатидир, хушу ва шикасталик, бўйин эгиш – ибодат зийнатидир».

Ҳазрати Умар (р.а.) дедилар: «Кам сўзлашга одатланган инсон ҳикмат эгаси бўлади. Кўп назар ташлашни тарк этган ҳар бир инсон хушу ва камтарлик соҳиби бўлади. Таом лаззатини оз-оз, меъёрида овқатланишга одатланган инсон ҳис этади. Кўп кулишдан парҳез қилган одам ҳайбатли, салобатли бўлади. Истеҳзони мазах қилишни тарк этган инсоннинг қадр-қиймати ортади. Дунё бойлигига меҳр қўймаган одам охират муҳаббатининг эгаси бўлади. Бошқаларга айб қўйишни тарк этган ўз айбларидан қутулишни ўйлайди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таолони макондан излаш ҳаёлидан узоқ бўлганлар нифокдан пок бўладилар».

Ҳазрати Усмон (р.а.): «Орифларнинг саккизта аломати бордир: биринчидан ва иккинчидан – қалбида хавф ва умидворлик бўлади, учинчидан ва тўртинчидан – тилидан ҳамду сано қанда бўлмайди, бешинчидан ва олтинчидан – кўзида ҳаё билан муҳаббат бўлади, еттинчидан ва саккизинчидан – тарки дунё ва Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло розилигининг талабида бўлади. Бундай инсон Аллоҳ таоло орифларидандир».

Ҳазрати Али (р.а.) айтганлар: «Хушу бўлмаган намознинг фароғати бўлмайди. Тадаббури бўлмаган қироатнинг фойдаси бўлмайди. Бекорчи гаплардан, фаҳшдан холи бўлмаган рўзанинг савоби йўқдир. Амал қилинмаган илмнинг фойдаси йўқ. Саховатпешалик қилмай йиққан молнинг савоби бўлмайди. Бир-бирининг обрўйини сақламаган дўстлик, биродарликнинг қадри йўқдир. Бақоси йўқ неъматнинг фойдаси бўлмайди. Ихлос билан қилинмаган дуонинг фойдаси йўқ.

## ТЎҚҚИЗТА ХАЙРЛИ АМАЛ

Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қилинади: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло «Таврот»да ҳазрати Мусо (а.с.)га ушбу мазмунда мавъиза нозил қилгандир: «Уч нарса хатолар онасидир – яъни кибр, ҳасад, ҳирс. Ушбу учта хислатдан яна олтига хислат пайдо бўлади ва улар кўшилиб тўққизтани ташкил этади: тўқ қорин, роҳату уйқу, мол-дунёга меҳр қўйиш, ўзини мақташ, бошқаларнинг мақташини ёқтириш ва ўз васфини эшитиш».

Учинчи гуруҳдагилар Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг васли ишқида Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога сидқидилдан ибодат қиладилар. Биринчи гуруҳдагиларнинг ўзига хос учта белгиси бор:

Биринчидан – ўз нафслари уларни қанча васваса қилмасин, ҳеч ҳам унга эргашмайдилар. Иккинчидан – ўз савоблари қанча кўп бўлмасин, уни жуда кам деб биладилар. Учинчидан – ўз гуноҳларини кўп деб биладилар.

Иккинчи гуруҳнинг ҳам учта аломати бор:

Биринчидан – барча ҳолатда ҳам халққа йўл кўрсатадилар. Иккинчидан – халқ орасидаги сахийларнинг сахийроғидирлар. Учинчидан – барча ҳолатда ҳам Аллоҳ субҳонаҳу таолодан яхшилик умид қиладилар.

Учинчи гуруҳнинг учта белгиси бордир:

Биринчи – ўзи яхши кўрган нарсани, агар Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ризоси кетган бўлса, бериб юборадилар ва бунга парво қилмайдилар. Иккинчи – Ҳақ субҳонаҳу ва таоло розилиги йўлида ўз нафсларига қарши иш қиладилар. Учинчи – ҳар қандай ҳолатда ҳам Парвардигорларининг амру наҳйига риоя қиладилар.

Ҳазрати Умар (р.а.)дан ривоят қилинади: «Шайтон (а.л.)нинг болалари тўққизта бўлиб, биринчиси – Золитун, иккинчиси –



Восинун, учинчиси – Лақусун, тўртинчиси – Аъвонун, бешинчиси – Хаффофун, олтинчиси – Мурратун, еттинчиси – Мусавит, саккизинчиси – Досим ва тўққизинчиси – Валаҳондир.

Золитун – ўз фаолиятини бозору дўконларда амалга оширади ва ўз яловини ўша ерга тикади.

Восинун – мусибатлар соҳибидир, яъни ўзининг васвасаси билан мусибатни кўпайтиради.

Аъвонун – ҳукмдорга яқин бўлганларга эгалик қилади.

Хаффофун – ичкилик ичувчининг шеригига эгалик қилади.

Мурратун – муסיқалар соҳибидир.

Лақусун – мажусийлар дўстидир.

Мусавит – ҳеч қандай асоси йўқ, асли ёлгон хабарларни халқ орасида тарқатиб, улар орасида ёлгонни ростдек жорий қилади.

Досим – хонадонларда юради. Агар уйнинг эркаклари салом бермасдан, Аллоҳнинг зикри айтмасдан уйга кирсалар, бу шайтон фўрсатни ғанимат билиб, эркак ва унинг аҳли оиласи ўртасига низо ва жанжал солади.

Валаҳон – инсонни таҳорат қилишдан, намоздан ёки бошқа ибодатлардан қайтариб васваса қилади, йўлдан уради.

Ҳазрати Усмон (р.а.) васият қиладилар. «Беш вақт намозни ўз вақтида ўқиб, қазо бўлишига йўл қўймайдиган ҳар бир инсон учун Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло тўққизта нарса ато қилгандир:

Биринчи – Ҳақ субҳонаҳу ва таоло уни яхши кўради; иккинчи – ҳар доим соғлом бўлади; учинчи – фаришталар уни ҳимоя қиладилар; тўртинчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унинг хонадонида хайру барака ато қилади; бешинчи – унинг сиймосида солиҳлар нишонаси намоён бўлади; олтинчи – қалби юмшайди; еттинчи – Сиротдан уни яшин тезлигида ўтказди; саккизинчи – Дўзах оловидан нажот беради; тўққизинчи – қиёмат кунида саволу жавоб, қўрқинчу ташвиш ва гаму андух нималигини билмайдиганлар қаторидан жой беради».



**Байт:**

Агар хоҳи, ки шави ба манзил муҳийт,  
Нӯҳ чиз ба нафси худ фармо таълим:  
Сабру шукру қаноату илму яқийн.  
Тавозуъу таваккалу ризову таслийм.  
(Гар манзилимда бўлайин десанг муқим,  
Тўққиз жиҳатдан нафсингга бер таълим:  
Сабру, шукру, қаноату, илмул яқин,  
Тавозу, таваккалу ризою, таслим)

## ЎНТА МАНФААТИ БЕҲИСОБ АМАЛ ҲАҚИДА

Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб айтадилар: «Оғзингизни ва тишларингизни мисвок қилинг, чунки унда ўнта манфаат бор: биринчи – оғизни тозалайди, иккинчи – Парвардигорингиз рози бўлади, учинчи – шайтонни нотинч аҳволга солади, тўртинчи – Раҳмон субҳонаҳу ва таоло ва Кироман Котибийн фаришталари уни дўст тутадилар, бешинчи – балғамни йўғотади, олтинчи – оғиздаги ҳидни кетказади, еттинчи – меъдага фойда беради, саккизинчи – кўзни равшанлаштиради, тўққизинчи – оғизни хушбўй қилади, ўнинчи – тишларни мустаҳкамлайди».

Ҳазрати Усмони Зиннурайн (р.а.) дейдилар: «Дунёда манфаати бўлмайдиган нарсалар ўнтадир: биринчи – илмидан ҳеч нарса савол қилинмайдиган олимнинг илми, иккинчи – амал қилиб бўлмайдиган илм, учинчи – одамлар кўрмаган ва билмайдиган фикру андишани қабул қилиш, тўртинчи – биронта ишда фойдаланиб бўлмайдиган асбоб-ускуна, бешинчи – намоз ўқилмайдиган масжид, олтинчи – Куръон бору, лекин уни очиб ўқимайдиган хонадон, еттинчи – закоти берилмаган, ночору

муҳтожларга нафақа берилмайдиган, эҳсонлар қилинмайдиган мол-дунё, саккизинчи – минилмайдиган маркаб, тўққизинчи – қалбида зуҳду тақвоси бор, лекин мол-дунё тўплаш талабида бўлганлар, ўнинчи – узоқ умр кўрган, лекин охират сафарига тайёргарлик кўрмаганлар».

Умари Одил (р.а.)дан қилинган ривоятлардан бирида бундай дейилади: «Ушбу ўнта нарса бошқа ўнта нарсасиз тартибга келмайди. Бепарҳезликда ақл камол топмайди, илмсизликда, обрў-эътибор топиб бўлмайди, хавф-қўрқинчсизлик билан охиратда нажотга эришилмайди, адолати йўқ султон давлатининг бақоси бўлмайди, адабсиз фарзандлар билан фахрланиш, тинчлик, осойишталик, роҳат-фароғат бўлмаса хурсандчилик бўлмайди, эҳсонсиз бойлик, қаноатсиз фақр, тавозесиз улғайиш, иттифоқсиз ҳамжиҳатлик бўлмайди.

Расули Акрам (с.а.в) марҳамат қилиб дейдилар: «Умматимнинг ўн гуруҳи, гарчи ўзларини мўмин ҳисоблайдилар, лекин ҳақни куфр билан ўрайдилар. Ноҳақ қон тўкадилар, сеҳр-жоду билан шуғулланадилар, даюслик қиладилар, ўз аҳли оиласининг хиёнатини билади, аммо унга қарши чора кўрмайди, закотни ман қилади, хамр ичади, ҳаж ибодатини адо этиш имкониятига эга бўла туриб, уни бажармайди, одамлар ўртасига фитна солади, мусулмонларнинг қурол-яроғларини уларнинг душманига сотади, аёлнинг орқасига жимо қилади, маҳрамларни (шариат ҳукми билан никоҳлаб бўлмайдиган) ўз никоҳига олади. Агар била туриб шундай қилса, кофир бўлади. Агар билмасдан қилган бўлса, тавба – истиғфорлар қилсин».

Нақл қиладиларки, Яҳё бин Маъоз (р.а.) мол-дунёга кўп интиладиган бир фақиҳни кўриб унга дейдилар: «Эй илм соҳиби, сенинг кўшқу иморатинг Рум Қайсарининг кўшқу қасрларига, уй-жойинг Кисро саройига, бойлигинг Қорун давлатига,

эшикларинг Толут эшикларига, кийим-кечагинг Жолут либосига, мазҳабинг шайтонникига ўхшайди, овозинг, дўқу пўписаларинг ҳамманикидан баланд, вилоятинг Фиръавн мамлакатига, замонанг жоҳилият даврига ўхшайди. Қани айтгин-чи, энди сен ниманг билан мўминга ўхшайсан?»

Баъзи донишмандлар шундай деб насиҳат қиладилар: «Оқил киши гуноҳдан кейин тавба қилгач, ушбу ўнта шартни бажо келтириши лозим бўлади: илму ибодат унда мустаҳкам қарор топгунига қадар тилида истиғфор айтиш, дилдан пушаймон бўлиш, ўзини гуноҳдан узоқда тутиш, янгидан гуноҳ қилмаслик учун қаттиқ ҳаракат қилиш, охирашни яхши кўриш, кўплаб мол-дунё йиғишни ёмон кўриш, кам сўзлаш, кам ухлаш, кам ейиш. Агар бу аломатлар унда намоён бўлса, насух тавбаси қилганлиги маълум бўлади».

Анас бин Молик (р.а.) дедиларки, «Ҳар куни ер ўнта гап билан бани Одамга нидо қилар экан: «Эй Одам боласи, бугун менинг устимда юрибсан, лекин бир куни келиб менинг бағримга кирасан, менинг устимда гуноҳлар содир қиласан, аммо бир куни менда азобга дучор бўласан, ҳозир менинг устимда шоду масрурлик билан юрибсан, лекин бир куни келиб менинг бағримда андуҳ-надоматлар чекасан, ҳозир менинг устимда шоду хандон кулиб яшаяпсан, лекин вақти келиб менинг қўйнимда зор-зор йиғлайсан, бугун менинг устимда мол-дунё йиғиш фикри билан машғулсан, лекин менинг остимга кирганингдан кейин пушаймонлар қиласан, бугун менинг устимда ҳаром ейишдан тортинмаяпсан, лекин менинг бағримга кирганингдан кейин сени қурт-қумурсқалар ейди, менинг устимда кибр билан гурурланиб яшайсан, аммо менинг қўйнимда хору зор бўласан, менинг устимда ёругликда юрасан, лекин бағримга кирганингдан кейин жойинг тору зулмат

бўлади, менинг устимда одамлар билан бирга бўласан, лекин менинг қўйнимда ўзинг яккаю ёлғиз қоласан!»

Имом Ҳасан Басрий дедилар: «Басранинг бозору кўчаларида ибодатини ҳар доим ўрнига қўядиган бир йигит билан сайр қилиб юрардим. Бозорда бир табибни учратдик. У курсида ўтирарди ва унинг атрофини эркагу аёллар, кексалару болалар ўраб олишган эди. Одамларнинг қўлидаги идишларда сув ва ундан ҳар хил дори-дармонлар харид қилишиб, дардларига даво излашарди. Ҳамроҳим табибнинг олдига бориб: «Эй табиби ҳозик, гуноҳларни ювадиган ва гуноҳлар зангидан қорайган қалбларни тозалайдиган дори-дармонинг борми?» – деб сўради.

Табиб:

– Ҳа, бор, – деди.

Йигит:

– Менга шу доридан бер, – деди.

Табиб:

– Мендан ушбу ўнта нарсани қабул қилиб олиб, шундан дори тайёрласанг, дардингга даво бўлади: фақир дарахтининг илдизидан озгина олиб, тавозе дарахтининг илдизига қўшиб янчгин, уни ризо идишига солгин ва тавба малҳами билан аралаштириб, обдон айлантиргин. Шундан кейин уни қаноат эгови билан кўп эговлагин ва тақво қозонига солиб, устидан ҳаё сувидан қуйгин ва уни муҳаббат оловида қайнатгин, пишгандан кейин шукр қадаҳига қуйиб, орзу ва умид елпиғичи билан елпиб, ҳамд қошиғи билан ичгин. Агар бу дастурга амал қилсанг, хоҳ дунёвий, хоҳ ухровий касаллик бўлсин, ўз хасталигингдан иншоаллоҳ қутуласан деб умид қиламан, – деди».

Бин Аббос (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилдилар: «Агар умматимнинг қўйидаги ўн гуруҳи чин дилдан тавба қилмас

эканлар, Жаннатга киролмайдилар: Қалоъ, Жаюф, Қаттот, Дабуб, Даюс, Соҳиби артаба, Соҳиби куббат, Утул, Зоним, Оқи волидайн», деб айтган эканлар».

Ул Ҳазрат (с.а.в.)дан ҳар бирини шарҳлашни сўраганларида, шундай деб жавоб берган эканлар:

«Ялтоқлик қилиб, ҳукмдорлардан ҳақиқатни яширганларни Қалоъ дейдилар. Пинҳоний сирларни ошкора қилувчини Жаюф, гап ташувчини Қаттот, фисқу фасод учун ёшларни ўз уйида тўплагувчини Дабуб дейилади. Ўз аҳлу аёлининг хиёнатини билатуриб, ўзини бепарволарча тутадиган ва ҳеч қандай чора кўрмайдиганлар Даюс дейилади. Ногора, чилдирма чалувчиларни Соҳиби артаба, танбурнавозларни Соҳиби куббат дейилади. Гуноҳлари учун афв сўрамаганлар ва узрни қабул қилмайдиганлар Утулдир. Оқи волидайнни шарҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак».

Пайгамбаримиз (с.а.в.) масжид брқида бундай деган эканлар: «Масжидга кирмоқчи бўлган одам савобдан бебаҳра қолмаслик учун ушбу ўнта нарсага риоя қилмоғи даркор: биринчи – оёқ кийимини ечиш, иккинчи – ўнг оёғи билан масжидга кириш. Масжидга кираётганда, «Бисмиллоҳ, вас-саловату ғало Расулуллоҳ, ва ғало моликатиллоҳ, аллоҳумма ифтаҳлано, абвоба раҳматика иннака антал ваҳҳоб» десин. Масжид аҳлига салом берсин. Агар масжидда ҳеч ким бўлмаса, «Ассалому ғалайна ва ғало ғибодуллоҳис-солиҳийн ва ашҳаду анна Муҳаммадар-Расулуллоҳ», десин. Намозхоннинг олдидан ўтмасин. Дунёвий ишлар ва гапларга машғул бўлмасин. Ҳеч бўлмаса икки ракаат намоз ўқимасдан масжиддан чиқиб кетмасин. Масжиддан чиқаётганда бу дуони ўқисин: «Субҳанака Аллаҳумма ва биҳамдика ашҳаду ан ло илоҳа илло анта астағфирука ва атубу илайк».

Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадиси шарифларида шундай деб марҳамат қиладилар: «Намоз диннинг устуни, яъни тиргагидир ва унинг ўнта сифати бор: биринчи – намозхон юзининг рангини тиниқлаштиради, иккинчи – қалбда нур пайдо бўлади, учинчи – бадан роҳатланади, тўртинчи – қабрда дўст, мунис бўлади, бешинчи – Илоҳий раҳматнинг нозил бўлишига, олтинчи – осмон эшиклари очилиб, дуоларнинг Буюк Даргоҳга етиб боришига, еттинчи – Мезон тарозисида савобларнинг оғир бўлишига сабаб бўлади, саккизинчи – Парвардигорнинг розилигига, тўққизинчи – Жаннат неъматларига етишиш ва ўнинчи – Дўзах оловидан сақланиш учун парда бўлиши намоздандир. Намозни мустаҳкам тутган ўз динини мустаҳкам тутибди ва аксинча намозни хор қилса, ўз динини хор қилибдир».

Оиша онамиз (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Жаннат аҳлини Жаннатга олиб боришни амр этганида, уларни Жаннатга олиб боришдан олдин фаришталардан бирига Жаннат кийимларидан бўлган совғаларни ва бошқа ҳадяларни олиб келишни буюради. Бу саодатли одамлар неъматлар тўла Жаннатга кирмоқчи бўлганларида фаришта уларга: «Бироз сабр қилинг. Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг сизларга тортиқ қилган совғаларини олиб келганман», – дейди. Жаннат аҳли: «Улар қандай совғалар экан?» – деб сўрайдилар. Фаришта: «Мен сизларга ўнта муҳрланган ҳужжат келтирганман.

Биринчисида – «Салом сизларга, хурсанд бўлинглар, Жаннатга кириб, унда абадий қолинглар».

Иккинчисида – «Сизлардан гам-андуҳ кўтарилди».

Учинчисида – «Солиҳ амалларингиз учун сизга васиқа қилинган Жаннат шудир».

Тўртинчисида – «Жаннатнинг ҳарир кийимларидан сизни кийинтирамиз».

Бешинчисида – «Жаннат ҳурлари сизга жуфт қилиб берилади».

Олтинчисида – «Сабру тоқат билан қилинган тоат-ибодат учун сизга яхшилик қилинади».

Еттинчисида – «Сиз ёшардингиз, энди қариликни кўрмайсиз».

Саккизинчисида – «Сизлар роҳат-фароғатда бўласиз, бундан кейин қўрқинч, ваҳимани кўрмайсиз».

Тўққизинчисида – «Сизлар анбиёлар, сиддиқлар, шаҳидлар, солиҳлар билан бирга бўласизлар».

Ўнинчисида – «Сизлар Аршу Курсий соҳиби бўлмиш Раҳмоннинг яқинидан макон топасиз», деб ёзилган бўлади.

Фаришта яна давом этади: «Кириглар, саломат ва роҳат-фароғат билан Жаннатда маскан тутинг». Улар Жаннатга кириб: «Алҳамдулиллоҳ, меҳрибон Аллоҳ ғам-андуҳни узоқлаштиргани учун шукроналар бўлсин. Парвардигоримиз албатта мағфират этгувчи, беҳад меҳрибондир. Беадад шукроналар бўлсинки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг бизларга берган ваъдаси ростдир. Бизларни Жаннат неъматларидан насибадор этди. Жаннатнинг қаерида истасак сайр этамиз, маишат қиламиз. Буларнинг барчаси Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло кўрсатган йўлдан оғишмай юрганлар учун буюк мукофотдир», дейдилар.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Дўзах аҳлини Жаҳаннам олови томонга юборишдан олдин фаришталардан бирини улар томонга юборади ва унга ўнта ҳужжат беради. Уларда бундай деб ёзилган бўлади:

Биринчи ҳужжатда – «Жаҳаннамга кириглар, энди ҳеч ҳам ўлмайсиз ва унда абадий қоласизлар».

Иккинчи ҳужжатда – «Азобга кириг, сизга бундан бошқа йўл йўқдир».

Учинчи ҳужжатда – «Сизлар Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг раҳматидан бенасибдирсиз».

Тўртинчи ҳужжатда – «Абадий ғам-андухда бўласиз».

Бешинчи ҳужжатда – «Сизнинг кийимингиз оловдан, овқатингиз заққумдан (дўзахийларнинг кир-чирки, йиринг, зардоби), сизнинг ичимлигингиз ҳамим (қайноқ сув), сизнинг турадиган жойингиз олов ва сизга лозим бўладиган барча нарсалар оловдандир».

Олтинчи ҳужжатда – «Дунёдаги амалларингиз учун жазо шудир».

Еттинчи ҳужжатда – «Сизнинг дўзах оташида қолишингиз учун менинг ғазабим абадийдир».

Саккизинчи ҳужжатда – «Дунёда қилган гуноҳингиз ва ундан пушаймон бўлмаганингиз учун сизга лаънатдир».

Тўққизинчи ҳужжатда – «Сизнинг ҳамдамингиз шайтонлардир».

Ўнинчи ҳужжатда – «Сизлар шайтонга итоат этиб, дунёни танлаганингиз учун сизга жазо шудир».

Парвардигоро, бу шармандаликка дучор бўлмаслик учун сендан паноҳ тилаймиз.

Бин Аббос (р.а.) Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб шундай деганларини ривоят қиладилар: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Расулига (с.а.в.) бир марта салавот айтган кишига Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўнта салавот юборади. Бир дашном берган кишига ўнта дашномни раво кўради. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Қуръони азимда «Қалам» сурасининг 10-15-оятларида Волид бин Муғирага ишора қилиб, ўз Ҳабиби (с.а.в.)га айтадики, «(Эй Муҳаммад) яна Сиз ҳар бир тубан қасамхўр, ғийбатчию гап ташувчи, яхшилиқни ман қилувчи – бахил, тажовузкор, гуноҳга ботган, қўпол ва булардан ташқари, бенасаб – ҳароми кимсага итоат этманг!



У мол-мулк, ўғиллар эгаси бўлганлиги учун (ўзидан кетиб), қачон унга Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса: «Булар аввалгиларнинг афсоналари-ку!» деб айтади.

Иброҳим бин Адҳам (р.а.)дан ривоят қилинади: Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг «Дуо қилинглар, сизларни ижобат этаман» («Ғофир», 60-оят) деган ваъдаси тўғрисида савол қилганларида Иброҳим бинни Адҳам (р.а.) шундай деб жавоб қилдилар:

«Сизларнинг қалбингиз ўнта сабаб билан ўлган бўлсаю, қандай қилиб дуоларингиз мустажоб бўлсин? Биринчидан – Аллоҳ таолони танийсиз, аммо унинг буюрганини қилмайсиз, иккинчидан – Қуръон тиловат қиласиз, лекин унинг оятларидаги кўрсатмаларига амал қилмайсиз, учинчидан – Расулуллоҳ (с.а.в.)га муҳаббатни даъво қиласиз, аммо суннатларини бажо келтирмайсиз, тўртинчидан – шайтонни душман деб биласиз, лекин эртаю-кеч унинг айтганларини қиласиз, бешинчидан – Жаннатга киришни истайсиз, лекин дохил бўлишга ҳозирлик кўрмайсиз, олтинчидан – Дўзахдан халос бўлишни истайсиз, лекин ўзингизни Дўзахга ташлайсиз, еттинчидан – ўлимни ҳақ деб айтасиз, лекин унга ҳозирлик кўрмайсиз, саккизинчидан – ўз айбингизни кўрмайсиз, аммо ҳар нафасда ўз мусулмон биродарингизнинг айбини излайсиз, тўққизинчидан – Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг неъматларини ейсиз-у, лекин шукрини қилмайсиз, ўнинчидан – ҳар куни кўшнилариингиз, хешу ақраболарингиз ўлимни кўриб туриб, ибрат олмайсиз».

Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қиладилар: «Ҳар бир инсон, хоҳ эркак бўлсину, хоҳ аёл, ўнта гапдан иборат бўлган ушбу дуони ўқиса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унинг ҳожатини раво қилади. Шарт шуки, ушбу дуо ёвузлик ва гуноҳ ишлар учун қилинмаслиги керак.

**Дуо будир:**

Субҳоналлазий фис-самои ʔаршуху,  
 Субҳоналлазий фил арзи мулкаху ва қудратуху,  
 Субҳоналлазий фил баҳри сабилуху,  
 Субҳоналлазий фил нори султонуху,  
 Субҳоналлазий фил Жаннатирахматуху,  
 Субҳоналлазий фил қубури қазоуху,  
 Субҳоналлазий фил ҳавои руҳуху,  
 Субҳоналлазий фир рафаъс-самоа,  
 Субҳоналлазий вазаъал арза,  
 Субҳоналлазий ло малжаа минҳу илло илайҳи.

Бин Аббос (р.а.) ривоят қиладилар: «Бир кун Расули Акрам (с.а.в.): «Менинг умматимдан неча гуруҳи сен билан рафиқлик қилади?» – деб Шайтон (алайҳилаъна)га савол бердилар.

Шайтон (а.л.):

«Умматингизнинг ўн гуруҳи мен билан дўстлашган бўлади: биринчи – золим подшоҳ, иккинчи – гердайган, мутакаббирлар, учинчи – молининг ҳалол ёки ҳаромдан келишининг фарқига бормайдиган ва қаерга сарфлашига бепарво бўладиган бойлар, тўртинчи – ҳукмдорнинг қилаётган жабр-зулмини кўра-била туриб уни маъқуллайдиганлар, бешинчи – хиёнатчи савдогарлар, олтинчи – нархнинг ошишини кутиб галлани яшириб, қиммат бўлгандан кейин сотадиган олиб-сотарлар, еттинчи – зинокорлар, саккизинчи – судхўрлар (пулни фоиз баробарига қарз берувчи), тўққизинчи – бахиллар, ўнинчи – мунтазам ичкилик ичувчилар», – деб жавоб берди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) Шайтонга яна бундай деб савол бердилар: «Менинг умматимдан сенинг душманинг ким?»

Шайтони лаъин жавоб бериб деди: «Умматингизнинг йигирма нафари менинг ашаддий душманимдир: энг аввало Ўзингиз

менинг душманисиз, иккинчи – илмига амал қиладиган олимлар, учинчи – Қуръон қорилари, тўртинчи – Ҳақ субҳонаҳу ва таоло розилиги учун азон айтувчи муаззинлар, бешинчи – фақирлар, мискинлар ва етимларни яхши кўрадиганлар, олтинчи – раҳмдил кишилар, еттинчи – Ҳақ субҳонаҳу ва таоло йўлида тавозули одамлар, саккизинчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло дини ва тоатида давомийлик қиладиганлар, тўққизинчи – ҳалол йўл билан бойлик топадиганлар ва уни фақат савоб йўлида сарфлайдиганлар, ўнинчи – Аллоҳ йўлида бир-бири билан дўстлашганлар, ўн биринчи – жамоат намозига жаҳд билан интилувчилар, ўн иккинчи – ҳамма ухлаб ётган вақтда тоат-ибодат қиладиганлар, ўн учинчи – ҳаромдан ҳазар қилувчилар, ўн тўртинчи – одамларга тўғри йўл кўрсатувчилар, ўн бешинчи – ҳар доим таҳоратли бўлиб юрадиганлар, ўн олтинчи – ҳусни хулқ билан муомала қиладиган хушмуомалалилар, ўн еттинчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога берган ваъдасида собитқадам турадиган мўмин-мусулмонлар, ўн саккизинчи – бева-бечораларга холисанлиллоҳ эҳсон қилувчилар, ўн тўққизинчи – ўлимга ҳар доим тайёр бўлганлар, йигирманчи – Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло зикридан гофил қолмайдиганлар».

Ваҳб бин Мунаббах (р.а.) ривоят қиладилар: «Таврот»да кўплаб панд-насихатлар келтирилгандир, лекин уларни батафсил бу ерда келтириш имконияти чекланганлиги учун баъзиларинигина азиз мухлисларимизга етказамиз: «Ким бу дунёда охират кунига тайёр бўлса, қиёмат кунига Худо ярлақанган бандалардан бўлади. Бу дунёда хусуматни тарк этганлар, охиратда жазодан халос топган бандалардан бўлади. Ҳаром томонга назар ташлашдан ўзини тийган шахсга Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Жаннатдан жой беради. Ҳаёти дунёда одамлар ҳожатини чиқаришга ҳаракат қилган одамнинг ҳожатини Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бу дунёда ва охиратда албатта чиқаради. Мунис дўсти бўлишини

истаган ҳар бир инсон тунда ўз Парвардигорининг зикрини кўпроқ айтмоғи лозим. Қиёмат кунида ҳисоби осон кечишини истаган ҳар бир банда одамларни тўғри йўлга, нажот топишга бошламоғи даркор. Фаришталар уни зиёрат қилишини истаганлар парҳезли, тақводор бўлиши лозим. Жаннат бўстонларидан жой топишни истаганлар Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло зикрини кўпроқ айтмоғи даркор. Ҳисоб-китобсиз Жаннатга киришни истаган шахс ўз гуноҳларидан Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога Насух тавбасини қилиши керак».

Одамлардан ёмонлик кўришни истамайдиган инсон, яхшиликни касб этмоғи, Парвардигори олам уни нимадан ва нима учун яратганлигига эътибор бермоғи лозим. Дунёда шону шавкат топишни истаган киши охиратни дунёдан устун билмоғи даркор. Жаннатнинг абадий неъматларидан баҳраманд бўлишни истаган одам бутун умри давомида фисқу-фужурдан узоқда бўлиши ва ғанимат вақтини бекорчи нарсаларга сарфламаслиги даркор. Икки дунё фароғатини излаган одам саховатпешаликни касб қилиши лозим, чунки сахийлар Жаннатга яқин ва Дўзахдан йироқда бўладилар. Қалби нурга тўлишини истаган инсон мутафаккир бўлмоғи даркор. Зикрли тил, сабрли жасад, хушули қалб эгаси бўлишни истаган одам мўмину мўминалар, муслиму муслималар учун кўпроқ истиғфор айтиши керак.

**Байт:**

*Хоҳики дили ту шавад чу оҳийна,  
Даҳ чиз берун кун аз даруни сийна.  
Хирсу, аламу, газаб, дуруштию, гайбат,  
Бухлу, ҳасаду, кибру, риёву, кина.*

**Мазмуни:**

*Қалбинг ойнадек мусаффо бўлишини истасанг,  
Қалбингдан ушбу ўнта нарсани чиқариб ташла:*

*Хирсу, аламу, газаб, қўполлигу, гийбат,  
Бахиллик, хасадгўйлик, кибру, риёу, кина.*

**Дуо:**

*«Субҳонакаллоҳумма биҳамдика ашҳаду анна ило анта ва астағфирука ва атубу илайка».*

## ТУЯ ҲИМОЯ СЎРАДИ

Бин Можа(р.а.) Тамимий Дорий(р.а.)дан ривоят қилдилар: «Бир куни Расули Акрам (с.а.в.)нинг табаррук суҳбатларида ўлтирганимизда бир қари туя ул ҳазратнинг олдига югуриб кириб келиб, ўзига хос овоз билан бир нималар деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) бунини мушоҳада қилиб унга дедилар: «Эй, туя, тинчлан. Агар рост айтаётган бўлсанг, албатта манфаат топасан ва агар ёлғончи бўлсанг, билгинки ёлғонинг зарари ўзингга тегади. Аммо билгинки, кимки биз томонга ҳимоя излаб келган бўлса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унга омонлик берган, шу вақтгача кимгаки биз ёрдам беришимизни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ирода этган бўлса, ҳеч ким ноумид бўлиб қайтган эмас».

Тамимий айтадики, туянинг нима деганини Расули Акрам (с.а.в.)дан сўраган эдик, Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бу туянинг эгалари уни сўйиб ейишга қасд қилган эканлар. У биз томонга келиб ҳимоя сўраяпти», – дедилар. Мусоҳабамиз тугамасдан туянинг эгалари шошилиб кириб келишди. Туя ўз эгаларини кўриб беқарор бўла бошлади ва яна ўзига хос овоз билан Расули Акрам (с.а.в.)нинг ҳимояларида эканлигини айтаётганлиги маълум эди. Туянинг эгалари бу манзарани кўриб: «Ё, Расулаллоҳ, бу бизнинг молимиздир ва уч кундирки тутқич бермай, биздан қочиб юрибди. Уни топа олмасдан юрган эдик, энди кўрсак Сизнинг муборак ҳузурингизда экан», – дейишди бараварига.

Ул ҳазрат (с.а.в.) уларга дедилар: «Маълумки бу туя сизлардан қочиб, ҳузуримга ҳимоя истаб, шикоят қилиб келган». Туя эгалари Расулulloҳ (с.а.в.)га дедилар: «Ё, Расулаллоҳ, у нима дейди?»

Расулulloҳ (с.а.в.) уларга: «Узоқ йиллар уларга хизмат қилдим. Ёзнинг жазирамасида юкларини, кўч-кўронларини менга ортиб, серсув, ям-яшил яйловларга боришарди ва қиш кирганида уларни иссиқ маконларига олиб келардим. Улар хизматимдан мамнун эдилар, мендан насл олишарди. Улар тўқлик-тўқинликка етганларида ва мен қариб қолганимдан кейин кераксиз молга айландим. Мени сўйиб гўштимни ейишни истайдилар, деб айтаяпди», – дедилар.

Туянинг эгалари: «Рост гапирдингиз. Ё Расулаллоҳ, дарҳақиқат худди шундай бўлган», – дедилар.

Расулulloҳ (с.а.в.) улардан сўрадилар: «Холис хизматнинг мукофоти шуми? Бу жазо нима учун?» Туянинг эгалари: «Биз туяни энди сўймаймиз ва сотмаймиз», – дейишди.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг Ҳабиби (с.а.в.) дедилар: «Сизлар ёлгончисиз. Ў сизларга кўп хизматлар қилган бўлса-да, лекин энди сиз уни ҳайдаб юбордингиз, боз устига сўйиб емоқчисиз. Сизларга қараганда бу туяда менинг кўпроқ ҳаққим бор. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло раҳмни мунофиқлар қалбидан олиб, мўминлар қалбига солгандир».

Расулulloҳ (с.а.в.) туяни эгаларидан юз дирҳамга сотиб олдилар ва унга дедилар: «Бор эй жонивор, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло розилиги йўлида энди озодсан!» Бунни эшитган туя ўзига хос овозда уч марта нималардир деди ва Расулulloҳ (с.а.в.) «Омин» дедилар. Туя тўртинчи марта яна алланималар деган эди, Сарвари коинот (с.а.в.)нинг муборак кўзларидан ёшлар тўкилди. Тамимий айтадиларки, биз саҳобалар бу манзарани кўриб, Расулulloҳ (с.а.в.)дан «Туя нима деди», деб сўрадик.

Улар: «Бошида туя, эй Аллоҳнинг Пайгамбари, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Сизга Қуръондан ва Исломдан буюк мукофот ато этсин», деди. Мен «Омин» дедим. Яна у айтдики, «Ҳозир мендан қўрқинч ва ташвишни қандай узоқлаштирган бўлсангиз, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло қиёмат кунида буни умматларингизга қайтарсин», – деди. Мен «Омин» дедим. Учинчи марта у: «Бугун мени эгаларим қўлида қоним тўкилишини қандай тўхтатган бўлсангиз, умматларингиз қонининг душманлари қўлида тўкилишидан Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ўзи асрасин», деганида, мен яна «Омин» дедим. У тўртинчи гапида: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло умматларингиз ўртасида жанжал-урушнинг бўлишидан ҳимоя қилсин», деган дуосини эшитишим билан кўз ёшим томогимни бўғди, чунки бу неъматларни Парвардигори оламдан ўзим ҳам сўраган эдим. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло томонидан дуонинг учтаси ижобат қилинганлиги маълум бўлган эди, лекин тўртинчиси тўғрисида ҳеч қандай аломат бўлмади. Ҳазрати Жаброил(а.с.) кўплаб умматларим қилич ва пичоқ остида ҳалок бўлиши хабарини келтирган эдилар. Азал хати тақдирда нимани рақам қилган бўлса, тағйир бўлмайди».

## ЎЛИМ ТЎШАГИДАГИ ЙИГИТ

Абдуллоҳ бин Аби Авфо (р.а.)дан ривоят қилинади: «Бир куни Расули Акрам (с.а.в.)нинг пурҳикмат суҳбатларига мушарраф бўлган вақтимизда, бир одам югуриб келиб бир йигитнинг назъ (жон бериш талвасаси) ҳолатида ётганлиги ва «Ло илоҳа иллаллоҳ» калимасини айтолмай қийналаётганлиги хабарини келтирди. Ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в.): «У намоз ўқирмиди?» деб сўрадилар ва ўринларидан турдилар. Биз ҳам эргашдик.

Бемор олдиға етиб борганларида уни «Тавҳид» калимасини айтишга ундадилар. Йигит: «Айтолмайман», – деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ундан: «Сабабини нимада деб биласан?» – деб сўрадилар. Йигитнинг гапидан онаси норози эканлиги маълум бўлди. «Онаси тирикми?» дедилар. «Ҳа тирик» деб жавоб беришди ҳозир бўлганлар. Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Онасини олиб келинглар», – дедилар. Бориб онани олиб келишди.

Ул ҳазрат (с.а.в.):

– Бу сизнинг ўғлингизми?» деб савол бердилар.

Она:

– Ҳа, – деди.

– Агар ўтин тўплаб, ўғлингизни ёқишса, ҳимоя қилган бўлармидингиз? – деб сўрадилар Пайғамбаримиз (с.а.в.).

Она деди:

– Мен унинг онасиман, кўзим олдида ўғлимни ёқишларига қандоқ тоқат қилайин. Албатта бунга йўл қўймайман, уни жоним борича ҳимоя қиламан.

Сарвари коинот (с.а.в.):

– Модомики шундай экан, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолони ва мени гувоҳ қилиб, ўғлингиздан рози бўлинг, – дедилар.

Онаизор ўғлидан қанчалик ранжиганлигига қарамай:

– Парвардигори оламни ва унинг Пайғамбарини гувоҳ қилиб айтаманки, ўғлимни кечирдим, ундан розиман, – деди.

Расули Акрам (с.а.в.) буни эшитиб, йигитга юзланиб дедилар:

– «Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ло шарикалаҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва расулуҳу» деб айтгин.

Йигит бу калимани айта-айта жонини Ҳаққа топширди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳозир бўлганларга қараб дедилар:



– Алҳамдулilloҳил лазии анқазоҳу би минан-нор. Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога беҳисоб мақтову шукроналар бўлсинки, мени сабаб қилиб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бу йигитга дўзах оташидан нажот берди.

## ПАЙҒАМБАРИМИЗ (С.А.В.)НИ ЎЗГА ОЛАМ САЙРИГА ОЛИБ БОРГАНЛАРИ

Абу Амома (р.а.): «Расулulloҳ (с.а.в.)нинг шундай деганларини эшитганман», деб ривоят қиладилар. «Мен ухлаб ётганимда тушимда кўрдим ёки ухлаб ётганимда рўй берди, дедилар. Мен тушунмадим, дейди ривоятчи. Абу Амома (р.а.) буни Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ўзларидан эшитганми ёки Ул Ҳазрат (с.а.в.)нинг тушларидан бир парчами, ҳар ҳолда ривоятчи ривоят қиладики, «Ул ҳазрат (с.а.в.) сўзларида давом этиб дедилар: «Икки киши келиб икки ёнимдан мени олиб бир тоғ олдига олиб боришди, унга чиқиш жуда мушкул эди. Менга: «Чиқ», – деб бутурдилар. «Чиқолмайман», дедим. «Биз ёрдам берамиз, осон бўлади», – дейишди. Мен чиқа бошладим, ярмига чиққанымдан кейин қулогимга юракни даҳшатга соладиган баланд овозлар кела бошлади. «Эшитилаётган бу овозлар кимники?» деб сўрадим. «Бу оташ аҳлларининг доду фарёди, нолаларидир», деб жавоб беришди. Шундан кейин мени ўзлари билан олиб кетдилар. Оёқларидан осилган, жағлари синдирилган ва энгаклари остидан қон оқаётган бир қавмни кўрдим. «Булар ким?» деб сўрадим. «Булар дунёда рўза туттиларди, лекин ифтор вақти бўлмасдан рўзаларини очишарди», дедилар мени олиб юрганлар. Бу жойдан кетиб, инсон чидаб бўлмайдиган бир манзара олдидан чиқдик. Бу жойдаги одамлар ҳаддан ташқари шишган ва ниҳоятда сассиқ, бадбўй қўланса ҳид тарқатаётган эдилар. «Булар ким?» деб

сўрадим ҳамроҳларимдан. «Булар кофирлар жасади, улар маърака йиғинларда ўлим топишган», деб жавоб беришди ҳамроҳларим. Бошқа бир гуруҳни кўрдик, улар ҳам олдингисига ўхшаб сасиган эди ва улардан ахлатхоналар қўлансаси анқирди. «Булар ким?» деб сўрадим. «Булар зинокорлардир», деб жавоб беришди. Юриб-юриб, даҳшатли ҳолати юракни пора-пора қиладиган бир қавмнинг олдига бориб қолдик. Кўкракларидан илонлар чиқётган аёлларни кўрдим. «Нима учун улар бундай аҳволга тушишган?» деб сўрадим. «Кўкракларининг кўриниши бузилмасин деб болаларини белгилабган вақтгача эмизмасдан, боласининг сут ҳақини адо қилмаган оналар», дейилди. Саёҳатимизни давом эттириб, икки дарё ўртасида ўйнаб юрган болаларни кўриб сўрадим: «Булар кимларнинг боласи?» Ҳамроҳларим: «Булар мўминларнинг болалари», деб жавоб беришди. Тоғнинг тепасига, чўққисига етганимизда Жаннатнинг сара шаробларидан ичиб ўлтирган уч кишини кўрдим. «Булар қандай одамлар?» деб савол бердим. «Улардан бири Жаъфар, бири Зайд ва униси бини Равоҳа бўлади», деб айтишди. Биз улардан ўтиб, чўққининг энг баланд жойига чиқдик. Шу ерда кўзим яна уч кишига тушди. Ҳамроҳларимдан: «Булар кимлар?» деб сўрадим. «Булар Иброҳим (а.с.), Мусо (а.с.) ва Исо (а.с.) бўлади. Улар сизни кутишяпти». Бу ҳадисни Хузайма ва Бини Ҳаббон ҳам ривоят қилганлар.

### ХОЛИСАНЛИЛЛОҲ ИБОДАТИ – НАЖОТ ТОПИШ КАФОЛАТИ

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар. Расулulloҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб шундай дедилар: «Сизлардан илгари ўтган қавмдан уч киши ўз ризқларини ва мол-дунё топиш учун сафарга чиқдилар. Сафар вақтида ҳаво бузилиб, осмондан жала-ёмғир қуйилди. Сафар

қилганлар ёмғир пана излаб бир горга кирдилар. Ногаҳон бир катта тош тоғдан қўзғалиб, горнинг оғзини беркитди ва чиқишга йўл қолмаган эди. Улар “Оёғимиз изларини ёмғир ювиб кетди, бизни бу ерда эканлигимизни ҳеч ким билмайди, нажот топишимиз даргумон дейишди ташвишланиб. Фақат Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳолимиздан огоҳ бўлиб, нажот топишимиз Аллоҳ таолодандир. Ягона чора шуки, яхши дуолар, тоат-ибодат билан арзу ниёзимизни Қодир эгамизга қилиб ўтирайлик. Ҳар биримиз энг яхши хислатлар билан дуою муножотда бўлайлик”, дедилар.

Улардан бири дуога қўл очиб деди: «Парвардигоро, бир аёлни жуда ёқтиришимдан ўзинг хабардорсан. Уни хилватга чақирганимда рад этди. Унга жуда кўп инъомлар ваъда қилганимдан кейин рози бўлди, лекин мен бу ишни сендан қўрқиб қилмадим. Ё Аллоҳим, бу амални сенинг розилигинг йўлида ва раҳматинг умидида қилган эдим. Агар шу амалим сенга мақбул бўлган бўлса, бошимизга тушган бу балодан нажот бергин!” дуоסי ҳали тугамасдан гор оғзининг учдан бир қисми очилди.

Иккинчи ҳамроҳ якка-ягона Аллоҳ таолога юзланиб деди: «Парвардигоро, ўзинг биласан, кексайган заиф ота-онам бор эди. Улар учун сут соғиб пишириб, косада олдиларига қўярдим. Бир марта келиб қарасам, улар ухлаб қолишибди. Сутни олдиларига қўйиб, уйғонишларини кутдим. Уйғониб сутни ичишди. Шундан кейин мен ўз ишимга машғул бўлдим. Ё Аллоҳ, агар бу ишим сенинг розилигингни топиш, сенинг раҳматингга етишиш ва азобингдан халос топиш йўлида қилинган бўлса, шу амалим ажру мукофоти сифатида гор оғзидан бу оғир тошни бартараф қилгин, бизни халос этгин”, деди. Тош сурилиб горнинг оғзи яна бироз очилди.

Учинчи ҳамроҳлари деди: “Худое, ўзингдан пинҳон эмаски, бир одамни ишлатиш учун уйимга олиб келдим. Ярим кун айтган ишларимни бажарди. Меҳнатига ҳақ бераётганимда нимадандир

аччиқланиб, ҳақ олмасдан кетди. Бир кундан кейин қайтиб келиб, ҳаққини талаб қилди. Мен унга ишига яраша, ярим кунлик ҳақ берсам ҳам бўларди, лекин унга бир кунлик ҳақ берганимда жуда хурсанд ва миннатдор бўлиб кетди. Парвардигоро, агар бу ишни сенинг розилигинг йўлида, раҳматингдан баҳраманд бўлиш, ғазабингдан омон топиш учун қилганлигимни мақбул деб топган бўлсанг, мушкуллимни осон қилгин, бу ғордан чиқишга йўл бергин". Ҳақ субҳонаҳу ва таоло инояти билан тош сурилиб, ғорнинг оғзи очилди. Учовлари шукроналар айтиб ўз мақсадлари сари равона бўлдилар.

Имон, эътиқод соҳиби бўлган ўқувчи, холисанлиллоҳ қилинган ибодат ҳаммага ҳам насиб бўлмайдиган улут неъмат эканлигини тушунгандирлар. Агар банда ибодатини Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло розилиги йўлида адо этган бўлса, икки дунё қийинчилигини кўрмайди, иншоаллоҳ.

Илоҳо, барча мўмин ва мўмина бандаларингни холисанлиллоҳ ибодатига мойил этиб, розилигингни топиш бахтига муяссар қилгин. Омин, бираҳматика ё арҳамар-роҳимийн.

## У КИШИ ЖАННАТ АҲЛЛАРИДАН БЎЛДИ

Анас бин Молик (р.а.) ривоят қиладилар: «Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида ўлтирган эдик. Он ҳазрат (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: "Ҳозир Жаннат аҳлидан бўлган кишини кўрасизлар". Шундан кейин биз кутиб ўтирган эдик, ансорлар қабиласидан бўлган бир киши кириб келди. Таҳорат суви соқолидан ҳали томиб, тамом бўлмаган ва у пойафзалини чап кўлида олиб келаётган эди. Эртасига ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.) ўша сўзларини яна такрорладилар. Кечаги киши яна кечаги кўринишида кириб келди. Учинчи куни Он Ҳазрат (с.а.в.)

шунини яна такрорладилар. Ансорий яна ўша ўтган кунлардаги кўринишида кириб келди. Набий (с.а.в.) ўринларидан туриб кетишлари билан Абдуллоҳ бин Амр ўша кишининг олдига бориб: “Мен отам билан бироз баҳслашдим ва уч кун уйга бормаيمان деб қасам ичдим. Агар уч кун уйингдан менга жой берсанг, яхши бўларди”, – деди. Ҳалиги киши: “Бош устига”, – деди. Анас бин Молик сўзларини давом этиб дедилар: “Абдуллоҳ бин Амр уч кундан кейин олдимга келди-да, ўша кишида нимаики кўрган бўлса, ҳаммасини менга айтиб берди. Абдуллоҳ бин Амр деди: «Ансорийнинг уйида уч кун бўлдим, унда бирорта ортиқча амалини кўрмадим». Кечанинг озгинасида туриб намоз ўқирди ва яна ухларди. У ёнбошидан бу ёнбошига ҳар ағдарилганида Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг зикрини тилига келтириб, такбир айтарди. Бомдод намозигача шундай қиларди. Қисқаси, ундан шу айтганларимдан бошқа ҳеч қандай яхши сўзу калималарни эшитмадим. Унинг амалларини назарим илмаслигига озгина қолди. Унга шундай дедим: “Эй Худонинг бандаси, отам билан ўртамазда ҳеч қандай гап-сўз ўтгани йўқ. Отам мендан газабланган эмас, мен ҳам қасам ичмаганман. Лекин Расули Акрам (с.а.в.) уч марта ҳозир эшикдан кириб келиб сизларга кўринадиган одам Жаннат аҳлидандир, деганларида сен пайдо бўлавердинг. Сен билан уч кун бирга бўлдим ва сени қайси амалинг учун Расулуллоҳ (с.а.в.) Жаннат аҳлидан эканлигингни башорат қилдилар ва эргашимизни айтдилар экан, деб билмоқчи эдим. Лекин бу вақт ичида мени ҳайратга соладиган бирорта алоҳида амалингни кўрмадим. Айтгин-чи, сени бу мартабага етказган қандай афзал томонинг бор?

У деди: «Ўзинг кўрганингдан бошқа амалим йўқ».

У билан хайр-хўш қилиб кетаётганимда, шундай деди: «Қалбимда мусулмонларга нисбатан бирорта гина-адоватим йўқ,

ёмонликка йўл бермадим. Агар Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бирорта бандасига яхшиликни раво кўрган бўлса, ҳасад ва бахиллик қилмадим». Ансорийга дедим: «Мана шулар сени бу даражага етказган экан».

Бу ҳадиснинг ҳикмати жуда кўп. Буни идрок этган банданинг қалби барча гашдан холи бўлади, ҳасад ва бахилликдан, кинаю риёдан покланади ва Жаннат аҳли нишоналарига эга бўлади. Жаннат талабида бўлсанг, қалбингни, юриш-туришингни Ансорийга ўхшат, унга пайравлик қилгин.

### ИЛОН АЁЛНИ УЙИДАН ҲАЙДАБ ЧИҚАРДИ ВА УНИНГ ЭРИНИ ҲАЛОК ҚИЛДИ

Абу Соиб (р.а.)дан бизга шундай бир ривоят етиб келгандир: «Бир куни саҳобаи киром Абу Саид Худрий олдиларига борган эдим. Уларни намозда кўрдим. Ўлтириб, намозни тугатишларини кутдим». Шу вақт қулоғимга вишиллаган овоз келди. Хона шифтада илон ўрмалаб юрганини кўрдим. Ўрнимдан туриб, уни ўлдиришга ҳаракат қилганимда, уйнинг эгаси намозларини тўхтатиб, бундай қилмаслигимни ишора қилдилар. Намозни тугатганларидан кейин, ҳовлиларидан кўриниб турган қўшни уйни кўрсатиб: «Ана у уйни кўряпсанми?» – дедилар. Тасдиқ ишорасини қилдим. Абу Саид Худрий (р.а.) дедилар: «Бу уйда бир йигит келинчаги билан яшар эди. Бу вақтда мен Расулulloҳ (с.а.в.) билан бирга Мадина атрофида хандақ кавлагани кетаётган эдик. Ўша йигит биз билан бирга эди ва ҳар куни туш пайтида Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан ижозат сўраб, ўз аёли олдига бориб келарди. Бир куни одатдагидек ижозат сўраганида, Расулulloҳ (с.а.в.): «Хуз ғалайка силоҳака фаинни ахшо ғалайка Қурайзата» (Қуролингни ўзинг билан олиб кетгин, чунки Қурайза қабиласида

сен учун хавотирдаман), – дедилар. У қуролини белига тақиб, йўлга тушди. Уйига яқинлашганда хотинини эшик олдида, ташқарига чиқиш ҳаракатида эканлигини кўрди. Хотини ундан берухсат ташқарига чиққанлиги учун ғазабланиб, найзасини унга уқтади. Хотини унга: «Найзангизни тушириб туринг, аввал уйга кириб, мени уйдан чиқишимга нима мажбур қилганини кўринг», – деди. Уйга кириб, ўрин-кўрпалар устида илон ҳалқа солиб ётганини кўрди. Йигит бу манзарани кўрди-ю, ҳайратда қолди ва найза билан илонни санчиб ўлдириб, ташқарига чиқариб ташлади. Шу вақтда илон англаб бўлмайдиган даҳшатли махлуққа айланиб, йигитга ташланади ва олиша кетадилар. Улардан қайси бири олдинроқ ўлимга дучор бўлишини ҳеч ким билмасди. Биз буни кўриб, дарҳол Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига бориб воқеани айтдик ва “Дуо қилинг, ё, Расулаллоҳ, йигитни Аллоҳ субҳонаху ва таоло яна олдимизга соғ-саломат келтирсин”, – дедик.

Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): “Истағфиру лисоҳибикум” (энди бародарингиз учун истиғфор айтинг), – дедилар. Он ҳазрат (с.а.в.), яъни шуни илова қилдиларки, Мадинада жинлар ҳам бўлади. Улар исломни қабул қилишган, улардан бирорта аломатни кўрсангиз, бу маконни тарк этишлари учун уларга уч кун муҳлат беринг. Уч кун ўтгандан кейин ҳам кетмаса, уни ўлдилинг, чунки у шайтондир.

Абу Саид Худрий (р.а.) ўз меҳмонларига айтиб берган қисса шу эди. Бу ҳадиси шарифда талайгина манфаатлар бордир. Улардан баъзиларини келтирамиз:

1. Нафл намози ўқиладиганда зарарни даф этиш учун имошиора қилиш мумкин.
2. Таълим-тарбия учун меҳмонга қиссаю ҳикоялар айтиш жоиздир.

3. Уйда пайдо бўлган илонни ўлдириш учун шошилманг, унга уч кун муҳлат беринг, чунки Жин бўлиши мумкин.

4. Хатар таҳдид солганда ва жони хавф остида қолганда, аёл эридан берухсат уйдан ташқарига чиқиши мумкин.

5. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Расули (с.а.в.)нинг олдиларига бориб, ўликнинг тирилтирилиши учун дуо сўраш жоиздир.

6. Ўтганлар учун истигфор айтиш раводир.

7. Илон кўриниб, йўқ бўлиб, уч кундан кейин яна хонадонда пайдо бўлса, уни ўлдириш раводир. Уни далада кўрганда ўлдиришга ҳеч қандай монелик йўқ.

### ОСОНЛИКЧА ДЎЗАХГА ОЛИБ БОРИЛМАЙДИ

Абу Ҳурайра (р.а.) шундай деб ривоят қиладилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) билан бир йигинда ўлтирган эдик. Жуда ажойиб ва ўзига хос қилиб пиширилган эчкиними ёки қўйними, хуллас гўшт келтириб қўйишди. Расули Акрам (с.а.в.) озгинасини оғизларига солиб дедилар: «Қиёмат кунида одамлар саидидирман. Сабабини биласизларми?» “Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ва унинг Расули (с.а.в.) яхшироқ биладилар”, дедик.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз саволларига ўзлари шундай деб жавоб бердилар: «У кунда Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло аввалину охиригача бўлган барча одамларни бир жойга тўплайди, уларни ҳар бир кўрадиган кўриб туради ва ҳар бир эшитадиган уларни эшитади. Қуёш улар чидай олмайдиган даражада бошлари устига пастлаштирилади. Инсон тоқат қилолмайдиган ҳолатда гам-андухга ботадилар. Улар бир-бирларига: “Аҳволингизни кўряпсизларми? Нимага дучор бўлганимизни кўриб турибсиз. Аллоҳ субҳонаҳу



ва таоло ҳузурида бизларга шафе бўладиган одамнинг олдига бормаймизми?” деб айтадилар. Баъзилари баъзиларига: “Шояд башарият отаси Одам (а.с.) бу ишнинг уддасидан чиқсалар”, – дейишади. Уларнинг олдига бориб: «Ё, Одам, Сиз Абулбашарсиз. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло сизни ўз иродаси билан халқ этгандир, ўз нуруни сизга тажалли этди. Фаришталарга сажда қилиш буюрилди. Сизга Жаннатул-фирдавс манзил-макон қилиб берилди. Бизларга шафе бўлмайсизми? Мушкул аҳволга тушганмизни кўряпсизми?” – дейишади. Одам (а.с.) бунга жавобан: “Парвардигори олам бугун ҳар қачондагидан кўра қаттиқ ғазабадир, бундан кейин бунчалик ғазабланмаса керак. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло менга Жаннатдаги бир дарахт мевасидан ейишни ман этган эди, лекин шайтони лаъин васвасаси билан итоатсизлик қилдим. Бугун эса, афсус билан “Нафси, нафси, нафси” дейман, яъни нафсим гаму андишасидаман, сизларга ҳеч қандай ёрдам бера олмайман. Бошқа пайғамбарнинг олдига боринглар”, дедилар.

Одамлар Нух (а.с.) олдига бориб дедилар: «Ё Нух (а.с.), сиз Парвардигор олдида биринчи пайғамбарсиз. Ҳақиқатан ҳам Худованди мутаъол сизни Абдушукур (шукрли банда) деб атади. Бизнинг аҳволимизни тушунмаяпсизми? Қандай даҳшатли кунда эканлигимизни кўрмаяпсизми? Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло олдида бизга шафе бўлмайсизми?». Нух (а.с.): “Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ниҳоятда ғазабадир ва бундан кейин бунчалик ғазабланмас. Менинг қавмимга даъватим шу эди, лекин бугун “Нафси, нафси, нафси” дейману, ўз нафсимга қандай нажот топишни ўйлаяпман. Бу мушқилликни бошингиздан узоқлаштиришга қодир эмасман. Бошқа пайғамбарга мурожаат қилинг!” – дедилар.

Одамлар Иброҳим (а.с.) олдига бордилар ва мақсадларини баён қилдилар: «Сиз Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг набийсиз

ва ер юзидаги халилул – раҳмонисиз, бизга шафе бўлинг ва бизларни шафоат қилинг”. Иброҳим (а.с.) дедилар: «Бугун Парвардигор шундай ғазабланганки, ҳеч қачон бундай бўлган эмас ва бундан кейин ҳам бўлмаса керак. Бу иш ҳозир қўлимдан келмайди. Умрим давомида уч марта ёлғон гапирганман. Қандай қилиб ўз нафсимни қутқаришдек тоғдан ҳам оғир юк елкамдадир. Бугун “Нафси, нафси, нафси” ташвишидаман. Сизлар Мусо (а.с.) га учранг», – дедилар.

Омма Мусо (а.с.) олдига бориб: «Ё, Мусо, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло сизни пайгамбарлик мартабасига етказди, калимлик фазли билан улуғлади (яъни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Сино тоғида Мусо (а.с.) билан сўзлашган). Бугун Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло олдида бизнинг шафоатчимиз бўлинг», – дедилар. Мусо (а.с.): “Бугун Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло чексиз ғазабдадир, бундан олдин ҳеч бундай ғазабланган эмас, бундан кейин ҳам бундай бўлмаса керак. Парвардигорим амри кетмаган бўлса-да, бир нафсни ўлдирган эдим. Бугун «Нафси, нафси, нафси», яъни ўз нафсимни қутқаришдан бошқа ташвишим йўқ. Исо (а.с.) олдига боринглар», дедилар.

Улар Исо (а.с.) олдига бориб, мақсадларини баён қилишди: “Ё Исо (а.с.), сиз Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло пайгамбаридирсиз, гўдаклик вақтингиздаёқ сўзлагансиз. Бизни шафоат этинг, деб келдик. Қандай аҳволга ва оғир кунга тушганимизни кўриб турибсиз”. Исо (а.с.) дедилар: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бугунги кунда ўхшаши йўқ тарзда ғазабланган, бундан кейин ҳам бунчалик ғазабланмаса керак. “Нафси, нафси, нафси” деб юрибман, яъни ўз нафсимни қутқариш хаёлидаман. Сизга ёрдам бера олмайман. Яхшиси бошқа пайгамбарга боринглар. Сизлар Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг олдиларига бориб, ўз мушқулингизни осон қилишнинг иложу чорасини изланглар».

Одамлар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларида аҳволларини баён қилишди: «Ё Расулаллоҳ, Сиз Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ҳабибисиз, расулисиз, хотамул анбиёсиз, ўн саккиз минг олам Парвардигори сизнинг аввалину охири гуноҳларингизни мағфират этгандир. Бутун бизнинг қандай аянчли аҳволда, ранжу машаққатда эканлигимизни, гаму андуҳга ботганлигимизни кўриб турибсиз. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳузурида бизнинг шафоатчимиз бўлинг». Расули Акрам (с.а.в.) марҳамат қилиб айтар эканларки, “Раҳмон Арши остига бориб, бошимни Парвардигори оламнинг ҳузурида саждага қўйиб, бундан аввал ҳеч ким қилмаган ҳамду сано, дуою муножот билан Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан илтижолар қиламан”. Шунда: “Ё Муҳаммад, бошингизни кўтаринг, истаганингизни сўранг, сўраганингиз берилади”, деган овоз келади. Шундан кейин бошимни саждадан кўтариб, ё Раббим, умматимни, ё Раббим, умматимни, ё Раббим умматимни, яъни умматим шафоатини сўраб келдим, деб айтаман. “Ё Муҳаммад, Жаннатнинг ўнг тарафдаги эшигидан ҳисобдан озод қилинганларни олиб кириш”, дейилади. Бу одамлар учун бир имтиёз бўлиб, улар ҳам бошқалар билан бирга бошқа эшиклардан кирардилар. Жоним ихтиёрида бўлган Зотга қасамки, Жаннат эшикларининг кенглиги Макка билан ҳажара ўртасидаги ёки Макка билан Бусро оралигидаги масофага тенгдир. (Имом Бухорий ривояти.)

Парвардигоро, бизларни, аждодларимизни ва бўлгуси авлодларимизни ўзингнинг хос бандаларинг, Ҳабибинг Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)га устувор пайравлик қиладиган, суннатларини бажо келтирадиган умматлари ҳисобига ўтказиб, Саййидул Аброр шафоатига муяссар бўлишни насибу рўзи этгин. Омин.

*Агар Аҳмади Мухтар бор экан кечмас осон,  
Бизларни судраб олиб бориш Дўзахга томон.*

**Муҳаммадга салавот:**

*Азалнинг субҳидан то қиёми аросат,  
Сийрату суврати дилоройи Муҳаммадга салавот.  
Забоним тиги ҳама дам кессин шаҳди набот,  
Дилдан айтайин қомати раънойи Муҳаммадга салавот.  
Фарзи айндир айтайлик салавот то вақти мамот,  
Дамба-дам гули ружсори Муҳаммадга салавот.*

**ГУНОҲЛАРГА ИҚРОР БЎЛИШ АЛЛОҲ  
РАҲМАТИГА ЭРИШИШ КАФОЛАТИДИР**

Абу Хурайра (р.а.) ривоят қиладилар. «Расулulloҳ (с.а.в.) дедилар: «Ўз нафсини яхши жиловлаган, гуноҳдан ўзини тия оладиган, яъни гуноҳлари учун азобдан қўрқадиган бир одам бор эди. Ажал хабарчиси етиб келганида фарзандларини йиғиб, уларга шундай васият қилди: «Вафот этганимдан кейин жасадимни куйдириб, куйдирилган жасадимни кукундек майдалаб, шамолга совуринглар деб васият қилди. Бошқа ривоятда кулимнинг ярмини кучли шамолга совуринг, ярмини денгизга ташланг деган экан. Бу ишдан унинг мақсади, агар Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло итоб қилиб, гуноҳлари учун ҳеч кимга бермаган чексиз азобдан қўрқарди. Ҳаётдан кўз юмганидан кейин фарзандлари унинг васиятини бажо келтирдилар. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло амри билан унинг зарралари бир жойга тўшланди. У Аллоҳ таоло ҳузурида пайдо қилиниб, нега бундай қилганлиги сўралди. У шундай жавоб берибди: «Ҳазабингдан қўрқиб шундай қилдим».

Ўз гуноҳларига иқрор бўлиб, қўрққанлигини изҳор қилгач, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бу икки сифати учун уни афв этди.

Бу ривоятнинг ҳикмати шундаки, инсон имкон борида биринчи галда гуноҳдан сақлансин. Агар гуноҳдан пок эмаслигини сезса, Ҳақ субҳонаҳу ва таолога истиғфор айтиб, гуноҳларига иқрор бўлсин. Бу ривоятда яна бир ҳикмат шуки, инсон Илоҳий раҳматдан ноумид бўлмасин, балки умри давомида ҳар доим гуноҳга ботиш хавфи ва Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло газабидан қўрқиб яшасин. Худодан қўрқиш фазилати нақадар нажотбахшлигини кўрдик. Шуни унутмаслик керакки, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло меҳрибондир ва гуноҳларни кечиради, деб гуноҳга ғарқ бўлиб юриш энг ярамас одатлардандир. Ҳақиқатан ҳам у Раҳиму Раҳмондир, афв этувчию кечирувчидир. Ўзингиз ўйлангки, одам ўз отасига фармонбардорлик қилмаса, у отасини ҳурмат қилган бўладими? Худди шунга ўхшаган, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг буюрганини қилмаса, ундай одам Яратганни севмас экан. Хулоса шуки, энг яхши йўл Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло газабидан қўрқиб, раҳматидан умидвор бўлишдир. Валлоҳу аълам бис-саваб.

### ТАВБАГА ЮЗ ТУТГАН ЭДИ...

Абу Саид Худрий (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан шундай ривоят қиладилар. Ҳазрати Русули Акрам (с.а.в.): «Илгари ўтган Пайғамбарлар замонида бир одам яшаган эди. У 99 кишини ноҳақ ўлдириб, қонига зомин бўлган эди. Бу қилмишидан пушаймон бўлиб, ўзининг келгусидаги аҳволидан савол қилиш учун ер юзидаги энг доно олимни излаб юрди. Уни бир роҳиб томонга йўллашди. Роҳиб олдига бориб деди: «Мен 99 та одамни ўлдирганман, бу ишим учун

тавба қилсам, Аллоҳ таоло мени кечирармикан? Роҳиб: «Йўқ», – деди. У роҳибини ўлдириб, ўзи ҳалок қилган одамлар сонини 100 тага етказди. Бирорта олимни топиш учун яна йўлга тушди. Унга бир олимнинг манзилини айтишди. Олимнинг олдига бориб аҳволини тушунтирди. Олим унга: «Ҳа, бундан тавба қилсанг қабул бўлади, чунки тавба эшиклари ҳали ёпилгани йўқ. Қиёмат қойим бўладиган вақт яқинлашганда тавба эшиклари ёпилади. Фалон диёрда яшайдиган, яккаю ягона Худога ибодат қиладиган фалон қавм олдига боргин. Сен уларга қўшилгин, тавба қилиб, яккаю ягона Аллоҳга юзланиб, гуноҳларингнинг кечирилишини сўрагин. Ўз юртингга бормагин, чунки у яхши жой эмас. Ҳалиги одам олимнинг айганларига амал қилиб, тавба-надомат, пушаймонлик, тавба қиладиган диёрга юз тутди. Йўлда Малакулмавт қаршисидан чиқиб, жонини олмоқчи бўлдилар. У ажал фариштасини лаббайка деб қарши олди. Икки гуруҳ фаришталар унинг жасади тепасида тўпландилар. Бир гуруҳи хайру савоб, иккинчи гуруҳи азоб фаришталари бўлиб, улар ўртасида баҳс-мунозара пайдо бўлди. Азоб фаришталари кишининг умри давомида бирор марта хайр-савоб иш қилмаганлигини далил келтириб, Жаҳаннамга олиб кетишлигини айтишса, раҳмат фаришталари бу одам ўзининг ёмон феълидан батамом юз ўгириб тавба қилди ва раҳмати Илоҳийдан умидвор бўлиб, якка худога ибодат қиладиган қавмнинг ватанига бораётган эди. Ягона Аллоҳ таолога ибодат қилишни мақсад қилганлигини далил келтириб, уни Жаннатга олиб бориш лозимлигини айтишди. Улар шу баҳсу можарода бўлган вақтларида бир фаришта улар олдига келди. Фаришталар уни ҳакамликка сайлаб, бу масаланинг ҳал қилинишига ёрдам беришини сўрадилар. У фаришталарга қараб: «Жасад ётган жойдан икки томонни, яъни гуноҳ содир қилган диёргача ва якка худога топинувчилар, бу киши бориб қўшиладиган қавмнинг диёригача бўлган масофани

ўлчайлик, қайси бирига яқин бўлса, ўшалар аҳлидан ҳисобланади. Иккала масофани ўлчаб кўрсалар, у тавба қилувчилар юртига яқин бориб қолган экан. Раҳмат фаришталари уни Жаннатга олиб боришди», дедилар.

Бошқа бир ривоятда Қатода (р.а.) айтадиларки, буни Ҳасан Басрий (р.а.) бизларга сўзлаб, шундай дедилар: «Малакулмавт унинг жонини олишга келганида юзини ва кўкрагини тавба аҳли шахрига қаратган эди...» (Имом Бухорий, Имом Муслим ва Бини Можа ривояти).

Ҳадиси шарифдан олинадиган ҳикмат:

1. Гуноҳнинг каттаю кичиклигидан қатъи назар, доимо тавба қилиш лозим.

2. Олим билан маслаҳат қилиш хайридир.

3. Олим билан роҳиб ўртасида катта фарқ бор.

4. Ноўрин қилинган насиҳат кўпинча насиҳат қилувчининг зарари билан тугайди.

5. Яхши панду насиҳат ҳидоятга кафолат бўлади.

6. Шахс қайси гуруҳ, дину мазҳабга мойил қилса, ўша гуруҳдан ҳисобланади.

## СОЛИҲ ФАРЗАНД ИНСОННИНГ ЭНГ ЯХШИ НИШОНАСИДИР

Солиҳ, соҳибтақво ва хайрпеша фарзандга эга бўлиш ҳаммага ҳам насиб бўлавермайдиган неъматдир. Бундай фарзанд ота-онаси ҳаётлик вақтида ҳам ва вафот қилганларидан кейин ҳам фойдаси бирдек тегади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадиси шарифларида келтиришларича, уч тоифадан бошқа барча бандаларнинг вафотидан кейин барча амаллари тўхтайтиди. Биринчи – садакаи

жория қилганники. Иккинчи – ўзидан кейин қолдирган, унинг вафотидан кейин ҳам одамлар илмидан фойдаланадиган олим. Учинчи – унинг ҳақида хайр дуоси, савоб ишлар қилувчи солиҳ фарзандлар тарбиялаган ота-оналар.

Солиҳ ва солиҳа фарзандлар ўзларининг солиҳ ота-оналари билан Жаннатда бир жойда бўладилар. «Тур» сурасининг, 21-ояти шундан далолат беради: «**Ўзлари имон келтириб, зурриётлари ҳам уларга имон билан эргашган зотларга (ўша) зурриётларини қўшдик ва уларга қилган амалларидан бирон нарсани ҳам камитмадик. Ҳар бир киши ўзи касб қилган иши билан гаровга олингувчидир – ушлангувчидир**».

Солиҳ фарзандларни дунёга келтиришни истаган ота-она ўзида қуйидаги амалларни ҳосил қилиши лозим: биринчи–рисоладаги оилага эга бўлайин деган эркак Парвардигор ва эрининг ҳақини адо қила оладиган муслима аёлни ўз никоҳига олиши керак, имонли–этиқодли, муслима аёлга уйлансин. Ўз динини, Пайгамбарини яхши билсин ва динга кўпроқ интилсин. Онасини мадраса деб тафаккур қилиб, ўз фарзандларини худди устоз тарбиясида бўлгандек хаёл қилсин. Чунки фарзанднинг солиҳ бўлиши асосан онага боғлиқ. Агар она тақводор, солиҳа, хайрпеша ва худодан қўрқадиган аёл бўлса, иншоаллоҳ ўз фарзандларини ҳам шу усулда тарбиялайди.

Имом Абу Абдуллоҳ бин Ҳанбал (р.а.)дан ривоят қиладилар: «Суфённинг онаси (Суфёни Саврий бўлса керак) ўғлига бундай деб насиҳат қилди: «Эй ўғлим, мен арқон эшиш касби билан нафақангни таъминлаб тураман. Сен фақат илм талабида бўлгин, билим эгаллашга интилгин».

Бу улуғ зотнинг оналари арқон эшиб, рўзгор таъминотини амалга ошираддилар ва ўғилларининг илм олишига имкон яратарди. Бир куни ўғилларига дедилар: «Ўнта ҳарф ёзганиндан кейин ўз ботинингга назар солгин, ўзингда Худодан қўрқиш, ҳилм,



сабр, қаноат, одабийлик ва бошқа гўзал хулқни кўрасанми ёки йўқми. Агар бу хислатларни кўрмасанг, шуни билгинки, илмдан баҳра олмасан, балки зарар топибсан. Шундай солиҳа, тақводор, илмни севувчи она тарбияси натижасида ўғиллари имомлик даражасига етишдилар.

Яна бошқа бир мисол: Бани Умая ҳукмронлиги замонида Абдурахмон исмли, Фаррух тахаллусли бир киши бўлган экан. У газотга сафарбар қилинган вақтда унинг аёли ҳомиладор экан. Фаррух ўттиз минг динорни аёлига топшириб, газотга кетди. Орадан йигирма етти йил ўтгандан кейин, қайтиб келди. Бу вақт ичида фарзанди дунёга келиб балоғат ёшига етган ва мукамал илм эгаси бўлган эди. Фаррух узоқ юришлардан кейин уйига қайтиб келди ва отдан тушиб найзаси билан эшикни тақиллатди. Робиъ бундай хатти-ҳаракатни кўриб: «Эй Худонинг душмани, нима учун менинг уйимга бостириб киряпсан?» – деди. Фаррух эса: «Берухсат менинг ҳарамимга кириб олган Худойи таолонинг душмани сенсан», – деди. Улар ўртасида баҳс-можаро бошланиб, бир-бирининг ёқасини бўға бошладилар. Уларнинг жанжалини эшитиб қўшнилари чиқишди. Ёқалашганинг ҳар бири, яъни Фаррух билан Робиъ уй ўзиники эканлигини исбот қилмоқчи бўлишарди. Бу ҳодисани эшитиб, ўша замон илм пешвоси Анас бин Молик Робиъга кўмак бериш учун етиб келдилар. Тўпланганларнинг кўзи ҳазрати Анас бин Моликка тушгач, ҳамма жим бўлди. У Фаррухга қараб: «Эй, биродар, сен меҳмон бўлиб, дам оладиган жой бор!» – дедилар. Шунда Фаррух: «Мен Фаррухман ва бу ҳовли-жой менинг ҳалол мулким бўлади, нега энди мен ўз манзили маконимни қўйиб, бошқа жойга борайин», – деди. Бу овозларни Робиънинг онаси эшитиб, улар олдига чиқиб: «Фаррух менинг эрим бўлади», – деди ва Фаррухга қараб: «Эсингиздами, газотга кетаётганингизда мен ҳомиладор эдим.

Ҳозир сиз ёқалашиб турган йигит сизнинг ўглингиз бўлади», – деди. Буни эшитган ота ва бола бир-бирларини бағрига босишди. Бу ерда тўпланганлар қизиқ ҳодисадан ҳайратланиб, аста-секин тарқалишди. Фаррух уйга кириб, аёлидан такроран сўради: «Робиъ ҳақиқатан ҳам менинг ўғлим эканлиги ростми?» Она: «Ҳа, у сизнинг ўглингиз бўлади», – деди. Фаррух орадан бир неча кун ўтгандан кейин хотинига деди: «Ғазотга кетишимдан олдин захирага олиб қўйгин деб топширган пулни олиб чиқ». Фаррухнинг хотини унга: «Уларни бир жойга кўмиб қўйганман, бироз сабр қилсангиз, олиб келардим», – деди.

Робиъ йигирма етти йил бедарак кетган отаси билан мулоқот қилгандан кейин масжидга борди ва дарси ҳалқасида ўтирди. Бу Мадинанинг азиз инсонларидан бўлган Анас, Ҳасан ва бошқалар иштирок этадиган дарслардан бири эди. Фаррух аёлининг маслаҳати билан Набий (с.а.в.) масжидларига борди. Масжидга кириб, илм мажлиси аҳлига кўзи тушди. Робиънинг бошида катта кулоҳ бўлгани учун отаси уни танимади. Ўша ердаги одамлардан дарс бераётган олимнинг кимлигини сўради. Унга бу донишманд Робиъ бин Абдураҳмон эканлигини айтдилар. Фаррух буни эшитиб, ўзига-ўзи деди: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўғлимнинг қадрини баланд қилибди». Уйга қайтиб келиб, Робиънинг онасига: «Илму фикҳда ўғлимга тенг келадиган олим йўқ эканлигини кўрдим», – деди. Хотини буни эшитиб, ундан сўради: «Сиз қайси бирини афзалроқ деб биласиз, ўттиз минг динорними ёки шундай ўғилними?» Фаррух деди: «Валлоҳ, албатта шундай ўғилнинг отаси бўлиш шарафини-да!». Она деди: «Ўша берган 30 минг динор пулингизни ўғлимизнинг илм олиши учун сарфлаган эдим». Фаррух комил қониқиш-қаноат билан: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога қасамки, бу маблағ ҳеч ҳам бекорга кетмабди», – деди.

Бу донишманд, зукко соҳиб тадбир онанинг ўзи ва эри учун савобининг ҳисобу ниҳояси бўлмайдиган садақаи жория ҳосил қилиш тадбири эди. Меҳрибон ота-оналар учун бу ҳикматнинг муҳимлиги шундаки, фарзандларнинг илм соҳиби бўлишлари учун ҳар қанча маблағ сарflanса арзийди.

Эй азизлар, келинг икки олам манфаати учун ҳаммамиз биргаликда дуо қилайлик: Раббано ҳаблано мин азвожино ва зурриётино қуррата аъюнив ваъжално лил муттақийна имомо.

## ШУНДАЙ АЙТИШИНГНИ БИЛАРДИМ

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бу дунёдан имон билан кетган ва имонсиз кетган одам ҳақида дедилар: Майитни қабрга топширгандан кейин кўзлари кўм-кўк, бирининг исми Мункар, иккинчисининг исми Накир бўлган икки фаришта келиб: “Сен Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳақларида нима айта оласан?” деб савол қилдилар. Мўмин: Нима ҳақ бўлса шуни айтганман ва айтаман: У Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг бандаси ва расулидир”, – деб айтади ва яна: “Ашҳаду алло илоҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу”, деб илова қилади. Буни эшитган иккала фаришта: “Дарҳақиқат, шундай деб айтишингни билардик!” – дейдилар. Шундан кейин унинг қабри v· газга v· газ қилиб кенгайтирилади ва “Энг яхши кўргани, энг маҳбуб шахси уйғотмагунигача ухлаган маъшуқадек ухлагин”, деб айтадилар. У уйқуга кетади, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уни шу ҳолатича тирилтиради.

Вафот этган мунофиқ олдиға бориб, унга ҳам шу саволни беришади. “Мен ҳам бошқалар айтиб юрган сўзларни тилимга келтирардим, шундан бошқасини билмайман”, – дейди.

Фаришталар буни эшитиб: “Дарҳақиқат, шундай деб айтишингни билардик!” – дейдилар ва шундан кейин ерга, уни мулоқотга ол деб, амр қилинади. Ер уни чунон сиқиб, силкита бошлайдики, суяклари бир-биридан ўтади ва шундай азоб билан абадий бирга қолади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уни шу суратда қиёмат куни тирилтириб ўрнидан тургазади.

### ҲАЗРАТИ ДОВУД (А.С.) ҲОВЛИ-ЖОЙИ ЭШИГИГА ҚУЛФ СОЛАРДИ

Ҳазрати Одам (а.с.)нинг яратилиши борасида кўп ҳадислар ривоят қилинган бўлиб, уларнинг баъзиларида бундай дейилади: Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло қудрати билан Одам (а.с.) зурриётларини унинг пушти камаридан чиқариб кўрсатганида, уларнинг орасида анбиёлар алайҳиссалоту вассаломлардан алоҳида ажралиб турарди. Улар орасида гулга ўхшаган бир йигитни кўрдилар. Шунда Одам (а.с.): “Парвардигоро, бу ким?” – деб сўрадилар.

Ҳотифдан: «Бу сенинг фарзандинг Довуд бўлади», – деган овоз келди.

– У қанча умр кўради? – деб сўрадилар Одам (а.с.).

– Олтмиш йил, – деган жавоб бўлди.

– Парвардигоро, унинг умрини узайтириб, зиёда қилгин, – дедилар.

– Агар ўз умрингдан бир неча йилини унга берсанг, қўшиш мумкин.

Одам (а.с.)нинг умрлари минг йил қилиб белгиланган эди ва ундан қирқ йили олиниб, Довуд (а.с.)га берилди. Одам (а.с.)нинг умрлари охирига етиб, Малакулмавт Одам (а.с.) ҳузурига келганларида ҳазрати Одам (а.с.): «Менинг умримнинг ҳали

қирқ йили бор-ку, нега келдингиз? – деб сўрадилар. Умрларининг қирқ йили Довуд (а.с.)га берилганини унутган эдилар. Ривоят қилинганидек, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло банда хотирасидан фаромуш бўлганини кечиргувчидир. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Одам (а.с.)га умрининг минг йилидан бир кунини ҳам камайтирмасдан берибди ва Довуд (а.с.) ҳам мукамал юз йил умр кўрган эканлар.

Баъзи аҳли китоблар Довуд (а.с.)нинг умри етмиш йил ва подшоҳлик даври қирқ йил бўлганини айтадилар.

Имом Аҳмад (р.а.) ўз “Муснад”ларида Довуд (а.с.)нинг шижоатли киши эканликлари ва ўз аҳли-аёлларига нисбатан жуда қаттиққўл (қизганишда) бўлганликлари ҳақида иснодли ривоятлар қилинади. Уй-жойларидан ташқарига чиққанда, бегоналар кирмасин деб эшикка қулф солар эдилар.

Ривоят қилинадики, Довуд (а.с.) ҳовли-жойлари эшикларига қулф солиб кетган эдилар. Қайтиб келиб қарасалар, аҳли оилаларидан бири ташқарига қараб, у ерда турган кишига тикилиб турган экан. Хотини бошқа аёлларга: «Эшиклар қулфланган бўлса, бу одам қандай қилиб ҳовлига кирди! Аллоҳга қасамлар бўлсинки, бу Довуд (а.с.)га хуш келмайди. У ерда турган кишидан сўради: «Сен кимсан ва бу ерга қандай кириб қолдинг?» «Мен подшоҳлардан кўрқмайдиган, эшик, деворлар тўсиқ бўлмайдиганларданман», – деб жавоб берди. Шунда Довуд (а.с.): «Аниқдирки, сиз Малакулмавтсиз! Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло амрини бажаришга марҳабо, хуш келибсиз! Оз вақт ичида Довуд (а.с.)нинг жонини қабз этиб олиб кетдилар.

Ваҳб бин Мунаббаҳ (р.а.) ривоят қиладилар, Довуд (а.с.) жанозасига қирқ мингдан кўпроқ одам ҳозир бўлган экан. Одамлар очиқ жойда жазирама офтоб остида турганликлари ҳақида Сулаймон (а.с.)га хабар қилинди. Сулаймон (а.с.) паррандаларга

қанотларини ёйиб, одамларга соя солишни буюрдилар. Қушлар Пайғамбарнинг фармони билан қанотларини ёйиб одамларга соя солганларида, ҳатто шамол йўли ҳам тўсилган эди. Ҳаво етишмаслигидан одамлар лоҳас бўла бошладилар. Сулаймон (а.с.) буни кўриб, қушларга шамол йўлини очиб, фақат офтобдан соя қилишни буюрдилар. Қушлар фармонни бажо келтириб, ҳаво мўътадил бўлди. Бу Сулаймон (а.с.)нинг биринчи давлатдорлик фармонлари, ҳукмларини ўтказишлари бўлиб, буни одамлар ўз кўзлари билан кўрдилар...

### УЧ ГЎДАҚДАН БОШҚА ҲЕЧ КИМ БЕШИҚДА СЎЗЛАГАН ЭМАС

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ дедилар: уч гўдақдан бошқа ҳеч ким бешиқда сўзлаган эмас. Биринчи – Исо (а.с.) ўзлари оналарининг гуноҳи йўқлиги ва Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг барҳақ пайғамбари эканликлари ҳақида Аллоҳ таоло қудрати билан бешиқда тилга кириб сўзлаган эканлар. Иккинчи – Бани Исроилда Журайж исми обид бўлиб, ўзининг алоҳида ибодатхонасида яккаю ягона Аллоҳга ибодат қиларди. Ҳатто шу даражада машғул эдики, онаси келиб, у билан суҳбат қилишни истаганда ҳам ибодатини тарк этмас эди. Бу бир неча марта такрорланганидан кейин онаси хафа бўлиб, «Парвардигоро, уни ёмон ахлоқли аёлга дучор этгандан кейин жонини ол!» деб дуо қилди. Бир куни Бани исроилликлар унинг ибодатини ва тақводорлигини таъриф-тафсир қилаётганларида бир аёл ўрнидан туриб: «Уни айнитишимни истайсизми?» – деб сўради. «Майли», – деб жавоб қилишди. Шундан кейин бу маккора аёл обиднинг олдига келиб, ўзини касалга солди. Обид унга қайрилиб ҳам

қарамади. Журайжнинг уйига яқин жойда бир чўпон молларини боқиб юрарди. Кун исиганда унинг уйи соясида моллари дам олиб ётар эди. Бадбахт аёл чўпонни ҳийла-найранглари комига тортиб ҳомиладор бўлди. Вақт соати етиб, ўғил тугди. Одамлар ундан: «Бу кимнинг боласи», – деб сўрашди. «Обид Журайжнинг боласи», – деб жавоб берди аёл. Одамлар бундан газабланиб, Журайжнинг ўзини калтаклаб, ибодатхонасини вайрон қилиб ташладилар. Журайж бундан ҳайрон бўлиб, уларга деди: «Менинг гуноҳим нима, нега бундай қиляпсиз? Улар Журайжга: «Ўзингнинг сохта ибодатинг билан бизни алдабсан. Мана бу бадахлоқ аёл билан алоқа қилиб, беникоҳ бола тугилган», дейишди. Журайж бу қуруқ тухматни эшитиб: «Ўша бола қани?» – деди. «Сенинг ҳаромзоданг мана!» – деб болани унга кўрсатишди. Журайж дарҳол туриб, ибодат қилди ва намозини тугатиб, гўдакнинг олдига келди. «Эй бола, Худо ҳаққи ҳурмати учун айт, сенинг отанг ким?» – деди. Гўдак фасиҳ тил билан: «Чўпон менинг ҳақиқий отам бўлади», – деди. Одамлар буни гўдак тилидан эшитиб ёқаларини ушлаб, қилмишларидан пушаймон бўлган одамлар обиднинг қўл-оёғини ўпиб узр сўрашди. «Биз ўша нопок аёлнинг гапига ишониб, сенга жабр қилдик. Айбимизни ювиш учун хоҳласанг олтиндан ибодатхона қуриб берамиз». Журайж уларга: «Тиллаларингизни ўзингизга ишлатинг. Менга ўзимникига ўхшаган лойдан оддийгина ибодатхона қуриб берсангиз етарли», – деди.

Учинчи сўзлаган гўдакнинг тарихи бундай: «Бир аёл боласини эмизиб ўтирган эди. Улар олдидан бир отлик ўтди. Она шундай деб дуо қилди: «Парвардигоро, ўғлим шу отликқа ўхшаган бўлсин». Гўдак оғзини она кўкрагидан олиб: «Парвардигоро, мени унга ўхшаган қилмагин!» – дедию, яна онасининг кўкрагини оғзига олди. Шундан кейин она-бола калтакланаётган аёлни кўриб қолишди. Шунда она: «Парвардигоро, зинҳор менинг

бошимга бу аёлнинг кўргилигини солмагин», – деди. Гўдак яна ширингина қилиб: «Парвардигоро, онамнинг қисмати шу аёлниқига ўхшаган бўлсин», – деди. Шунда она боласига деди: «Болагинам, сени отликқа ўхшаган савлатли, обрўли бўлсин» деганимда, сен Худодан унинг аксини сўрадинг, «Зинҳор мени бу аёлга ўхшатмагин» деганимда, менинг дуойимнинг аксини айтдинг?» – деди она. Бола деди: «У киши золимлар ва зинокорлар тоифасидан эди, аёл эса одамлар тухматига учраган бўлиб, унга зинокорсан, ўғри-ҳаромхўрсан, деб тухмат қилиб, озор бераётган эдилар. Аслида бу аёл покдомонлардандир, у ҳеч қачон ўғрилик қилмаган. Аёл уларнинг тухматига жавобан: «Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло менга кифоядир ва ҳимоячимдир!» деб айтаётганини эшитмадингизми?» (Имом Бухорий ривояти.)

## ТўРТ ИЛОҲИЙ КИТОБНИНГ НОЗИЛ БЎЛИШИ

Абдуллоҳ бин Солиҳ, Муовия бин Солиҳ ўзлари эшитган одамлардан бизга шундай ривоят қилдилар: «Иброҳим (а.с.) га «Сухуф» Рамазон ойининг биринчи кечасида нозил бўлди, Мусо (а.с.)га «Таврот» Иброҳим (а.с.)нинг «Сухуф»идан сўнг 70 йил ўтгач, Рамазон ойининг олтинчи кечасида нозил бўлган. Довуд (а.с.)га «Забур» «Таврот»дан сўнг 482 йил ўтгач, Рамазон ойининг ўн иккинчи кечасида нозил бўлди. Исо (а.с.)га «Инжил» «Забур»дан сўнг 1100 йил ўтгач, Рамазон ойининг ўн иккинчи кечасида нозил бўлди. Пайғамбаримиз (с.а.в.)га «Қуръон» «Инжил»дан сўнг 620 йил ўтгач, Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечасида (баъзилар йигирма тўртинчи кечада деганлар) Аршдан дунё осмонига олиб тушилди ва йигирма уч йил мобайнида Раббил-олабийн амри-фармони билан Жаброил (а.с.) оятма-оят ерга олиб тушдилар.



## АМАЛ НИЯТГА МУВОФИҚ БЎЛАДИ

Аллоҳ таолонинг маҳбуб Пайгамбари (с.а.в.) бирор сўзни ҳаводан олиб ёки ўзларича асоссиз айтган эмаслар, балки Он ҳазрат (с.а.в.) ҳар бир сўзлаган сўзлари Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло томонидан илҳомлантирилган Илоҳий ваҳийдир. Саҳл бин Саирдан ривоят қилинадики, Пайгамбаримиз (с.а.в.) мушриклар билан бўлган олишувлардан кейин дам олар эдилар, бошқалар Пайгамбаримиз (с.а.в.)га пайровлик қилар эдилар. Жасурликда тенги йўқ бир жангчи бор эди. Қочаётган душманга ўта чаққонлик билан етиб олиб маҳв этарди. Бошқа саҳобалар унинг қаҳрамонликларини ўзаро мадҳ этардилар. Пайгамбаримиз (с.а.в.) унинг жаҳаннам аҳлидан эканлигини башорат қилганларида саҳобалар ҳайратда қолган эдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг айтганлари Илоҳий ваҳий эканлиги шунда эдики, бу одам мунофиқлардан бўлиб, унинг бу иши мусулмонларнинг ҳимояси, манфаати учун бўлмай, одам ўлдиришдан фақат завқланиш эди. Ҳадиснинг давомида айтиладики, агар бу одам Жаҳаннам аҳлидан бўлса, бизлардан қайси бирларимиз Жаннат аҳлидан бўламиз, деб сўрашди. Саволнинг жавоби ҳадиснинг ўзидан келиб чиқади, яъни мунофиқлик билан қилинган амаллар савобга олиб бормади. Саҳобалардан бирлари шундай деб айтган эканлар: «Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бу сўзларидан кейин мен ҳар доим шу жасур одам билан бирга бўлишга ҳаракат қилдим. У юрса юрдим, юурса югурдим, хуллас, бир нафас ҳам ундан айрилмадим. Бир куни унга ўқ тегиб қаттиқ жароҳатланди. У ўлишга шошилиб, сабрсизлик қилиши мени ҳайратга соларди. У пичогини ерга ўрнатиб, ўз юрагини нишонга олиб, ўзини пичоқнинг устига ташлади ва кўп ўтмай жон берди. Мен буни кўриб Расули Акрам (с.а.в.)нинг ҳузури муборақларига келиб: «Сизнинг

Пайгамбарлигингиз барҳақлигига гувоҳлик бераман», – дедим. Бир вақт Сиз шу одамни Жаҳаннам аҳлидан бўлади деганингизда, ҳайратда қолган эди. Шундан кейин мен ҳар доим у билан бирга бўлдим ва айтганларингизнинг исботини изладим. У қаттиқ жароҳатлангандан кейин огриққа бардош беролмай, ўзини-ўзи ҳалок этди. Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) бунни эшитиб: «Жаннат аҳли хусусиятларини намойишкорона қиладиган одам Дўзах аҳлидандир ва Дўзах аҳлига хос бўлган амаллар содир қиладиган ва бундан қўрқувчилар Жаннат аҳлидандир» – дедилар. (Имом Бухорий)

Барча амаллар ниятга мувофиқ бўлиб, хотимасига боғлиқдир. Парвардигоро, барча мўмин ва мўминаларни фақат хайр амалларга йўналтиргин.

## ЯЪЖУЖ ВА МАЪЖУЖЛАР ТОИФАСИ

«Бидоя ва ниҳоя» китобининг муаллифи раҳматуллоҳи алайҳ айтадиларки, «Яъжуж ва Маъжуж бизнинг билганимиз хилофи ўлароқ Одам (а.с.) зурриётидандир. Бин Солиҳ ва Аби Саиднинг «Саҳиҳ»ларида келтириладикки, Расули Акрам (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: «Қиёмат қойим бўлган вақтда Аллоҳ таоло Одам (а.с.)га: «Ё Одам, Жаҳаннам ўтига ташланадиганларни ўз зурриётингдан ажратиб, Дўзах ўтига юбор!» – деб фармон беради. Одам (а.с.): «Оловга ташланадигани кимлар?» – деб савол сўрайдилар. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло: «Минг нафардан тўққиз юз тўқсон тўққизтасини Дўзахга ва биттасини Жаннатга юбор», – дейди. Бу ҳолатни кўриб турганлар қўрқувдан гам-гуссага ботадилар, ҳатто бу даҳшатдан гўдакларнинг сочлари оқара бошлайди. Одамлар эс-ҳушидан айрилиб, ўзларини

билмай, мастлардек тентираб юрадилар. Азобнинг қаттиқлиги ва тушиши мумкин бўлган ҳолат даҳшати уларни шу аҳволга солади. Саҳобалар Расулulloҳ (с.а.в.)дан: «Бизнинг қайси биримиз ўша мингтанинг бири бўламиз?» деб сўрадилар. «Сизларга хушхабар бўлсинки, сизлардан бир нафар ва Яъжужу Маъжужнинг мингтаси Дўзахга боради», дедилар.

Бу ҳадиснинг мазмунидан маълум бўладики, Яъжужу Маъжуж Одам (а.с.) наслидан бўлиб, уларнинг сони кўп экан. Улар Нуҳ (а.с.) зурриётидан пайдо бўлган. «Муснад» ва «Сунан»да келтирилганки, Нуҳ(а.с.)нинг учта – Сом, Ҳом ва Ёфас исмли ўғиллари бор эди. Сом – Арабу Ажамликлар отаси, Ҳом – Ҳинду Ҳабашлар отаси, Ёфас – Турклар отаси ҳисобланади. Яъжужу Маъжужлар турклар тоифасидан бўлиб, улар аслида Мўғулистонда пайдо бўлишган, бошқача қилиб айтганда уларни мўғул-татар деб аташади. Улар жуда кўп сонли бўлиб, фисқу фасодга ҳаддан ташқари берилган бўлишади. Улар нима сабабдан турк деб аталди? Искандар Зулқарнайн Яъжужу Маъжужлар қаршисида қўр тўкиб тўсиқ бунёд қилди ва улар унинг ортида қолдилар. Фасодга қўл урмаганлари тўсиқнинг бу ёғида қолишди. Фасодкорлари тўсиқнинг нариги томонида қолдирилди ёки тарк қилиндилар, кейин тарклар ёки турклар дейилди.

Бу ривоятнинг келтирилиши билан бирорта бир халқни камситмоқчи эмасмиз. Бизнинг динимизда ислом эътиборга олинади. Одамнинг қайси қавму миллатга тааллуқли эканлигига қаралмайди. Бирдан-бир эътибор эътиқодга, яъни мусулмон ёки мусулмон эмаслигига қаратилади.

Аммо ривоят (ривоят заиф деб ҳисобланади) қилинадики, Одам (а.с.) эҳтилом бўлганларида нутфалари ерга тушиб тупроққа қоришди ва ушбу қавм пайдо бўлди. Юқорида айтилганидек Яъжуж-Маъжуж Одам (а.с.) зурриётидандир.

## АНАС (р.а.) ҲАЖЖОЖИ ЗОЛИМДАН ҚЎРҚМАС ЭДИЛАР

Ривоятда келтирилишича, Анас бин Молик (р.а.) ёшлик чоғларидаёқ Расули Акрам (с.а.в.)нинг тарбияларидан баҳраманд бўлганлар. Умрларининг кўпини ул зоти Бобаракот (с.а.в.)нинг суҳбатларида ва ҳамнишинликларида ўтказган эканлар. Анас (р.а.) ривоят қиладиларки, «Кунларнинг бирида Пайгамбаримиз (с.а.в.) билан бирга таом еяётганимда, жуда ҳам кичиклигим ёки ақлим етишмаслигидан бўлса керак, товоқнинг турли жойидан луқма олаётганимда Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг Ҳабиби (с.а.в.) менга насиҳат қилиб: «Эй болажон, таом ейишдан аввал «Бисмиллоҳир-Раҳмонир-Раҳим» деб айтгин, таомни ўнг қўлинг билан егин ва луқмани фақат ўз олдиндан олгин!» дедилар. Бундай таом ейиш одоби, улардан қолгандир ва овқатланиш суннати ҳисобланади». Бунга комил эътибор бериб, фарзандларга ўргатмак даркор.

Ҳазрати Анас (р.а.) баракали ҳамда узоқ умр кўрган бўлиб, умрларининг охири, золимликда тенги бўлмаганлиги учун тарихда Ҳажжожии золим деб ном олган Ҳажжож Юсуф халифалиги вақтига тўғри келган эди. У илм аҳлларига озор беришда ҳар қандай бедодликдан тап тортмас эди. Баъзи ривоятларга қараганда, уламоларни нест-нобуд қилишга ҳам қўл урган экан. Кунлардан бир куни у Анас (р.а.)ни саройга олиб келишни буюради. Хизматкор Анас(р.а.)нинг олдиларига келганида кулбалари ёнида мўйсафидларга хос мискинлик билан эшик олдидаги тош устига ўтириб, ўтган умрларини мушоҳада қилаётгандек эдилар. Хизматкор амирнинг фармонини Анас(р.а.)га етказди ва боришлари лозимлигини айтди. Анас(р.а.) бунга жавобан: «Менинг амирнинг олдида борадиган ҳеч қандай ишим йўқ», – деб айтдилар. Хизматкор саҳобаи киромга тушунтириб, амирнинг ҳузурига бориш, унинг амри-фармонини бажо келтириш шартлигини билдирди.

Хуллас, Анас (р.а.) боришга рози бўлиб, Расулуллоҳ (с.а.в.) дан ўрганган дуони ўқиб ўзларига дам солиб, Ҳажжожии золим дарборига йўл олдилар. Саройга кириб келганларида Амир:

– Сиз Анасмисиз?» – деб савол берди.

Анас (р.а.):

– Ҳа, мен Анасман, – дедилар.

– Эшитишимизча, ҳаққимизда ҳар хил паст-баланд гапларни айтиб юрган эмишсиз?

– Ҳа, шундай. Айтганман, бундан кейин ҳам нима лозим бўлса, шуни айтаман.

– Нега обрў-эътиборимни раият олдида пастга урасиз?

– Бор гапни айтиб, сени ўзингга келтириб, қиладиган бедодлигингни тўхтатмоқчиман. Нима қилаётганингни билияпсанми?

– Нима қилипмиз, биздан нима ўтибди?

– Сен Худонинг дўстларини хор қилиб, душманларини азиз тутяпсан! Яна нима қилишинг қолди бу дунёда?

– Кимлигимизни билмайсанми? Ҳузуримизга қандай келган бўлсанг, шундай соғ-саломат кетишни истамайсанми? Мендан қўрқмайсанми?

– Илм таълимини Аллоҳ таолонинг суюкли Ҳабибидан олганман, боз устига Ҳазрат (с.а.в.)дан шундай дуолар ўрганганманки, менга ҳеч нарса қилолмайсан.

Ҳажжожии золим Расули Ақрам (с.а.в.)нинг исми шарифларини эшитиб, қалби юмшади. Гап оҳангини ўзгартириб: «Шу дуони менга ўргатмайсизми?» – деди.

– Нафасим чиққунча уни ҳеч кимга ўргатмайман, айниқса сенга! – дедилар.

Ҳажжож бу доно, қалби дарё, шижоатли мўйсафид билан баҳсу можаро қилишнинг бефойдалигига тушуниб етди ва жавоб бериб юборди. Анас (р.а.) умрларининг охирида, агар инсон

орттирган илмини инсонлар ўртасида тарқатмасдан ўзи билан гўрга олиб кетса, эрта қиёмат кунда бундай олимнинг бўйнига оловдан ясалган юган солинади, мазмунидаги ҳадиси шарифни эсга олиб, шогирдларига дуони ўргатдилар. Агар бирорта одам золимнинг ҳузурига борганда ушбу дуони ўқиб ўзига дам солса, иншоаллоҳ золимнинг зулмидан омон топади. Шарти шуни пойи таҳорат билан Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога юзланиб, бошида ҳамда охирида Пайғамбаримиз (с.а.в.)га салавот айтиши керак.

Дуо будир:

«Бисмиллоҳи хайрил асмой, бисмиллоҳи ло язурру маъа исмиҳи шайбун фил арзи вало фис-самой, бисмиллоҳи ъало нафси ва дини, бисмиллоҳи ъало аҳли ва моли, бисмиллоҳи ъало кулли шайбин аътони Рабби, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар. Аъзу биллоҳи миммо ахофу ва аҳзур Аллоҳу рабби ло ушрика бика шайъан ъазза жорука ва жалла саноъука ва тақаддасат асмоука ва ло Йлоҳа ғайрук. Аллоҳумма инни аъзузубика мин шарри кулли жабборин ъанийд ва мин шарри шайтоним-марийд вamin шарри қазои суъ ва мин шарри кулли даббатин анта охизийна би носиятиҳо инна Рабби ъало сиротим-мустақийм».

### АФВ ЭТИШ ВА КЕЧИРИШНИНГ АЖРУ САВОБИ ЧЕКСИЗДИР

Анас бин Молик (р.а.)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳнинг ҳузурларида ўтирган эдик. Он Ҳазрат (с.а.в.) шундай табассум қилдиларки, муборак тишлари ҳам бироз кўринди. Ҳазрати Умар (р.а.): «Ё Расулаллоҳ, ота-онам сизга фидо бўлсин, не нарса

табассумингизга сабаб бўлди?» – деб сўрадилар. Он Ҳазрат (с.а.в.): «Ҳисоб-китоб бўладиган кунда умматимдан икки нафари Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳузурда даъвогарлик қиладилар. Улардан бири: «Парвардигоро, биродаримнинг менга қилган зулми баробарига савобларидан менга олиб бергин», – дейди. Парвардигори олам шундай дейди: «Биродарингнинг савоблари тугади». Шунда у одам: «Унда менинг гуноҳларимни олиб унинг елкасига ортишингни истайман», – дейди. Буни сўзлаётиб Расулulloҳ (с.а.в.)нинг муборак кўзларидан ёш оқа бошлади. «У кун жуда оғир кун бўлади ва одамлар ўз гуноҳларини бировнинг елкасига ортишга муҳтож бўладилар. Шунда Аллоҳ таоло у бандасига, «Тепанга қарагин», деб амр қилади. У тепасига назар солиб, ажойиб хушманзара маконни кўради. «Эй бор Худоё, тиллодан ясалган шаҳарни, лаълу маржонлардан бунёд қилинган баланд қасрни кўряпман. Улар кимники? Бу шаҳар ва қасру, кўшк-айвонлар қайси пайгамбарники, қайси сиддиқники ёки қайси шаҳидники бўлади!» – деб сўрайди. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтадики, «Ҳақини тўлаган бандамники бўлади». Шунда у одам: «Парвардигоро, унинг ҳақини ким тўлай олади? «У сеники бўлади!» «Ниманинг эвазига?» деб сўрайди банда. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтадики, «Ўз биродарингни афв этиш, кечириш ҳисобига». Шунда у: «Парвардигоро, мен биродаримнинг менга қилган зулмини кечирдим», дейди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло: «Биродарингнинг қўлидан ушлаб, Жаннатга киринглар!» – деб амр қилади».

Буни айтиб Расулulloҳ (с.а.в.) яна илова қилдилар: «Аллоҳ субҳонаҳу таолодан кўрқинг, ўртада сулҳу салоҳ билан тинчликда яшанг, чунки Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг хоҳиши шудир. (Бу ҳадисни Ҳаким Байҳақий Убод бин Шайбадан ва у Саид бин Анасдан ривоят қилган ва ҳадис саҳиҳдир.)

«Ё РАСУЛАЛЛОҲ, МЕНГА ПАНДУ НАСИҲАТ ҚИЛИНГ!»

Абу Зарр Ғифорий (р.а.)дан ривоят қилинади:

«Ё Расулаллоҳ, Иброҳим Халилуллоҳ (а.с.)га нозил бўлган саҳифаларда қандай ҳукму фармонлар берилган эди? – деб сўрадим.

Расули Акрам (с.а.в.) бундай деб жавоб қилдилар: «Бу саҳифаларнинг барчасида панду насиҳатлар қайд қилинган эди. Жумладан, Парвардигори олам айтади: «Эй мағрур подшоҳу султонлар, мен сизларни дунё тўплаш, мамлакатларни забт этиш учун юбормаганман. Муҳтожлар ҳожатини чиқариш ва кучсизларни зўравонлардан ҳимоялаш учун юборганман. Мен ҳатто кофирнинг илтижосини ҳам эътиборсиз қолдирмайман».

Ўзининг ақлига муте бўлган инсон кеча ва кундуз соатларини ўзи учун ажратмоғи даркор. Бир соатни ўз Парвардигорига дуою муножот қилиш учун, бир соатни ўз нафсини тафтиш этиш, ҳисоб қилишга, бошқа бир соатни Аллоҳ таоло яратган махлуқотлари турли-туманлигини тадаббур этишга, бирор соатни ўз нафсини тартибга солиш тадбирига сарфламоғи лозим.

Ақлли инсон ушбу уч ҳолатдан ташқари сафарга бормаслиги лозим:

1. Охиратни обод қилиш, бу дунёдан бўш қўл билан кетмаслик учун илм талаби билан бориш, Ҳаж ибодатини бажо келтириш.
2. Ризқи-рўз топишга ўз умрини бекор сарфламаслик.
3. Дунё маишатини деб сафарга чиқмаслик.

Оқил одам ўз замонаси ҳолатини билсин ва тилини беҳуда сўздан тийсин. Сўзлаши лозим бўлган инсон маъноси йўқ гапни айтишдан эҳтиёт бўлмоғи даркор.

Абу Зарр Ғифорий (р.а.) яна сўрадилар:

– «Мусо (а.с.)га нозил бўлган «Таврот»да нималар ёзилган эди?»



Расули Ақрам (с.а.в.) шундай жавоб бердилар: – Унда ҳикмат билан мавъизалар дарж қилинган эди.

– Масалан?

– Улимнинг ҳақ эканлигини биладиган кишининг ҳозирги кунига хурсанд бўлиши таажжублидир. Жаҳаннам борлигини била туриб куладиганлар иши таажжублидир. Ризқни азалий деб билади-ю, лекин уни топиш орқасидан югуриб, машаққат чекадиганларнинг хатти-ҳаракати таажжублидир. Дунё ва бахт-иқболни дунё аҳлидан деб биладиган ва ўз охирагининг хайрини дунё аҳлидан биладиган одамнинг аҳволи таажжублидир. Амаллари ҳисоб-китоб қилинишига ишонадию, лекин амал қилмайдиган шахснинг ишлари таажжублидир.

Абу Зарр Гифорий (р.а.) яна:

– Ё Расулаллоҳ, менга насиҳат қилинг, – дедилар.

Расулаллоҳ (с.а.в.) бунга жавобан шундай дедилар:

– Худодан кўрққин, барча хайрли ишларнинг боши Худодан кўрққидан бошланади.

– Ё Расулаллоҳ, менга яна бир насиҳат қилинг, – дедилар Абу Зарр Гифорий (р.а.).

Ҳазрат (с.а.в.):

– Аллоҳ субҳонаху ва таоло зикри ва Куръон тиловатини кўпроқ қилишинг лозим, чунки бу сенга ерда нур ва осмонда захира бўлади. Кўп кулишдан парҳез қилгин, чунки кўп кулиш қалбни мажруҳ қилади ва юзнинг нурини камайтиради. Аллоҳ таоло душманларига қарши жиҳод қилгин, чунки менинг умматим орасида роҳиблик (тарки дунёчилик) бўлмайди, унинг ўрнини бойликка кўнгил қўймаслик босади. Мискинлар дўсти бўлгин ва уларга ҳамнишинлик қилгин. Сендан камроқ бўлган одамлар томонида бўлгин, чунки унинг қаршисида ўзингнинг даражангни англайсан. Гарчи аччиқ бўлса-да, ҳақиқатни айтишдан тонмагин. Ўзинг қилмайдиган

амалдан одамларни ҳам қайтаргин, сен қиладиган ишни бировлар қилса, нуқсонини излама, яъни энг аввало ўзингни ислоҳ қилгандан кейин бошқалардан талаб қилсанг, ярашади.

Абу Зарр Гифорий (р.а.) давом этиб дедилар: «Ҳазрати Расули Акрам муборак қўлларини кўксимга қўйиб дедилар: «Ё, Абу Зарр, ҳеч бир ақл тадбирга тенг келмайди ва ҳеч қандай парҳезкорлик ақлинг етмайдиган саволга жавоб излаш, шубҳали, шаҳват ва ҳаромдан ҳазар қилишга етмайди».

Бин Ҳаббоннинг «Саҳиҳ»ларида бу ҳадисни саҳиҳ деб айтилган.

### ХАМР ВА ИМОН БИР ҚАЛБГА СИҒМАЙДИ.

Усмон бин Аффон (р.а.)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (с.а.в.) айтдилар:

– Пасткашликнинг онасидан, яъни хамрдан (кайф берувчи ичимликлар) парҳез қилинг! Сизлардан илгари ўтган умматлар ичида бир одам тарки дунё қилиб, фақат Аллоҳ таоло ибодати билан шуғулланарди. Кеча-кундуз бир гўшада ўтириб, комил итоат билан ибодатда бўларди. Бир аёл унга кўнгили бериб, ошиқу беқарор бўлди. Хизматкорни унга юбориб, бир масалани ҳал қилиш учун ташрифингизни кутамиз, деб айттирди. Шайх унинг таклифига лаббай, деб жавоб қилди ва унинг уйига етиб келди. Уйига кириб, ҳар бир хона эшигидан ўтганда, орқасидан эшикка қулф солиб келишарди. Охири бир хонага кириб келганда соҳибжамол аёлнинг ўтирганини ва ёнида коса билан шаробли идишни кўрди. Аёл унга: «Биз бу ерга сизни бирор масалани ҳал қилинг деб чақирмаганмиз, балки учта шартдан бирини қабул қилишингизга тўғри келади: Ё мен билан бирга бўласиз, ёки мана бу ёшгина қулнинг калласини танасидан жудо қиласиз,

ёки мен билан бирга шароб ичасиз. Агар шу шартлардан бирига кўнмасангиз, тухмат балоси билан одамлар орасида шармандаю шармсор бўласиз, – деди.

Шайх ишнинг бундай чаппасига кетишидан жуда ҳайрон бўлиб, ноилож қолганидан шароб ичишга рози бўлди. Озгина ичгандан кейин кайфи ошиб, ўзини идора қилолмай, пайдар-пай шароб ичаверди. Охири иш шунга етдики, аёл билан бирга бўлди ва бу ишларга гувоҳ бўлиб турган қулнинг бошини танасидан жудо қилди...

Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) марҳамат қилиб айтадилар: «Шароб ичишдан ўзингизни тийинг, чунки имон билан шароб ҳеч қачон бир қалбга сиғмайди. Яъни бири иккинчисини албатта ҳайдаб чиқаради. Агар имон мустаҳкам бўлса, шаробга жой бермайди ва аксинча, шаробга мойиллик ошганда имон қочади. Улар ҳеч қачон бир жойга сиғмайди».

## ЕТИМЛАР БОШИГА СОЯБОН БЎЛГИН

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг Байҳақий ва Исбаҳоний ривоят қилган ҳадиси шарифларида Расули Акрам (с.а.в.) Яъқуб (а.с.) ҳақида айтган эканлар:

«Бир одам келиб Яъқуб (а.с.)дан сўради:

– «Кўзинг нуруни нима кетказди, қоматингни нима эгди?

Яъқуб (а.с.):

– Азиз фарзандим Юсуфнинг фироқида кўп йиғлаганимдан кўзим кўр бўлди, укаси Бинёминнинг ғами белимни букди.

Буни айтишлари билан Жаброил (а.с.) келиб дедилар:

– Сенга Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло салом юборди ва мендан шикоят қиляпсанми, деб айтди.

Яъқуб (а.с.) дедилар:

– Ўз ғаму андуҳларимни Аллоҳ таолога арз қиляпман.

– Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло донодир, айтмасанг ҳам билади, – дедилар ва қайтиб кетдилар.

Яъқуб (а.с.) уйга кириб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога арзу ниёз билан муножот қилдилар:

– Парвардигоро, сен мендек қариянинг ғамхўрисан, иккала суюкли фарзандимни бағримга қайтар, уларни бағримга босиб, тўйиб-тўйиб ҳидлайин. Шундан кейин менга нимаики раво кўрсанг, ихтиёр сендадир.

Қазрати Жаброил (а.с.) яна ҳозир бўлиб, Яъқуб (а.с.)га дедилар:

– Аллоҳ таоло сенга саломлар юборди. Хушхабар ва башорат сенга муборак бўлсин. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло иккала фарзандингни сенга соғ-саломат қайтаради ва фарзандларингни кўришинг учун ожиз кўзларинг яна аслига қайтади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло яна шуни сендан сўрадики, «Эй Яъқуб, кўзинг нуруни нима учун олганлигимни биласанми? Қоматингни букдим, Юсуфнинг акалари нима учун бундай қулоқ эшитмаган муомалани қилдилар?»

Яъқуб (а.с.) дедилар:

– Билмайман.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло деди:

– Бир куни бир мискин одам рўзадор ва оч-наҳор ҳолида олдингга келганида, сен қўй сўйиб, аҳли оиланг билан тановул қилаётган эдинг. Сен унга бирор нарса бермадинг. Мен халқ этган махлуқотлар ичида ҳеч қайси бирини етим, бева-бечора ва мискинлардек севмасман. Озиқ-овқат ҳозирлаб ночор, мискинларга муруватпешалик қилгин.

Шундан сўнг Яъқуб (а.с.) бир одамга ҳар куни мискинларни, рўзадорларни, очларни, бева-бечораларни зиёфат дастурхонига



таклиф этиб жарчилик вазифасини топширдилар. Тонг отиши билан ҳар куни жарчининг «Яъқуб меҳмондорчилигига марҳамат қилинг!» деган овози кўчаларда янграрди.

Қандоқ яхшидирки, Аллоҳ таоло инсонни олий мартабаларга эриштириш учун яхшиликка илҳомлантиради. Асл бахтиёр кишиларгина ёрдам кўлини етимларга, боқувчисиз қолганларга, ҳожатмандларга узатадилар, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унинг қалбини раҳм-шафқат, мурувват маконига айлантиради. Маърифатли инсонлар бу ривоятдан бу дунё ва у дунё манфаати учун панд оладилар.

Бунга эътибор беринг-чи, Аллоҳнинг Расули (а.с.) қўй сўйиб аҳли оиласи билан еб ўлтирганида эшигига келган бир мискинга меҳр-шафқат кўрсатмаганлиги, уни эъзоз қилмаганлиги учун азиз фарзандларидан тириклайин жудо бўлди. Чунки етимлар, мискинларнинг Худойи таборак ва таолодан бошқа меҳрибони, ҳимоячиси, ҳомийси йўқдир. Фақат меҳрибон Парвардигорнинг ўзигина уларга кўмак бериш, меҳрибонлик қилиш кафолатини олгандир ва ёрдамини турли сабаблар билан уларга етказди.

## ТАСБЕҲ НАМОЗИ ЁКИ ГУНОҲЛАРГА КАФФОРАТ БЎЛАДИГАН ИБОДАТ

Бин Умар (р.а.) ривоят қилган эканлар:

«Расули Акрам (с.а.в.) Аббос бин Абдул Мутталибга (амакиларининг ўғли) ушбу намозни адо этиш таълимини бердилар. Келтиришларича, Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Ё, Аббос, беҳисоб фойда берадиган, каттаю кичик, янгию эскилигидан қатъи назар гуноҳлар мағфират қилинишига сабаб

бўладиган ибодатни ўргатайинми? Инсон камчиликларга йўл қўйиш хусусиятига эга. Кел, буни ўргангин ва тўрт ракаат намозга қойим бўлиб, ният қилгин.

Агар қодир бўлсанг, ҳар куни бир марта бу намозни адо этгин. Агар ҳар куни қила олмасанг, бир ҳафтада бир марта ёки бир ойда бир марта ёки бир йилда бир марта, ёки ҳеч бўлмаганда бутун умринг давомида бир марта бу намозни адо қилгин.

(Абу Довуд, Бин Можа ва Бин Ҳузайма бу ҳадиснинг саҳиҳлигига шубҳа қилмаганлар.)

Ушбу савоби кўп ибодатнинг тартиботини келтиришни лозим топдик – (мутаржим).

Тўрт ракаат намоз ўқиш учун қойим бўлиб, ният қилинади.

«Субҳонака Аллоҳумма ва биҳамдика ва таборакасмуқ ва таъало жаддука ва ло илоҳа гайрук» дегандан кейин:

15 марта «Субҳоналлоҳи, вал ҳамду лиллоҳи, ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб айтилади.

«Фотиҳа» сураси билан бошқа бир зам сура ўқилиб, 10 марта «Субҳоналлоҳи, вал ҳамду лиллоҳи, ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб айтилади. «Аллоҳу акбар» деб, рукуъга бориб, 3 марта «Субҳона раббиял азийм» дегандан кейин 10 марта «Субҳоналлоҳи, вал ҳамду лиллоҳи, ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб айтилади. «Самиаллоҳу лиман ҳамидах. Раббана лакал ҳамд» деб рукуъдан ростланиб, 10 марта «Субҳоналлоҳи, вал ҳамду лиллоҳи, ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб айтилади. «Аллоҳу акбар» деб, саждага бориб, саждада 3 марта «Субҳона Раббиял ғало» дегандан кейин 10 марта «Субҳоналлоҳ, валҳамдулиллоҳ, ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб айтилади. «Аллоҳу акбар» деб, саждадан бош кўтариб, ўлтирган ҳолда 10 марта «Субҳоналлоҳи, вал ҳамду лиллоҳи, ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб айтилади.

Иккинчи саждада:

«Аллоҳу акбар» деб, иккинчи саждага бориб, саждада 3 марта «Субҳона Раббиял ғало» дегандан кейин 10 марта «Субҳоналлоҳи, вал ҳамду лиллоҳи, ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб айтилади. «Аллоҳу акбар» деб, саждадан бош кўтариб, ўридан турилади.

Намознинг 2-рақаатида «Субҳонака Аллоҳумма ва биҳамдика ва таборакасмука ва тағало жаддука ва ло илоҳа ғайрук»ни айтмасдан қўллар боғланади. 15 марта «Субҳоналлоҳи, вал ҳамду лиллоҳи, ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб айтилади. «Фотиҳа» сураси билан бошқа бир зам сура қилинади. 10 марта «Субҳоналлоҳи, вал ҳамду лиллоҳи, ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб айтилади. «Аллоҳу акбар» деб, рукуъга бориб, 3 марта «Субҳона раббиял азийм», дегандан кейин 10 марта «Субҳоналлоҳи, вал ҳамду лиллоҳи, ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб айтилади. «Самиаллоҳу лиман ҳамидаҳ. Раббана лакал ҳамд» деб рукуъдан ростланиб, 10 марта «Субҳоналлоҳи, вал ҳамду лиллоҳи, ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб айтилади. «Аллоҳу акбар» деб, саждага бориб, саждада 3 марта «Субҳона Раббиял ғало» дегандан кейин 10 марта «Субҳоналлоҳи, вал ҳамду лиллоҳи, ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб айтилади. «Аллоҳу акбар» деб саждадан бош кўтариб, ўлтирган ҳолда 10 марта «Субҳоналлоҳи, вал ҳамду лиллоҳи, ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб айтилади. «Аллоҳу акбар» деб иккинчи саждага бориб, саждада 3 марта «Субҳона Раббиял ғало» дегандан кейин 10 марта «Субҳоналлоҳи, вал ҳамду лиллоҳи, ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деб айтилади. «Аллоҳу акбар» деб саждадан бош кўтариб, «Аттаҳийат», «Салавот»лар айтилгандан кейин салом берилади.

Намознинг 3 ва 4-ракаати 2-ракаатга ўхшаб ўқилади. Жулас, ҳар бир ракаатда шу тасбеҳ 75 марта айтилиб, намознинг 4 ракаатида ушбу тасбеҳнинг ҳисоби 300 тага етади.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло марҳамати билан Жаннатда бандаси учун айтилган тасбеҳ миқдорига тенг бўлган 300 та дарахт ато қилар экан.

## ШАЙТОН ҲАМ ТАОМГА МУҲТОЖДИР

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ (с.а.в.) мени Рамазон ойи рўзаси фитрига вакил этиб тайинладилар. Уни қўриқлаб ўтирганимда, тунда бир одам келиб, ундан ўғирламоқчи бўлди. Иккала қўлини тўлдириб, галладан олаётганида мен уни тутиб олиб, сени Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузури муборакларига олиб бораман, қандай жазога лойиқ бўлсанг, ўшани оласан, дедим. Ўғри илтижо билан деди:

– Хотин бола-чақаларим бор. Шу олган нарсамга жуда муҳтожман. Бўйнимда катта қарзим бор. Мени қўйиб юбор.

Унинг бу сўзларини эшитиб раҳим келди ва уни қўйиб юбордим. Эрта тонгда Расули акрам (с.а.в.) ҳузури муборакларига борганимда, сўрадилар:

– Эй Абу Ҳурайра, кечқурунги асиринг сенга нималар деди?

– Ё Аллоҳнинг Ҳабиби, у ўзининг ночорлигидан шу ишга қўл ўрган экан, чунки рўзғори оғир ва қарзи кўп экан. Ялиниб, ёлворганидан кейин уни қўйиб юбордим, – дедим.

Расулulloҳ (с.а.в.):

– У ёлғон айтибди, у яна келади, – дедилар.



Мен уни пойладим. Қарасам яна келиб, ўша ишини такрорлади. Учинчи марта ҳам келиб шундай қилганидан кейин, ўзимга-ўзим, бу охириги мартаси дедим-да, уни тутдим ва унга дедим:

– Биринчи марта келганигда қўлга тушиб бошқа келмайман, – дединг, қўйиб юборгандим. Шундан кейин яна икки марта келиб, ўғирликни давом эттирдинг. Энди сени Расулуллоҳ (с.а.в.) олдиларига олиб боришдан бошқа чора қолмади, – дедим.

– Мени қўйиб юбор, сенга бир калима ўргатаман, унинг шарофати билан Аллоҳ субҳонаху ва таоло сенга кўп фойдалар беради, – деди.

– Айт, – дедим.

У:

– Ётогингга кирганигда «Оятал-курси»ни охиригача ўқиб, ўзингга дам солгин. Бунинг нафи шундаки, Аллоҳ таоло уни сенга посбон қилади ва тонггача шайтон сенинг яқинингга кела олмайди, – деб айтди.

Шундан кейин уни қўйиб юбордим ва тонг отиши билан Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг олдиларига бордим.

Ҳазрат (с.а.в.) мендан сўрадилар:

– Ё Абу Ҳурайра, бу кечаси асиринг нима иш қилди?

– Уни тутиб олганимда, мени қўйиб юбор, сенга фойдали калимани, яъни «Оятал-курси»ни ўргатайин, ётогингга кириб охиригача ўқигин, Аллоҳ таоло уни тонггача сенга посбон қилади ва шайтон сенга яқин келмайди, деди. Шундан кейин уни қўйиб юбордим.

Расули Акрам (с.а.в.):

– Рост айтибди, лекин аслида ўзи ёлгончидир. Шу уч кечада сенинг олдингга ким келганини биласанми?» – дедилар.

– Билмайман, – дедим.

– Шу кечалари олдига шайтон келган эди. Шайтон ҳам еб-ичишга мухтождир. Очлик уни ўтирлик қилишга мажбур қилибди, – дедилар. (Имом Бухорий.)

## ҒАМ-ҒУССАНИ ҚАЛБДАН КЕТКАЗАДИ

Абу Саид Худрий (р.а.)дан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) масжидга кириб, Абу Амома исмли Ансорийни масжидда ўтирганини кўрдилар:

– Ё Абу Амома, нега намозга кирмасдан бу ерда ўлтирибсан? – дедилар.

– Қалбим ғам-ғуссага тўлган ва қарзларим ёқамдан тутиб турибди. Нима қилишни билмай ўлтирибман, – деб жавоб берди у.

Аллоҳнинг Расули (с.а.в.) дедилар:

– Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло қалбинг ғуссаларини кетказадиган, қарзларингни осонлик билан адо қиладиган калималарни ўргатайинми?

– Ҳа, ё Расулуллоҳ (с.а.в.), ўргатинг, – деди Абу Амома.

Ҳазрат (с.а.в.) унга дедилар:

– Ҳар куни тонгда ва кечаси бу калимани кўпроқ ўқигин:

“Аллоҳумма инни аъзузубика минал ҳамми ва хазани ва аъзузубика минал ғажзи вал касали ва аъзузубика минал бухли ва жубни ва аъзузубика мин голибатин-дайни ва қаҳрир рижоли”.

Абу Амоманинг сўзларига қараганда, бу дуони ўзлаштириб, такрор-такрор ўқиганидан кейин барча ғам-андуҳлар ундан йироқлашди ва осон бир сабаб билан қарзларидан ҳам қутулди. (Абу Довуд ривояти.)

Ғам-ғуссадан қутулиш воситаси бўладиган яна бир дуо ҳақида Бин Масъуд ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб бундай дедилар: – Кимки ғам-андуҳга ботган бўлса, бу дуони ўқиб, ёлғиз Аллоҳ таолодан умид қилсин, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ғам-ғуссани ундан кетказади ва қалбини шоду хурсандликларга тўлдиради:

“Аллоҳумма ғабдука ва бину ғабдука ва бину ғаматика носиятиҳ биядика мозин фийя ҳукмука ғадлул фийя қазоука асғалука би кулли исмин ҳува лака саммайта биҳи нафсака ав анзалтаҳу фии китобика ав ғалламтаҳу аҳадан мин халқика ав истаъсарата биҳи фии ғилмил ғайби ғиндика ан тажғала Қуръона рабиға қалби ва нура садри ва жалоа ҳузни ва зиҳоба ҳамми!”

Саҳобалар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан сўрадилар:

– Ё Аллоҳнинг Ҳабиби, бу дуони ҳаммамиз билишимиз зарурми?

Ҳазрат (с.а.в.):

– Ҳа, ҳар бир киши бу дуони эшитиб таълим олиши лозим, – дедилар. (Аҳмад, Ал Базоз, Абуяъло, Бин Ҳаббон ривояти.)

Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)дан ривоят қилинади:

– Расулуллоҳ (с.а.в.):

– Ғамгин бўлган одам бу дуони ўқисин: “Аллоҳумма раҳматака аржу фало такилни ило нафси туруфта ғайнини ва аслиҳ ли шаъни куллаҳу!”

Бин Аббос (р.а.)дан ривоят қилинади:

– Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар:

– Кимки “Истиғфор” калимасини айтиш билан мунтазам шугулланса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло қўлнинг калталиги ўрнига фаровонликни беради, ғамини кетказади, ризқини ўзи кутмаган жойдан беради. (Абу Довуд, Насоий, бин Можжа, Байҳақий ривояти)

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бу пандларига мунтазам амал қилган инсон ғам-андуҳдан нажот топади, иншоаллоҳ:

“Ло илоҳа қабла кулли шайъин ва ла илоҳа иллаллоҳу ябқо раббуно ва яфно куллу шаъин”.

Кимки, «Ла ҳавла вало қуввата илло биллоҳи ғалиюл ғазийм” калимасини айтиб юрса, тўқсон тўққизта дардига шифо бўлади ва ғам-ташвишдан осонликча қутулади.

Саъд бин Ваққос (р.а.) ривоят қиладилар:

– Расули Акрам (с.а.в.):

– Юнус пайгамбар (а.с.)нинг балиқ қорнида ўқиган дуоларини такрор-такрор ўқиган инсондан ғам-ташвиш йироқлашади ва яхшиликка умид шуълалари чарақлай бошлайди».

“Зуннун” дуо”си деб аталувчи дуо будир:

“Ло илоҳа илло анта субҳонака инни кунту миназ-золимийн”.

### САВДОГАРЛАР УЧУН ЗАРУРДИР...

Ҳасан (р.а.)дан ривоят қилинади:

«Маъҳил (р.а.) бемор бўлиб ётиб қолганида Абдуллоҳ бин Зиёд (р.а.) уни кўришга бордилар. Маъҳил ундан сўради:

– Ё Абдуллоҳ, ноҳақ қон тўкканимни ҳеч кўрганмисан?

Абдуллоҳ деди:

– Кўрмаганман.

Яна сўради:

– Тижоратда бирор марта нарх-навони кўтарганимни, харидорларга зарар етказганимни эшитганмисан?

Абдуллоҳ:

– Буни ҳам эшитмаганман ва кўрмаганман, – деб жавоб берди.

– Ё, Абдуллоҳ, бу ҳадисни мендан эшитгин, уни мен бир неча марта Пайгамбаримиз(с.а.в.)дан эшитганман, – деди Маъҳил.

У Ҳазрат шундай деган эдилар: “Кимки тижоратда, харидорлар

зарарига нархни кўтарса, Аллоҳ субҳонаху ва таоло ундай одамни даҳшатли оловли тахтга ўтқзади».

Абдуллоҳ:

– Ҳа, кўп марта эшитганман, – деди.  
(Аҳмад, Табароний ривояти.)

### АГАР САВДОГАР...

Байҳақий (р.а.) ривоят қилади:

“Расули Акрам (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар: – “Агар савдогар сўзлаганда ёлғон айтмаса, берилган омонатга хиёнат қилмаса, ваъдасига вафо қилса, сотиб оладиган нарсасини ерга урмаса, сотаётганда ошириб-тошириб уни мақтамаса, агар бўйнида қарзи бўлса, уни узишга шошилса, бировга қарз берган бўлса, қарздорини мушкул аҳволга туширмаса, бу савдогарнинг касб-коридан ҳалолроқ касб дунёда йўқдир”.

Бир куни Ҳазрат (с.а.в.) бозорга бораётган эдилар. Исмоил бинни Руфоъа ҳамроҳ бўлиб борарди. Одамлар олди-сотди билан машғул эдилар.

Бинни Руфоъа:

– Эй савдогарлар, Пайгамбаримиз Расулуллоҳ (с.а.в.)ни ижобат этинг!

Ҳазрат (с.а.в.) шунда:

– Қиёмат кунинда Худодан қўрқиб, яхшилик қилганларидан ва рост сўзлаганларидан бошқа тожирлар ўз гўридан чиқиб фожирлар (фисқ-фужур қилувчи) билан бир қаторда турадилар”, дедилар. (Термизий.)

Расули Акрам (с.а.в.) тожирларни фожирларга тенглаштирганларидан кейин асҳоби киром:

– Ё Расулаллоҳ (с.а.в.), Аллоҳ таоло байъни (олди-сотди) ҳалол қилган-ку?» – дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) шундай деб жавоб қилдилар:

– Бале, лекин савдо аҳли ўз ишларида кўп қасам ичадилар, ёлгон сўзлайдилар”.

## ИНСОН ТИЛИ БОШИГА ЕТАДИ

Бин Умар (р.а.) шундай ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар:

– Аллоҳ таолонинг зикри бўлмаган сўзларни камроқ айтинг. Агар сўз кўпайса-ю, унинг орасида Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло зикри бўлмаса, қалб ниҳоятда қораяди. Қалби қаттиқ бўлган ва қорайган одамнинг қалби Аллоҳдан узоқлашган қалб бўлади».

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (с.а.в.):

– Икки чакак ва икки оёғи орасидаги аъзоларини билиб бошқарган инсон, хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин, у Жаннатга киради, яъни тилини бекорчи сўзлардан, пуч ва фаҳш, ғийбат ва бўҳтондан, хусуматдан тиймоғи, икки оёғи орасидагиларни зино ва бошқа ношоиста ишлардан тиймоғи даркор. Бу иккисини ҳаромга аралаштирса, бадбахтликка сабаб бўлади».

Уқба бин Омир ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ (с.а.в.)дан нажот нимадир? – деб сўрадим.

– Уйингга сигишинг учун тилингни тийгин, ҳар бир хато учун афсус-надомат ёши тўкилгусидир, – деб жавоб бердилар Расулуллоҳ (с.а.в.). (Термизий.)

Муҳтарам биродарларимиз ва опа-сингилларимиз нажот топиш ва бахтиёрлик тилни ноҳўя сўзлардан тийиш ва ҳасад қилмасликда эканлигини яхши биладилар. Фитнаю фасод

кўпайганда ўз уйимизда ўтириб, тавба, истиғфorni кўпроқ айтишимиз, тоат-ибодат билан машғул бўлишимиз фақат фойда келтирувчи амаллардандир. Хабарда бордирки, инсон кечани тонг оттирганидан кейин баданининг аъзолари ҳол тили билан: «Бизнинг ҳақимиз учун Худодан кўрққин, чунки бизнинг ихтиёримиз сендадир, агар сен тўғри ва ҳалол бўлсанг, бизлар ҳам тўғри ва ҳалол бўламиз. Агар сен нотўғри қадам қўйсанг, биз ҳам нуқсонли бўламиз», – дейдилар.

Тилни пок тутишнинг инсон саломатлигида катта фойдаси бордир, чунки тил қалб таржимонидир. Инсонга тилига қараб, юриш-туришини кўриб баҳо берилади ҳамда шу икки аъзо инсонлик белгисидир. Бир аъзонинг хатоси билан бошқа аъзолар гуноҳ ботқоғига ботадилар, жазога мустаҳиқ бўладилар. Оддийгина бир мисол: Бир одам нолойиқ сўз ва ҳақорат билан бировни ранжитса, таҳқирланган газабланади ва ҳақорат қилувчини баттарроқ таҳқирлайди ҳамда калтаклашгача бориб етади, натижада бир нечта аъзоларга зарар-заҳмат етади. Яъни бошқа аъзоларнинг омон топиши бевосита тилга боғлиқдир. Айнан тил бошқа аъзоларни гуноҳга ботиради, айнан шу тил ёлғон қасам билан бошқа аъзоларни оташнинг емишига айлантиради, айнан шу тил аёлларни эридан, болани отадан, акани укадан ажратади, дўстни душманга айлантиради, мўмин бандалар қалбига озор етказди. Мўминнинг қалби Аллоҳнинг назаргоҳидир. Калимаи Тоиба ва Шаҳодат калималари шу тил билан айтилади. Шу тил билан Куръон тиловат қилинади.

Бин Умар (р.а.) ривоят қиладилар:

«Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилдилар:

– Эй муҳожирлар, бешта шундай хислат борки, сизларда бундай хислат бўлмаслигини Аллоҳ таолодан сўрайман. Яъни агар уммат ушбу беш хислатга одатланса, балоларга мубтало

бўлғусидир. Жумладан, фахш, фисқу фасод ривожланган мамлакатда яшовчилар ота-боболари дучор бўлмаган турли касалликларга ва бало-офатларга гирифтор бўладилар. Агар бозорда фисқ-фужур авж олган бўлса, яъни тарозидан уриб қолиш, муштарийлар ҳақига хиёнат қилиш юртга қашшоқлик, қургоқчилик келтиради. Ризқ-рўзи камайиб, фуқаролар зулм остида қоладилар. Агар молнинг закоти берилмаса, ёгингарчиликлар камаяди. Ёққанда ҳам закот бермаган одамлар фойдасига эмас, фақат тўрт оёқли махлуқотлар фойдасигагина ёғади. Агар Аллоҳ таоло билан ёки Аллоҳ таолонинг Расули (с.а.в.) билан аҳд қилган қавм ўртасида аҳд-паймон бузилса, уларнинг бошига, бегона бир душманни голиб қилиб келтиради. Агар қавмнинг имомлари Аллоҳнинг китобий фармонларини ўз ҳаётларига дастур қилиб олмасалар ва бошқаларга талқин қилмасалар, улар ўртасида низо пайдо бўлади. Фирибгарлик, ҳийла-найранг кўпайса, улар қўрқоқ бўладилар ва уларда гайратдан ном-нишон ҳам қолмайди. Агар зинокорликка ружуъ қилсалар, турли хасталиклар пайдо бўлади, бедаво дардга учраб, ёшларнинг ўлими кўпаяди, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳукмига биноан иш тутмасалар, ноҳақ қон тўкадиган бўладилар.

Шунингдек, Расули Акрам (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар:

– «Бизга зарар келтирадиган шахс биздан эмас, яъни бизнинг рақибимиздир. Тижоратда ёлгонга, фирибга, хиёнатга йўл қўйган шахс бизнинг умматдан эмас».

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилган бу ҳадисга шу нарса сабаб бўлган эдики, бир куни Ҳазрат (с.а.в.) бугдой тўпи олдидан ўтиб бораётганларида, бугдойнинг эгаси савдо билан машғул эди. Улар (с.а.в.) муборак қўлларини тўпнинг ичига чуқур тикқан эдилар, намга бориб етди.



Буғдойнинг эгасига дедилар:

– Бу нима қилганинг?

Савдогар:

– Ё Расулаллоҳ (с.а.в.), у очиқ жойда қолган эди. Ундаги намлик шундандир», – деди.

Расули Акрам (с.а.в.):

– Нега уни одамлар ўз кўзлари билан кўрадиган қилиб тўпнинг устига чиқармадинг? Фирибга йўл қўйган шахс, биздан эмас, – дедилар.

(Имом Муслим, бин Можа, Имом Термизий ривояти.)

## МУСО (А.С.)НИНГ ОДАМ (А.С.) БИЛАН МУСОҲАБАЛАРИ

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади:

“Расули Акрам (с.а.в.) марҳамат қилиб:

– Мусо (а.с.) Одам (а.с.)га ҳужжат келтириб, ўз гуноҳи сабаби билан одамларни Жаннатдан чиқаришга ва уларни бадбахт қилишга сабабчи бўлган Одам (а.с.) сизмисиз? – дедилар.

Одам (а.с.):

– Ё Мусо, Аллоҳ таоло сизни пок пайгамбарларидан қилиб, ўз каломига хос қилиб яратган одам сизмисиз? Сиз мени яратилишимдан олдин тақдири азалимда битилган гуноҳга айбдор қилмоқчимисиз?

Аллоҳнинг Расули (с.а.в.):

– Бу гаплар натижасида Одам Мусога далил-ҳужжат келтириб, голиб бўлдилар.

Ушбу мазмунда Ал-Ҳофиз Абу Яъло Мусилий ўз муснадларида Амирал-мўминийн Умар (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда

келтиришларича, Расулulloҳ (с.а.в.) Мусо (а.с.)нинг Одам (а.с.) билан қилган мусоҳабалари бобида бундай дедилар:

– Мусо “Ё Раббий, ўзи ва авлодларининг Жаннатдан ҳайдалишига сабабчи бўлган Одам (а.с.) билан мулоқот қилишга муяссар қилгин, – деб дуо қилдилар. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Мусонинг дуоларини ижобат қилди. Мусо дедилар, «Сиз ўша Одаммисиз?»

Одам:

– Ҳа, бале, – деб жавоб бердилар.

Мусо:

– Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Сизга ўз нафаси билан руҳ берган, малоикаларга сажда қилишга амр этган ҳамда барча ашёлар исмини ўргатган ўша Одам сизмисиз?”

Одам:

– Ҳа.

Мусо:

– Жаннатдан ўзингиз билан бизларнинг чиқарилишимизга сабаб бўлдингиз. Шундай қилишингизга нима етишмас эди?

Одам:

– Сиз Бани Исроил пайғамбари, Аллоҳ таоло бевосита сўз айтган Мусомисиз?

Мусо:

– Бале, ўша Мусоман.

Одам:

– Менинг яратилишимдан илгари тақдири илоҳийдан бўлган иш учун мени айбляпсизми?...

Одамнинг жавобидан, гуноҳ қилиб, уни тақдирга тўнкаб, ўзига таскин бериш маъноси келиб чиқмайди. Агар шундай бўлганида эди, саволу жавоб, амаллар, қасос, таъзир топиш, ҳадни билиш ва бошқаларнинг эшиги тақа-тақ ёпилган бўларди. Нажот топиш йўли бунда эмас. Чунки Аллоҳ таоло китоблар, пайғамбарлар воситасида бандаларига наҳий қилиши, қайтаришининг етиб

келиши рад қилиб бўлмайдиган ёрқин ҳужжатдир. Аллоҳ таоло фармонига бепарволик қилган унинг итобига гирифтор бўлади. Одам гуноҳ қилдилар, яъни Аллоҳ таоло ҳукмини ўрнига қўйиб бажармадилар ва бунинг оқибатида Жаннатдан ҳайдалдилар.

## ИБРОҲИМ ХАЛИЛУЛЛОҲ (А.С.)НИНГ ИБРАТОМУЗ ҲАЁТЛАРИ ДЕНГИЗИДАН БИР ҚАТРА

Мўътабар китобларда келтиришларича, Сора, яъни Иброҳим (а.с.)нинг завжалари ўз амакиларининг қизи эди. Ул ҳазрат Бобилдан Шом сари сафар қилган вақтда Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бу ерлар сендан кейин сенинг авлодингнинг макони бўлади, мазмунида ваҳий юборди. Бу хушхабарни эшитган Ҳазрат (а.с.) янада муносиб ибодатлар қила бошладилар. Тайман томонга сафар қилдилар. Бу ерда қаттиқ очарчилик ҳукм суларди. Бу ердан Миср сари йўл олиб, у ерда Фиръавндек золимга дуч келдилар.

Муҳтарам ўқувчиларимизнинг бу ибратомуз қиссадан яхши хабардор эканликларини эътиборга олиб, мухтасар баён қилинди.

Имом Бухорий (р.а.)нинг «Саҳиҳ»ларида Абу Ҳурайра (р.а.) дан ривоят қилиндики, Расули Акрам (с.а.в.) марҳамат қилиб дедилар:

«Иброҳим (а.с.) фақат учта ёлгондан бошқа ёлгонни айтган эмаслар. Биринчи дафъа, йигитлик даврида улар яшаган шаҳар аҳли, уларни ийдгоҳга (байрам ўтадиган махсус жой) таклиф қилишганда, мен хастаман, шунинг учун у ерга боролмайман, дедилар. Иккинчи дафъа, бутларни синдириб, болтани энг катта бутнинг қўлига осиб, бутларни ким синдирди, деб сўрашганда, бутларнинг каттаси уларни уриб синдиргандир деб айтдилар.

Учинчи дафъасида, Миср ҳукмдорига Сорани синглим бўлади, дедилар”.

Алқисса, Расули Акрам (с.а.в.) сўзларида давом этиб, Иброҳим (а.с.) бир манзилу маконга етиб борганларида (Миср бўлса ажаб эмас), у ерда золим ва қонхўр подшоҳ ҳукмронлик қиларди. Мамлакатига янги кириб келганларни сўроққа тутадиган одати бор эди. Ушбу одатига кўра, одамларини юбориб, Иброҳим (а.с.) дан Соранинг уларга ким бўлишини сўради. Сора хусну малоҳатда тенги йўқ гўзал аёл эдилар. Иброҳим (а.с.) подшоҳнинг ярамас одатидан, яъни гўзал аёлларни ўз ҳарамига олишидан хабардор эдилар. Подшоҳ ва одамларига Сорани синглим бўлади, деб жавоб бердилар. Подшоҳ Сорани ўз ҳузурига чақирди. Ҳазрат (а.с.) унга қариндошлик муносабатларимизни сўраса, синглиси бўламан деб айтгин, бу ёлгон бўлмайди, чунки диндорлик нуқтаи назаридан қариндошлар ҳисобланамиз. Мўмин мўминга биродар бўлади, дейдилар. Бу диёрда ул Ҳазрат ва унинг аёлидан бошқа мўмин йўқ эди. Сора подшоҳ олдига боришдан олдин таҳорат қилиб, ибодат қилди ва бу дуони ўқиди: «Эй бор Худоё, ўзингга маълумки сенга ва пайгамбарингга имон келтирганман, ўзимни покиза тутганман, эримнинг жуфти ҳалоли деб билганман. Парвардигоро, бу бадбахт кофирни менга қодир қилмагин! Подшоҳ уни кўргач, унга қўл узатмоқчи бўлган эди, кўз олди хиралашди ва тиззалари букилди. Сора буни кўриб, кўрқиб кетдилар ва Аллоҳ таолодан: «Парвардигоро, агар бу кофир ўлса, мендан домангир бўлишади, мени тухматга қолдирмагин», – деб илтижо қилдилар. У бадбахт золим ўзига келди ва Сорага эгалик қилиш ниятида яна қўл узатди. У покдоман аёл яна ибодат билан машгул бўлиб, юқоридаги дуони ўқидилар. Подшоҳ олдингидек яна ҳушидан кетиб, ерга йиқилди. Сора яна Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога илтижо қилиб, тухмат балосидан ҳимоя қилиниши тўғрисида муножот қилдилар. Учинчи

ва тўртинчи марталарда ҳам бу такрорлана берди. У Сорани қўлга кирита олмагач, атрофидагиларга айтди: «Менга шайтонни олиб келибсизлар, эгасига қайтаринг». Подшоҳ Сорани қайтариб, канизак Ҳожарани унга тортиқ қилди. Сора эрининг ҳузурига қайтиб: “Биласизми, Аллоҳ таоло у бадбахтни шарманда қилди ва бу аёлни хизматкор қилиб бизга берди”, – дедилар.

Қиссадан олинадиган панд шуки, комил таҳорат ва ихлос билан қилинган ибодат, фақат Яратган субҳонаҳу ва таолодан мадад сўраш мушкулларни осон қилади ва дучор бўлинадиган муаммолар тугунини ечади. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло тақводор бандасини севади, уни шарманда қилмайди ва зафарини ундан аямайди. Илоҳий лутф билан парда Иброҳим (а.с.)нинг кўзлари олдидан кўтарилди. Подшоҳ билан Сора ўртасида бўлган можарони кўриб, Сорадан бадгумон бўлмаслик учун шундай қилинди. Буларнинг барчаси Илоҳий ҳикмат бўлиб, Аллоҳ субҳонаҳу таборак ва таоло ҳамма нарсага қодирдир.

## ИСМОИЛ (А.С.) ИБРОҲИМ (А.С.) НИНГ БОШ ФАРЗАНДИ

Исмоил (а.с.)нинг таваллудлари бобида жуда кўп ривоятлар мавжуд бўлиб, уларда шундай дейилади:

“Иброҳим (а.с.) Байтул Муқаддасда йигирма йилга яқин вақт истиқомат қилдилар. Бир куни Сора: «Ё Иброҳим, Парвардигори олам мени фарзанд неъматидан бебахра қилганга ўхшайди, келинг, Ҳожарани никоҳингизга олинг, шояд, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло шу сабаб билан бизларга ҳам фарзанд неъматини насиб этса. Сора ўз хизматкорини эрига хотин қилиб берди. Аллоҳ марҳамати билан Ҳожара ҳомиладор бўлиб,

ҳомиладорлиги билан фахрланди ва Сора бундан хабардор бўлди. Ҳожаранинг фахрланиши Соранинг гашига тегди ва у Иброҳим (а.с.)га шикоят қилди. Ул Ҳазрат (а.с.): “Уни қандай истасанг, шундай жазолагин”, – дедилар. Ривоят қилинишича, жазо тариқасида Ҳожаранинг иккала қулогини тешдилар ва натижада унинг ҳусну малоҳати янада зиёда бўлди. Ҳозирги кунгача аёллар қулогини тешиб, зебу зийнат тақадилар. Бошқа бир ривоятда айтилишича, Ҳожара Соранинг жазо беришидан қўрқиб, қочган экан. Бир булоқнинг бошига борганда фаришта келиб, Аллоҳ таоло сенга бир яхши фарзанд ато этади, уйига қайтиб боргин ва боланг туғилгач, исмини Исмоил қўйгин, деган хушxabарни берди. Ҳожара бу хушxabарни эшитиб, даргоҳи Илоҳийга кўп шукроналар қилди. Ривоятларга кўра, Иброҳим (а.с.) бу вақтда саксон уч ёшда эканлар ва Исмоил (а.с.), Иброҳим(а.с.)нинг иккинчи ўғиллари Исҳоқ (а.с.)дан ўн уч ёш катта эканлар. Исмоил (а.с.)нинг таваллудларидан кейин Аллоҳ субҳонаху ва таоло Иброҳим (а.с.)га Сорадан ўғил дунёга келиши тўғрисида башорат қилинди. Ушбу хайрли хушxabарни эшитгач, Иброҳим (а.с.) муборак бошларини саждаи Илоҳийга қўйиб, Парвардигори оламга комиллик билан ибодат қилдилар. Бу фарзанд Исҳоқ (а.с.) эдилар ва Бани Исроил пайгамбарларининг барчаси Исҳоқ (а.с.)нинг фарзандларидандир.

Ҳазрати Исмоил кўз очиб дунёга келганларида Соранинг рашки яна баттарроқ жўш урди ва эридан Ҳожарани кўз олдидан узоқлаштиришни талаб этди. Ҳазрати Иброҳим (а.с.) Ҳожарани ва ўғлини ҳозирги Маккаи Мукаррама мавзесига олиб бордилар. Бу вақтда Исмоил (а.с.) ёш гўдак эди. Иброҳим (а.с.) Соранинг олдига қайтишга ҳозирлик кўраётганларида Ҳожара уларнинг этагидан тутиб деди:

– Қаерга кетяпсиз? Бизни ёлғиз ташлаб кетасизми? Биздаги бор нарсалар бизга кифоя қилмайди-ку?

Ҳожара ҳеч қандай жавоб олмагач, “Парвардигор шундай қилишингизни буюрдими?” – деб сўради.

Иброҳим Халилуллоҳ (а.с.):

– Ҳа, – деб жавоб бердилар.

Ҳожара бу жавобни эшитиб:

– Агар шундай бўлса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бизни ёлғиз ташлаб қўймайди, – деди ва эрини йўлга кузатди. Қисса узун эди, лекин шу ерда тўхтатдик.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло биз ожиз бандаларга ҳам сабр-қаноат неъматини зиёда қилиб, солиҳ фарзандларнинг муносиб ота-онаси бўлишимизни насибу рўз этсин.

## БАНДАНИНГ АМАЛ ДАФТАРИ УЧТА САВОБНИНГ ЁЗИЛИШИ УЧУН ДОИМ ОЧИҚ

Инсон вафотидан кейин номаи аъмоли (амаллар дафтари) ёпилади. Лекин ҳаёти дунёда Аллоҳ таоло розилиги йўлида қилган учта амалнинг савоби қиёмат кунигача банданинг номаи аъмолига ёзилиб бора беради. Ушбу учта амалнинг бири садақаи жория, иккинчиси ўлгандан кейин ҳам одамларга фойдаси тегадиган олимнинг илми, ота-онанинг орқасида қолган солиҳ фарзандлар дуо ва хайр-эҳсонлар билан унга савоб етказадилар.

Имом Суютий ўн битта хайрли амалнинг садақаи жория натижасида ҳосил бўлишини санаб ўтганлар. Булар – одамларга фойдаси тегадиган илм, хайр дуоси, дарахт экиб парваришладир. Куръонни мерос қилиб қолдириш, мусофирлар учун турадиган жой барпо қилиш, қудуқ қазиб,

сувидан одамларни баҳраманд этиш, ҳеч кими йўқ ғариб-бенаволар парваришланадиган манзил-макон, одамларнинг ибодат қилишлари учун масжид қуриш ёки унинг қурилишига кўмаклашиш, Қуръони каримни ўргатиш, келадиганлар ва кетадиганлар учун чегарада дам олиш масканини бунёд қилиш кабилар садақаи жория жумласидан ҳисобланади. Хулоса шуки, садақаи жорияга қўшиладиган амаллар жуда кўп, лекин юқорида айтилган учтаси жамланади ва уларнинг савоби майитга иншоаллоҳ етиб боради. Уларга муяссар бўлган инсон албатта бахтли инсондир. Банда вафотидан кейин ҳамма амаллари тўхтайди, дейдиганлар қаттиқ янглишадилар ва суннатга хилофдир.

Имом Нававий (р.а.) “Муслим” шарҳида келтиришича, дуодан ҳосил бўлган савоб ва унинг фойдаси, майитнинг номидан адо этилган садақанинг савоби майитга етиб боради. Бунинг ҳукмига уламолар иттифоқи мавжуддир.

Уламои кибор Хитобий айтадиларки, рўза, намоз ва буларга тааллуқли ибодатлар, яъни жасад бажарадиган ибодатнинг ўрнини ҳеч нарса босмайди. Бошқача қилиб айтганда, майитнинг номидан буларнинг адо этилиши фойда беради, деб умид қилиб бўлмайди. Масалан, майитнинг номидан Ҳаж қилинса, майит ҳожи бўлмайди, Ҳаж арконларини адо қилган шахс ҳожи ҳисобланади. Ҳар ҳолда фотиҳа умидидаги майитлар тирикларнинг хайрли амалидан бебаҳра қолмайди.

Мусо бин Исмоил Ҳаммоддан, у отасидан, унинг отаси Оиша (р.а.) онамиздан ривоят қилинган бир ҳадисда айтиладики, бир аёл келиб Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан сўради:

– Ё Расулаллоҳ, онам бетоб бўлиб, ўзидан кетиб беҳуш ётибди. Агар соғ-саломат бўлганида эди, Аллоҳ розилиги йўлида эҳсонлар



қиларди, садақалар берарди. Онам номидан садақа, эҳсон қилсам бўладими?

Расули Акрам (с.а.в.) дедилар:

– Ҳа, онанг номидан садақа қилсанг бўлади.

Бин Аббас (р.а.):

– Бир киши келиб, Расулуллоҳ (с.а.в.)га деди: «Ё Расулаллоҳ (с.а.в.) онам дунёдан ўтганлар, агар онам номидан эҳсонлар қилсам бирорта нафи онамга етиб борадими?» деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.):

– Ҳа, нафи тегади, – дедилар.

У киши деди:

– Иккита боғим бор, Сизнинг гувоҳлигингизда иккала боғимни онам номидан садақа қилдим.

Мунзарий (р.а.) айтадилар:

“Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Насоий (р.а.)ларнинг асарларида келтирилганки, савол қилувчи киши Саъд бин Убода эди. У иккита авжи ҳосил бериб турган боғини онаси номидан фуқароларга вақф қилиб берди ва Ҳазрат (с.а.в.) гувоҳлигида садақаи жорияга айлантирди.

Хулоса шуки, майит учун садақа бериш ва бу садақа савобидан унинг баҳраманд бўлиши тўғрисида кўплаб ҳадислар ривоят қилинган. Албатта ушбу ояти карима ҳам буни тасдиқлайди: “Лайса лил инсони илло мо саъо”. Садақаи жориялар ва солиҳ фарзандларнинг бунёд бўлишига албатта инсоннинг ўзи сабабчи бўлади ва ўздан кейин қолдирилишини Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло насиб этади. Яъни дунёда шунга саъй-ҳаракат қилгандир ва шунинг учун унинг савоби вафотидан кейин ҳам унга етишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

## РАСУЛУЛЛОҲ (С.А.В.)НИНГ БАЪЗИ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Ҳадис китобларида Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг мингдан ортиқ мўъжизалари мавжудлиги ҳақида ривоятлар қилинган, лекин уларнинг барчасини ёки маълум бир қисмини бу мўъжаз рисолага сиғдириш имконига эга эмасмиз. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло қодир қилганча улардан баъзиларини келтиришга ҳаракат қилдик. Шу билан бирга, Раҳмон авлиёси билан шайтон (алайҳил-лаъна) авлиёси ўртасидаги фарқни шарҳлашга уриниб кўрдик. Уларнинг зукко ўқувчилар завқу шавқига мақбул бўлишини Аллоҳ субҳонаҳу ва таолодан тилаб, баён қилинадиган ҳар бир мўъжизанинг ўзига хос пайдо бўлиши сабаби ва воқеликка эга эканлигини айтиб, уларни тафсилоти билан тасвирлашда ожиз бандалик сабаби билан саҳву хатога йўл қўйишдан ҳайиқдик. Энг аввало мўъжиза сўзининг маъно ва моҳиятига эътибор берайлик. Бирор сўзни айтишдан асосий мақсад, тушунтириш бўлса, ўқишдан мақсад билим олиш, маълумотга эга бўлишдир. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўз қудрати билан оламни яратди. Оламни яратишдан мақсад одам яратиш эди, одам яратишдан мақсад эса, ўзини танитиб, одамларга тўғри, ҳидоят йўлини кўрсатиш эди. Шунинг учун Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бир ривоятда айтилишича, бир юз йигирма тўрт минг, бошқа бир ривоятда эса, икки юз йигирма тўрт минг пайғамбарни инсонларга элчи қилиб юборган экан. Ҳамма яхши биладик, агар ҳукмдор бирор кишини хизматга юборса, хизматкорининг қўлига борадиган жойининг одамлари ишонадиган муҳрланган ҳужжат беради. Шунинг учун қудратли Парвардигори олам субҳонаҳу ва таоло томонидан юборилган пайғамбарларнинг барҳақ эканликларига ҳужжат қилиб турли мўъжизалар берган.

Агар пайгамбар одамлар олдига келиб: “Сизни қуёшни, ойни, ерни, юлдузларни яратган Худо томонидан унинг буюрганларини сизга етказиш учун элчи бўлиб келдим”, – деганларида, одамлар: “Бу айтганларингга ҳужжатинг қани?” – деб сўрасалар, далил, исбот ва ҳужжат бўлиши учун Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўз элчиларига мўъжизалар бергандир. Барча инсонлар отаси Одам (а.с.)дан бошлаб, неча юз минг пайгамбар ўтган бўлса, ҳаммаларига Худо томонидан берилган мўъжизалар бор. Лекин бизнинг пайгамбаримиз мўъжизалари бошқа пайгамбарларникига қараганда кўпроқдир.

Пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)га берилган мўъжизалар ичида энг улуг мўъжиза Қуръони каримдир. Унинг бешубҳа буюк мўъжизалиги тўғрисида жуда кўп китоблар ёзилган.

Расули Акрам (с.а.в.)нинг муҳим мўъжизаларидан яна бири Ойнинг иккига бўлинишидир. Макка мушрикларидан Волид бин Муғийра, Абу Жаҳл, Ос бин Волид ва бошқалар бир тўп бўлишиб, Расулulloҳ (с.а.в.) Ҳақ Пайгамбари эканликлари исботини талаб қилиб: “Эй Муҳаммад, агар биз сўрайдиган мўъжизани кўрсатсанг, шунда имон келтирамиз. Чиндан ҳам Аллоҳ юборган пайгамбар бўлсанг, устимизда турган ойни иккига бўл, ўшанда сўзингга ишонамиз”, – дейишди.

Шу кечаси ой ўн тўрт кунлик бўлиб тўлишган вақти эди. Расули Акрам (с.а.в.) дуо қилиб, Парвардигори оламдан илтижо билан сўрадилар ва муборак бармоқларини кўтариб ойга ишорат қилган эдилар, ой иккига бўлиниб, бир бўлаги жойида қолиб, иккинчи бўлаги Жаръа тоғининг тўғрисида келиб турди. Расулulloҳ (с.а.в.) бу мўъжизани уларга кўрсатиб: “Мана, Аллоҳ нимага қодир эканлигини кўринглар”, – дедилар. Улар имон неъматидан бенасиб бўлганликлари учун шундоқ

улуғ мўъжизани ҳам кўриб ҳам имон кетирмадилар. “Муҳаммад бизни сеҳрлади, кўз бойлади”, – дедилар. Улар орасидан бир киши туриб: “Атрофдан келадиган йўловчилардан сўраб кўрамиз, агар бизларни сеҳрлаган бўлса ҳам, уларни сеҳрлай олмайди”, – деди. Турли томондан келганлардан сўраганларида, улар: “Шу вақтда биз фалон жойда эдик, ҳақиқатан ҳам оининг иккига бўлинганини кўрган эдик”, – дедилар. Шунда ҳам улар тавфиққа келмадилар, аммо мўминларнинг имонлари янада зиёда бўлди. Бадбахт кишилар эса, бундай улуғ неъматдан заррачалик баҳра топмадилар.

**Иккинчи мўъжиза.** Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг муборақ қўлларида майда тошлар тасбеҳ айтганини саҳобалар бемалол эшитардилар. Бу воқеани бир неча машҳур ҳадис илми олимлари ўз китобларида келтирганлар. Улардан имом Байҳақий ва имом Табароний саҳобаи кибор Абу Зарр (р.а.)дан ривоят қилганлар. Абу Зарр (р.а.) дедилар: “Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.)ни хилватда топдим, ёлғиз ўтирган эдилар. Келиб салом бердим, жавоб берганларидан кейин:

- Эй, Абу Зарр, нима учун келдинг? – деб сўрадилар.
- Ё Расулуллоҳ, муҳаббатингиз тортиб келди, – дедим.
- Ўтир, – деб марҳамат қилдилар, ёнларига ўтирдим.

Кўп вақт ўтмай, Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) шошилгандек кириб келдилар ва салом бериб сўрашганларидан кейин:

- Эй Абу Бакр, сени ким келтирди? – дедилар.
- Ё Расулаллоҳ, сизнинг муҳаббатингиз, – дедилар.

– Ўтир, – деб уларга ишора қилдилар. Шундай қилиб, кетма-кет ҳазрати Умар, ҳазрати Усмон ҳам кириб келишди. Уларга ҳам шу саволни бердилар ва бизлардек жавоб қилдилар. Шундан кейин Расулуллоҳ (с.а.в.) қўл узатиб, ердан беш-олтита майда тошларни

олдилар. Панжаларини очишлари билан у майда тошлардан ари гўнгиллагандек садо чиқиб, тасбеҳ айтишарди ва уларнинг овозини атрофда ўтирган саҳобалар эшитардилар. Расулulloҳ (с.а.в.) тасбеҳ айтиб турган тошларни ерга қўйганларида, жим бўлиб қолишди. Тошларни ердан олиб Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) нинг қўлларига қўйганларида яна тасбеҳ айтишга киришди ва ерга қўйганларида тўхташар эди. Шу тартибда ҳазрати Умар, ҳазрати Усмон қўлларига қўйганларида тасбеҳ айтишар ва ерга қўйганларида тўхташар эди. Ўша куни ҳазрати Али (р.а.) йўқ эдилар. Расулulloҳ (с.а.в.) тошларни учовларидан бошқа саҳобаларнинг қўлига қўйганларида, улар тасбеҳ айтмади. Маълум бўладики, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳузурда Чор ёр (р.а.)ларнинг мартабалари бошқа саҳобаларга қараганда улугроқ экан.

**Учинчи мўъжиза.** Байтулмақдисдаги суффа тўғрисида Меърож кечасида кўрганларини хабар бердилар. Буни илгари ҳеч кўрмаган эдилар.

**Тўртинчи мўъжиза.** Расулulloҳ (с.а.в.)га берилган ҳамма мўъжизалар ичида энг улуғи Қуръони каримнинг Расули Акрам (с.а.в.)га нозил бўлишидир. Бунинг мўъжизалигини хоҳ олим бўлсин, хоҳ олим бўлмасин, бирозгина тафаккур қилса, албатта билиб олур. Маълумки, Пайғамбаримиз (с.а.в.) уммийдилар, яъни бирор мактаб мадрасада ўқимаганлар, қалам-дафтар ушламаганлар. Бирорта устоз олдида ўтириб, таълим олмаганлар. Мана шундай одамнинг қўлидан фасоҳат-балогатда энг олий сифатларга эга бўлган Қуръонни кўнглидан чиқазиб айтиши мумкинми? Уни қаердан олдилар? Бу Китоб шак-шубҳасиз Аллоҳ томонидан Пайғамбаримиз (с.а.в.)га берилган Каломи Раббонийдир. Аллоҳ субҳонаҳу таборак ва таолонинг амри билан Жаброил (а.с.) ўттиз пора Қуръонни 23 йил мобайнида Пайғамбаримизга (с.а.в.) келтириб тамомладилар.

Куръони карим 114 сурадан иборат бўлиб, бир ривоятда 6666 оят бор, дейилган. Шундан 1000 та оят “Амр” дир, яъни Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг мўмин бандаларга уларни бажаришга буюргандир. Яна 1000 оят “Наҳий” дир, яъни мўмин бандаларга қилманглар деб қайтарилган. “Амр” буюришдир, “Наҳий” эса қайтаришдир. Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг барча буюрган ишлари яхшиликдир ва қайтарган ишларининг барчаси зарарлидир. Демак, Аллоҳ таоло инсонларни яхшиликка йўллаб, ёмонликлардан қайтарган экан. Яна 1000 оят “Ваъда” дир, яъни бу оятларда Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло “Куръон”га амал қилган бандаларига ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам меҳрибонлик билан яхшиликлар берурман, деб ваъда бергандир. Яна 1000 оят “Ваъид” дир, яъни “Куръон”га амал қилмаган бандаларига ҳаётини дунёда ҳам, охиратда ҳам азоб берурман, деб қўрқитади. Яна 1000 оят илгари ўтган умматларнинг, пайғамбарларнинг тарихидир. Яъни қайси қавмга ким пайғамбар бўлиб келди, имон келтирган-келтирмаганларнинг аҳволи нима кечди? Пайғамбарларга эргашмаган, саркашлик қилган баъзи қавмлар бошига Худо тарафидан юборилган бало-офатлар ҳақида хабари келгандир. Уларнинг баъзилари тўфон сувида гарқ бўлди, баъзиларини газаб ели учирди, закот бермаган Қоруни мол-мулки билан ер ютди. Мусо (а.с.) билан Фиръавн, Иброҳим (а.с.) билан Намруд (алайҳилаъна) қиссаларини ва бундан бошқа тарихий воқеалар баён қилинди. Яна 1000 оят ибратомуз мисоллар, ҳикматли сўзлардан иборат. Қолган 500 оят ҳаром-ҳалолни ажратиш ҳукмлари ва 100 оят банданинг кеча-кундузда қандай дуо қилиши, Аллоҳ таолога зикр, тасбеҳ айтиш лозимлиги ҳақида келган. Қолган 66 оятни “мансуҳ” дейишган. Бунинг маъноси шуки, бу оятлар ҳукми вақтинча ўтган бўлган, вақти келганда ўрнига бошқа оятлар тушиб, илгариги оятнинг ҳукми тўхтатилган. Мана шундай оятлар “Мансуҳ” ояти дейилади.

Қуръон “Фотиҳа” сураси билан бошланади ва “Кул аъзузу би раббинноси” сураси билан тугайди. “Қуръон”нинг тузилиш тартиби “Лавҳул-маҳфуз”нинг тартибига тўғри келади. “Лавҳул-маҳфуз”даги “Қуръон” қудрат қалами билан шу тартибда ёзилгандир. Жаброил (а.с.) “Қуръон” оятларини “Лавҳул-маҳфуз” тартибига тўғрилаб, Расулуллоҳ (с.а.в.)га ўқиб бердилар. Улар саҳобаларга буюриб, ҳозирги кундаги “Қуръон” тартибида ёздирдилар. Пайгамбаримиз (с.а.в.) ҳаётлик даврларида “Қуръон” матни ёзилган бўлиб, саҳобалар уни ёд олган эдилар. “Қуръон”ни китоб шаклига келтириб, қоғозга ёзилиши Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) халифалик замонларида саҳобалар розилигида амалга оширилган эди. Ҳазрати Усмон (р.а.) халифликлари даврида “Қуръон” қироатида ихтилоф чиққандан кейин шу нусхадан тўрт нусха “Қуръон” ёздириб, ислом оламига тарқатилди. Шу “Қуръон”нинг бир нусхаси Ўзбекистон мусулмонлари идорасида сақланмоқда ва ҳозир ҳаммамиз ўқиб юрган “Қуръон” ҳазрати Усмон (р.а.) ёздирган “Қуръон”дан олингандир.

**Бешинчи мўъжиза.** Жобир бин Абдуллоҳ ривоят қиладиларки, Қурайшийлар бош бўлиб, Макка ва Мадина атрофидаги қабилалар бирлашиб, Абу Суфён қўмондонлигида ҳужум қилиш хабари Мадинага етиб келганидан кейин Расули Акрам (с.а.в.) Салмон Форсий маслаҳати билан уруш майдони атрофига ҳандақ қазишга буюрдилар. Бу ишга Расулуллоҳ (с.а.в.) бошчилигида саҳобалар тахминан бир ой машғул бўлдилар. Шу йили бирозгина қаҳатчилик ҳам бўлган эди.

Бир куни қарасам, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг очликлари муборак юзларидан билиниб турарди. Бисотимда саккиз қадоқ арпа уни ва битта улоғим бор эди. Хотинимга арпани ун қилишни буюрдим, улоқни сўйиб қозонга солдим-да, овқат пишгунча Ҳазрат (с.а.в.)

ни чақириб келмоқчи бўлдим. Хотиним ёлвориб: “Расулуллоҳ (с.а.в.) олдида мени уятга қўйманг, бу овқат етти-саккиз кишига етади, кўп одам чақирманг”, – деди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) олдиларига бориб: “Ё Расулаллоҳ, бир улоқни сўйиб, озгина арпа уни бор экан, фақат беш-олти кишига етадиган таом пишириб, сизни чақиргани келдим”.

Расулуллоҳ (с.а.в.) буни эшитиб: “Эй хандақ аҳли, Жобир сизларга овқат пиширибди, қани юринглар”, – бор овозлари билан чақирдилар. Ансор – муҳожирлар бош бўлиб, бутун халқ уйимга қараб йўл олдилар. Мен ҳаммадан олдин югуриб келиб, хотинимга дедим:

– Уятга қолдим, Расулуллоҳ ҳаммани бошлаб келдилар.

Хотиним буни эшитиб:

– Ваҳима қилманг, овқатимизнинг қанчалиги Аллоҳнинг Расули (с.а.в.)га аёнди, меҳрибон Аллоҳ бизни уятга қолдирмас”, – деди.

Шу вақт Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам етиб келиб, хамирга ва қайнаб турган қозонга қараб: “Эй бори Худоё, бу таомга барака ато қилгин”, – деб дуо қилдилар. Сўнгра ўнта-ўнта бўлиб ўлтиришни буюрдилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) овқатни ўзлари «Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм» деб бошладилар. Бутун халқ бир қозондаги овқатни еб, тўйиб тарқашди. Одамлар овқат еб кетгандан кейин қарасам, қозондаги ош боягидан камаймаган эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) Жобир (р.а.)нинг хотинига дедилар: “Бу овқатдан ўзинглар ҳам енглар, бошқаларга ҳам беринглар”. Ҳазрати Жобир (р.а.) қасам билан айтадиларки, Улуғ қудратли Аллоҳ номи билан қасамки, ўша кун келганлар минг кишидан ортиқроқ бўлиб, озгина таом ҳаммага етди ва ортиб ҳам қолган эди. (Бу ҳақда Умми Саламадан ривоят қилинади).



**Олтинчи мўъжиза.** Ҳайбар газотида идишдаги сув муборак панжалари орасидан оқиб, сероб бўлганлиги ва озаймаганлиги.

**Еттинчи мўъжиза.** Табук газотидаги 30 мингга яқин аскар озгина таомдан идишларини тўлдириб олганлари ва унинг ҳаммага етиб ортганлиги.

**Саккизинчи мўъжиза.** Ҳазрат (с.а.в.)нинг муборак панжалари қўйилган идишдан сувнинг фаввора бўлиб, тўхтамай оқиши бир неча марта такрорланган.

**Тўққизинчи мўъжиза.** Ҳудайбия газотида сувсизликдан аскарлар жуда қийнала бошладилар. Расулulloҳ (с.а.в.) намозга таҳорат олмоқчи бўлиб турганларида, ҳозирги косалардан каттароқ бир идишда сув бор эди, холос. Саҳобалар келиб: “Ё Расулаллоҳ, (с.а.в.) ҳамма аскарлар чанқоқликда қолди, ичишга ва таҳорат олишга шу олдингиздаги сувдан бошқа сув қолмаган”, – дедилар. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.) муборак қўлларини идишдаги сувга солган эдилар, бармоқлари орасидан сув булоқдек қайнаб чиқа бошлади. Ҳамма аскарлар от-уловлари билан сувдан ичиб, қондилар.

Ҳазрат Жобир (р.а.) айтадилар: “Бу қўшинда 1400 киши бор эди. Агар юз минг киши бўлганда ҳам сув етиб ортган бўларди.

**Унинчи мўъжиза.** Абдуллоҳ Абу Жобир бир яҳудийдан 30 васақ хурмо қарз олган эди. Қарз берган қарзнинг ҳаммасини бир йўла узишини талаб этди. Ҳазрат хурмо тўдасига ишора қилиб, уларни қарзи ўрнига қабул қилинишини таклиф қилдилар. У хурмоларни кам деб қабул қилмади. Расулulloҳ (с.а.в.) Жобирга хурмони тарозида тортиб, 30 васақ хурмо беришни амр қилдилар. Тарозида тортиб, қарз миқдори адо қилинган, хурмо тўпида яна 17 васақ хурмо қолган эди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Пайгамбарининг мўъжизалари кўп эдию, лекин бу ерда мухтасар қилинди.

## КАРОМАТ

Раҳмон авлиёсидан мўъжизага ўхшаш воқеа содир бўлса, у мўъжиза бўлмай, балки Раҳмон авлиёсининг кароматидир. Валий деб, барча ишларда Аллоҳнинг Пайғамбари (с.а.в.)га иқтидо қиладиган, эргашадиган шахсга айтилади. Яъни Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг барча буюрганларини мукамал бажо келтиради ва барча қайтарган ишларидан сақланади. Уларнинг каромати динга ҳужжат ёки мусулмонлар ҳожатини чиқаришда намоён бўлади. Шунини айтиш жоизки, авлиёларни васвасага солиб, йўлдан уриш учун шайтон (алайҳил-лаъна) доим ҳозир нозир бўлиб туради. Ўзини шайтон (алайҳил-лаъна)дан ҳимоя қила олган валийulloҳгина тўғри йўлни топган бўлади. Унинг каромати Раҳмоний каромат ҳисобланади. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг мўъжизаларидан кейин асҳоби киром ва тобеъинлар каромати кўп марталаб содир бўлгандир. Бу ерда келтирадиган каромат Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)га тааллуқли бўлиб, “Саҳиҳ”ларда келтирилган. Бир куни Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) учта меҳмонни уйларига олиб бордилар. Улар олдига таом қўйдилар. Ҳар бир луқмадан кейин идишдаги овқат яна кўпайиб қоларди. Меҳмонлар овқатга тўйдилар, лекин идишдаги овқат камайиб ўрнига яна зиёда бўлган эди. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) таомни Расулulloҳ (с.а.в.)нинг муборак хонадонларига олиб борганларида, у ердагилар ҳам овқатни еб тўйдилар.

Орзу-ҳавас қилган билан авлиёлик мартабасига эришилмайди, балки узоқ йиллар давомида риёзат чекиб, пири комил тарбиясини олган одамгина етишиши мумкин. Ҳар бир инсон ўз ҳаётини ислом дини белгиланган йўлдан адашмай ўтказмоғи даркор. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло дўстларини дўст ва душманларини душман деб билиши керак, чунки Аллоҳ таоло ўз дўстларини севади ва

Фиръавн, Ҳомон, Абу Жаҳл ва Абу Лаҳаб каби душманларига қаҳру ғазаб назари билан қарайди. Бу ақидани қалбига жойлаган, шунга амал қилган инсонни авлиё дейилса, хато бўлмайди. Комилликка эришган азиз-авлиёларнинг кароматлари тўғрисида халқ орасида кўплаб ривоятлар мавжуд. Мўътабар қадамлари шарофати билан диёримиз донгини рўйи заминда машҳури жаҳон этган пири муршидларнинг кароматлари ҳақида мақомотларда маълумотлар жуда кўп учрайди. Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳотул-унс мин ҳазаротул - қудс” (“Пок зотлар ҳузуридан эсан дўстлик хуш ислари”), Мир Алишер Навоийнинг “Насойимул-муҳаббат мин шамоимул футуват” (“Мардлик хуш исларининг севги шабадалари”), Бобурнинг “Бобурнома” ва бошқа асарларда Шайхул машойихларнинг кароматлари тафсилотини топиш мумкин.

Илоҳо, барча мўмин бандаларни бадкор нафс ҳароратидан ўз ҳифзу-ҳимоянгга олиб, ўзинг рози бўладиган йўлга раҳнамолик қилгин, яхшиликпеша ва солиҳ бандалар қаторида, бу исён доғи теккан, бошдан-оёқ нуқсонли бечора муаллифни, шу жумладан, мутаржимни ҳам шаръи шарифда собит қадамликда бўлишни насибу рўз этиб, бадкирдор нафсдан ҳимоянгга олиб, икки дунё фароғатига эриштиргин. Ё Раббил-олабийн.

## ШАЙТОН АЛАЙҲИЛ-ЛАЪНА НАЙРАНГЛАРИ

Расули Акрам (с.а.в.) замонларида Абдуллоҳ бин Сайёд исмли бир фолбиннинг овозаси халқ орасида тарқалаётган эди. Кирдикорлари шу даражага бориб етдики, саҳобалар Дажжолу лаъини шу бўлса керак, деб ўйлай бошладилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)га унинг бир оддий фолбиндан бошқа нарса эмаслиги аён бўлган эди.

Ҳар бир фолбинга шайтон (алайҳил-лаъна) ҳамроҳлик қилади ва баъзи гайб сирларидан уларга хабар бериб кўмаклашади. Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»лари ва бошқа мўътабар китобларда келтиришларича, Расули Акрам (с.а.в.) марҳамат қилиб айтадилар: «Малоикалар ер осмонига ҳам тушадилар ва осмон оламида бўлган ишларни ўзаро муҳокама қиладилар. Шайтонлар биринчи осмон яқинигача боришга қурби етади ва ушбу мунозаралардан узук-юлуқ хабардор бўлиб, ўз муштарийлари- фолбинларни хабардор қиладилар. Фолбину афсунгарлар шайтон (алайҳил-лаъна) етказган битта сўзнинг ёнига юзтани қўшиб, одамларга алжираб ташлайдилар. Юқорида айтилган шахс пайгамбарлик даъвосини қиларди ва шайтон (алайҳил-лаъна) унга ҳамроҳлик қилиб, унга кўмаклашарди. Баъзи гайб сирларидан уни огоҳ этарди. Одамлар унинг сафсаталарига ишона бошладилар. Яхшиямки, унинг хотини имон келтирган аёл бўлиб, мусулмонларни унинг куфридан ўз вақтида хабардор этди.

Ал-Ҳорис Димишқий исмли шахс ҳам Шом шаҳрида Абдул Малик бин Марвон ҳукмронлиги даврида пайгамбарлик даъвосини қилди. Уни занжирбанд қилганларида шайтонлари уни қутқаришар эди. Баъзи ашёларга қўл теккизганида ашёлар тасбеҳ айтишини, одамлар ва тўп-тўп отлиқларнинг ҳавода юрганини кўрсатиб, булар фаришталар деб айтарди. Аслида улар жин-ажиналар эди. Уни қўлга олиб, найза билан санчганларида таъсир қилмас эди. Абдул Малик бин Марвон, унга Бисмиллоҳ айтмасдан урилган зарбалар кор қилмаслигини айтиб, «Бисмиллаҳир Раҳманир Раҳийм» деб урилган зарбаларга дош беролмай ўлди.

Шайтон (алайҳил-лаъна) ўз кирдикорларини ниҳоятда усталик билан чиройли либосларга ўраб, кўз-кўз қилади. Агар «Оятал-курси» дуоси шайтон (алайҳил-лаъна)га қарши ўқилса, у ўзига эргашганларни ташлаб қочади. Ҳар бир мўмин банда таҳорат ва комил ихлос билан «Оятал-курси»ни ўқиса, шайтон (алайҳил-лаъна)нинг ҳийла-найрангию, фолбиннинг амали ва сеҳр-жодуси қор қилмайди, иншоаллоҳ. Агар инсон содир этадиган ғайриоддий амаллар ислом шариати доирасида бўлса, бу Раҳмон авлиёсининг кароматидир ва аксинча, шариатга мувофиқ бўлмаса, шайтон (алайҳил-лаъна) кирдикоридир. Ушбу мавзунинг тугамаслигини эътиборга олиб, мухтасар қилинди. Иншоаллоҳ, мўмин биродарларимиз Раҳмон авлиёсини шайтон (алайҳил-лаъна) дастёрларидан албатта ажрата оладилар ва Раҳмон авлиёсининг этагидан маҳкам тутиб, уларнинг тўғри йўлига эргашадилар. Маълум бўладики, Пайгамбарлар ва фаришталардан бошқа, ҳар бир инсоннинг юксак мартабага эришганидан қатъи назар, саҳву хатодан, журму гуноҳдан холи эмас экан. Шайтон (алайҳил-лаъна) муридлари ҳар қанча тиришмасинлар, Дажжол (алайҳил-лаъна) дан ошиб кетолмайдилар. У осмонга ёмғир ёғишни буюрганда, ёмғир ёғарди. Харобазорларга хазиначаларни намоён қилишни буюрганда, хазиначаларини чиқариб ташлар эдилар ва уларга қарамай, у Худонинг душманидир, Худо кофиридир.

Раҳмон авлиёси бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ғамгин бўлмайди ва ташвиш тортмайди, чунки Аллоҳ таолога таваккал қилиб, амру наҳийга бўйсунди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло вожиб этганларини бажариб, ўтмишдагиларга пайровлик қилиб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолога муқарраблик мартабасини ҳосил қилади.

Зукко ақл соҳибларидан махфий қолмасинки, ушбу китобни ҳадиси шарифдан таълиф этилган форс тилидаги китоблардан олиб, ўзбек тилини биладиган китобхонларга тушунарли бўлишига қурбимиз етганча ҳаракат қилинди ва муътабар китоблар номини ҳар бир бобда келтирилди. Аммо бундан мақсад ном чиқариш эмас, балки улар номини қадри баланд ўқувчиларга холис ният билан эслатишдан иборатдир. Бу муъжаз китобни қўлга олиб, назарлари тушгандан кейин хайр дуоси билан ёд этурлар.

*Илоҳо, гарқдурмиз баҳри исёнда,  
Умидвормиз дуо қулли ихвондан.*

## МУҲДАРИҶА

Сўз боши ўрнида.....	3
Расули Ақрам саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васалламга дуруд айтиш фазилати баёнида.....	6
Илм фазилати баёнида .....	18
Жамоат намози фазилати баёнида.....	22
Жума намозининг фазилати баёнида.....	31
Таҳажжуд (солиҳлар тунда қиладиган ибодат) намозининг фазилати.....	35
Рамазони шариф ойининг фазилати баёнида.....	39
Таровеҳ намозининг фазилати баёнида.....	48
Лайлатул-Қадр фазилати баёнида .....	50
Фитр (Рамазон) ҳайитининг фазилати баёнида.....	56
Шаввол ойи бошидаги олти кунининг фазилати баёнида.....	60
Зулҳижжа ойининг ашри (ўн кунлиги) фазилати баёнида .....	64
Курбонлик қилиш фазилати баёнида.....	67
Закот фазилати ва уни бермаслик азоби баёнида.....	71
Сахийликнинг фазилати ва бахилликнинг разолати баёнида.....	74
Тавозе (қамтарлик) фазилати ва такаббурликнинг мазаммати баёнида.....	77
Ражаб ойининг фазилати баёнида.....	80
Шаъбон ойининг фазилати баёнида.....	86
Барот кечасининг фазилати баёнида.....	89
Қуръон тиловати ва шаҳодат калимасини айтиш фазилати баёнида.....	93
Ихлос сурасининг фазилати баёнида .....	102
Дуо фазилати баёнида.....	107
Тавба фазилати баёнида.....	110
Садақа бериш фазилати баёнида .....	119
Эрининг хотини учун ва хотиннинг эри учун фазилати баёнида.....	124
Саодат(бахт)га эришиш ва бадбахтлик баёнида.....	130
Судхўрликнинг зарари баёнида.....	134
Салом бериш фазилати баёнида .....	135

Зино қилувчилар ва шаробхўрларнинг азобланиши ҳақида.....	140
Меҳмондўстликнинг фазилати баёнида.....	145
Ота-онанинг фарзанддаги ҳақлари баёнида.....	148
Ҳақ субҳонаҳу ва таоло жалла жалолухунинг зикри ва тавҳиди баёнида.....	154
Расулulloҳ (с.а.в.)нинг суннатларини эҳё (бардавом) этиш баёнида.....	159
Маълумларга ёрдам (мадад) кўрсатиш баёнида.....	162
Инсон фазилати баёнида.....	166
Жаҳаннам ўти баёнида.....	168
Жаннат ва унинг аҳллари сифати баёнида.....	172
Нафсининг аҳволи баёнида.....	176
Бунинг иккисидан парҳез қил ва иккисига эришгил.....	180
Уч нарсадан қоч ва уч нарсанинг эгаси бўлишга интил.....	184
Бу тўртдан баҳра олгину тўртдан бўлгин йироқ.....	198
Беш амалдан баҳраманд бўлгин ва бешидан ҳазар қилгин.....	211
Ушбу олти амал ижросини зарур билгин, олтитасидан ҳазар қилгин.....	217
Еттита амал савоб топишга ва бошқа еттитаси хароб бўлишга сабабдир.....	221
Саодатга элтувчи саккизта амал.....	225
Тўққизта хайрли амал.....	227
Ўнта манфаати беҳисоб амал ҳақида.....	229
Туя ҳимоя сўради.....	241
Ўлим тўшагидаги йигит.....	243
Пайғамбаримиз (с.а.в.)ни ўзга олам сайрига олиб борганлари.....	245
Холисанлиллоҳ ибодати – нажот топиш кафолати.....	246
У киши жаннат аҳлларидан бўлди.....	248
Илон аёлни уйдан ҳайдаб чиқарди ва унинг эрини ҳалок қилди.....	250
Осонликча дўзахта олиб борилмайди.....	252
Гуноҳларга иқроор бўлиш Аллоҳ раҳматига эришиш кафолатидир.....	256
Тавбага юз тутган эди.....	257
Солиҳ фарзанд инсоннинг энг яхши нишонасидир.....	259
Шундай айтишингни билардим.....	263
Ҳазрати Довуд (а.с.) ҳовли-жойи эшигига қулф соларди.....	264
Уч гўдақдан бошқа ҳеч ким бешиқда сўзлаган эмас.....	266



Тўрт илоҳий китобнинг нозил бўлиши.....	268
Амал ниятга мувофиқ бўлади.....	269
Яъжуж ва Маъжужлар тоифаси.....	270
Анас (р.а.) Ҳажжожидан қўрқмас эдилар.....	272
Афв этиш ва кечирининг ажру савоби чексиздир.....	274
«Ё Расулаллоҳ, менга панду насиҳат қилинг!».....	276
Хамр ва имон бир қалбга сигмайди.....	278
Етимлар бошига соябон бўлгин.....	279
Тасбеҳ намози ёки гуноҳларга каффорат бўладиган ибодат.....	281
Шайтон ҳам таомга муҳтождир.....	284
Ғам-ғуссани қалбдан кетказди.....	286
Савдогарлар учун зарурдир.....	288
Агар савдогар.....	289
Инсон тили бошига етади.....	290
Мусо (а.с.)нинг Одам (а.с.) билан мусоҳабалари.....	293
Иброҳим Халилуллоҳ (а.с.)нинг ибратомуз ҳаётлари денгизидан бир қатра.....	295
Исмоил (а.с.) Иброҳим (а.с.)нинг бош фарзанди.....	297
Банданинг амал дафтари учта савобнинг ёзилиши учун доим очиқ.....	299
Расулulloҳ (с.а.в.)нинг баъзи мўъжизалари.....	302
Каромат.....	310
Шайтон алайҳил-лаъна найранглари.....	311

5000 сўми

Муҳаммад Салим ибн Муҳаммад Раҳим Бухорий

**ДУРРАТУЛ-ВАЪИЗИЙН**  
**[ВОЪИЗЛАР СОЧГАН ДУРДОНА**  
**НАСИҲАТЛАР]**

«Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2013

Ношир: **О. Раҳимов**  
Муҳаррир: **Б. Эралиев**  
Мусаҳҳих: **У. Инсонбоева**  
Саҳифаловчи: **З. Улуғбекова**  
Муқова дизайни: **К. Фатхулла**

Босишга 2013 йил 12 июнда рухсат этилди.  
Бичими 60×84 ¼в. Шартли б.т. 18,37. Нашр т. 18,38.  
Адади 4000 нусха. Буюртма № 43.  
Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа  
бирлашмаси босмаҳонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.